



A. Zeynep

**А. П. ЧЕХОВ**

*eeeeee*  
**ТАНЛАНГАН  
АСАРЛАР**  
*ooooo*





# ҲИКОЯЛАР





## ҚИШЛОҚ ЛУҚМОНЛАРИ

Қишлоқ касалхонаси. Эргалаб.

Доктор становой блан овга кетгани учун касалларни Кузьма Егоров ва Глеб Глебич деган фельдшерлар қабул қилмоқда эди. Касаллар ўттизтача бор. Кузьма Егоров уларнинг рўйхатдан ўтишини кутиб кабинетда кофэ ичиб ўтирипти. Туғилгандан буён юз-қўлига сув, сочига тароқ тегмаган Глеб Глебич бўлса катта столга кўкрагини бериб, куйиб-пишиб касалларни ёзмоқда. Рўйхат статистика учунгина олинади. Унда касалларнинг оти, отасининг оти, фамилияси, қаерлик, қайси табақадан, ёши, саводи борми-йўқлиги ҳақида ёзилиб, қабул тамом бўлганидан кейин касалнинг нима экаициги ва берилган дорининг номи ёзиб қўйилади.

— Шунақа ҳам расво перо бўладими!— деб аччиғланди Глеб Глебич катта китобга ўхшаган дафтарнинг майда варақаларига аломат ҳарфларни ёзатуриб.— Шу ҳам сиёҳми? Худди қора мой-а! Бу земствога ҳайронман, касаллар рўйхати олинсин деб буйруқ берадию, сиёҳ олиш учун йилига атиги эллик тийин пул чиқаради.— Берироқ кел!— деб бақиради у.

Юз-кўзини ўраган бир мужик блан «ҳофиз» Михайло унга яқинроқ келади.

— Отинг нима?

— Иван Микулов.

— А, нима дединг? Русча гапир!

— Иван Микулов!

— Иван Микулов! Сендан сўраётганим йўқ. Нарироқ тур! Сен! Отинг нима?

Михайлов кулимсираб:

— Нима, ўзинг билмайсанми?— дейди.

— Нега куласан? Жин урганми буни! Вақт танг, ўзим шошиб турибман-ку, бу ҳазил қилади! Отинг нима?

— Ўзинг билмайсанми? Лақиллаб қолдингми, нима бало!

— Биламан, лекин сўрашим керак, чунки анкетада шу савол бор... Биз унақа бўлмаймиз... Сизга ўхшаган ётиб ичадиган одатимиз йўқ... Отинг нима? Отангинг оти-чи?

— Ўзинг билгандан кейин айтишимнинг нима ҳожати бор? Беш йилдан бери билган одам, олтинчи йилга келиб эсингдан чиқариб қўйдингми?

— Эсимдан чиқарганим йўқ, лекин анкетада шунақа! Тушунаяпсанми? Ё рус тилини билмайсанми? Анкета шунақа деяпман-ку.

— Анкетанг шунақа бўлса қуриб кетсин! Ёз! Михайло Федотич Измученко...

— Измученко эмас, Измученков.

— Ҳа майли Измученков бўлақолсин... Билганингни ёз... Ишқилиб тузатсанг бас... Бир бало Иванович десанг ҳам бўлаверади... Менга барибир.

— Қайси табақадан?

— Ҳофиз.

— Ёшинг нечада?

— Қим билади дейсан, бешик тўйимга борган эмасман, билмайман.

— Қирққа боргандирсан?

— Балки боргандирман, балки бормагандирман... Билганингда ёзавер.

Глеб Глебич бироз Михайлога қараб тургандан кейин 37 деб ёзиб қўйди. Сўнг бироз ўйлашиб турди-да, уни ўчириб 41 деб тузатиб қўйди.

— Саводинг борми?

— Ийе, бутхонада ҳофизлик қилувчининг ҳам саводи бўлмайдими? Миянги жойидами ўзи!

— Одамларнинг олдида менга бақирмасдан, сизлаб гапирмоғинг лозим, яна ким бор? Кимсан? Отинг нима?

— Микифор Пугалов, ҳауловоликман.

— Хаплоголикларни қарамаймиз! Яна ким бор?

— Худо хайрингизни берсин... Жаноби олийлари, йигирма чақиримдан пиёда келдим.

— Хаплоголикларни қарамаймиз! Нарироқ тури! Яна ким бор? Томоки чекма!

— Мен чекаётганим йўқ, Глеб Глебич!

— Қўлингдаги нима?

— Буми, бармоғимни боғлаб қўйибман Глеб Глебич.

— Папирос эмасми? Хапловликларни қарамаймиз. Яна ким!..

Глеб Глебич касалларни ёзишни тамомлади. Кузьма Егоров кофэни ичиб бўлгач, қабул бошланди. Глеб Глебич дори-дармон тайёрлаш учун аптекага кетди. Иккинчиси эса касал кўриш учун клеёнкадан қилинган фартукни тутиб олди ва:

— Марья Запласина,— деб чақирди ҳалиги катта китобга қараб.

— Шу ердан, тақсир!

Кабинетга тақдирнинг раҳмсиз зарбаларидан қадди букилган ва бужмайиб қолган кичкинагина кампир кириб, чўқинди ва луқмонга ҳурмат сақлаб салом берди.

— Хим... Эшикни ёп!.. Қаеринг оғрийдими?

— Бошим, тақсир.

— Хўш... Ҳаммасими ё бир ёғими?

— Ҳаммаси, тақсир... Ҳаммаси!

— Бошингни бунча ўрама... Бу латтангни еч. Бош деганни салқин тутиш керак, оёқни иссиқ, гавда ўртача бўлсин... Қорнинг ҳам оғрийдими?

— Оғрийдими, тақсир...

— Қани, бармоғинг блан пастки қовоғингни оч-чи! Яхши, бос. Қонинг камайиб кетинти... Томизиб ичадиган дори бераман... Ун томчидан уч маҳал — эрталаб, тўнда ҳам кечқурун ичасан.

Кузьма Егоров ўтириб рецепт ёзабошлади.

«Rp. Liquor ferr<sup>1</sup> 3 гр. деразада турганидан, токчадагисини Иван Яковлевич мен йўғимда очманглар деб кетган. Ун томчидан кунда уч маҳал. Марья Запласинага берилсин».

Кампир томчини нимага томизиб ичишни сўради-да, га'зим қилиб чиқиб кетди. Кузьма Егоров рецептни деворни тешиб қилинган туйнукчадан аптекага ташлади ва навбат кутиб ўтирган касаллардан бирини чақирди:

— Тимофей Стукотей!

— Лаббай!

Кабинетга новча ва ориқ, боши катта, узоқдан қараганда худди боши болдоқли ҳассага ўхшаб кўринадиган Стукотей кирди.

— Қаеринг оғрийдими?

---

<sup>1</sup> Темир эритмаси

- Юрак касалим бор, Кузьма Егорич.
- Қайси ерингда?
- Стукотей кўкрагининг тагини кўрсатади.
- Хўш... Қачондан бери?
- Ҳайитдан буён... Ҳали буёққа пиёда келатуриб худди ўн марта дам олдим... Дам эгим увишади, Кузьма Егорич... дам алангаю оташ бўлиб ёнаман, Кузьма Егорич.
- Ҳим... Яна қаеринг оғрийди?
- Тўғриси айтсам, Кузьма Егорич, оғримаган жойим йўқ. Сиз фақат юрагимгагина дори берсангиз бўлди, бошқасини қўяберинг... Қолганини хотинлар даволашар... Сиз менга спиртга ўхшаш бирон нарса берсангизу, юрагимни чангаллашини қолдирса. Шу бир нарса думалаб-думалаб тиқилиб келаберади, кейин шундай чангалдайди, асти қўйинг. Худди мана шу жойга, шундай тутганда орқам, белларим қақшаб кетади... Бошимни кўтараолмайман, худди гош осиб қўйгандай... Унинг устига йўтал.
- Иштаҳанг борми?
- Ҳеч, худо сақласин...
- Кузьма Егоров Стукотейнинг қорнини очиб, муштуми блан ошқозонини босиб кўради.
- Шундоқ қилса оғрийдими?
- Вой... вой... оғрийди!
- Бундоқ қилсамчи?
- Вой... ўламан!!
- Кузьма Егоров унга бирнеча савол беради ва бироз ўйлаб, сўнг Глеб Глебични ёрдамга чақиради. Маслаҳат бошланади.
- Тилингни чиқар!— дейди касалга Глеб Глебич.
- Касал оғзини катта очиб тилини чиқаради.
- Яна кўпроқ чиқар.
- Бундан ортиқ чиқариб бўлмайди, Глеб Глебич.
- Бу дунёда қилиб бўлмайдиган иш йўқ.
- Глеб Глебич бирқанча вақт касалга қараб, ниманидир қаттиқ ўйлаб тургандан кейин, елкаларини қисиб қўядида, чурқ этмай чиқиб кетади ва аптекадан туриб:
- Ошқозон касали бўлса керак!— деб қичқиради.
- Бўлмаса унга olei ricini<sup>1</sup> ammonii edustici<sup>2</sup> бериб юборинг,— деди Кузьма Егоров,— эрталаб ва кечқурун қорнига сурсин!.. Қани, кимнинг навбати!

<sup>1</sup> Касторка ёғи.

<sup>2</sup> Нашатир спирт.



Касал қабулхонадан чиқиб коридор бўйлаб аптеканинг деразасига боради. Глеб Глебич чоракам бир стакан сургини Стукотейга узатди, Стукотей зўрға ичиб лабларини ялади ва кўзини чирт юмиб бармоқларини бир-бирига ишқаб қўл чўзди; устидан еб юборишга бирор нарса сўрайди.

— Бу спирт,— деб ўшқирди Глеб Глебич, шишада нашатирний спирт узатар экан,— эрталаб ва кечқурун мовут латга блан қорнингга сурасан... Идишни қайтариб юбор! Буерга суялманглар! Нарироқ тур!

Григорий ҳазратларининг оқсочи Пелагея, рўмолининг учи блан оғзини бекитиб, дарча ёнига иржайиб келган эди, Глеб Глебич унга:

— Хўш, хизмат?— деди.

— Лизавета Григорьевна сизга салом айтдилар. Глеб Глебич, озроқ нордон дорингиздан бериб юборишингизни сўрадилар.

— Жоним блан... Ундай нозанинлардан нимани аярдим.

Глеб Глебич токчадаги банкада турган нордон дорини олиб, ярмини Пелагеянинг рўмолига солиб берди.

— Борганингизда у кишига айтинг: Глеб Глебичнинг ниҳоятда вақтлари чоғ бўлди, жуда хурсанд бўлдилар, денг. Мактубимни олдиларми?

— Олдилар-ку, йиртиб ташладилар. Лизавета Григорьевна унақанги муҳаббат ишларига аралашмайдилар.

— Хўп сатанг хотин-да! Бориб шунақа денг.

— Михайло Измученков,— деб чақирди Кузьма Егоров. Қабулхонага «ҳофиз» Михайло кириб келди.

— Михайло Федотич, эштайлик, қаерингиз оғрийди, қадрдоним!

— Томоғим, Кузьма Егорич! Ҳузурларига келганманки, рухсатингиз блан айтсам, менинг бу томоқ оғригим жон койитишдан ҳам кўра ҳам ёнга зиён бўлаётипти. Касаллик орқасида ҳофизлик қилолмаяпман, бошлигимиз пешин намозига тушган пулдан қирқ тийин ушлаб қолаётир, кеча намозгарга тушган пулдан ярим сўм олиб қолди. Жанобнинг уйида бўлган жанозада саловат айтучиларга уч сўм берилган эди, касаллигим туфайли менга бир тийин ҳам тегмади. Рухсатингиз блан айтсам, томоғим хусусида арз қилсам шуки, томоғим қирилиб, хириллаб қолаяпман, худди ҳалқумимда бир мушук ўтириб тирнаётгандай бўлаётипти.

— Қўл қовуштирмасдан бўлар эканми... Наинки...— деди ориқ яна ҳам қўнишиб,— жанобларининг назари марҳаматлари!.. Гўёки оби ҳаёт... Бу жаноби олийлари, ўғлим Нафанаил... хотиним Луиза, лютеран, бир даража...

Семиз унга қарши нимадир демоқчи эди, унинг юзидаги ортиқ даражада бўлган мути'лик, хоксорлик аломатлари энсасини қотириб юборди. У ўгирилиб, хайрлашгани қўл узатди.

Ориқ бутун вужуди блан та'зим қилиб хайрлашди ва хитойдай ҳи-ҳилади. Хотин илжайди. Нафанаил тавози' блан қадам ташлайман, деб шапкасини қўлидан тушириб юборди. Уччови ҳам ўзида йўқ хурсанд эди.

1883.

## ЧИҚДИ

Тушки овқатни еб бўлишди. Қоринлар тўйиб, димоғлар чоғ; эснаб, ширин уйқу босиб, кўзлар биё-биё. Эр сизгара чекди, керишди ва кушеткага ўзини ташлади. Хотин унинг бош томонига ўтириб, мушукка ўхшаб хуриллади. Эр-хотин бахтиёр эди.

— Гапирсанг-чи, — деди эр эснаб.

— Нима деяйин? Ҳм... Ҳа, айтгандай! Эшитдингми? София Окуркова ҳалиги... оти нима эди-я... Фон-Трамбга тегипти! Буни қара-я!

— Тегса, тегипти-да, нима қипти?

— Трамб разил одам-ку, ахир! Шундай ҳам ярамас... Шундай ҳам виждонсиз одамки! Бунақа тутруқсиз, бетамиз махлуқ дорига ҳам топилмайди. Ахлоқини ҳам асти қўявер! Графнинг иш бошқаручиси эди, шунинг орқасида кўп дун'ё ортдирди, энди темир йўлда ишлаб, ўғирлик қилади... Синглисини фораг қилди. Қисқаси кўп ярамас ва ўғри... Шунақа одамга тегадими киши?! Шу блан умр қиладими киши?! Хайронман! Шундай бинойи қиз бўлса-ю... Шунақа қилиб ўтирса-я! Бунақа махлуққа ўлсам ҳам тегмас эдим! Миллионер бўлса ҳам барибир тегмас эдим! Дун'ёда якка-ю ягона чиройли бўлса ҳам афтига туфлар эдим. Тоқатим борми разил эрга!

Хотин ирғиб ўрнидан турди ва қипқизарган, газабланган ҳолда уйда нари-бери юрди. Унинг кўзлари газабдан ёнар, сўзлари самимий эканлиги очиқ кўриниб турар эди...

— Бу Трамб шунақа махлуқ. Шунақа одамларга тегадиган хотинлар ўлардай аҳмоқ, ўлардай расво хотинлар!

— Ҳм!.. Сен, албатта тегмас эдинг... Ҳм... Бордию мен ҳам шунақа разил одам бўлсам-чи? Нима қилар эдинг?

— Менми? Сендан чиқар эдим. Бир секунд ҳам сен блан умр қилмас эдим? Мен фақат пок кишини яхши кўраоламан, холос. Агар Трамб қилган ишларнинг юздан бирини қилганингни билиб қолсам, борми... Тамом!

— Ҳм... Ҳали шунақаман дегин... Мен билмаган эканман. Ҳа-ҳа-ҳа... Бақрайиб туриб ёлғон гапирди-я.

— Мен умримда ёлғон гапирган эмасман? Қани, разиллик қилиб кўр-чи, нима қилар эканман!

— Нима ҳожати бор? Ўзинг биласан... Мен ўша сенинг Фон-Трамбингни бир чўқишда қочираман!.. Трамбни менга қараганда кисавур деса бўлади. Нега кўзингни лўқ қиласан? Ажаб... (Пауза). Мен неча пул ойлик оламан?

— Бир йилда уч минг сўм.

— Бундан бир ҳафта бурун олиб берганим марварид неча пулга келди? Икки минг.. Шундай эмасми? Кеча олиб берган кўйлагим беш юз... Дача икки минг... Ҳа-ҳа-ҳа... Кеча отахонинг бир мингни ўмариб кетди...

— Ахир, Пьер, бошқа даромадлар ҳам...

— Отлар... шахсий доктор... Машиначиларнинг сўтла-ри. Бундан уч кун бурун юз сўмни ўзинг картага бой бердинг...

Эр бошини кўтарди, чаккасига муштини тираб, бутун бошлиқ, бир айбнома ўқиб берди; ёзув столининг ёнига бориб бирнеча далил ва ҳужжатлар кўрсатди.

— Мана, кўрдингми, жоним, сенинг фон-Трамбинг менинг олдимда чакана ўғри, кисавур! Минба'д биров тўғрисида бунақа дема!

Мен ҳикояни тамом қилдим. Эҳтимол китобхон:

— Хотин чиқдими?— деб сўрар.

— Ҳа, чиқди. Лекин эридан эмас, нариги уйга чиқди.

## ҚАЙНАНА — АДВОКАТ

Бу иш бир кун эрталаб Мишель Пузирёвнинг Лиза Мамунинага уйланганига роса бир ой бўлгач рўй берди. Мишель эрталабки қаҳвани ичиб, ишига кетмоқчи бўлиб, шляпасини қидириб кўз югуртираётган чоғда, унинг кабинетига қайванаси кириб келди.

— Сизнинг беш минутгина вақтингизни оламан, Мишель,— деди, қайнана.— Қовоғингизни солманг, дўстим... Биламан, куёвлар қайнаналар блан гаплашишни ёмон кўришади. Лекин, биз бир-биримизни англаймиз, шекилли, Мишель. Биз қайнана-ю куёв эмас, ақлли одамлармиз... Гапимиз-гапимизга тўғри келади... Шундай-ку, а?

Қайнана ва куёв диванга ўтиришди.

— Хизматингизга тайёрман, она!

— Сиз ақлли одамсиз, Мишель, жуда ақлсиз; мен ҳам... бефаҳм эмасман... Бир-биримизни яхши тушунармиз деб ўйлайман... Мен кўпдан бери сиз блан сўзлашмоқчи бўлиб юрган эдим, ўғлим. Бутун... бутун муқаддас нарсалар ҳақи, ростини айтинг, қизимни нима қилмоқчисиз?

Куёв бақрайиб қолди.

— Мен, биласизми, розиман... Майли! Нега рози бўлмас эканман! Илм яхши нарса, адабиётдан хабарсиз қолиш ярамайди... Ше'рият-да! Уни тушунаман! Хотин киши ўқиган бўлиши яхши. Менинг ўзим ҳам шундай тарбия кўрганман, биламан... Лекин фариштам, бунчалик ҳаддан оширишнинг нима ҳожати бор?

— Масалан? Мен унча тушунолмай турибман...

— Мен, сизнинг Лизамга қилаётган муомалангизни тушунмайман! Сиз унга уйландингиз; лекин у сизнинг хотинингизми, умр йўлдошингизми? У — сизнинг қурбонингиз! Илм, ҳалиги китоблар, турли назариялар... Буларнинг

ҳаммаси жуда яхши нарсалар, лекин дўстим, сиз шуни ҳам ёдингиздан чиқармангки, у менинг қизим бўлади! Мен бундай ишга йўл қўймайман! У менинг жони-танним ахир! Сиз уни ўлдираяпсиз! Қаранг, тўй бўлганига бир ой бўлмасдан озиб, чўпдай бўлиб қолди-я! Эртадан кечгача китобга тикилиб ўтиради, бема'ни журналларни ўқийди! Қандайдир қоғозларни кўчириб ёзади! Ахир шу хотинларнинг ишими? Сиз уни ҳечқача олиб бормаёсиз, мундоқ ўйнаб-кулсин демайёсиз-а! Одамга қўшилмайди, танцаларга бормаёди! Шундай ҳам бўладими! Ҳали бирон марта балга боргани йўқ-а, бирон марта!

— Бирон марта бормаган бўлса, ўзи хоҳламаган. Унинг ўзи блан сўзлашиб кўрингчи... Балларингиз, танцаларингиз ҳақидаги фикрни биласиз-қўясиз. Йўқ, онажон! Сизларнинг такасалтанглигингизни у хушламайди! Агар у эртадан кечгача китобга тикилса ёки иш устида ўтирса ишонинг, бунинг учун ҳечким унинг мулоҳазасига ҳалал бераётгани йўқ... Мен уни шунинг учун яхши кўраман-да... Шунинг учун ҳурмат блан қуллуқ қиламан ва илтимос қиламан, минба'д бизнинг орамизга тушманг. Агар бирор нарса айтиш керак бўлса, Лизанинг ўзи ҳам айтади...

— Шундайми? Сиз ҳали унинг кўнгилянглик килаётганини, дами ичида эканини билмас экансиз-да? Муҳаббат унинг тилини боғлаб қўйган! Мен бўлмасам, сиз унга бўйинтуруқ кийгазардингиз, афандим! Ҳа! Сиз раҳмсиз, золимсиз! Марҳамат қилиб, бугундан бошлаб бу хулқингизни ўзгартиринг!

— Ҳеч ўзгартмайман!

— Шундайми? Кераги ҳам йўқ! Ихтиёрингиз! Лиза айтмаса сиз блан сўзлашиб ҳам ўтирмасдим! Ушанга ичим ачийди! Уша, сен гапириб кўр, деб ялинганидан келудим!

— Йўқ, энди буниси ёлғон!.. Бўлмаган гап... Бўйингизга олиб қўяқолинг...

— Ёлғон? Ундай бўлса, мана кўрчи тошбағир!

Қайнана сакраб турди, эшикнинг бандили юлқиб тортиди. Эшик очилиб кетди ва Мишель ўзининг Лизасини кўрди. У остонада қўлларини ушлаб, пиқ-пиқ йиглаб турганди. Унинг чиройлик чеҳрасини кўз ёшлари тутиб кетганди. Мишель ирғиб туриб, унинг ёнига борди-да:

— Эшитдингми? Қани тушунтир бўлмас, онанг қизининг ким эканини билиб қўйсин!— деди.

— Онам... Онам... тўғри айтадилар,— деди Лиза ўпкасини тутолмай.— Мен бу турмушга тоқат қилолмайман... Сиқилиб кетдим...

— Ҳмм... Ҳали шундақами? Қизиқ... Хўш нега бу тўғрида мен блан ўзинг гаплашмадинг?

— Ўзим... Ўзимми... Аччиғинг келади деб...

— Ахир ўзинг доимо бекорчиликка қарши муҳокама юритар эдинг-ку! Сени мулоҳазанг учунгина яхши кўраман: атрофимдаги одамларнинг ҳаётидан безорман деган эдинг-ку? Мен ҳам сени шунинг учун яхши кўрган эдим-да! Тўйгача сен бема'ни, оворагарчилик блан кечириладиган ҳаётдан нафратланардинг, ёмон кўрардинг-ку! Нега бирданига бундай ўзгариб қолдинг?

— У вақтларда, айтсам мени олмайсан, деб кўрққан эдим... Жоним Мишель! Бугун Мария Петровнаникига балга борайлик.— Лиза ўзини эрининг қучоғига ташлади.

— Мана кўрдингизми! Энди ишонгандирсиз!— деб қайнана керилганича кабинетдан чиқиб кетди...

— Эҳ, аҳмоқ!— деди, Мишель инграб.

— Ким аҳмоқ?— деди Лиза.

— Янглишган одам!..

## ҚИЙШИҚ ОЙНА

(Байрам ҳикояси)

Хотиним блан иккимиз меҳмонхонага кирдик. Уердан моғор ва зах ҳиди келарди. Бутун аср давомида бир марта ҳам чироқ ёқилмаган меҳмонхона деворларига шам ёқиб қараган эдик, миллион-миллион каламуш ва сичқонлар ҳарёққа қочиб кетди. Эшикни ёпганимизда ташқаридан кирган шамол бурчак-бурчакда тахланиб ётган қоғозларни шитирлатди. Шам ёруғи шу қоғозларга тушди, қоғозлар қадим замондан қолган ёзувлар ва ўрта асрда чизилган расмлардан иборат экан. Кўмкўк кўкариб кетган деворларда ота-боболаримизнинг расмлари осиглиқ эди. Ота-боболаримиз бизга қовоқларини солиб, кибр блан қарар ва худди:

— Сени бир яхшилаб савалаб қўйиш керак эди-я, оғайни!— демоқчи бўлгандай эди.

Биз босган ҳар қадамимиз бутун уй ичида акс садо янгратар эди. Менинг йўталишим натижасида эшитилган акс садо ота-боболаримиз замонида ҳам худди шундай эшитилган бўлса керак, деб ўйлаб қўйдим...

Шамол эса увиллар, инграр эди. Тош мўрида аллаким йиғлагандай, унинг йиғисида умидсизлик оҳанглари эшитилгандай бўларди. Катта-катта ёмғир томчилари ис босиб кетган хира дераза ойналарига келиб урар, бу эса, кишининг юрагини сиқиб юборар эди.

— Э, ота-боболарим!— дедим, ма'ноли узоқ уҳ тортиб.— Агар мен адиб бўлганимда, шу расмларга қараб туриб, битта катта роман ёзар эдим. Ахир, шу кексаларнинг ҳар бири бир вақтлар ёш бўлган, ҳар бирининг



Ўзига яраша саргузаштлари бўлган... Бўлганда ҳам қандай саргузаштлар! Ҳов анови кампирга бир қара! У менинг катта бувим бўлади. Бу бадбашара, хунук аёлнинг таърифи ниҳоятда ажойибдир. Ҳов анови бурчакдаги осиглик ойнани кўрдингми?— деб сўрадим хотинимдан.

Мен хотинимга, бир бурчакда, катта бувим расми ёнида осиглик турган гардиши қора бронзадан ишланган катта ойнани кўрсатдим.

— Уша сеҳргар ойна, катта бувим ўша туфайли ўлиб кетган. Шу ойнани у жуда катта пулга сотиб олган ва то ўлгунича ундан ҳеч ажралмаган экан. Кечаси ҳам, кундузи ҳам, ҳатто еган ва ичган чоғларида ҳам шу ойнага қараб ўтирар экан. Ётганида ҳам ойнани ўзи блан олиб ётар экан, жон бераётганда, ойнани мен блан бирга кўминглар деган экан. Ойна тобутга сизмаганидан, катта бувимнинг амри бажарилмай қолган.

— Катта бувинг сатангмиди?— деб сўради хотиним.

— Балки. Аммо унинг бундан бошқа ойнаси йўқ эканми? Нега энди у бошқа ойнани эмас, шу ойнани яхши кўриб қолдийкин? Унинг бундан ҳам яхшироқ ойналари йўқ эди, деб ўйлайсанми? Йўқ, азизим, бунинг тагида бирон даҳшатли сир бўлса керак. Сир бўлмасдан иложи йўқ. Ривоятларга кўра, бу ойнанинг ичида жин бормиш, катта бувим эса жинлардан қўрқар экан дейишади. Албатта, бу қуруқ ва бўлмағур гап, аммо бронза гардишли ойнанинг қандайдир сирга эга эканлиги аниқ.

Ойна юзини қоплаган чангни артиб ташладим-да, қарадим, қарадим, хахолаб кулиб юбордим. Бутун уй ичини кулгимнинг акс садоси босиб кетди. Ойна — қийшиқ ойна экан, бутун афти-башарам ҳар томонга қийшайиб, талтайиб кетди: бурним чап юзимга ўтиб қолган, энгаҳим эса иккига бўлиниб, икки томонга тиртайиб кетган эди.

— Катта бувимнинг дидига тушунолмамай қолдим-ку, — дедим.

Хотиним ҳам қўрқа-пуса ойна олдига келиб қарадио, фалокат босди! Юзи оппоқ оқариб, бутун азойи-бадани дир-дир титрайбошлади, бирдан чинқириб юборди. Қўлидаги шамдон ерга тушиб, думалаб кетди, шам ўчиб қолди. Қопқоронғи зимистонликда қолдик. Шу топда бир нарса ерга гурсиллаб тушди: хотиним ҳушидан кетиб йиқилган эди.

Шамол илгаригидан баттароқ увилларди, уй ичида каламушлар югурабошлади, сичқонлар эса қоғозларни шитирлатарди. Бир деразанинг дарпардаси узилиб, пастга тарақлаб тушган эди, тепа сочим тикка бўлиб кетди. Деразадан ой мўралаб турарди.

Хотинимни кўтардим-да, ота-боболарим уйдан олиб қиқиб кетдим. Хотиним фақат эртаси куни кечқурун ўзига келди.

— Ойна! Ойнани келтиринглар!— деди у, ҳушига келиши бланоқ.— Ойна қане?

Бир ҳафтагача емади, ичмади, кечалари ҳам ухламай чиқди: нуқул ўша ойнани келтиринглар, деяверди. Сочларини юлар, ҳўнг-ҳўнг йиғлар, ўзини ҳар ёнга ташлаб талпинар эди, ахир доктор очидан ўлиб қолади, аҳволи оғир дегандан кейин мен, қўрқувни зўрга енгиб, пастга тушдим-да, катта бувимнинг ойнасини келтирдим. Ойнани кўриши бланоқ хотиним бахтиёрликдан кулиб юборди ва ойнани бир ўпиб, сўнгра ўзини ойнага солди.

Шундан бери ўн йилча ўтди, хотиним ҳамон ойнадан кўзини узмайди.

— Наҳот шу мен бўлсам-а?— деб шивирлайди; унинг юзига қизил югуриб, роҳат ва шодлик акс этарди.— Ҳа, мен, худди мен ўзим! Ҳамма мени алдаб юрган экан, ёлғиз шу ойна ҳақиқатни билдирди! Ҳамма мени алдаб келган, эрим ҳам шу маҳалгача ёлғон гапириб келган! Эҳ, агар мен ўзимнинг бунақалигимни билганимда сраям бу одамга тегмаган бўлардим! У менинг жимжилоғимга ҳам арзимайди! Менинг оёғимга энг чиройлик, энг олижаноб баҳодирлар тиз чўкиши керак!..

Бир куни хотинимнинг орқасида турган эдим, бирдан кўзим ойнага тушиб қолди, шу ондаёқ даҳшатли сир менга ҳам аён бўлди. Ойнада ниҳоятда гўзал бир хотинни кўрдим, бунақанги чиройлик хотинни умримда кўрмаган эдим. Бу — хотин эмас, табиат му'жизаси, гўзаллик, нафислик ва ишқ сиймоси эди. Ажабо, не ҳол бу? Қандай ҳодиса юз берди? Нега менинг хунук, бесўнақай хотиним ойнада ниҳоятда кўхлик бўлиб кўринади? Нега?

Шунинг учунки, қийшиқ ойна хотинимнинг бадбуруш афтини ҳар томонга қийшайтириб, унинг бутун қиёфасини ўзгартириб, тасодифан гўзал қилиб юборганди. Минус минусга қўшилиб, плюс бўлди!

Шундан бери хотиним иккимиз ойнадан кўзимизни узмай қараганимиз қараган: менинг бурним чап юзимнинг

аллақасерига ўтиб қолган, энгаҳим эса иккига ажралиб, икки томонга тиртайиб кетган; аммо хотинимнинг чехраси ниҳоятда гўзал бўлиб кўринади: буни кўриб, бутун вужудимни зўр эҳтирос чулғайди.

— Ҳа-ҳа-ҳа!— деб куламан, худди телба одамга ўхшаб.

Хотиним эса тинмай:

— Нақадар гўзалман!— дейди, шивирлаб.

## ШОДЛИК

Кечаси соат ўн иккилар эди.

Митя Кулдаров ниҳоятда ҳаяжонланган бир ҳолда ота-онасиникига ҳовлиқиб кириб қолди-да, уйма-уй югура-бошлади. Отаси блан онаси уйқуга ётмоқчи бўлиб туришган, синглиси кўрпага кириб, ўқиётган романи туширай деб қолган, гимназияда ўқучи укалари ухлаб қолган эди.

— Ҳа, қаерда эдинг?— дейишди ота блан она ҳайрон қолиб.— Сенга нима бўлди ўзи?

— Эҳ, асти сўраманглар! Мен ҳеч ҳам бундай бўлар деб ўйламаган эдим! Йўқ, сра ақлимга келмаган эди! Бу... бу етти ухлаб тушимга кирмаган эди.

Митя хахолаб кулди-да, бахтиёрликдан мадори қочган одам сингари, ўзини креслога ташлади.

— Йўга, одам боласи ишонмайди бунга! Сизларга ай-тиб берсам ишонмайсизлар ҳам! Мана, ўзларинг бир қаранглар!

Синглиси кроватдан лип этиб тушди-да, кўрпа ёпниб, акасининг олдига келди. Гимназист укалари ҳам уйғонди.

— Сенга бир нима бўлдими ўзи? Рангинг мунча оппоқ оқариб кетган?

— Суюнганимдан, ойи, суюнганимдан! Ахир, мени энди бутун Россия биледи, ҳазил гап эмас бу! Бутун Россия-я! Шу маҳалгача дун'ёда Дмитрий Кулдаров деган коллегия регистратори борлигини фақат сизлар билардингизлар, эндиликда мени бутун Россия биледи, бутун Россия! Ойижон! Оҳ, тангрим!

Митя жойидан ирғиб турди-да, уйларни бир айланиб чиқиб, яна келиб ўтирди.

— Ҳа нима бўлди ўзи? Одамларга ўхшаб гапирсангчи ахир!

— Сизлар худди ёввойи одамларга ўхшаб яшайсизлар, газета ўқимайсизлар, ёзилганларга эътибор бермайсизлар, газеталарда шунақанги ажойиб хабарлар босиладики, асти қўяверларинг! Бирон воқиа рўй бердими, бўлди, дарров ҳаммага аён, газетадан ҳечнарсани яшириб бўлмайди. Ҳозир бутун дунёда мендан бахтиёр одам йўқ! Оҳ, танграм! Ахир, шу маҳалгача фақат машҳур ва маълум одамларни газеталарга ёзишар эди, энди мени ҳам газетага ёзишипти!

— А, нима? Қани?

Отасининг ранги оқариб кетди. Онаси бурчакдаги бутга қараб, бир чўқиниб олди. Гимназист укалари ўринларидан ирғиб туриб акалари олдига кўйлакчан келишди.

— Ҳа-да! Мени газетага ёзишган! Энди мени бутун Россия танийдиган бўлди! Ойи, бу газетани эсдалик учун беркитиб қўйинг. Кейин ўқиб юрамиз. Мана, қаранглар!

Митя чўнтагидан газета чиқариб отасига узатди-да, кўк қалам блан чизиб қўйилган жойни бармоғи блан кўрсатди.

— Ўқинглар!

Отаси кўзига ойнак тақди.

— Тезроқ ўқийқолсангизчи!

Онаси яна бурчакдаги санамга қаради-да, яна чўқинди. Отаси томоғини қириб ўқийбошлади:

«29 декабрь кечқурун соат ўн бирда коллегия регистратори Дмитрий Кулдаров...

— Ана, кўрдингизми? Уёғини ўқинг!

...коллегия регистратори Дмитрий Кулдаров Маля Бронная кўчасидаги Козихин деганнинг уйида жойлашган қовоқхонадан чиқатуриб, маст ҳолда...

— Семён Петрович блан ичишган эдик... Барисини ёзган-а, зиғирча ҳам қолдирмаган! Уёғини ўқинг, уёғини!

...маст ҳолда тийғониб кетиб, Юхнов уезди, Дуркино қишлоқлик Иван Дротов деган деҳқон чанасининг оти тагига йиқилган. От ҳуркиб кетиб, Кулдаровнинг устидан сакраб ўтган-да, Москвали иккинчи даража савдогар Степан Луков тушган чанани унинг устидан судраб ўтиб, кўчадан чоптириб кетган, отни қоровуллар ушлаб қолишган. Ҳушидан кетган Кулдаров полиция маҳкамасига элтиб қўйилди ва доктор кўригидан ўтказилди. Зарба елкасига келиб теккан экан...

— Шоти елкамга келиб урганди! Уёғини ўқинг!

...аммо унча шикаст емаган. Рўй берган ҳодиса ҳақида протокол ёзилди. От тагида қолганга тиббий ёрдам кўрсатилди»...

— Елкангга латта ҳўллаб бос дейишди. Ана, ўқидингизми? А? Мана, биз шунақа одам бўламиз! Энди бутун Россияга доврўгим кетди! Буёққа беринг газетани!

Митя газетани тортиб олди-да, икки буклаб чўнтагига солди.

— Ҳозир Макаровларникига бориб, уларга ҳам кўрсатаман... Иваницкийларга ҳам кўрсатиш керак, Наталия Ивановнага ҳам, Анисим Васильевичга ҳам кўрсатиш керак... Мен кетдим, хайр!

Митя кокардия қадалган фуражкасини бошига қўндирди-да, севинган ва гердайган ҳолда, уйдан югуриб чиқиб кетди.

1883.

## САРТАРОШХОНАДА

Тонг пайти. Ҳали соат етти ҳам бўлмаган, аммо Макар Кузьмич Блесткиннинг сартарошхонаси очиқ. Сартарош йигирма учларга кирган, юз-қўллари кир, устивоши ислиқи, аммо олифта кийинган йигит — сартарошхонани йиғиштирмоқда. Йиғиштирадиган нарса ҳам йўқ-ку, шундай бўлса ҳам, сартарош терлаб пишиб кетган. Сартарошхонанинг ба'зи ерини латта блан артади, ба'зи еридаги кирни тирноғи блан тирнаб кўчиради, деворнинг бир ерида қандала кўриб қолса, латта блан уриб туширади.

Сартарошхонанинг ичи тор, энсиз, ифлос. Ёғоч деворларга рангбаранг қоғозлар ёпиштирилган, бу қоғозлар худди ямшикнинг терлаб, айниб кетган кўйлагига ўхшайди. Ойналари хира, тер босган икки кичик дераза ўртасида юпқа ва қийшиқ, ғижирлайдиган эшикча, эшикча тепасида захликдан кўкариб кетган қўнғироқча; қўнғироқча ҳечким тегмаса ҳам жиринглайверади. Деворлардан бирига осилган ойнага бир қаранг: башарангиз ўзидан ўзи қийшайиб ҳарёнга тиртайиб кетади. Шў ойна олдида соч-соқол олинади. Макар Кузьмичнинг ўзига ўхшаган кир ва ёғ босиб кетган столи устида ҳар нарса топилади, бунда тароқ, қайчи, устара, сочни ялтиратадиган бир тийинлик моҳ, яна бир тийинлик упа, бир талай сув қўшилган атир ва бошқа бало-баттарлар териб қўйилган. Аслини суриштирганда, бутун устахонанинг ўзи ҳам беш мирига арзимайди.

Эшик тепасидаги қўнғироқ жиринглайди, сартарошхонага пўстин ва пийма кийган қарироқ бир киши кириди; унинг боши, бўйни хотинларнинг шол рўмоли блан ўралган.

Бу киши Эраст Иванович Ягодов, Макар Кузьмичнинг отахони<sup>1</sup>. Бир вақтлар Эраст Иванович консерваторияда қоровуллик қиларди, энди Красний пруд ёнидан жой олиб, слесарьлик қилади.

— Макарушка, яхшимисан, кўзим,— деди Эраст Иванович сартарошхонани йиғиштириш блан овора бўлган Макар Кузьмичга.

Улар ўпишиб кўришадилар. Ягодов бошидан рўмолини ечиб чўқинади, кейин ўтиради.

— Йўлни айтмайсанми, йўлни! Бай-бай-бай! Бир узоқки, асти кўявер!— дейди, йўтала-йўтала.— Красний пруддан Калуга дарвозасига етиб келиш ҳазил гапми?

— Тинч-омонмисизлар?

— Бироз мазам йўқроқ, ука. Иситма бўлиб ётдим.

— Йўғе, худо сақласин! Иситма!

— Ҳа, иситма. Бир ой ётдим, нари бориб, бери келдим. Улишимга сал қолди. Энди сочим тўкилаяпти. Доктор сочингни олдириб ташла дейди. Янги ўсган соч бақувват бўлади дейди. Уйлаб-уйлаб Макарга бориб келақолай дедим. Бегонанинг олдига боргандан кўра ўзимникига борай дедим. Сочни ҳам бошлаб олиб кўяди, пул ҳам олмайдди дедим. Узоқликка узоқ-ку, аммо узоқ бўлса нима қипти? Сайр қилганим қолади.

— Марҳамат, бажонудил! Қани, буёққа ўтиринг!

Макар Кузьмич икки товонини бир-бирига уриштириб, курсига таклиф қилади. Ягодов курсига ўтириб, ойнага қарайди, ойнада афтини кўриб, хурсанд бўлиб кетади: лаблари худди қалмоқ лабига ўхшар, бурни эса тўмтоқ ва япалоқ бўлиб қолган, кўзлари пешонасига чиқиб кетган эди. Макар Кузьмич усти сапсарик доғ босиб кетган оқ чойшабни мижозининг елкасига ёзиб, қайчини чиқирлата-бошлади.

— Топтоза қилиб қирсам дейман!— дейди у.

— Топтоза қилиб қиравер! Худди татарнинг бошига, тарвузга ўхшасин. Соч қалин ўсади.

— Холам тинч-омонмилар!

— Ёмон эмас, юрипти. Қайси куни майорнинг хотини туққан эди, бориб доялик қилди. Бир сўм ишлаб келди.

— Ҳа-ҳа. Бир сўм денг. Қулоғингизни ушлаб туринг.

---

<sup>1</sup> Илгари христианларда болага от қўйиш маросимида отанининг қариндош-уруғи ёхуд ошна-оғайниларидан эр-хотин ота-он ва онахон бўларди.



— Минлаб турибман... Кесиб олма, эҳтиёт бўл. Вой, вақт-вақтга оғритма-де. Сочимни юлиб олаяпсан.

— Зарари йўқ. Бизнинг ишда бусиз бўлмайди. Анна Эрастовна қалайлар?

— Қизимизми? Ёмон эмас, ўйнаб-кулиб юрипти. Утган кунда, сешанба кун, Шейкинга унашдик. Нега бормадинг?

Қайчининг чиқирлаши бирдан тўхтади. Макар Кузьмичнинг иккала қўли пастга осилиб тушади.

— Кимни унашдик дедингиз?— деб сўрайди, юраги ҳовлиқиб.

— Аннани-да, кимни бўларди!

— Бу қандоғ бўлди? Кимга унашдингиз?

— Прокофий Петрович Шейкин деган одамга. Холаси Златоуст кўчасида бир бойникида хизматчи экан. Жуда яхши аёл. Ҳаммамизга ёқди, ҳаммамиз хурсандмиз, худога шукур. Бир ҳафтадан кейин тўй, боргин, ўйнаб келасан.

— Ийе, буниси қандоғ бўлди, Эраст Иванович?— дейди, ранги оқариб кетган, ажабланган Макар Кузьмич ва кифтини учиради.— Буниси қандоғ бўлди? Йў-ўқ, бундай бўлиши сра мумкин эмас. Ахир, Анна Эрастовна... ахир, мен... менинг у кишига муҳаббатим бор эди... менинг ниятим бор эди ахир... Бу қандоғ бўлди энди?

— Шундоқ бўлди-да, қандоғ бўларди! Унашдик, қўйдик. Ёмон одам эмас.

Макар Кузьмичнинг юзидан совуқ тер чиқиб кетди. Қайчини стол устига қўяди-да, мушти блан зўр бериб бурнини ишқалайди.

— Ахир, менинг ниятим бор эди...— дейди у,— бунинг сра бўлиши мумкин эмас, Эраст Иванович! Мен... мен Анна Эрастовнани яхши кўраман, чин юракдан таклиф этганман... Холам ҳам рози бўлган эдилар. Мен сизни ўз отамдай ҳурмат қилардим... ҳамиша сочингизни текинга олиб келганман. Мендан сра ёмонлик кўрганингиз йўқ, отам ўлганларида ҳам бизнинг диванни ва ўн сўм пулимизни олган эдингиз, ҳалигача бермай юрибсиз. Эсингиздами?

— Нега эсимда бўлмасин? Эсимда! Аммо, ўзинг айт: сен ҳам куёв бўлаоласанми, Макар? Куёвлик ниманг бор? На пулинг бор, на номинг; касбинг ҳам бир пулга арзимайди...

— Шейкин бадавлат эканми?

— Шейкин артельда ишлайди. Бир ярим минг сўм пулини кўнайсин деб ижарага бериб қўйипти. Бўйини

ҳам ўйлагинде, ука! Энди бўлар иш бўлди, Макарушка. Бошқа қиз қидирасан энди ўзингга, Макарушка. Қиз қуриб кетган йўқдир... Ҳа, олмайсанми сочни! Нега туриб қолдинг?

Макар Кузьмич индамай қаққайиб тураверади, кейин чўнтагидан дастрўмол олиб, йиғлайди.

— Ке, ука, қўй, йиғлама!— деб овунтиради уни Эраст Иванич.— Қўй, йиғлама! Хотинларга ўхшаб йиғлаш уят бўлади! Олдин сочимни олиб бўл, кейин қанча йиғласанг майли. Ол қайчингни!

Макар Кузьмич қўлига қайчини олиб бир он қайчига тикилиб қарайди, кейин қайчи қўлидан тушиб кетади, қўллари дир-дир титрайди.

— Йўқ, ололмайман!— дейди у.— Ҳозир ҳеч ололмайман, мадорим йўқ! Мен бечора, шўрпешона эканман! У ҳам шўрпешона экан! Бир-биримизни яхши кўриб келган бўлсак, бир-биримизга ва'далашган бўлсаг-у, иккимизни бир-биримиздан жудо қилибсиз, бераҳм одам экансиз, юрагингиз тош экан. Кетинг, Эраст Иванич! Сизни кўра-га кўзим йўқ!

— Бўлмаса эртага келарман, Макарушка. Қолганини эртага олиб қўярсан.

— Майли.

— Унгача ўзингни босиб ол, мен эртага барвақтроқ келаман.

Эраст Иванич сочининг ярми олинганидан худди сургун қилинган жинойтчига ўхшайди. Бундай калла блан юриш ярамайди, аммо на чора? Бошини ва бўйинини шол-рўмол блан ўрайди-да, сартарошхонадан чиқади. Макар Кузьмич ёлғиз ўзи қолиб, ўз ҳолича секин-секин йиғлаб ўтиради.

Эртаси куни эрталаб яна Эраст Иванич келади.

— Хизмат?— деб сўрайди Макар Кузьмич, совуққина қилиб.

— Қолганини ҳам олиб қўй, Макарушка. Сочимнинг ярми қолган эди.

— Пулини олдин чўзиб қўясиз. Текинга соч олинмайди.

Эраст Иванич гинг демасдан чиқиб кетади, ҳанузгача сочларининг ярми калта, ярми узун. Пул бериб олдирай деса пулни кўзи қиймайди, шунинг учун бошининг қирилган томонидан соч ўзи ўсиб чиқишини кутади, тўйни ҳам шу аҳволда ўтказди.

## БУХГАЛТЕР ЁРДАМЧИСИНИНГ ҚУНДАЛИК ДАФТАРИДАН

*1863 йил, 11 май.* Бизнинг олтмиш ёшга кирган бухгалтеримиз Глоткин йўталдан қутилиш учун сутга коньяк қўшиб ичиб, энди иситмалаб ўласи бўлиб ётганмиш. Докторларнинг му'табар фикрларига кўра, эртага ўлармиш. Ҳа, ахир менинг ҳам бухгалтер бўлар куним бор экан-а! Унинг жойини менга берамиз деб ва'да қилганларига анча бўлган.

Бир аризачи, котиб Қлешчѐвни бюрократ деганида Қлешчѐв уни тутиб олиб урган эди. Энди уни судга беришса керак. Бу масала ҳал бўлганга ўхшайди.

Ме'да оғриғидан гиёҳ дори ичдим.

*1865 йил, 3 август.* Бухгалтер Глоткиннинг яна кўкрак оғриғи бошланипти. Йўтали тутиб, сутга коньяк қўшиб ичаяпти. Улса, унинг жойи, албатта, меники бўлади. Умидворимизу, аммо умид рўёбга чиқадими, йўқми, негаки, иситмадан ҳамма ҳам ўлавермаса керак, деб ўйлайман.

Қлешчѐв бир арманининг қўлидан векселини олиб, йиртиб ташлади. Иши судга тушса керак.

Бир кампир (Гурьевна) кеча менга сенинг касалинг ме'да касали эмас, бовосил деб айтди. Шундай бўлса ҳам ажаб эмас!

*1867 йил, 30 июнь.* Газеталарда ёзишларига қараганда, Арабистонда вабо эмиш. Россияга ҳам келиб қолса, жуда кўп мансаб бўшаб қолар эди. Чол Глоткин ўлгур ўлсайди, унинг жойини мен олардим. Жуда жони қаттиқ экан, бу ла'натининг! Бунча узоқ яшаш, менимча ҳатто айб бўлса керак!

Ме'дам оғрийди, нима ичсам экан? Исириқни қайнатиб ичиб кўрайми?

*1870 йил, 2 январь.* Глоткиннийг қўрасида кечаси блан ит улиб чиқди. Менинг кухаркам Пелагея ит улиса эгаси, албатта, ўлади дейди, кечаси соат иккигача мен бухгалтер бўлганимдан кейин, албатта, почапўстин ва шлафрок олишимдан гапиришиб ўтирдик. Уйлансам ҳам эҳтимол. Албатта, қизга уйланмайман, негаки, ёшим ўтиб қолган, уйлансам — бевага уйланаман.

Кеча К्लешчѐв клубда одамларга беодоб латифалар айтиб бергани ва савдо депутацияси а'зоси Понюховнинг ватанпарварлигидан кулгани учун, клубдан ҳайдаб чиқарилипти. Одамларнинг айтишича, Понюхов К्लешчѐвни судга тортармиш.

Ме'дамини Боткинга кўрсатмоқчиман. Яхши боқади дейишади...

*1878 йил, 4 июнь.* Ветлянкада вабо бошланипти. Газетада ёзишларича, одамлар тутдек тўкилаётган эмиш. Шу муносабат блан Глоткин перцовка<sup>1</sup> ичаётган эмиш. Бундай чолга перцовка кор қилармиди! Агар вабо буерга бостириб келса менинг бухгалтер бўлишим муқаррар.

*1883 йил, 4 июнь.* Глоткин ўсал ётипти. Унга доим ўлим тилаганим учун олдига бориб, кўз ёши тўкиб, афв сўрадим. У ҳам кўз ёши қилиб, олижаноблик блан гуноҳимни кечди; ме'да касалига чўчқа ёнғоқни эзиб, қайна-тиб ичишни маслаҳат берди.

Клешчѐвнинг яна судга тушишига оз қолди: ижарага олган фортепьянони бир яхудига гаровга қўйган экан. Шуларга қарамасдан унга Станислав ордени ҳам тегди, коллегия ассессори мартабасига ҳам кўтарилди. Бу дун'ёнинг ишларига ақлинг ҳайрон қолади-да! Тавба!

2 мисқол исиріқ, 1½ мисқол сассиқалаф уруғи, 1 мисқол ўтқир арақ, 5 мисқол узоқ қариндошнинг қони; ҳаммасини аралаштириб бир шиша араққа қўшиш ва ме'да касалига ҳар куни наҳорга бир рюмкадан ичиш керак экан.

*Уша йилнинг 7 июни.* Кеча Глоткинни кўмдик. Эвоҳ! Бу бечора чолнинг ўлиmidан менга заррача фойда бўлмади. Кечалари тушимга кириб чиқади: оқ кафан кийиб, нуқул мени имлайди. Оҳ шўрпешонам! Бухгалтерликка мени эмас, Чаликовни қўйишди. Бу жой менга эмас, мендан анча ёш бир йигитга тегди, унинг холаси генералнинг хотини экан-да. Бутун орзу-ҳавасларим пучга чиқди!

<sup>1</sup> *Перцовка* — арақнинг қалампир қўшилган бир хили.

1886 йил, 10 июнь. Чаликовнинг хотини ташлаб кетипти. Бечорани ҳам босиб юрипти. Қайғу-аламдан ўзини ўш қлдирса ҳам ажаб эмас. Агар ўзини-ўзи ўлдирса — меини оухгалтер бўлишим аниқ. Ҳамма ҳам шундай дейди. Демак, умид ҳали пучга чиқмаган, бу дунёда яшаса бўлади, почапўстин ҳам қўлимга кирди ҳисоб, албатта. Уйланиш масаласига келганда, бунга қаршилигим йўқ. Найти келганда нега уйланиш мумкин эмас? Мумкин, аммо олдин бирон кимса блан маслаҳатлашиб кўриш керак, чунки уйланиш жиддий иш.

Клешчѐв махфий советник Лирманснинг калошини алиштириб кийиб кетипти. Ана можарою!

Швейцар Пайсий ме'да касалига симоб ичишни маслаҳат берди. Ичиб кўрайчи.

1883.

## ЛАТТА

Яқинда мен болаларимнинг мураббияси Юлия Васильевнага ҳақини бериш учун кабинетимга чақирдим.

— Утиринг, Юлия Васильевна!— дедим. — Сизга пул керак бўлса ҳам, соддадиллигингиздан ўзингиз сўрагани уяласиз.. қани, ўзаро ҳисоблашиб чиқайликчи. Биз сизнинг маошингизни ҳар ойга ўттиз сўмдан гаплашган эдик..

— Қирқ сўмдан...

— Йўқ, ўттиз сўмдан... Менда ёзилган... Мен мураббияларга ҳамавақт ўттиз сўмдан тўлаб келганман. Хў-ўш, сиз бизда икки ой турдингиз...

— Икки ой-у, беш кун...

— Менда ёзилган. Роса икки ой... Демак, сизга олтмиш сўм тегади... Сиз Қоля блан якшанба кунлари машғулот ўтказганингиз йўқ, ўша кунлари дам олдингиз, шунинг учун тўққиз якшанбани чиқариб ташлаймиз... Уч кун байрам...

Юлия Васильевна бирданига қизаринди, кўйлак бурмасини гижимлади-ю, лекин гинг демади!..

— Уч.байрам куни... Демак, ўн икки сўм... Коля касал бўлиб қолиб, тўрт марта дарс бўлмади, ўша кунлари сиз машғулотни фақат Варя блангина ўтказдингиз.. Уч кун тишингиз оғриди, хотиним пешиндан кейин уйга қайтишингизга рухсат берди... Ўн икки сўм ва етти сўм, демак яна ўн тўққиз сўмни чиқариб ташлаймиз... Қолади қирқ бир сўм. Тўғрими?

Юлия Васильевнанинг чап кўзи қизариб, ёшга тўлди. Ияги титради, асабийлашиб йўталди; бурнини қоқди, аммо гинг демади.

— Янги йил олдидан бир талинкача блан чашкани синдирдингиз. Буни икки сўм дейлик, идишга фамилия ёзилган эди, қимматроқ бўлса ҳам, майли, розиман! Бизнинг ҳақимиз кимларда кетмаган дейсиз! Сўнгра сизнинг бепарволигингиз натижасида Коля дарахтга чиқиб, камзилини йиртиб тушди, бу ҳам ўн сўм... яна сизнинг яхши қарамаганлигингиз натижасида уй хизматчиси Варянинг ботинкаси ўғирланган. Ахир, сиз маош оласиз, шуларнинг устидан назорат қилиб туришингиз керак. Демак, яна беш сўм... Унингчи январьда мендан ўн сўм қарз олдингиз...

— Мен олганим йўқ,— деди Юлия Васильевна, секингина.

— Менда ҳаммаси ёзилган.

— Хайр, майли... яхши.

— Қирқ бир сўмдан йигирма етти сўмни чиқариб ташласак ўнтўрт сўм қолади...

Мураббиянинг икки кўзи жиққа ёшга тўлди... Узун, чиройли бурни терлаб кетди. Бечора қиз!

— Мен фақат бир мартагина олувдим,— деди у, қалдироқ товуш блан.— Бекачингиздан фақат бир марта уч сўм олганман, холос... Шундан бошқа пул олганим йўқ...

— Ҳали шундайми? Мен буни ёзиб қўймаган эканман! Ўн тўрт сўмдан уч сўмни чиқарсак — ўн бир сўм қолади... Олинг пулингизни жоним! Мана, уч... уч... уч... бир, тагин бир сўм... олинг!

Мен унга ўн бир сўм бердим. Пулни титроқ қўллари блан олиб, чўнтагига солди.

— Мерси!— деди пичирлаб.

Мен ўршимдан сакраб туриб кетиб, уй ичида юрабошладим. Жуда жаҳлим чиқиб кетган эди.

— Нега менга мерси дейсиз?— дедим.

— Пулингиз учун...

— Ахир, пулингизни ўғирлаб ўтирибман-ку, мен сизни таладим-ку! Пулингизни ўғирладим! Нега тагин менга мерси дейсиз?

— Бошқа жойларда менга шуни ҳам беришмас эди...

— Беришмас эди? Ажаб эмас! Мен сизга ҳазиллашдим, сизга унутилмас сабоқ бердим. Мен сизнинг саксон сўм пулингизни бераман, ана, конвертга солиб тайёрлаб қўйганман. Одам ҳам шунақа латта бўладими? Нега ҳақингизни талаб қилмайсиз? Нега тек турасиз? Бу замонда

одам ўткир тишли бўлиши керак! Одам шундай бўшанг бўладими?

У бўшашиб қолди. Унинг юзидан: «бўлиши мумкин!» деган ма'нони уқидим.

Унутилмас сабоқ учун ундан кечирим сўрадим-да, қўлига саксон сўмини бердим. У қўрқа-писа чиқиб кетди... Унинг кетидан қараб туриб: бу дунёда кучли бўлиш осон экан!— деб ўйладим.

1883.



## ВАКИЛ ЕКИ ДЕЗДЕМОНОВНИНГ 25 СУМ ЙУҚОТГАНИ ҲАҚИДА ҚИССА

Л. И. ПАЛЬМИНГА БАҒИШЛАНАДИ

— Тссс! Юринглар, швейцарскийга кирайлик, буер ноқулай... Эшитиб қолиши мумкин...

Швейцарскийга киришди. Швецар Макарни, гапларини эшитиб, чақимчилик қилмасин деб, казначействога юбордилар. У казначействога бормасдан, зина тагига беркиниб олди: у, ис'ён чиқишини аниқ билар эди.. Олдин гапни Қашалотов бошлади, унинг кетидан Дездемонов, ундан кейин Зрачков гапирди... Томирдаги қонлар қизишиб кетди! Қипқизарган юзлар тиришди, кўкракларига урабошладилар...

— Биз даққиюнус замонларида эмас, XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаймиз!— деб гап бошлади Қашалотов.— Қорни йўгонларга илгари йўл қўйилган бўлса, энди қўйилмайди. Ахир, жонимизга тегди-ку бу! У замонлар ўтиб кетган! Ва ҳоказолар...

Дездемонов ҳам тахминан шундай гапларни гапирди. Зрачков ҳатто беодоблик блан сўкиниб ҳам олди... Чуғур-чуғур бошланиб кетди. Аммо ичларидан ақли расо бир киши ҳам чиқиб қолди. Ақли расо киши юзини ғамгинликка солди-да, бурун қоқавериб ҳўл бўлиб кетган рўмолчаси блан бетини артиб, деди:

— Бу гапларнинг нима кераги бор-а? Эҳ... Хўп деяйликки, гапирилган ҳамма гаплар тўғри, аммо нима кераги бор? Бировга отган тош ўзларингга келиб тегиши ҳам мумкин: ўзларинг маҳкамага бошлиқ бўлганларингда сизларга ҳам қарши ис'ён чиқиши мумкин. Рост айтаман! Фақат ўз бошларингга етасизлар, холос.

Броқ, ақли расонинг гапига ҳечким қулоқ солмади.

Уни гапириб бўлишига ҳам қўймай, эшик ёнига суриб қўйдилар. У, ақли расолик блан ҳеч нарсага эришаолмаслигини кўриб, ақли пастлик қилабошлади ва ўзи ҳам қизишиб, киришиб кетди.

— Биз ҳам унинг сингари одам эканлигимизни кўрсатиб қўйиш вақти етди энди! — деди Дездемонов. — Яна такрор айтаманки, биз малай ёки авомлардан эмасмиз! Биз гладиатор эмасмиз! Биз ўзимизни таҳқир қилишга йўл қўймаймиз! Бизни сенсираса, саломимизга алиқ олмаса, ҳузурига кириб бирон гап айтиб турсак юзини тескари ўгирса, сўкинса... Бу нима деган гап? Ҳозирги замонда олижаноб одамлар уёқда турсин, ҳатто малайларни ҳам сенсираш мумкин эмас! Кириб, ўзига худди шундай деб айтиш керак!

— Қайси бир куни бўлса менга қараб: «Нега тумшуринг бундай бўялиб қопти, бор Макарнинг олдига, тумшурингни супурги блан тозалаб қўйсин!» дейди. Шу ҳам ҳазил бўптими! Яна бир куни бўлса...

— Биркуни мен хотиним блан кетаётган эдим, у учраб қолди!.. — деб унинг гапини бўлди Зрачков. — «Ҳа, дўрдоқлаб, доим қизлар блан юрганнинг юрган, тагин куппа-кундуз куни-я!» дейди. Бу менинг хотиним бўлади, жаноби олийлари, — дедим. Кечирим ҳам сўрамади, фақат лабини чўпиллатиб кетаверди, денг! Шу таҳқирланишдан кейин хотиним бойқиш уч кунгача йиғлайвериб хум бўлди. У қиз эмас, аксинча... Ўзларинг биласизлар-ку...

— Хулласи калом, жаноблар бунга ортиқ чидаб бўлмайди! Ё у турсин, ё биз, бирга ишлолмаймиз. Ё у кетсин, ё биз кетайлик! Обрўини тўкиб юргандан кўра ишсиз юрганимиз яхшироқ! Ҳозир XIX аср бўлади! Ҳаркимнинг ўзига яраша иззати-нафси бор! Гарчи мен ўзим кичик бир одам бўлсам ҳам, бирон субъект эмасман, ҳатто кўнглимда ўз услубим бор! Бунга йўл қўймайман! Тўғри, шундай деб айтиш керак бетига! Орамиздан бирон кимса кирсинде, бундай бўлиши ярамайди, десин! Ҳаммамизнинг тилимиздан гапирсин! Қани ким киради? Шундай деб, тўппатўғри бетига қараб айтавериш керак! Қўрқмангиз, ҳечнарсга бўлмайди! Ким киради? Тфу... қуриб кетгур... роса бўғилиб қолибман...

Вакил сайлашга киришдилар. Узоқ можаролар ва сен кир, сен кирдан кейин ақли, нотиқ ва энг жасоратли деб Дездемоновни сайлашди. Ўзи кутубхонага а'зо, ма'лумоти баланд, ойим қизлар блан таниш, демак шундан ма'лумки,

ақлли одам, гапини топиб гапираолади. Дадиллиги тўғри-сида гапириб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ: ҳаммага ма'лумки, бир кун маҳалла назоратчиси уни «ҳой малай!» деб чақиргани учун ундан афв сўрашни талаб қилган; маҳалла назоратчиси бу да'вони эшитиб, қовоғини солмасданоқ, Дездемоновнинг жасорати бутун оламга ёйилиб кетган эди...

— Киравер, Сеня! Қўрқма! Шундай деб айтавер! Мана, керак бўлса, дегин! Сен айтган одамлар биз эмас, жаноби олийлари, дегин! Бўлди, етар! Керак бўлса, бошқа малайларни топиб ол, биз унақангилардан эмас, жаноби олийлари, биз ўзимиз ҳам олифталикни биламиз, дегин. Бундай қилиқларинг ярамайди, деб айт. Худди шундай деявер... Кир олдига! Сеня.. дўстим... Олдин сочларингни тараб ол... Тўғри шундай деб айтавер бетига.

— Жаҳлим тез-да, жаноблар... Яна ортиқча гап айтиб қўйсам... Зрачков, сен ўзинг кирсанг яхшироқ бўлар эди!

— Йўқ, Сеня, ўзинг киравер... Зрачковинг фақат қўй оғзидан чўполади, ўшанда ҳам маст бўлса... У аҳмоқ одам ўзи, сен бўлсанг ҳарҳолда... Киравер, азизим, киравер...

Дездемонов сочларини таради, желеткасининг уёқ-буёғини тортиб қўйди, қўли блан оғзини беркитиб, бир йўталиб олди-да, кабинетга кирди. Ҳамма нафас олмай кутабошлади. Дездемонов кабинетга кириб, эшик олдида тўхтади ва титроқ қўли блан лабларини силади, гапни нимадан бошлашини билмасдан саросималаниб қолди. Узига таниш қопқора ҳолли тепакалга кўзи тушган эди, юраги шув этиб, эти жимирашиб кетди... Орқасидан чумоли ўрмалаб кетаётгандай бўлди... Бунинг зарари йўқ, албатта; ўрганмаганликдан, ҳарким ҳам шунақа бўлади, фақат юрак дов берса бўлгани... Тетик бўл!

— Э-э-э... Хўш нима деб келдинг?

Дездемонов олдинга бир қадам ташлади, тилини қимирлатган эди, броқ ҳеч товуш чиқмади: тили танглайига ёпишиб қолган эди. Шу блан бирга вакил, ичининг ҳам аллақандай бўлиб кетганини сизди... Унинг мардлиги юрагидан чиқиб, қорзига ўтди, уерда гулдираб, сонлари орқали товонига ўтиб кетди-да, этик тагига кирди... Афсуски, этиги йиртиқ эди!

— Э-э-э... Нима ишинг бор эди! Эшитмаяпсанми ўзинг?

— Ҳим... Мен ўзим... Ўзим, шундай. Мен, жаноби олийлари, қулоғимга кирувдики!..

Дездемонов тилини тўхтатиб олмоқчи бўлган эди, броқ итоат қилмай, давом этди:

— Мен, жаноби рафиқангиз ташкил этган лотореяга соявон арава ҳам чиқармиш деб эшитувдим... Битта билет бўлса... Жаноби олийлари... Ҳим... Жаноби олийлари...

— Билет дейсанми? Хўп бўлади... Атиги бешта билет қолди... Бешаласини ҳам оласанми?

— Йў... йў... йўқ, жаноби олийлари... Биттагина бўлса бас...

— Бештасини ҳам оласанми деб сўраётиман.

— Жуда яхши, майли, жаноби олийлари!

— Биттаси олти сўмдан... Сен беш сўмдан берақол... Мана, қўлингни қўй... Илоҳим толе'инг келиб ютгин...

— Ҳе-хе-хе... Раҳмат, жаноби олийлари... Ҳим... Жуда хурсанд қилдингиз...

— Жўна энди!

Бир минутдан кейин Дездемонов қоровулхона ўртасида қисқичбақадай қипқизариб турар ва йиғлагудай бўлиб, ўртоқларидан 25 сўм қарз сўрар эди.

— 25 сўм пулимни бериб чиқдим, оғайнилар, ўзи меники эмас эди! Ижара ҳақини тўлаб кел деб қайнанам берган эди... Бериб туринглар, оғайнилар! Утинаман сизлардан!

— Нега йиғлайсан энди? Соявон аравада юрасан, маза қилиб!

— Соявон аравада... Соявон арава-я! Соявон арава блан одамларни қўрқитиб юраманми энди? Мен руҳоний эмасман! Мабодо ютиб олганимда ҳам, қаерга қўяман уни?

Анча вақтгача гапиришиб турдилар; улар гапиришар экан, Макар (унинг хат-саводи бор) ҳамма гапни бирмабир ёзиб олмоқда эди, ёзиб бўлгандан кейин... уёғи малум. Айтаман десанг жуда узун, жаноблар! Ҳарҳолда бу қиссадан келиб чиқадиган ҳисса шуки, ис'ён қилмаслик керак.

## ТАКАСАЛТАНГ ЕКИ МУТТАҲАМ

«Овқатдан кейинги» нафасни қайтарадиган иссиқ маҳал эди. Меҳмонхонадаги кушеткада ёнбошлаб ўнсақкизга қадам қўйган қиз ётипти. Унинг юзи устида пашшалар учар, оёғи остида китоб очик қолган. Оғзи салгина эчик, эшитилар-эшитилмас нафас олади... У ухламоқда.

Меҳмонхонага, Гоголь ёзган, хотин-қизларга кўп пашшаҳўрда бўлчи такасалтанглар тоифасидан бир чол кирарди. Ухлаб ётган қизни кўриб, оғзининг таноби қочиб, оёқ учида юриб қизнинг ёнига келади.

— Қандай... ажойиб-а!— деб тамшаниб пичирлайди у,— уйкудаги... ҳе-ҳе... гўзал... Минг афсуски, мен расом эмасман-да! Қўллари қандай яхши-я... Бошини айтмайсизми!

Чол қизнинг қўли устида энгашиб ўзининг гадур-будир қўллари блан уни силайди ва... чўлп этиб ўпиб олади! Қиз чуқур нафас олиб кўзларини очади ва ҳайрат блан чолга тикилади.

— Аҳ... князь, сизмисиз?— босиб келаётган уйқуни энгиб гўлдирайди қиз.— Pardon, мен ухлабман шекиллик.

— Ҳа-ҳа, сиз ухлабсиз,— деди тили зўрга айланиб князь.— Сиз ҳозир ҳам уйқудасиз, мен тушингизга кирганман... Сиз мени фақат тушда кўраяпсиз... Ухланг, ухлайверинг... Мени фақат тушингизда кўраяпсиз... — Қиз ишониб кўзларини юмади.

— Қандай мен бахтсизман-а?— деб пичирлайди қиз, кўзи уйқуга кетар экан,— тушимда нуқул ё такасалтангларни ёки муттаҳамларни кўраман!

Князь бу пичирлашни эшитиб, хижолат тортади-да, оёқ учида юриб қиз ёнидан узоқлашади...

1883.

---

## ЛОЗИМ ЧОРАЛАР

Маҳаллий қамоқхона назоратчисининг ифодасича, география картасида исмини телескоп блан ҳам кўриб бўлмайдиган кичкина ва уездсиз бир шаҳарча, қуёшнинг нурлари блан порламоқда. Жимжитлик. Шаҳар идорасидан чиқиб савдо расталарига томон секин-секин санитария комиссияси кетиб бормоқда, бу комиссия шаҳар доктори, полиция назоратчиси, шаҳар идорасининг икки вакили, ҳамда бир савдо вакилидан иборат. Орқада камоли ҳурмат блан миршаблар кетмоқда... Комиссиянинг йўли ҳам, дўзах йўли сингари, яхши ниятлар блан тўшалган. Бу санитарлар, кетиб бораркан қўлларини тўлғай-тўлғай ифлосликлар, бад-бўйликлар, лозим чоралар ва бошқа шунингдек ўлатга тегишли нарсалар тўғрисида сўзлашадилар. Уларнинг гаплари шу қадар мазалик бўладики, ҳаммадан олдинда кетиб боручи полиция назоратчисини бирданига завқ олиб кетади-да, орқасига қайрилиб, дейди:

— Мана шу тариқада тез-тез йиғилишиб, музокара-лар қилишиб турсак эди, тақсирлар! Ҳам кўнгил очиларди, ҳам киши ўзини бинойи сезарди, йўқса биз ғажиганимиз-ғажиган. Азбаройи худо!

Савдо вакили худди ўзига қурбон танлаб турган бир жаллод сингари, докторга юзланади.

— Қимдан бошласак экан? Ошейниковнинг дўконидан бошласак қалай бўлар экан, Аникита Николаич? Аввало у ўзи муттаҳам одам, ва... иккинчидан, уни ҳам текширишга вақт келди. Бир кун унинг дўконидан бизни-кига гречиха ёрмаси олиб келган эдилар, қарасам ичида каламуш тезаги юрипти... Хотиним оғзига ҳам олмади!

Доктор лоқайд жавоб беради:

— Нимаси бор? Ошейниковдан бўлса, Ошейниковдан бошлайверамиз-да.

Санитарлар, вивескасига «А. М. Ошейниковнинг қант, қаҳва ва бошқа колониал моллар магазини» деб ёзилган бир дўконга кирадилар-да, узундан-узоқ муқаддималарга киришмасдан дарҳол текширабошладилар.

Қозон совунларидан чиройлик қилиб уюлган эҳромга қараркан:

— Жойида...— дейди доктор.— Совунлардан қандай Бабиль қал’алари ясаб юборибсан! Ҳунар бу, қаранг-а! Ийи, ийи! Бу қандай гап бўлди? Буни қаранг, тақсирлар! Демьян Гаврилович совунни ҳам, нонни ҳам бир пичоқда кесар эканлар!

Дўкон эгаси бунга қарши, худди ҳақли жавоб қайтаргандай бўлиб, деди:

— Бундан ҳечбир вақт вабо пайдо бўлмайди, Аникита Николаич!

— Уку рост-а, лекин яхши эмас, ахир! Мен ҳам, ахир, нонни сендан оламан.

— Яхши одамларга алоҳида пичоғимиз бор. Э, хотир-жам бўлинг... Нима деб ўтирибсиз...

Полиция назоратчиси кўзларини сузиб чўчқа сонига қарайди, анчагача уни тирноғи блан тимдалаб кўради, қаттиқ искайди, сўнгра чўчқа сонини чертиб туриб сўрайди:

— Бунинг ичида стрихнин<sup>1</sup> ҳам бўладими?

— Йўғ-е... Ундай демасинлар-е... Ундай қилармидик!

Назоратчи ҳижолат бўлиб, уердан кетади, ундан кейин яна кўзларини сузиб, Асмолов ва шерикларининг прејскурантига<sup>2</sup> тикилади. Савдо вакили қўлини гречиха ёрмаси турган бочкага солса, қўли юмшоқ, барқут сингари бир нарсага уринади... Бочканинг ичига қарайди ва сўнгра юзида меҳр аломати пайдо бўлади.

— Мушукча... мушукча! Юмшоқ махлуқча!— деб гужурлайди у,— ёрманинг устига узалиб, бошларини кўтариптилар... Эркалик қилаяптилар.. Сен, Демьян Гаврилич, мушукчадан биронтасини бизникига бериб юборсанг бўларди!

— Мумкин... Аммо, тақсирлар, закускаларни кўрмакчи бўлсангиз агар... мана селодка, пишлоқ... қизил балиқ,

<sup>1</sup> Уткир заҳар.

<sup>2</sup> Нархларнинг рўйхати.

марҳамат қилиб кўринг... Бу балиқни пайшанба куни туширдим, энг яхши балиқ... Мишка, пичоқни бер!

Санитарлар балиқни пичоқ блан тўғрагач, илгари бир қур искаб олиб, сўнгра татиб кўрмоқ учун оғизларига солдилар.

Дўкон эгаси Демьян Гаврилич, худди ўз-ўзига гапиргандай дейди:

— Шу баҳонада мен ўзим ҳам жиндек овқатланиб олай. Аллақандай бир шиша дори ётиб эди. Балиқдан олдин жиндак уриб олсамми... Унда, балиқнинг та'ми ҳам ўзгача бўлади... Мишка, ўша шишани буёққа бер!

Мишка, лунжини шишириб ва кўзини бақрайтириб шишанинг оғзини очади-да, «таққ!» этиб прилавка устига кўяди. Полиция нозири, чучмалланиб, гарданини қашигани ҳолда:

— Наҳорда ичиш...— дейди.— Аммо биргина стакан бўлса, балки... Демьян Гаврилич, берадиган бўлсанг, тезроқ бўл, йўқса сенинг арагинга сра вақтимиз йўқ!

Чорак соатдан кейин санитарлар лабларини арта-арта ва гугурт чўпи блан тишларини кавлаган ҳолда, Голорибенко деганнинг дўконига томон кетиб борадилар. Учакишкандай, ўтадиган йўл ҳам йўқ... Бешта полвон киши юзлари қип-қизарган ва терлаган ҳолда, дўкондан ташқарига ёғлиқ бочкаларни ғилдиратмоқдалар.

— Уннга ўт... Чеккасидан торт... торт, дейман! Таги-га ёғоч қўй... э, падарингга ла'нат! Четроққа ўтиб туринг, тўра, босиб кетади!

Бочка эшикка тиқилиб қолиб, ўрнидан сра жилмайди. Полвонлар бутун кучлари блан зўр бериб, уни итарадилар ва қаттиқ-қаттиқ пишиллашиб, баланд овоз блан сўкинадилар. Жуда зўр бериб итариш натижасида, шунча кўп пишиллаш блан ҳавонинг софлиги ҳам яхшигина бузилгач, ниҳоят бочка ўрнидан жилади, аммо, табиат қонунининг акси ўлароқ орқага қараб ғилдирайди-да, яна эшикка тиқилиб қолади. Яна пишиллаш бошланади.

— Тфу!— дейди назоратчи.— Шибукинникига ўтақолайлик. Бу ла'натилар кечгача пишиллашадиганга ўхшайди.

Аммо Шибукиннинг дўкони бу вақтда қулфланган эди.

Санитарлар, бир-бирларига қарашиб, таажжубланидилар.

— Ҳозиргина очиқ эди-ку! — дейдилар.— Биз Ошейниковникига кирган вақтимизда, у, эшик олдида мис чой-



накни ювиб турган эди.— Сўнгра ёпиқ дўкон олдида турган гадойдан сўрайдилар:— қани бу?

Гадой хирқироқ овоз блан дейди:

— Исо йўлига бир нарса беринглар. Бир майиб бечора ман, хайру-саховат қилинг, тўралар. Илоҳим, бола-чақаларингизнинг...

Санитарлар қўл силтаб, нарига кетадилар. Шаҳар идораси вакили Плюнингина улардан ажралиб қолиб, гадойга ёнидан бир тийин олиб беради-да, худди бир нарсадан қўрққандай апил-тапил чўқиниб, шерикларининг орқасидан югуради.

Икки соатча ўтгандан кейин, комиссия энди қайтиб боради. Санитарлар чарчаган ва эзилган кўринадилар. Уларнинг бу сафарлари бекор кетгани йўқ, чунки миршаблардан бири, тантана блан қадам босаркан, бир сават тўла сасиган олма кўтариб боради.

Назоратчи «Арақ савдоси. Арақлар ва винолар» деб ёзилган вивескага қараган ҳолда, дейди:

— Шунча ҳалол меҳнатдан кейин, энди жиндаккина томоқни хўллаб олсак ёмон бўлмас эди.

— Ҳа, албатта. Ёмон бўлмас эди. Истасаларинг кирайлик.

Санитарлар ертўла — майхонага тушадилар-да, оёғи қийшиқ стол теграсида давра олишиб ўтирадилар. Назоратчи хўжайин томонга имо қилади, шундан кейин стол устида дарҳол шишалар пайдо бўлади.

Савдо вакили ичкиликни ичаркан юзини буриштириб:

— Афсуски, закускаси йўқ,— дейди.— Тузланган бодрингдан берсангмикан... Ундай десам...

У киши дарҳол ҳалиги миршаб томонга бурилиб, олманинг яхши-яхшисини танлайди-да, закуска қилади.

Назоратчи, ажаблангандек бўлиб, дейди:

— Оҳ... бунинг унча бузилмаганлари ҳам бор экан. Қани берчи, мен ҳам бир-иккита танлаб олай! Э, сен идишининг ўзини шу ерга қўй... Яхши-яхшиларини танлаб оламиз-да, арчиб еймиз, қолганини ташлаб юборсанг ҳам бўлади. Аникита Николаич, қўйинг! Мана шундақа тез-тез йиғилишиб музокара қилишиб турсак. Йўқса бу пасқам жойда ҳечнарсани кўрмай умринг ўтади: на ма'рифат, на клуб, на улфатчилик — Австралиянинг худди ўзгинаси! Қуйиб ичинглар, тақсирлар! Доктор олмадан олинг! Сиз учун ўзим, ўз қўлим блан арчдим!

Миршаб, ертўладан чиқиб келаётган назоратчидан:

— Тақсир, тўра, бу саватни нима қилдим энди?— деб сўрайди.

— И... сават? Қандай сават? Ҳа-а! Олмаси блан бирга йўқ қил дарров!.. Юқумли касалнинг уяси у!

— Олмасини еб бўлдилар-да!

— Ҳа-а... жуда соз! Ма-анга қ-қара... менинг уйимга бориб, болаларимга айт, хафа бўлмасин... Мен фақат биргина соат... Плюинникида ухлаб келаман... Уқдингми? Ухлаб келаман. Уйқи тангрисига салом бериб келаман. Спрехен зи дейч<sup>1</sup>, Иван Андреич.

Шундан кейин, у кўзини юқори кўтариб, аллақандай бир алам блан бош чайқайди-да, қўлларғни кериб туриб:

— Бутун умримиз шундай ўтади! — дейди.

1884.

---

<sup>1</sup> Немисча — «немисча биласизми?».

## ОЙ ТУТИЛИШИ

(Провинция ҳаётидан)

№ 1032

Циркуляр

Ушбу сентябрь ойининг 22-нчи куни соат 10 да ой тутилиши содир бўлади. Бу янглиғ табиат ҳодисалари айиб иш эмас, балки ибратдир. Шу хусусдаким, ҳатто сайёра-лар ҳам аксари табиат қонушларига итоат қиладилар ва бинобарин рағбатлантирмоқлик важҳидан сизга, сиз жанобларга таклиф қиламанким, шу кеча ўз участкангизга қарашли кўчаларнинг фанорларини ёқиб қўймоқлик хусусида амрфармон қилингики, тунгги қоронғилик арбобларга ҳамда фуқорага ушбу ҳодисани кузатмоқликка мочилик қилмасин ва шунингдек сиздан сўрайманки, муҳтарам зот, қат'ий суратда назорат қилингики, бу хусусда кўчаларда йиғинлар, хурсандлик ҳайқириқлари содир бўлмасин ва ҳоказо. Ушбу табиат ҳодисасини муҳолиф тарзда баён қилгучи кишилар хусусида, агар шундай кимсалар бўлса (мен фуқароларнинг соғлом ақл эгалари эканликларини билганим учун бундай одамлар бўлишига ишонмайман), улар тўғрисида менга ма'лумот бергайсиз...

Гнилодушин

Аслига тўғри: секретарь Трясунов.

Сиз жаноб олийларининг 1032-нчи номерли алоқаларига шу тариқа жавоб қиламанки, менинг участкамдаги кўчаларнинг фанори йўқ эди, бинобарин ой тутилиши ҳаво тим-қоронғи бўлгани ҳолда содир бўлган эса-да, бунга қарамасдан кўп кишиларга етарлик даражада аниқ кўринди.

Умум тинчлигини ва осойишталигини бузишлик ҳамда шунингдек муҳолиф баёнлар ва норозилик иборалари бўл-

мачи, магарким, хонаки муаллим, дьяконнинг ўгли Амфилохий Вабельмандебскийни мустасно қилсак, қайсики, бир фуқаронинг ой тутилмоғининг сабаби нима деган саволига узундан-узоқ шундай баёнотлар бердиким, бу баёнот соғлом ақл тушунчасини бузмоқликқа очиқдан-очиқ мойил эди. Унинг баёнотининг ма'нисини фаҳмламадим, зероки мазкур илм нуқтаи-назаридан изоҳлаб ўз сўзида кўп ажнабий калималар исте'мол қилди.

*Укуси-Каланчевский.*

Сиз жаноб олийларининг 1032-нчи номерлик алоқаларига жавобан ма'лум қиламанки, менга ишониб топширилган участкада ой тутилмади, аммо осмонда ой нурининг хира бўлишидан иборат бир табиат ҳодисаси кўрилдиким, шу ой тутилишими ё бошқа нарсами эканини аниқ айтаолмайман. Кўп қидириш ва текширишлардан кейин менинг участкамда учта кўча фонари борлиги ма'лум бўлди, қайсики, шишасини ва ич томонларини покиза қилиниб ювилиб ёқилганда бу чоралар тегишли даражада фойда бермади, сабабики, юқорида айтилган ҳодиса, я'ни ой нурининг хираланиши чироқларнинг шишалари синиқ бўлганлиги сабабли шамол ўчирган пайтда, демакким, чироқлар сиз жаноблари зикр қилган қоронғилиқни ёритолмаган пайтда воқи' бўлди. Йиғинлар бўлгани йўқ, чунки Земская управанинг мирзаси Иван Авелевдан бошқа ҳамма фуқаро ухлаган, қайсики мазкур Иван Авелев девор устида ўтириб, ҳовучини дурбин қилиб, қоронғилиққа қараб кулиб, ундай деб тушунса ҳам бўладиган, бундай деб тушунса ҳам бўладиган сўзларни айтди, я'ни, «Менга деса ой мутлақ бўлмасин эди... Тфу!» деди. Бу сўзларининг ақлсизлик экани менинг тарафимдан айтилганда, у беодоблик блан: «Сен нега ойнинг тарафини олсан? Ҳайит куни уни ҳам қутлагани борганмисан?» деди. Шу блан бирга авом халқининг ҳақорати мазмунидаги ахлоқсиз иборалар айтдиким, сиз жанобларига ма'лум қиламан.

*Глоталов,  
Аслига тўғри деб — Талоги йўқ одам.*

1884.

## ШИКОЯТ ДАФТАРИ

Бу дафтар темир йўл станциясида, унинг учун махсус ясалган конторка<sup>1</sup> устида ётипти. Конторка калиди «станция жандармасида сақланади» дейилса ҳам, аслида ҳечқанақа калиднинг ксраги йўқ, чунки конторка ҳамиша очиқ. Дафтарни олинг-у, ўқийберинг.

«Муҳтарам жаноб! Перо синалди!?»

Бу ёзув остига узун бурунли ва шохли башаранинг сурати солинган бўлиб, тегига ёзиб қўйилган:

«Сен бир расм — мен-чи портрет, сен мол, ростим, сатқий одам кет... Мен, сенинг башарангман».

«Мана шу станцияга яқинлашиб келаётиб, ойнадан табиатни тамоша қилар эканман, бошимдан шапкам учиб кетди. И. Ярмонкин.

«Қим ёзганини билмайман, лекин мен аҳмоқ ўқийман».

«Хотира қолдирдим да'волар столи бошлиғи Коловроев».

«Бошлиқларга кондуктор Кучкиннинг менинг хотинимга нисбатан қўпол муомалада бўлгани юзасидан шикоят баён қиламан. Менинг хотиним мутлақо говга кўтаргани йўқ, аксинча, у ҳамма иш осойишталик блан бўлишига ҳаракат қилди. Шунингдек жандарм Клятвинни ҳам қўполлик блан елкамдан тортганини арз қиламан. Мен Андрей Иванович Ишчеев уйда тураман. Қандай хулқли одам эканимни ўша киши билдилар. Конторчи Самолучшев».

«Никандров социалист экан!»

<sup>1</sup> Конторка — тик туриб ёки баланд курсида ўтириб ишлашга мосланган баланд ёзув столи.

«Газабимни қўзғотган воқияни ўз кўзим билан кўриб... (ўчирилган). Мана шу станциядан ўтиб кетаётганимда кўйидаги воқия бутун вужудимни газаблантирди... (ўчирилган). Кўз ўнгимда кишини газаблантирадиган мана шундай воқия бўлиб ўтдики, бу нарса бизнинг темир йўлларимизда тартиб қандай эканини равшан бўлқларда кўрсатиб беради... (Шундан кейинги барча ёзилганлар ўчириб ташланган, фақат имзоси қолган). Курск гимназиясининг 7-синф ўқучиси Алексей Зудьев».

«Поезднинг жўнаб кетишини кутиб ўтириб, станция бошлигининг башарасини ўрганиб чиқдим ва ундан мутлақа норози бўлдим. Бу нарсани бутун линияга маълум қиламан. Ноумид бўлмовчи чорбоғчи».

«Бу гапни ким ёзганини мен яхши биламан. Буни М. Д. ёзган».

«Жансблар! Тельцовский муттаҳам!».

«Кеча жандармнинг хотини буфетчи Костька билан дарёнинг нариги томонига боришди. Иш қилиб ишлари ўнгидан келсин. Қайғирма, жандарм!»

«Шу станциядан ўтиб кетаётиб, қорним оч бўлгани туфайли бирор нима еб олишни фикр қилиб, шунча изласам ҳам, ёвгон овқат топилмади. Дьякон Духов».

«Нима бўлса шуни туширавер-да...»

«Кимки чарм портсигар топиб олса кассага, Андрей Егоричга келтириб берсин».

«Мени хизматдан қувишаётгани сабабли, гўё мен ичкиликбозлик қилган эмишман, шуни айтиб қўяйки, ҳам-маларингиз муттаҳам ва ўғрисизлар. Телеграфчи Кось-модемьянский».

«Эзгу ҳислатлар билан ўзингизни безатинг».

«Катинька, мен сизни жуда-жуда севаман!».

«Илтимос, шикоят дафтарига алоқаси бўлмаган гаплар ёзилмасин. Станция бошлиғи ўрнига қўл қўйдим Иванов 7-нчи».

«7-нчи бўлсанг ҳам барибир, аҳмоқсан.».

## ЧОРБОҒЧИЛАР

Яқинда уй қурган эри-хотин кичкина станция платформасида сайр қилиб юради. Эри хотиннинг белидан ушлаган, хотин эса бутун вужуди блан эрига ёпишиб олган, икковлари ҳам ниҳоятда бахтиёр ва бир-бирларидан мамнун. Булут орқасидан уларга мўралаб қараган ёй, худди уларнинг бахтига ҳаваси келган ва ўз иффатининг ҳечкимга керак эмаслигидан алам қилгандай, қовоғи солиқ эди. Сокин ҳавода сирень гул ва шумурт гулларининг ҳиди анқийди. Аллақерда, темир изларнинг нариги томонида, са'ва сайрайди...

— Қандай роҳат, қандай роҳат-а, Саша!— дерди хотин.— Тушимизми бу ё ўнгимизми? Қара, бир қарагин: ҳов анови ўрмонча шундай шинам кўринадики!.. Қимир этмай турган телеграф устунлари... Шу устунлар, Саша, табиат манзарасига жон киритади, аллақерларда, олис ерларда одамлар бор, маданият борлигидан дарак беради... Йироқдан келаётган поезд шовқинининг эшитилиши сенга ёқмайдами?

— Ҳа, албатта... қўлларинг мунча иссиқ? Бу ҳаяжонланганингдан, Варя... Бугун уйда қанақа овқат пиширишаркин?

— Яхна шўрва ҳамда жўжа қовурдоқ... Битта жўжа икковимизга бемалол етади. Шаҳардан сенга сардин ҳам олдириб келтирдим.

Ой акса урмоқчи бўлгандай, булут орқасига кириб яширинди. Одамларнинг бахти унга танҳолигини, қирлар, ўрмонлар ошиб, кўрпага ёлғиз ўзи кириб ётишини эслатди...

— Поезд келмоқда!— деди Варя.— Қандай роҳат бу!

Йироқдан ёниб турган учта кўз кўринди. Бекат бошлиғи станция платформасига чиқди. Сигнал чироқлари темир йўл изларининг уер, буерини ёритди.

— Поездни кузатамиз-у, уйга қайтамиз,— деди Саша, хомиза тортиб.— Шундай яхши яшаймизки, иккимиз Варя, ҳатто кишининг ишонғуси ҳам келмайди!

Қопқора баҳайбат поезд платформа ёнига келиб тўхтади. Хира ёруғ ойналардан уйқудан турган башаралар, шляпалар, одамларнинг елкалари кўринди...

— Ах! Ах! — деган овоз эшитилиб қолди бир вагондан.— Варя эри блан бизни кутгани чиқипти! Ана, ана улар!.. Варенька!.. Варечка!.. Ах!

Вагондан икки қизча югуриб чиқиб, Варьянинг бўйнига осилиб олди. Қизлардан кейин тўладан келган кекса бир хотин блан чеккасига соқол қўйган ориқ бир эркак киши, улардан кейин талай юк кўтарган икки гимназист бола, гимназистлардан кейин мураббия, мураббиядан кейин бувилари чиқди.

— Мана биз ҳам етиб келдик, дўстим!— деб, гап бошлади, чеккасоқол қўйган киши, Сашанинг қўлини сиқиб.— Кута-кута тоқатинг тоқ бўлгандир? Нега келишмайди деб роса хафа бўлгандирсан? Коля, Костя, Нина, Фифа... болалар, келинлар, кўришинлар Саша амакинг блан! Кўрдингми, Саша, ҳаммамиз келдик, уч-тўрт кун туриб кетамиз. Сени сиқиб қўймаймизми? Очиқ айтавер, уялма.

Бирталай қариндошларини кўрган эр блан хотинни ваҳима босди. Амаки жияни блан кўришар ва ўпишаркан, Сашанинг кўз олдига шу нарса келди: ўзи ва хотини уч-чала хонани уларга бўшатиб берадилар, кўрпа-ястиқлар ҳам уларга берилади; сардин, яхна шўрва ва жўжа бир зумда талаб кетилади, тоғаваччалар гулларни узишади, столга сиёҳ тўкишади, шовқин-сурон кўтаришади, келинойни эса эртадан кечгача «биқиним оғрийди» деб ўз дардидан нолийди, ўзининг барон Фон-Финтих қизи эканлигини гапиради...

Шуларни ўйладию, Саша хотинига қараб:

— Буларинг сени деб келган... қуриб кетсин!— деб шивирлади.

— Йўқ, сени деб келишган!— деди хотини, эрига нафрат блан қараб.— Булар менинг қариндошим эмас, сеники!

Кейин меҳмонларга қаради-да, чеҳрасига ёқимтойлик югуртириб деди:



— Хуш келибсизлар, меҳмонлар!

Булут орқасидан ой сузиб чиқди. У худди илжайиб, ўзининг ҳечқанақа қариндош-уруғи йўқлигидан хурсанд бўлгандай кўринади. Саша нафрат ва аламини яшириш учун юзини меҳмонлардан ўгириб, жуда хурсанд бир товуш блан:

— Марҳамат, марҳамат! Яхши келибсизлар! Хуш келибсизлар, азиз меҳмонлар!— деди.

1885

## ЭТИК

Пианино созловчи, соқол-мўйлови тоза қирилган, юзи за'фарон, қулоғига пахта тикқан Муркин деган бир одам номердан коридорга чиқди-да, дўриллаган овоз блан:

— Семён! Ҳой, малай!— деб чақирди.

Унинг юзини шундай қўрқув босган эдики, кўрган одам бошига шифт тушиб кетдими, ё бўлмаса номердан жин чиқдими деб ўйларди:

— Бу нима қилганинг, Семён?— деди у, бақриб, олдига югуриб келган малайга.— Бу нима қилганинг? Мен касалманд одам бўлсам, оёғимда бодим бўлса, сен мени ялангоёқ юришга мажбур этасан! Нега шу маҳалгача этигимни келтирмайсан? Қани менинг этигим?

Семён, Муркиннинг номерига кирди-да, этикни тозалаб келтириб қўядиган жойга қараб, елкасини қашиди: этик йўқ эди.

— Қаерга йўқолиптийкин, ла'нати?— деди Семён, ҳайрон бўлиб.— Кеча кечқурун топтоза қилиб келтириб қўйгандай эдим... Ҳм... Ростини айтсам, кеча бироз кайфим бор эди... Бошқа номерга киритиб қўйдиммикан, а? Ҳа, а, Афанасий Егорич, бошқа номерга киритиб қўйган эканман! Нима кўп, этик кўп, мастликда отангни ҳам танимаганингдан кейин, қайси этиклигини биласан... Бойвучча хонимнинг номерига киритиб қўйгандирман, худди сизнинг ёнингизда туради... Ўзи актриса...

— Сеинг касрингдан энди бойвучча хонимни безовта қилишга тўғри келади! Арзимаган бир нарсага аёл кишини безовта қилган яхшими?

Муркин нафасини ростлади, бир йўталиб олди-да, нариги эшикни бориб секин қоқабошлади.

— Ким у?— деган хотин кишининг овози эшитилди бирпасдан кейин.

— Мен, мен!— деди Муркин, худди кибор хоним блан гаплашаётган олифта йигитга ўхшаб ва ёлворучи бир оҳангда.— Безовта қилганим учун кечирасиз, хоним, ammo мен касалманд одамман, оёғимда бодим бор... Доктор оёғингни иссиқ тутиб юр деб буюрган, буниги устига мен ҳозир генеральша Шевелицинанинг уйларига бориб, рояльларини созлаб беришим керак. Ялангоёқ боролмайман!..

— Ҳа нима керак сизга ўзи? Қанақа рояль?

— Рояль эмас, хоним, мен этигимни айтаман! Нодон Семён менинг этигимни тозалаб, билмасдан сизнинг номерингизга киритиб қўйпти. Илтифотингизни аяманг, этигимни чиқариб беринг!

Уй ичидан бировнинг тургани, кроватдан сакраб тушгани, оёқ товуши эшитилди, кейин эшик қия очилди-да, аёл кишининг момикдай семизгина қўли Муркиннинг оёғи тагига бир жуфт этикни чиқариб ташлади. Созчи ташаккур билдирди-да, этикни олиб, ўз номерига кириб кетди.

— Ажабо,— деб пўнғирлади у, этикни оёққа тортабошлаб.— Биттаси ўнг этикка ўхшамайдими, назаримда? Ийя, иккови ҳам чап оёқники-ку! Ҳой, Семён, менга қара: бу менинг этигим эмаску! Менинг этигимнинг қулоғи қизил, бут-бутун эди, буларинг ямалганку! Қулоғи ҳам йўқ буларнинг!

Семён этикни қўлга олди-да, кўзининг олдига келтириб, бир-икки марта айлантириб кўрди, қовоқларини солди.

— Бу Павел Александровичнинг этиклари бўлса керак...— деди Семён қия боқиб.

Унинг бир кўзи гилай эди.

— Қайси Павел Александровичнинг?

— Актёр Павел Александровичнинг этиклари... ҳар сешанба куни келиб ётиб кетадилар... сизникини адаш кийиб кетиптиларда... Кеча этигингизни бойвуччанинг уйига киритиб қўйган эдим, иккаласини ҳам киритиб қўйган эдим. Э, дардисар!

— Кириб алиштириб чиқақол!

— Анови кишининг гапларини қаранг!— деди Семён тиржайиб.— Кириб алиштириб чиқақол эмиш... Қардан топаман энди у кишини? Кетганига бир соатдан ошди... Энди топиб бўладими!

— Уйи қаерда?

— Ким билади! Ҳар сешанба оқшом келиб ётиб кетади, қаерда туриши бизга нома'лум. У сешанбадан бу сешанбагача кутиш керак.

— Кўрдингми, қилган ишингни, тентак одам! Мен энди нима қиламан? Генеральша Шевелицинанинг уйига боришим керак, ахир жин ургур! Оёқларим совуқотиб кетди-ку!

— Этикни алиштириш қийин эмас. Кечқурунгача шу этикда юратуринг, кечқурун театрга борақоларсиз.— Бориб, Блистанов деган актёрни сўрайсиз... Агар театрга бормаيمان десангиз, келаси сешанбагача кутасиз. У киши буерга фақат сешанба кунлари келади...

— Йўга, нега энди иккови ҳам чап оёқники?— деди Муркин, этикни хазар блан қўлга олиб.

— Худонинг қудрати-да, нега бўларди. Камбағал одам... Яхшисини актёр қаердан олсин?.. «Шу ҳам этикми, Павел Александрович! Шармандабозлик-ку!..» десам, «Жим бўл! Мен шу этикда граф ва князь рольларида ўйнаганман!» дейди. Жуда аломат халқ бўларкан, шу актёрлар. Артиет артистлигига боради-да! Мен губернатор ёки катта мансабдор одам бўлганимда, ҳамма актёрларни тўшлаб, қаматтирар эдим.

Муркин қийнала-қийнала пойма-пой этикни кийди ва оқсоқланиб-оқсоқланиб генеральша Шевелицинанинг уйига кетди. Эртадан кечгача шаҳарни кезиб, ҳар кимларнинг пианиноларини созлаб юрди, унинг назарида ҳамма одамлар худди унинг пошналари қийшайиб кетган, ямоқ-ясоққ этигидан кўзини узмай қараб юрганга ўхшарди. Бунинг устига, оёқларининг бармоқлари қавариб, шилиниб кетган эди.

Кечқурун театрга борди. «Кўк соқол» спектакли ўйналаётган экан. Охирги парда олдидан Муркин найчи бир танишининг ёрдами блан саҳна орқасига киришга муваффақ бўлди. Эркаклар пардозхонасига кириб қараса, бутун уй ичи эркак артистлар блан лиқ тўла. Ба'зилари кийинмоқда, ба'зилар ечинмоқда, ба'зилари юзларига грим суркамоқда, бошқалари тамаки чекиб ўтирар эдилар. Кўк соқол король Бабеш блан бирга алланималарни гапиришар, унга тўппончасини кўрсатиб турар эди.

— Ол!— дерди, Кўк соқол.— Курскдалигимда бир пайти келиб қолувди, саккиз сўмга олган эдим, сен олти сўм берақол... Жуда бехато отади ўзи ҳам!

— Эҳтиёт бўл, ўқланган бўлса...

— Блистанов афандини кўрсам бўладими?— деди созчи, пардозхонага кириб.

— Ҳа, мен бўламан!— деди Кўк соқол, унга қайрилиб қараб. Хизмат?

— Кечирасиз, афандим, безовта қилганим учун,— деди Муркин, ёлворган бир овоз блан.— Мен бир касалманд одамман ўзим, оёғимда бодим бор. Докторлар оёғингни иссиқ тут деб буюришган...

— Ҳа, нима демоқчисиз ўзингиз?

— Гап шундаки...— деб давом этди созчи, Кўк соқолга мурожаат қилиб,— ҳа... шу кечаси сиз Бахтев деган савдогарнинг мусофирхонасига борган экансиз... 64-нчи номерга...

— Бу гапинг нимаси!— деди кулиб, король Бабеш.— 64-нчи номерда менинг хотиним туради!

— Сизнинг хотинингиз? Жуда яхши... Муркин илжайди.— Бу кишининг этикларини сизнинг рафиқангиз менга чиқариб бердилар-да... Бу киши,— созчи Блистановни кўрсатди,— бу киши чиқиб кетганларидан кейин этигимни кияй деб қарасам, иш шунақа... Кейин малайни чақирдим, малай: «Сизнинг этигингизни адашиб бошқа номерга киритиб қўйгандирман!» деди. Ичиб маст бўлганида, менинг этигимни ҳам сизникига қўшиб 64-нчи номерга киритиб қўйган экан,— деди Муркин, яна Блистановга мурожаат қилиб.— Сиз бу кишининг рафиқалари ёнидан чиқиб кетаётганингизда менинг этигимни кийиб кетибсиз...

— Бу нима деганингиз?— деди Блистанов, қовоғини солиб!— Буерга чақимчилик қилгани келдингизми?

— Ҳеч бир-да! Худо сақласин мени бу ишдан! Гапимга тушунмадингиз... Мен нима демоқчи бўламан? Мен этикни айтмоқчиман! Сиз шу кечаси 64-нчи номерга кириб ётганмидингиз?

— Қачон?

— Шу кеча.

— Ўз кўзингиз блан кўриб айтаётибсизми?

— Йўқ, мен кўрганим йўқ,— деди Муркин, ҳижолат блан. Курсига ўтирди-да, оёғидаги этикни еча бошлади.— Менку ўз кўзим блан кўрганим йўға, аммо мана бу сизнинг этигингизни бу кишининг рафиқалари ўз қўллари блан чиқариб бердилар... Менинг этигим ўрнига.

— Бундай гапларни гапириб юришга қандай ҳақингиз бор, афандим? Ўзимни айтаман, мен эркак кишиман,

аммо хотин кишини, ўз эрининг олдида ҳақорат қилишга қандай ҳақингиз бор?

Саҳна орқасида тўс-тўпалон бошланиб қетди. Таҳқир этилган эр, король Бабешнинг бирдан юзи қипқизариб кетиб, кучининг борича столини бир урган эди, нариги уйда ўтирган актрисалардан иккитаси ҳушидан кетиб йиқилди.

— Сен шу гапга ишонасанми, а?— деб бақирарди Кўк соқол,— шу аблаҳнинг гапига ишонасанми?— О-о-о! Улдир дегин шу заҳоти тил торттирмай ўлдираман бу одамни! Улдирайми? Улдирайми? Ҳозирнинг ўзида чалпак қилиб ташлайман. Тилка порасини чиқариб юбораман!

Шу кеча ёзлик театр ёнидаги боғда сайр қилиб юрганлар тўртинчи пардадан олдин театрдан ялангоёқ бир одамнинг югуриб чиқиб, катта хиёбондан қочиб кетганини кўрганларини айтадилар, қочган одамнинг юзи за'фарон, кўзларига даҳшат тўла дейдилар. Унинг кетидан Кўксоқол кийими кийган бир киши қўлида тўппонча ушлаб қувган экан. Воқиянинг буёғи нима бўлганини ҳечким билмайди. Фақат шуниси ма'лум бўлдики, Муркин Блистанов блан танишгандан кейин икки ҳафта бетоб бўлиб ётипти ва «мен касалманд одамман, оёғимда бодим бор» деган сўзларга «мен ярадор одамман» деб қўшиб айтадиган бўпти...

1885.

## ОҚСОҚОЛ

(Кўриниш)

Н. деган бир уезд шаҳаридаги ифлос қовоқхоналардан бирида оқсоқол Шельма ёғлиқ бўтқа еб ўтиради. У, бўтқадан уч қошиқ егандан кейин бир рюмка арақ ичади-да, «бўлди, энди бошқа ичмайман» деб қўяди.

— Шундай, азизим, деҳқонларнинг можароларини бирёқлик қилиш ниҳоятда мушкул иш,— дейди у қовоқхона эгасига мурожаат қилиб. У, тугмалари ҳадеб ечилиб кетаверганидан қадаб қўйиш учун стол тагига энгашди.— Шунақа, азизим! Деҳқонларнинг иши бутун бир сиёсат, бунга Бисмарк ҳам ожизлик қилган. Бунақа ишларни олиб бориш учун ўткир ақлли ва эпчил бўлмоқ керак. Мана, нега мени мужиклар ҳурмат қилишади? Не сабабдан улар менга пашшадек ёпишаверадилар? Нега? Нега мен ёғлиқ бўтқа еб ўтирибман-ку, бошқа адвокатларнинг еган бўтқаси ёғсиз бўлади? Бунинг сабаби нимада? Сабаби шундаки, менинг миямда талант, идрок бор.

Шельма пишқариб яна бир рюмка ичди-да, кирланиб кетган бўйинини чўзиб, кеккайиб ўтирди. Бу одамнинг бўйинигина эмас, балки қўлларини, қўйлагини, шимини, қўлидаги румолчасини, қулоқларини кир босиб саҳтиён бўлиб кетганди.

— Мен донишманд эмасман. Ёлғоннинг нима кераги бор? Адвокатлар курсида ўқимаганман, билимдонлар сингари олижаноб либослар киймайман, аммо мақтанчоғлик бўлса ҳам, дейманки, миллион сўм берсанг ҳам мендек адвокатни бир умр тополмайсан. Албатта, Скопиннинг ишини бирёқлик қилиш қўлимдан келмайди, Сарра Беккер ишини ҳам эплайолмайман, аммо деҳқонларнинг ишига келганда ҳечқанақа ўткир ҳимоячи, прокурор... ҳечким

менга бас келолмайди. Рост айтаман! Деҳқонларнинг ишини мендан бўлак ҳечким бирёқлик қилаолмайди. Хоҳ Ломоносов бўл, хоҳ Бетховен бўл, мендаги талант сенда бўлмаса бу ишга урина кўрма ҳам! Мана, Репловодаги оқсоқолнинг ишини мисол қилиб ол. Реплово оқсоқолининг можарасини эшитгандирсан?

— Йўқ, эшитганим йўқ.

— Жуда яхши можара, сиёсий иш! Плеваковнинг ҳам тиши синар эди, фақат менинг кучим етди бу ишга. Мана шунақа. Мен сенга айтсам, биродари азиз, Москвадан сал нарида кўнғироқ заводи бор. Уша заводда, мен сенга айтсам, бизнинг репловилик Евдоким Петров деган бир мужик старший мастер бўлиб ишлайди. Йигирма йилдан буён ўша заводда ишлайди. Паспортига қарасанг мужикнинг ўзгинаси, ялангоёқ, аммо афтига қарасанг сра мужикка ўхшамайди. Йигирма йил ичида сийқаланипти, одамга ўхшаб қолган-да. Хоҳ инон, хоҳ инонма, эгнида тринка костюм, қўлларида узук, кўкрагида тилла занжир, хуллас, олижанобдай! Ҳеч мужикка ўхшамайди. Ойлиги бир ярим минг бўлса, уй-жой берган бўлса, егани олдида, смагани кетида бўлса, завод эгаси блан иноқ бўлса, шундай даражага ҳам етмасинми. Ўзингдан-ўзинг олижаноб бўлиб кетасан киши... Афти-башараси ҳам, мен сенга айтсам, мана бундоқ (у яна бир рюмка кўтарди)... Кунлардан бир кун ўша Евдоким Петров, мен сенга айтсам, ўз ватанига, бизнинг Реплово қишлоғимизга келмоқчи бўпти. Уша заводда туравериб, ўз қишлоғини соғиниб қопти. Қўнғироқ заводида-ку старший мастернинг турмуши яхши-я, зерикиб нима қиласан, тинч туравермайсанми? Аммо мен сенга айтсам, Америкага борсанг ҳам юз сўмлигинг кўп бўлса, барибир қовоқхонани соғинасан, кўнглинг кетади. Ҳарҳолда соғинганидан, бир келгуси келипти. Хў-ўш! Хўжайинидан бир ҳафтага жавоб олти-да, Репловога жўнапти. Энг олдин туғилиб ўсган уйига қўнипти. «Мен ёшлигимда шу ерда турган эдим, ҳов анови ерда отамнинг подасини боқардим, мана буер — ётадиган жойим эди» депти. Хуллас ёшлиги эсига тушиб шунга ўхшаш гапларни қилипти. Тағин мақтаниб ҳам қўйипти: «Мана, кўрдиларингми биродарлар! Мен ҳам сизларга ўхшаш ялангоёқ эдим, меҳнат қилиб, тер тўкиб мартабага етдим, бадавлат бўлдим. Сизлар ҳам меҳнат қилсаларинг...» деб вайсапти. Ялангоёқлар олдинига унинг насиҳатларини эшитиб, ҳурмат қилиб юришипти, кейин



Ўйлаб қолишипти. «Гапирган гапларинг жойида, рост, ҳам-мамизга ҳам ёқади, аммо сендан бизга қандай фойда тегади? Келганингга бир ҳафта бўптию, ҳанузгача бир қултим арақ ичирмадинг» дейишипти, уйига юзбошини юбориб.

— Евдоким, юз сўм пул бер!

— Ҳа, нега энди?

— Юртга, арақ учун... юрт сенинг соғлигинг учун ичмоқчи...

Евдокимнинг ўзи бама'ни, одобли, художўй одам, арақ ҳам ичмайди, тамаки ҳам чекмайди, бошқаларга ҳам ичирмайди.

— Арақ учун сариқ чақа ҳам бермайман.

— Нега энди бермас экансан? Нима ҳақинг бор бермасликка? Сен бизнинг одамимиз эмасми?

— Сизнинг одам бўлсам нима қипти? Сизлардан қарзим йўқ... Орамиз очиқ. Шундай бўлгандан кейин, нега пул берай?

Ана гапу, мана гап! Евдоким ўз айтганида туриб олди, юрт эса ўз айтганида. Кейин юртнинг ғазаби қўзғаб кетди. Аҳмоқларни биласан-ку ўзинг! Минг гапир — барибир тушунмайди. Юртнинг ичгиси келгандан кейин ўн икки хил тилда гапир, замбаракка солиб от, барибир тушунмайди. Ичгимиз келди деб туриб олишади. Тўғрида! Ўзи ҳамқишлоқ бўлсаю, ҳиммати бўлмаса! Бу нима деган гап? Шундан кейин Евдокимдан ҳарқандай йўл блан бўлса ҳам юз сўм олиш учун ҳархил иғво тўқишга киришишди. Шунча тиришсалар ҳам тўқий олмади ҳечким. Эшиги ёнига келиб, «Ссеними, шошмайтур!» деб қўрқитишади. Евдоким бўлса уйида бемалол ўтираверади. «Худонинг олдида ҳам, банданинг олдида ҳам, қонун олдида ҳам софман, нимадан қўрқай? Эркин қушман, қаёққа учсам — учавераман!» депти. Хўш. Мужиклар пулдан умидларини узадилар, аммо уларнинг ҳурматини қилмаган ўша эркин қушнинг қанотларини юлиб олиш чорасини излайбошладилар. Қаллаларида зиғирча ақл йўқлигидан, менга одам юборишди. Дарҳол мен Репловога бордим. «Иш хуржун Денис Семёнич, пул бермаётир. Ўзинг бунинг чорасини кўр!» деб арз қилишди менга. Қандай чора топиб бўларди дейсан? Чора топишнинг сра иложи йўқ, ҳамма гап равшан: барча қонун Евдоким томонида. Мана мен деган прокуроринг ҳам минг йил бош қотирсин, — чорасини тополмайди... Бунга шайтоннинг ҳам ақли етмайди-да.

Шельма яна бир рюмкани кўтариб, кўзини қисиб қўйди.

— Чорасини мен топдим, менинг ақлим етди!— деди кулиб у.— Мен топдим! Қандай қилганимни ўйлаб топчи, қани! Минг ўйласанг ҳам тополмайсан! Мен мужикларга, «Халойиқ, уни ўз қишлоқларингга оқсоқол қилиб сайланглар» дедим. Улар дарҳол гапнинг тегига етиб, уни ўзларига оқсоқол қилиб сайлашди. Бу ёғини эшит. Евдокимга оқсоқоллик муҳрини келтириб беришди. У бўлса кулиб-қотиб ётипти. «Ҳазилни қўйинглар, мен сизларга оқсоқол бўлишни истамайман!» деб жавоб берди.

— Сен истамасанг, биз истаймиз!

— Истамайман дедим, истамайман! Эртагаёқ қишлоқни ташлаб кетаман!

— Кетолмайсан! Ҳақинг йўқ кетишга. Қонун бўйича оқсоқол оқсоқолликни ташлаб кетаолмайди.

Бунга Евдоким:

— Бу лавозимни устимдан соқит қиламан,— деб жавоб қипти.

— Ҳақинг йўқ. Оқсоқол камида уч йил оқсоқоллик қилиши керак, ўшанда ҳам суд ҳукм чиқарса соқит қилинади. Биз сени оқсоқол қилиб сайладикми, бўлди, на ўзинг, на биз ўриндан тушираолмаймиз!

Евдоким дод солди, фар'ёд кўтарди, дарров волостной оқсоқолга югурди. Волостной ва унинг мирзаси ҳамма қонунларни олиб унга кўрсатишди.

— Фалон-фалон моддаларга биноан уч йилгача оқсоқоллик қилишинг керак. Уч йил хизматни бажар, кейин кетавер.

— Қанақа уч йил! Буерда бир ой туришимнинг ҳам иложи йўқ. Хўжайиннинг менсиз уйи куяди-ку! Неча минглаб зарар кўради! Заводдан ташқари уй-жойим, болачақаларим ҳам ўшатда!

Ҳеч иложи бўлмади. Орадан бир ой ўтиб кетди, Евдоким юртга юз сўм эмас, уч юз сўм беришга рози бўлди. Уларку пулни жон деб олардилар, фақат вақти ўтган эди. Евдоким, жаноби ҳазрат ҳузурига бориб унга арз қилди.

— Сизга арзим бор, жаноби олийлари. Оилавий сабаблар важдан хизмат қилолмайман. Мени бўшаттиринг, худо хайрингизни берсин!

— Ҳақим йўқ. Сени бўшатишга қонуний асос йўқ. Аввало, ўзинг соппа-соғ одамсан, иккинчидан сени қоралайдиган материал йўқ. Хизмат қилишга мажбурсан.

Сенга шуни ҳам айтиб қўяйки, уерда ким бўлмасин ҳаммани сансираб гапиришади. Волостной оқсоқоллар, қишлоқ оқсоқоллари пошшоликнинг мартабали одамлари ҳисобланади, маҳкама чиновникларидан ҳам баланд туради, шундай бўлсада уларни қорол сингари сансирашади. Трико костюм кийган Евдокимнинг бундай сансирашни эшитишга тоқати бор дейсанми? Жаноби ҳазратга ялинди, Ёлборди.

— Ҳақим йўқ,— деди у.— Инонмасанг уезд маҳкама-сидан бориб сўра. Ҳамма ҳам сенга шундай дейди. Фақат мен эмас, губернатор ҳам сени бўшатомайди. Халқнинг ҳукми, агар қоида асосида чиқарилган бўлса, уни ҳечким бекор қилолмайди.— Евдоким тўрага арз қилиб борди. Тўрадан исправникка югурди. Бутун уездни кезиб чиқди, ҳамма ерда — ҳақимиз йўқ, хизмат қил, деган жавобни қилдилар. Аҳволи танг. Заводдан бўлса кетма-кет хат келиб турипти. Евдокимнинг қовми-қариндошлари ҳам мени чақиртиришга маслаҳат беришипти. Хоҳ инон, хоҳ инон-ма, одам юбормасдан, ўзи от қўйиб келди. Кела-солиб гап-сўз йўқ, қўлимга юзталикини тутқизди. «Умидим сиздан» деб ялинди.

— Хўп, майли, юз сўлкавойга сизни бўшатдиришим мумкин,— дедим.

Юз сўлкавой олиб, унинг ишини дарров тўғриладим.

— Қандай қилиб?— деб сўради қовоқхона эгаси.

— Топкинчи! Оппо-осон. Бутун гап — қонуннинг ўзида.

Шельма, унинг ёнига келиб, қаҳқаҳлаб кула-кула, қулогига шивирлади.

— Бирон нарсани ўғирлаб, қўлга тушиб, ишининг судга оширилишини маслаҳат бердим. Қалай? Жойидами? Мен сенга айтсам, олдинига у шошиб қолди. Қандай қилиб ўғирлай, дейди. Мана шундай ўғирлайверасан-да,— дедим.— Мана, менинг ичи бўш ҳам ёним, шуни ўғирла, бир ярим ой авахтада ётиб чиқасан, вассалом. Олдинига у, номим булганади деб, кўнмади. Покиза номнинг сенга нима кераги бор, дедим. Нима, сенинг битилган номай амолнинг бормиди? Бир ярим ой авахтада ётиб чиқасан, вассалом, иш битади кетади. Сени қораловчи материал ҳам тайёр, оқсоқоллик медалини ҳам сендан тортиб олишади! Уйлаб туриб-туриб, рози бўлди-да, менинг қуруқ ҳам ёнимни ўғирлаб кетди. Бир ярим ой авахтада ётиб чиқди, мени ҳалигача дуо қилади. Мана, ақлни кўрдингми энди,

огайни! Бутун дун'ени ахтариб чиқсанг ҳам, деҳқонлар можарасидай сиёсатни тополмайсан, бунақа ишларни менадан бўлак ҳечким ечолмайди. Ҳечким бекор қилолмайди, фақат менинг қўлимдан келади. Шунақа.

Шельма яна бир бутилка арақ чақирди-да, бошқа бир ҳикоя, Реплово мужикларининг бировнинг ўрилмаган буғдойини сотиб, ичиб юборганлари ҳақида ҳикоя бошлади.

1885.

## ОЙНИ ЭТАК БЛАН ЁПИБ БУЛМАЙДИ

Петр Павлович Посудин киракаш извошга тушиб, ҳечким билмасин учун аллақандай пастқам йўллардан юриб, Н. деган шаҳарга шошилмоқда. У яқинда ўша шаҳардан имзосиз бир хат олган, унинг шошилганининг сабаби ҳам хатда айтилган гапларни тезроқ текшириб чиқиш эди.

«Томдан тараша тушгандай босиб бораман...— деб ширин хаёл суриб боради у, юзини мўйнали ёқасига беркитиб.— Аблаҳлар қилгиликни қилиб, энди ҳеч кимса билмайди, деб суюниб юришгандир... Хе-хе хе... Уларнинг устига бостириб бориб, «қани, гуноҳкор Тяпкин-Ляпкин буюққа чақирилсин!» дейман. Ана тамоша-ю, мана тамоша! Хе-хе-хе!»

Ширин хаёлларга тўйгач, Посудин извошчи блан суҳбатлашди. Шуҳратпараст одам бўлганидан у энг аввал ўзи тўғрисида гап сўради:

— Сен Посудинни танийсанми?

— Нега танимайлик,— деди извошчи кулиб,— таниймиз!

— Нега куласан бўлмаса?

— Ажаб гапларни гапирасиз-а! Шаҳардаги ҳамма мирзаларни таниймиз-ку, Посудинни танимайликми? Уни ҳамма танисин, деб шу ишга қўйишганда!

— Рост айтасан... Хўш, қалай? Сенингча қанақа одам у? Тузук одамми?

— Ёмон эмас...— деди извошчи, эснаб.— У киши дуруст, ўз ишини биладиган одам... Буерга келганига ҳали икки йил ҳам бўлгани йўқ, аммо кўп ишлар қилиб қўйди.

— Нима иш экан у?

— Кўп ишларни қилди, отасига раҳмат. Темир йўл қурдирди, бизнинг уездимиздаги Хохрюковни ишдан бўшаттирди... Хохрюков жуда ҳаддан ошиб кетган эди... Ўзиям жуда муттаҳам, ифвогар одам эди, ҳамма катталар уни қўллар эди. Посудин келди-ю, Хохрюковнинг уйи куйди, даф' бўлди, кўрмагандай бўлдик... Мана шунақа оғайни! Посудинни минг пора берсанг ҳам илинтираолмайсан, унақа одаммас. Хоҳ юз сўм пора бер, хоҳ минг сўм бер, барибир олмайди, ҳаромга юрмайди... Сра!

«Хайрият-е, менинг ҳам яхши томонларимни билишар экан,— деб ўйлади Посудин хурсанд бўлиб.— Ёмон эмас».

— Жуда билимдон одам у киши...— деб давом этди извошчи.— Қамтарин одам... Бир кун бизникилар унга арз қилиб боришган эди, у худди бообрў одамларни кутгандай кутипти, қўлларини қисиб кўришиб, «қани, қани, ўтиринглар...» депти... Жуда ўткир одам-да. Гапига тушунмайсан, бидир-бидир қилаверади! Юриши ҳам шунақа: одамларга ўхшаб секин-аста юриш йўқ: югургани югурган. Бизникиларга оғиз ҳам очирмапти, дарров: «Извошни қўш!» деб буюрипти-да, дам ўтмай буерга етиб кепти. Қелган заҳотиёқ бутун ишни битқизди-қўйди... Бир тийин ҳам олгани йўқ. Илгаригисидан ўлса ўлиги ортиқ! Бир томондан қараганда олдингиси ҳам чакки одам эмас эди. Басавлат, улуғвор одам эди. Бутун губернада унинг овозидан ўткир овоз йўқ эди... Агар бирёққа кетаётган бўлса, ўн чақирим наридан овози эшитилиб турарди. Ташқи томони ёки ички ишларини суриштирсангиз — буниси эпчил. Янгисининг мияси минг марта ўткир. Аммо битта ёмон томони бор... Ўзи яхши одам-у, лекин жуда кўп ичади, арақхўр!

«Ана холос!» деб ўйлади Посудин.

— Менинг... унинг кўп ичишини қаердан биласан?— деб сўради у.

— Мен-ку унинг ичиб маст бўлиб юрганини ўз кўзим билан кўрганим йўқ, ёлғон айтишнинг нима кераги бор? Одамлар айтишади-да! Одамлар ҳам унинг мастлигини кўришмаган, аммо арақхўр дегани рост... Одамлар олдида ёки меҳмонга борса, ё балда бўлса, жамоат ўртасида бир қултум ҳам оғзига олмайди. Аммо уйда сувдек ичади... Эрталаб уйқудан кўзини очар-очмас арақ буюради, хизматчи бир стакан арақ келтирса, яна келтир дейди... Эртадан кечгача ичгани ичган. Ҳайронман, шунча ичади-ю, ҳеч маст бўлмайди. Ўзини тутабилса керак-да!

Илгарилар Хохрюков арақ ичабошласа, одамлар уёқда турсин, ҳатто итлар увилларди. Посудинчи! Посудиннинг бурни ҳам қизармайди! Кабинетини беркитиб олади-да, арақдан бош кўтармайди! Биров кўриб қолмасин деб, столнинг ичига бир яшик ясаптиринги, у яшикдан кичкина найча чиқиб турар экан. Қачон керак бўлса яшикда арақ... Энгашиб найчадан сўрдими, бўлди, кайфи тароқ... Извошда ҳам олиб юраркан... портфелида ҳам...

«Қаердан билишади бу нарсаларни?— деб кўрқиб кетди Посудин.— Ҳатто бу ҳам ошкора бўпти-я! Шунчалик бемазалик».

— Хотинларга пашшахўрда бўлишини айтмайсизми? Вой баччагарей! (Извошчи кулиб, бош чайқади). Гуноҳдан кўрқмайди-я... Узининг ҳам ўнтача ўйнаши бордир... Икхитасини ўз уйида олиб туради. Настасья Ивановна дегани бутун уй ичини бошқаради, иккинчиси, хах оти нимаиди, ҳа Людмила Семёновнасини котиб қилиб қўйган... Аммо ҳаммасидан Настасьянинг сўзи ўтади. Айтганини қилдиради, ҳукми баланд-да. Ҳамма Посудиндан эмас, ўшандан кўрқади... Вой товба-ей! Яна бир ўйнаши бўлса Качальная деган кўчада туради... Уятсиз аблаҳ!

«Ҳатто уларни номма-ном билади-я!— деб ўйлади Посудин, қизариб-бўзариб.— Тағин, ким денг, бир умр шаҳарга бормайдиган мужик, аравакаш-а! Қандай пастлик бу! Аблаҳлик! Бемазалик!»

— Бу гапларни қаердан биласан?— деб сўради у, жаҳли блан.

— Одамлардан-да, кимдан бўларди... Ўзим-ку, кўрганим йўқ. Одамлардан эшитаман... Билишим қийин дейсизми? Хизматчининг ёки кучерининг тилини қирқиб бўлмайди. Настасьяси ҳам кўча-кўйларда мақтаниб юради. Эл оғзига элак тутиб бўладими... Посудин яқинда янги қилиқ чиқаришти: ҳечкимга билдирмасдан текширишга борадиган бўпти. Илгаригиси бир ерга бормоқчи бўлса бир ой олдин хабар бериб қўярди. Йўлга чиқса — шунча шовқин, шунча тўполон, ғовға солардики, асло қўяверинг! Олдида, кетида, атрофида чопарлар от қўйиб боришарди. Манзилига етиб бориб, роса ухлаб оларди, ўлгундек ичарди, ерди-да, кейин бақиргани бақирган эди. Томоғи бўғилгунча бақириб, ер тепиниб бўлиб, уйқуга тўйиб олиб, яна тантанаю-дабдаба блан қайтиб кетарди... Буни-си бўлса бирон гап эшитиб қолса, ҳечкимга билдирмай, эшитдирмай, секин-аста боради... Қиз-зиқ-да! Амалдор-

ларга билдирмай уйдан чиқади-да, машинага ўтиради, Узига керак жойга бориб тушади-да, киракаш извош ёки тузукроқ арава кира қилиш қаёқда! Мужик аравасига тушиб олади. Хотинларга ўшаб афти-башарасини ўраб, бора боргунча қари ит сингари, хириллаб гапиради, чунки овозини қўйиб гапирса одамлар билиб қолар эмиш. Одамлар гапириб бераберса кула-кула ичагинг узилади. У аҳмоқ мени ҳечким таниёлмайди, деб бемалол кетаверади. Биладиган одамга уни таниб олиш бирпаслик иш.

— Қандай қилиб таниб олишади?

— Бундан осони йўқ! Илгарилари Хохрюковнинг ҳечкимга билдирмай сафар қилишини унинг қўли оғирлигидан билар эдик; аравада ўтирган одам извошчининг лунжига туширдими, Хохрюков деяберинг. Посудинни дарров таниб олиш мумкин. Содда пассажир — ўзини содда тутади. Посудин ҳеч соддаликка риоя қиладиган одам эмас. Почта бекатига етиб келишиданоқ қиладиганини қилади!... Уй ичи сассиқ эмиш, дим эмиш, совуқ эмиш... Жўжа қовуриб келтир дейди, мева келтир, турли мурабболар келтир дейди... Кимки қиш фаслида жўжа блан мева талаб қилса — Посудин бўлади, буни бекатда ҳамма билади. Кимда ким бекат назоратчисини «азизим» деса ва одамларга бўлган-бўлмаган ишларни буюраверса — Посудин деяверинг. Унинг ҳиди ҳам одамларникига ўхшамайди, уйқуга ётиши ҳам бошқача... Бекатга келиб диванга ётади-да, атрофига атир сепади, ёстиғининг ёнига учта шам ёқиб қўйишни буюради. Ҳархил қоғозларни ўқиб ётади... Унинг Посудинлигини назоратчи уёқда турсин, ҳатто мушук ҳам фаҳмлай олади...

«Рост, рост... — деб ўйлади Посудин. — Нега буни олдин билмаган эканман!»

— Биладиган одам жўжасиз ҳам, мевасиз ҳам унинг кимлигини билиб олади. Телеграф айтади... Афти башарангни хоҳ беркит, хоҳ беркитма, барибир, кимлигингни билишади. Келишингни кутишади. Посудин ҳали уйдан йўлга чиқмасдан, буерда ҳамма нарса тахт туради. У бостириб бораман, судга бергизаман, амалдан бекор қиламан деб елиб-югуриб келади-ю, аммо жиноятчилар уни масхара қилиб кулишади. Ҳечкимга билдирмай келдим дейсан жаноби олийлари, қани, топчи гуноҳимизни, дейишади. У қуруқдан қуруқ қайтиб кетаверади... Тағин мақтаб ҳам қўяди, қўлларини сиқади, безовта қилгани учун афв сўрайди... Шунақа, оғайни! Сен нима деб ўйлардинг?



Иш шунақа, жаноби олийлари! Бу ернинг одамлари шунақа айёр бўладики, бир-биридан ўткир. Ҳавасинг келади! Ҳеч бўлмаса мана шу бугунги воқияни олинг... Эрта блан извош ҳайдаб кетаётсам, станция томонидан жуҳуд буфетчи извош чоптириб келмоқда. «Йўл бўлсин, жуҳуд афандим?» деб сўрадим, у «Н. шахрига вино блан закуска олиб кетаётирман. Уерга бугун Посудин келармин» деб жавоб берди. Мана, кўрдингизми? Посудининг ўзи шахарга энди отланаётгандир, ҳечким танимасин деб юзу кўзларини ўраб турган бўлса-ю, кетаётганлигини ҳечким билмайди, деб ўйласа ю, унга атаб вино, балиқ, ҳархил закускалар тайёр турса... у бўлса «Кунингиз битди, аблаҳлар!» деб йўлда кетмоқда. Аблаҳлар эса пинакларини бузишмайди. Келса келаверсин! Уларнинг бутун жиноятлари аллақачонлар беркитилган!

— Қайт орқангга!— деб бақирди Посудин бўғилиб,— аравани бур, ҳайвон!

Ҳайрон қолган извошчи аравасини орқага қайтарди.

## САНАТ АСАРИ

Онасининг ёлғиз ўгли Саша Смирнов «Биржа Ведомостьлари» газетасининг 223-нчи сонига ўралган бир нарсани қўлтигига қистириб, юзи сўлгин бир ҳолда, доктор Кошельковнинг кабинетига кирди.

— Э-э, келинг яхши йигит!— деб кутиб олди доктор.— Хўш, соғлигингиз қалай? Қандай хушxabарлар келтирдигиз?

Сашанинг кўзлари пирпиради, ўнг қўлини чап кўкрагига босиб, ҳаяжонланган ҳолда деди:

— Ойим сизга салом деб юбордилар ва сизга миннатдорлик билдирадилар, Иван Николаевич... мен ойимнинг ёлғиз ўглиман, сиз мени ўлимдан сақлаб қолдингиз... Қаттиқ касалдан қутқаздингиз... Иккимиз сизнинг бу яхшилигингизни сра унутмаймиз...

— Қўйинг бундай гапларни, йигит!— деди доктор, бу сўзлардан эриб кетиб.— Мен қилган ишни ҳамма қила олади.

— Мен ойимнинг ёлғиз ўглиман... Ўзимиз камбағал одаммиз, хизматингизга яраша ҳақ тўлашга ожизмиз... Жуда уятда қолдик, доктор... Шунинг учун ойим ва унинг ёлғиз ўгли мен, иккимиз бизнинг сизга миннатдорлигимиз аломати бўлмиш мана бу нарсани қабул қилишингизни ўтинамиз.... Ўзи жуда қиммат нарса, қадимги бронзадан ишланган... Камдан-кам учрайдиган сан'ат асари.

— Ҳеч кераги йўқ!— деди доктор, афтини буриштириб.

— Йўқ демак энди, — деди Саша қозонни очатуриб.— Олмасангиз мени ҳам, ойимни ҳам хафа қиласиз... Жуда асл нарса ўзи... Қадимги бронзадан ишланган... Марҳум дадамдан қолган, биз буни қимматли ёдгорлик деб

сақлаб келардик... Дадам қадимги бронзадан қилинган нарсаларни олиб ишқибозларга сотарди. Ҳозир ойим ҳам, мен ҳам шу иш блан машғулмиз...

Саша қоғозни очди-да, келтирган нарсасини тантанали суратда столга қўйди. Бу нарса қадимги бронзадан нафис ишланган пастак қандил эди. Қандил бир тўда одамларни тасвир этарди: қўйидаги супачага Момаҳаво кийимларини кийган икки хотиннинг фигураси ўрнатилган, уларнинг туриш-турмуши шундай эдики, уни ёзиб тасвирлаш учун жасоратим ҳам етмайди, эҳтиросим ҳам. Фигуралар тан-нозлик блан жилмайшар, шамдонни кўтариб туриш вазифаси бўлмаса, супачадан сакраб тушиб, уй ичини тасаввур этиб бўлмайдиган даражада остян-устун қиладигандай кўринар эдилар.

Доктор совғага бирпас қараб турди-да, қулоғининг орқасини қашлади, кейин бир йўталиб, бурнини қоқди.

— Айтганингиз рост, асл нарса экан,— деди у, пўнғирлаб.— Аммо, нима десам экан... Ҳечкимга кўрсатиб бўлмайдиган нарса экан-да... айиб...

— Я'ни нега энди?

— Утакетган устаси ҳам бундан баттарини ўйлаб топаолмас. Бу нарсани столга қўйиш — бутун уйни харом қилиш демакдир.

— Сан'атга нега бундай кўз блан қарайсиз, доктор,— деб хафа бўлди Саша.— Ахир, бу сан'ат асари, ўзингиз бир қаранг! Бундаги нафислик ва гўзалликдан кишининг юраги шодликка, кўзи ёшга тўлади! Бундай гўзалликни кўрган киши бутун дун'ёни унутиб юборади... Бир қаранг, қандай малоҳат, қандай нафосат, орзу бор бунда!

— Буни ўзим ҳам кўриб турибман, азизим,— деди доктор, Сашанинг сўзини бўлиб.— Аммо, мен оилали, бола-чақали одамман, уйимга турли-туман хонимлар келиб туради...

— Албатта, агар нодон халқ назари блан қаралса бу юксак сан'ат асари бошқача бўлиб кўринади...— деди Саша.— Аммо сиз, доктор, оддий халқдан баланд турмоғингиз керак. Бу нарсани қабул қилмасангиз мени ҳам, ойимни ҳам қаттиқ хафа қиласиз. Мен ойимнинг ёлғиз ўғлиман... Сиз мени бир ўлимдан қутқаздингиз... Биз сизга энг қимматбаҳо буюмимизни тақдим этаётибмиз... Фақат шунга мос келадиган бошқа нарсангиз йўқлиги мени ачинтиради...

— Раҳмат, раҳмат, азизим, кўп миннатдорман... Ойнигизга салом айтинг. Аммо, яна бир ўйлаб кўрсангиз бўларди, ҳарқолда бола-чақалар бор, хотин-халажлар келиб туради... Ҳа майли, қолса қолақолсин! Барибир, сизга тушунтириш қийин.

— Тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ,— деди хурсанд бўлиб кетган Саша.— Қандилни мана буерга вазанинг ёнига қўйинг! Аттанг, жуфти йўқ-да... Эҳ аттанг! Хўб, хайр энди, доктор!

Саша чиқиб кетгандан кейин доктор анча вақтгача қандилга қараб ўтирди, қулогининг орқасини қашиб, узоқ ўйлади.

«Ўзи ёмон нарса эмас, буниси тўғри,— деб ўйлади у.— Улоқтириб ташлаш увол... Буерда ҳам қолдириб бўлмайди... Оббол Тоза мушкул ишга йўлиқдимми! Кимга ҳад'я қилсам экан?»

Узоқ ўйдан кейин Ухов деган ўзининг қалин ўртоғи эсига тушди. Ўртоғи адвокат бўлиб, докторнинг жанжалли ишларини бошқарар эди.

— Жуда соз-да,— деди доктор, ўзига ўзи.— Ошналик важдан мендан сра пул олмайди. Бирон нарсани ҳад'я қилсам жуда хурсанд бўлади. Мана шуни олиб бориб берақоламан! Ўзи ҳам бўйдоқ ва енгилтак одам...

Ишни кейинга қўймай, доктор дарҳол кийинди-да, қандилни кўтариб Уховникига кетди. Адвокат уйда экан.

— Яхшимисан, оғайни!— деди доктор, адвокатга.— Менга қилган хизматларинг учун ташаккур билдиргани келдим... Пул берсам олмайсан, жуда бўлмаса мана буни ол... Мана, буни ол... Мана, кўрдингми, оғайни... Жуда ажойиб бир нарса!

Ажойиб нарсани кўриши билан адвокат ўзида йўқ севиниб кетди.

— Ана холос!— деди у, қаҳ-қаҳ уриб кулиб.— Вой қуриб кетгурей! Шунақа нарсаларни ҳам ўйлаб топишадия! Ҳақиқатан ҳам ажойиб нарса экан. Қасрдан топдинг буни?

Адвокат, ичидаги бутун севишчини изҳор қилиб бўлгач уйнинг эшигига қўрқа-пуса кўз ташлади-да:

— Йўқ, биродар, бунингни юлиб кет буердан, мен олмайман...— деди.

— Нега олмайсан?— деди доктор, қўрқиб кетиб.

— Олмайман-да... Уйимга онам келиб туради, мижозлар келади... хизматчи хотинлар олдида ҳам уят...

— Бу гапларингни қўй, оғайни... Совгадан ҳам қайтиб бўладими!— деб туриб олди доктор.— Олмасанг чўчқалик қилган бўласан. Ўзи жуда нафис нарса... Қандай нафосат!.. Қандай малоҳат, орзу бор бунда... Бўлди, гап тамом! Хафа бўламан, олмасанг!

— Ба'зи жойлари ёпиқ, ёхуд барг блан беркитилган бўлса ҳам майли эди...

Доктор аввалгидан баттар қаттиқ туриб олди. Совгани бошлаб ўтказгандан хурсанд бўлиб, Уховниқидан чиқиб, уйига кетди...

Доктор кетганидан кейин адвокат қандилни яхшилаб қараб чиқди, уер-буерини ушлаб кўрди, кейин худди доктор сингари «буни нима қиламан?» деб узоқ бош қотирди.

«Ўзи ёмон нарса эмас экан,— деб ўйларди у.— Ташласанг увол бўлади, буерда қолдириш ҳам уят. Яхшиси, бирон кишига тақдим этиш қўйиш-да... Ҳа, ҳа, топдим! Бу қандилни бугун кечқурун қизиқчи артист Шашкинга тақдим этаман... у аблаҳ бунақа нарсаларга ўч. Айтмоқчи, бугун унинг бенефиси-я...»

Айтилган гап — отилган ўқ. Жуда пухта ўралган қандилни Ухов кечқурун қизиқчи артист Шашкинга тақдим этди. Ярим кечагача Шашкиннинг пардозхонаси совгани кўриш учун келган эркак артистлар блан лиқ тўла эди, пардозхонадан ҳадеб от кишнагандай кулги эшитиларди. Бирон артистка эшик олдига келиб: «Кирсам майлими?» деб сўраса, қизиқчи артистнинг дарҳол:

— Йўқ, йўқ, хоним, мен кийинган эмасман!— деган товуши эшитиларди.

Тамошадан кейин артист кифтини қўқиб:

— Бу ярамас нарсани энди нима қиламан? Ахир, бировнинг уйида ижарага турсам, уйимга артисткалар келиб туради... Бу фоторасм эмаски, дарров стол ичига яшириб қўйсанг...— дерди.

— Обориб сотинг, қўйинг,— деб маслаҳат берди, артистни счинтираётган саҳна сартароши.— Бир жойда шунақанги қадимги бронзаларни олиб сотучи бир кампир бор. Бориб Смирновани сўрайсиз... Ҳамма танийди.

Қизиқчи артист сартарошнинг маслаҳатига кирди... Шу воқнадан икки кун кейин доктор Кошельков ўз кабинетида бармоғини пешонасига тираб, ме'да кислоталари тўғрисида ўйлаб ўтирарди. Бирдан эшик очилиб, кабинетга Саша Смирнов югуриб кириб келди. Унинг оғзи

қулоғига етган, юзида шодлик акс этар, юриш-турушидан бахтиёрлик кўриниб турар эди... Қўлида газетага ўралган бир нарса кўтарган эди.

— Доктор!— деб гап бошлади Саша, нафаси бўғилиб.— Шу топда дун'ёда мендек хурсанд одам бўлмаса керак! Бахтингизга қандилингизнинг жуфтини топишга муваффақ бўлдик!.. Ойим ҳам жуда хурсандлар... Мен ойимнинг ёлғиз ўғлиман... Сиз мени бир ўлимдан олиб қолдингиз...

Миннатдорлигидан титроқ босган Саша докторнинг олдига қандилни келтириб қўйди. Доктор бир нима демокчи бўлиб, оғзини очган эди, ҳечнарсая деяолмади: тили танглайига ёпишиб қолган эди...

1886.

## ПОЧТА МУДИРИ БЛАН СУҲБАТИМ

Почтмейстердан бир (1) сўм солинган пакетни ола-  
туриб:

— Айтингчи, Семён Алексеич, нима учун пул па-  
кетларига бирданига бешта муҳир босилади?— деб сў-  
радим.

— Бусиз мумкин эмас...— деб жавоб берди Семён  
Алексеич, қошларини ма'нодор чимириб.

— Ҳа нега энди?

— Шунинг учунки... Мумкин эмас-да!

— Тушунишимча, бу муҳирлар аҳолига ҳам, пошшо-  
ликка ҳам малол келса керак. Муҳир пакетларни ваз-  
минлаштиради, аҳолининг ҳам'ёнига оғирлик келтиради;  
амалдорлар муҳир босаман деб кўп вақтларини сарф қи-  
лишиб, пошшоликка зарар келтиришади. Бундан фақат  
сурғуч ишлаб чиқарадиган фабрика эгалари фойда  
кўради.

— Фабрика эгалари ҳам кун кўриши керакми,  
ахир... — деди чуқур ма'ноли қилиб, Семён Алексеич.

— Бу гапингиз тўғри-ку, аммо фабрика эгалари ва-  
танга бошқа соҳаларда фойда келтиришлари мумкин  
эмасми?.. Йўқ, менга тўғриси айтинг, Семён Алексеич,  
бешта муҳир босишнинг ма'ниси нима? Бекорга босил-  
маса керак, ахир? Бирон символик моҳияти, бирон ка-  
ромати бордир, ё бўлмаса яна бирон бошқа ма'ниси  
бордир? Давлат сирини бўлмаса, менга шуни тушунтиринг,  
дўстим!

Семён Алексеич бироз ўйлаб ўтирди, кейин оғир уф  
тортди-да:

— Ҳимм... — деди.— Керак бўлгани учун босилган-  
дирди!

— Ҳа нимага босишади, ахир? Илгарилар конвертлар елимсиз бўлган вақтларда, шунча муҳир босиш зарур бўлгандир, чунки конвертларни ёвуз кишилар очиши мумкин эди, эндиликда-чи...

— Ҳа балли!—деди почта мудир, суюниб.— Ҳозир ҳам ёвуз одамлар йўқ дейсизми?

— Эндиликда,— деб давом этдим,— эндиликда конвертларни ёпиштириш учун уларга елим суртилади, бу елим — сургучдан ҳам яхши. Унинг устига пакетларни қоғоз блан шунча қалин ўрайсизларки, унинг ичига ўғри у ёқда турсин, ҳатто микроб ҳам кираолмайди. Кимдан ҳам беркитасизлар конвертларни, ҳайронман! Бегона одамлар-ку ўғирламайдия, агарда ўзингизга қарашли кичик амалдорлардан бири ёвузлик қилмоқчи бўлса муҳирга ҳам қарамайди. Ўзингизга ҳам маълум, муҳирни кўчириб олиш ва яна ўрнига ёпиштириб қўйиш бирпаслик иш!

— Бу тўғри...— деб уҳ тортди Семён Алексеич.— Ўз ичингдаги ўғридан қочиб қутулаолмайсан...

— Ҳа баракалла! Ундоқ бўлса, муҳирнинг нима кераклиги бор?

— Ҳамма икир-чикирларини суриштирадиган бўлсанг, буниси нимага-ю, униси нимага дейман десанг, миянг айниб кетади, яхшиси қойидада кўрсатилганини қилавериш керак... Тўғриси шу!

— Тўғри айтасиз...— дедим,— лекин яна бир саволим бор сизга... Сиз почта ишларида мутахассисиз. Киши туғилган вақтда ёки уйланганида нега бунчалик борди-келди бўлмайдию, аммо пул юбориш ёки пул олиш вақтида киши шунча сарсон бўлади? Менга шуни тушуштириб бериинг? Масалан, мана шу бир сўмни юборган муштипар ошамни мисол қилиб олайлик. Бу иш унга осон бўлганмикин? Йўқ, кечирасиз. Бир сўм пул юборишдан кўра яна бешта бола туғиш осонроқ... Ўзингиз ўйлаб кўринг... Энг олдин у, уч чақирим йўл юриб почтахонага келиши керак... Почтахонада узоқ вақт тикка туриб навбат кутиши керак. Маданият почтахоналарга скамейка ёки курси қўйиш даражасига ҳали етгани йўқ! Типпстик турган кампирга ҳарёқдан «Шошилманг! Тиқилин!» қилмасангизчи! Буёққа суйанманг!» деган танбиҳ ёғилади.

— Бусиз мумкин эмас-да!

— Мумкин эмас, энди буёғини эшитинг: навбат келиб етди, қабулчи пакетни олди, қовоғини солиб, «Пакетнинг устига «пуллик» деб ёзмабсиз» дейди-да, кампирнинг ол-



дана ташлайди... Муштипар онам, «пуллик» деган сўзни ёдириш учун почтахонадан биронта дўконга боради, уердан яна почтага келиб, яна навбат кутади... Хў-ўш, ишҳоят, пакет яна қабулчининг қўлига тегаети. Қабулчи, пакет ичидаги пулни санайди-да, кейин: «Сурғучингиз қани?» дейди. Онам бечоранинг эсига сурғуч келармиди? Ҳайда сурғуч ишлатилмайди, бир она сурғуч боққолда ярим танга туради. Қабулчининг жаҳли чиқади, аммо пошшолик сурғучни эритиб, суртабошлайди. Босган сурғучи шу қадар кичкинаки, уни дурбиндан ҳам ўқийолмайсан. «Муҳирингизни беринг!» дейди яна почтачи. Кампирда муҳир нима қилсин? Ангишвона блан темир кўзойнакдан бошқа унинг ҳечқандай бисоти йўқ...

— Муҳирсиз ҳам бўлаверади...

— Буёғини эшитинг... Кейин тарози ҳақи, сурғуч ҳақи, суғурта ҳақи тўлаш керак, имзо чекканига ҳам ҳақ тўлаш керак, яна бир балоларга тўлаш керак... бир сўм юбормоқчи бўлсанг, ёнингга икки сўм солиб келишинг керак... Хўш, кейин бир сўм пулни 20 та дафтардан ўтказишади, шулардан кейингина пулни юборадилар... Энди у пулни сиз бурсдан, ўз почтаханонгиздан олишингиз керак... Энг олдин уни сиз 20 та дафтардан ўтказасиз, беш бирга номер қўйиб чиқасиз, худди ўғрини қамагандек, солидиққа солиб устидан ўнта қулф соласиз. Кейин почтачи менга бир сўм пул келгани тўғрисида сиздан қоғоз келтиради, бу қоғозни фалон числода олдим, деб қўл қўйишим керак. Почтачи чиқиб кетгач, мен уйнинг у бошидан бу бошига юриб, онамдан ўпкаланаман: «Эҳ, она, мен сизни қачон хафа қилувдим? Нима гуноҳим бор эдики, менга шу бир сўмни юбордингиз? Энди сарсонликдан бошим қутулмайди!»

— Ота-онадан нолиш гуноҳ бўлади!— деб уҳ тортди Семён Алексееч.

— Ҳа баракалла, отангизга раҳмат! Гуноҳ бўлсаям полимасдан илож йўқ-да! Ишинг бошингдан ошиб ётган бир чоғда полицияга югуришинг, ўз шахсингни, имзонгни тасдиқлатиб келишинг керак... Яна шунга шукурки, тасдиқлатиш 10—15 тийин туради, агар беш сўмдан олгандачи? Тасдиқлатишнинг ҳам нима кераги бор? Сиз-ку, Семён Алексееч, мени отнинг қашқасидай танийсиз. Ҳаммомга ҳам бирга тушиб юрганмиз, биргалашиб чой ҳам ичишганмиз, узун-узун суҳбат ҳам қуриб юрганмиз... Шахсимни тасдиқлатишнинг нима кераги бор?

— Бусиз мумкин эмас, қондаси шундай!.. Қонда шундай нарсаки, яхшиси у блан ҳазиллашманг... Қондабозлик, вассалом!

— Ахир, мени яхши биласиз-ку!

— Билсам ҳам-да. Мен сизни биламан, аммо борди-ю бирдан сиз бўлмасдан, бошқа одам чиқиб қолсангиз нима бўлади? Балки, номаълум одамдирсиз?

— Узингиз ўйлаб кўринг: бир сўм пулни ўғирлаш учун бошқа кишининг имзосини қўйишдан менга қандай фойда? Бу қаллоблик бўлади! Тўнча-тўгри сизнинг олдингизга келиб, сандиқдаги ҳамма пакетларни чапгаллаб олсам қайтанга гуноҳим озроқ бўлмайдами? Мен сизга айтсам, Семён Алексееч, четэлларда бу ишлар бошқача йўлга қўйилган. Уерларда почтачи уйингизга келади-да: «Сиз фалончимсиз? Маана, пулингизни олинг!» дейди.

— Йўқ, ундоқ бўлмаса керак...— дейди почта мудирини бошини чайқаб.

— Худди шундай-да! Уерларда ҳамма иш кишиларнинг бир-бирига ишончи асосига қурилган... Мен сизга, сиз мени ишонасиз. Қайси куни уйимга маҳалла миршаби мендан суд харажатларини ундиргани кепти... Мен ундан шахсини тасдиқловчи ҳечқанақа ҳужжат сўрамадим, пулни санаб беравердим... Биз фуқаролар сизлардан ҳечқанақа ҳужжат талаб қилмаймизку, сизлар...

Семён Алексееч ғамгин суратда илжайди-да, гапимни оғзимдан олди:

— Ҳамма икир-чикирини суриштириб, буниси нимагаю, униси нимага дегандан кўра, яхшиси...

Почта мудирини гапини тугатмади, қўлини силтади-да, бироз ўйлаб кейин:

— Булар бишини ақлимиз блан битадиган ишлар эмас!— деди.

---

## RARA AVIS<sup>1</sup>

Жиноятчилар ҳаётидан романлар ёзадиган бир ёзучи полиция изқувари блан суҳбатлашмоқда.

— Сиз мени муттаҳамлар ва дайди одамлар маконига олиб боришингиз керак.

— Жоним блан.

— Одам ўлдиручиларнинг икки-уч тоифаси блан таништирингиз лозим...

— Бу ҳам мумкин.

— Шунингдек яширинча иш тутадиган фоҳишахонага ҳам бир кириб чиқсак дейман.

Шундан кейин ёзучи ўзини қалбаки пул ясовчилар, ўғрилар, товламачилар, ўғриларга бошпана беручи аёллар, қўшмачилар блан таништиришни ундан илтимос қилади. Буларнинг ҳаммасига полиция қидиручиси:

— Хўп бўлади, бу мумкин... Истаганингизча топилади, — деб жавоб қилади!

— Яна бир илтимос, — деди ёзучи. — Мен ўз романимда боягиларга қарама-қарши икки-уч ажойиб кишилар образини бермоқчиман. Шунга кўра сиздан ўтиниб сўрайман, менга икки-уч яхши, соф виждонли кишиларни кўрсатсангиз...

Полиция изқидиручиси кўзини шипга тикиб, хаёл суради ва:

— Ҳм... — деб ғулдирайди. — Яхши, қидириб кўрамиз!

1885.

---

<sup>1</sup> Анқонинг уруғи.

## ТЕГИРМОНДА

Тегирмончи Алексей Бирюков, ўрта ёшлардаги норғил бир одам, кулбасининг остонасида ўчиб қолган трубкасини эринчоғлик блан сўриб ўтирарди. Унинг афти уйқудан олдин Жюль Верн китобини ўқиган ёш болаларнинг тушига кириб чиқадиган, худди болта блан йўнилгандек қўпол, териси қалин, залвори блан юручи матросларга ўхшарди. Бу сафар унинг эғнида солдатлар киядиган кулранг дағал мовут шим, оёғида катта ва оғир этик бўлиб, кўча нам ва изғирин куз бўлса ҳам, бошяланг ва сюртюксиз эди. Нам туман тугмалари ечилган жилеткасидан кириб, баданида бемалол кезиб юрар, аммо тегирмончининг қадоқ бўлиб кетган ғадир-будир бадани совуқни сезмагандек эди. Унинг қипқизил гўштдор юзи энди ухлаб тургандай ланж, шишиб кетган қовоқлари остидаги кичик кўзлари атрофга — гоҳ тўғонга, гоҳ бостирмали эски саройга, гоҳ қари ва бесўнақай толларга хўмрайиб қарарди.

Сарой олдида эндигина монастырьдан келиб турган икки монах ивирсиб юрарди. Уларнинг бири оппоқ соқолли новча Клиопа бўлиб, лой сачраган камзил блан ямоқ солинган пимча кийган, иккинчиси — қорадан келган, қора соқол-мўйловли, эғнига оддий деҳқонлар камзили кийган Диодар эди, афтидан, грузин бўлса керак. Улар тегирмонга келтирган жовдарни аравадан туширмоқдалар. Улардан сал нарида эзилган ва ифлос ажриқда Евсей деган қарол ғирт маст ўтирарди. Евсей ҳали мўйлови чиқмаган ёш ўсмир, эғнида йиртилиб кетган калта чопон. У, қўлидаги балиқ тўрини зўр бериб ғижимлар ва ўзини тўрни ямаш блан машғул одамдай кўрсатишга тиришарди.

Тегирмончи узоқ вақт атрофга қараб ўтирди, кейин кўзларини қоп ташиб турган монахларга тикди-да, йўғон овоз блан:

— Ҳой, монахлар, нега дар'ёдан балиқ тутасизлар? Ким рухсат берди сизларга?—деди.

Монахлар индашмади, ҳатто тегирмончига қайрилиб ҳам қарашмади.

Тегирмончи индамай трубкасини чекди ва сўзида давом этди:

— Ўзингиз тутганингиз тутган, яна шаҳарлиларга ҳам нега туттирасизлар. Мен бу дар'ёни шаҳардан ва сизлардан ижарага олганман, ўз вақтида ижарасини тўлаб тураман, демак балиқ меники, уни овлашга ҳечкимнинг ҳадди йўқ. Худога сиғинасизлар-у ўғрилиқ қилишдан қўрқмайсизлар.

Тегирмончи хомиза тортди, бирпас жим ўтириб, яна вайсашга киришди:

— Топган қилиқларини қара-я! Монах бўлдим, авлиё бўлдим, ҳечким тегмайди деб ўйларсизлар. Судга ариза берсам нима қиларкинсизлар? Суд монахлигинга ҳам қараб ўтирмайди, қамаб қўяди. Судсиз ўзим ҳам бирёқли қилишга кучим етади. Дар'ёда ушлаб олиб бир дўппослайки, қиёматгача ҳам балиқ егинг келмасин!

— Бекор шунақа гапларни гапирасиз-да, Алексей Дорофеич,— деди Клиопа, ингичка овози блан.— Худодан қўрққан яхши одамлар бундай гапларни, биз-ку монахлар-а, итга ҳам айтмайди!

— Монах эмиш,— деди тегирмончи, масхара қилиб!— Сенга балиқ керакми? Керак бўлса мендан сотиб ол, ўғирлама!

— Вой, товба-ей! Қани ўғирлаганимиз?— деди Клиопа, хуноб бўлиб.— Нега бундай дейсиз, ахир? Монахларнинг балиқ тутгани рост, ахир бунга архимандрит ҳазратлари рухсат берганлар-да! Архимандрит сизни бутун дар'ё учун эмас, фақат бизнинг қирғоққа тўр солиш учун пул тўлаган деб айтадилар. Дар'ёнинг ҳаммаси сизга берилган эмас... У сизники ҳам эмас, бизники ҳам, худоники...

— Архимандрит ҳам сенга ўхшаган одам,— деди тегирмончи, трубкасини этигининг пошнасига уриб,— у ҳам муттаҳам одам! Мен унинг кимлигини суриштириб ўтирмайман. Менга сен ҳам, архимандритинг ҳам, анови Евсей ҳам бир. Агар дар'ёда ушлаб олсам, уни ҳам дўппослайман...

— Монахларни тутиб олиб урмоқчи бўлсангиз, ихтиёр ўзингизда. У дун'ёда азобини ўзингиз тортасиз. Виссарион блан Антипийни урдингиз, бошқаларни ҳам ураберинг.

Диодор Клиопанинг енгидан тортиб:

— Қўй, тегма унга,— деди.

Клиопа бирдан ўзига келиб, жим бўлди-да, яна қопини ташишга киришди. Тегирмончи ҳамон вайсар эди. У ҳар калима сўздан кейин трубкани сўриб, ерга туфуриб, истаристамас вайсарди. Балиқ устидаги гап тамом бўлгач, бир вақтлар монахлар муттаҳамлик қилиб олиб кетган иккита қоп эсига тушди-да, яна вайсайкетди; кейин Евсейнинг маст ва бекор ўтирганини кўриб, монахлар бирёқда қолиб кетди-да, хизматкорига ёпишди. У ҳеч оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар блан ҳақорат қилар эди.

Монахлар олдинига анча чидаб туриб, фақат ух тортибгина қўярдилар, броқ охирида Клиопанинг тоқати тоқ бўлди... Қўлини қўлига уриб, жиғибийрони чиқиб, деди:

— Э парвардигор, тегирмонга келишдан бошқа жазойинг йўқмиди! Буердан дўзах яхшироқ.

— Келма, нега келасан,— деб пўнғирлади тегирмончи.

— Жон деб келмас эдига, аммо бошқа тегирмонни қаердан олади! Ўзинг биласан-ку, бу атрофда сеникидан бошқа биронта тегирмон йўқ! Ё доннинг ўзини ейиш, ё очдан ўлиш қолди, бошқа илож йўқ.

Тегирмончи гапдан қолмас, ҳамон сўкинарди. Трубка сўриш унга қанчалик одат бўлиб қолган бўлса, вайсаш ва сўкиниш ҳам шунча одат бўлиб қолганлиги равшан эди.

Клиопа шошиб қолганидан киприкларини пирпира-тиб:

— Жуда бўлмаса шайтонни тилиннга олма! Бирпас жим ўтир, раҳминг келсин, ахир!— деб ўтинарди.

Тегирмончи жим бўлди, аммо Клиопанинг ёлворишидан эмас. Тўғон бошида кичкина, думалоққина, очиқ юз-ли, худди қўнғизнинг орқасига ўхшаган йўл-йўл кўйлак кийган бир кампир кўринди. Кампир бир қўлида тугунча кўтариб, бир қўли блан ҳасса таяниб келар эди... Тегирмонга яқинлашиб келиб:

— Ассалому алайкум, тақсирлар!— деди, монахларга та'зим қилиб.— Худо мадад берсин! Салом, Алёшенька! Салом, Евсеюшка!..

Тегирмончи кампирга бошини кўтариб қарамади, қовоғини солиб:

— Келинг, она,— деб пўнғирлади қўйди.

Кампир, тегирмончининг юзига жилмайиб ва ёқимтойгина қараб.

— Сенга меҳмон бўлиб келдим, ўғлим! Кўпдан бери кўрмаганим учун соғиндим. Кўришганимизга хийла бўлди ўзиям... Сенга ёқсаям келдим, ёқмасаям! Сен ҳам ўзингни анча олдириб қўйибсанми, назаримда...— деди.

Кампир, тегирмончининг ёнига келиб ўтирди, тегирмончининг баҳайбат гавдаси ёнида унинг эгнидаги мурсаги яна ҳам кўнғизниқига ўхшаб кетди.

— Хийла бўлди кўришганимизга!— давом этди кампир.— Соғиндим, болам, юракларим эзилиб кетди, сени кўраман деб. Энди буёққа отланай десам ё ёмғир ёғади ё тобим қочиб қолади...

— Тўғри шаҳардан келишингизми?— деб сўради тегирмончи, хўмрайиб.

— Шаҳардан келишим, болам, шаҳардан... тўғри уйдан чиқиб келишим...

— Бемор одамсиз, қариб қолгансиз, меҳмондорчиликка юргандан кўра уйда ўтиринг. Хўш, нимага келдингиз? Калишингизни аямайсиз!..

— Сени бир кўрай деб келдим-да, болам...— деди кампир. Кейин монахларга қаради.— Икки ўғлим бор, биттаси бу, яна бири— Василий. Униси шаҳарда туради. Ниҳояти иккитагина. Тирикманми, ўлиб кетдимми, уларнинг парвойига келмайди, мен бечора бўлсам болаларим, овинчоғим деб ўламан... Менсиз буларнинг куни ўтаверади, мен уларсиз бир кун ҳам туролмайман... Қариб қолганман, шаҳардан юриб келиш менга оғирлик қилади.

Орага жимлик чўкди. Монахлар жовдари солинган қопларни саройга ташиб бўлиб, дам олгани аравага чиқиб ўтиришди... Қайфи тароқ Евсей ҳамон тўрини ғижимлар ва мудрар эди.

— Бевақт кебсиз, она,— деди тегирмончи.— Шу топда Қаряжинога жўнамоқчи бўлиб турувдим.

— Кетавер! Йўлдан қолма!— деди кампир, хўрсиниб.— Мени деб ишингдан қоласанми... Бирпас дамимни олиб, қайтиб кетаман... Сенга, Алёшенька, Вася бола-чақаси блан салом деб юборди...

— Ҳали ҳам арақ ичгани ичганми?

— Кўп ичмайди, ҳар замонда... Ичгани ичмаган дейдими, ичади... Кўп ичай деса ўзинг биласан пули йўқ, сахий одамлар ичирса... Унинг турмуши ночор, Алёшенька, унинг ҳоли-аҳволини кўриб жуда қийналиб кетдим... ей деса овқати йўқ, болалари яланғоч, ўзи кўчага чиқай деса уялади, оёғида этиги йўқ, иштонлари йиртиқ... Олтовимиз бир уйга тиқилганмиз. Қашшоқлик ҳам шунчалик бўлар, бундан ортиқ бўлмас... Мен ҳам ёрдам берармикинсан деб келдим. Онангни ҳурмат қил, ўғлим, Василийга қараш... Уканг-ку ахир!

Тегирмончи тескари қараб, индамай ўтирарди.

— У қашшоқ, сен бўлсанг, худога шукур, ўзингга тузуксан! Тегирмонинг юриб турипти, экин эккансан, балиқ тутиб сотасан... Худо сени ақлли-ҳушли қилиб яратипти... бошқалардан баланд кўтариб, давлатли қилипти... Ўзинг ҳам ёлғизсан... Васянинг тўртта боласи бўлса, унинг устига мен ўлгур ҳам унинг қўлидаман, оладиган ойлиги ниҳояти етти сўм. Нимасига етқизсин? Ёрдам қил...

Тегирмончи трубкасига тамаки тиқиб ҳамон жим ўтирарди.

— Берасанми? — деб сўради кампир.

Тегирмончи оғзига талқон солгандай жим ўтираверди. Ўғлидан жавоб олмагач, кампир монахларга, Евсейга бир-бир қараб чиқди-да, ўрнидан турди.

— Хўб, майли, бермасанг берма, — деди. — Бермаслигини ўзим ҳам билардим. Назар Андреич деб келган эдим олдинга... Йиғлайвериб қўймади мени, Алёшенька! Қўлларимни ўпиб, сенинг олдинга юборди...

— Нима керак экан унга?

— Қарзини узсин дейди. Тортиб берсин деб жовдари элтган эдим, қайтариб бергани йўқ дейди.

— Бировнинг ишига аралашманг, она, сизнинг ишингиз эмас бу, — деб пўнғирлади тегирмончи. — Номозингиздан қолманг.

— Номозни ҳам ўқиб тураман-у, билмадим, худо даргоҳига қабул қилмаяпти. Василий қашшоқ, ўзим ҳам гадойчилик қиламан, устимдаги мурсак ҳам бировники, сен бўлсанг бадавлатсан, билмадим, юрагинг қанақа экан! Қизгончиқлик сени одамгарчиликдан чиқарди, болам! Ўзинг туппа-тузук одамсан: ақли-ҳушинг жойида, чиройлиқкина йигитсан, кўпасларнинг кўпасисан, аммо ҳақиқий одамга ўхшамайсан! Келинг ойи демайсан, чиройингни очиб гапирмайсан, худди ёввойидай, бахил, бераҳмсан...



Афтингга қараган киши қўрқади... Одамлар орасида дув-дув гап... Ана, монахлардан ҳам сўраб кўр! Одамларнинг қонини сўрармишсан, жабр қилармишсан, қароқчи-хизматкорнинг блан бирга кечалари йўловчиларни талармишсан, от ўғирлармишсан... Тегирмонинг худди бало-қазонинг макони... Қизлар блан йигитлар қўрқиб, яқин йўлашмайди, сендан ҳамма ўзини четга тортиб юради. Қани блан Ироддан фарқинг қолмапти...

— Нодонсиз она!

— Сен қадам босган ерда ўт кўкармас, нафас олган жойингдан пашша учмас одамсан. «Қани энди, тезроқ уни биров бўғиб ўлдирса, ёки суд қилиб кесдириб юборса!» деб ҳамма орзу қилади. Она бўлиб шундай гапларга мен қандай чидай? Сен менинг ўз ўғлимсан, менинг қонимсан...

— Мен кетай энди,— деди тегирмончи, ўрғидан туриб.— Хайр, она, яхши боринг!

Тегирмончи бостирмадан арава филдиратиб чиқди, кейин от етаклаб чиқди-да, худди итни қўшгандай аравага қўшди. Кампир унинг атрофида юриб, намли кўзлари блан ўғлининг юзига термилиб қарар эди.

Ўғли, устига кафтанини жадал кияётганда:

— Хайр, болам! Яхши қол, бизларни йўқлаб тур,— деди кампир, овозини пастлатиб.— Шошма, сенга атаб совга олиб келувдим.— Кампир тугунчани ечди.

— Кеча дьякникига бориб эдим,— дастурхонга қўйишган экан... Битгасини сенга деб беркитиб қўйган эдим...

Кампир ўғлига узатган нарса битта кичкина ширин кулча эди...

— Нар и турсангизчи!— деб ўшқирди тегирмончи, кампирнинг қўлини силтаб ташлаб.

Кампир хижолат бўлиб, қўлидаги кулчасини ерга тушириб юборди ва секин-секин юриб тўғон томонга кетди... Бу воқиа ҳаммага қаттиқ та'сир қилди. Ниҳоятда ҳайратда қолиб, ғазабланган монахлар уёқда турсин, ҳатто ғирт маст Евсей ҳам бу воқиани кўриб, тошдай қотиб қолган ва хўжайинидан кўзини узмай ўтирарди. Монахларнинг ва ўз хизматкорининг важоҳатларини пайқадими, ё кўкрагида аллақачонлар сўнган ўғиллик ҳисси уйғондими, ҳарқолда тегирмончининг юзида ҳам қўрқувга ўхшаш бир нарса акс этди...

— Она!— деб чақирди у.

Кампир бир сесканиб, қайрилиб қаради. Тегирмончи шошиб-пишиб чўнтагидан катак чарм ҳам'ёнини чиқарди... Ҳам'ёнидан бир сиқим қоғоз ва танга пул олиб, кампирга узатди ва:

— Мана, бу сизга, олинг,— деди.

У, қўлидаги пулларни гижимлаб кўрди, нима учундир монахларга бир қараб қўйди, кейин яна гижимлади. Қоғоз пуллар ва кумуш тангалар бармоқ ораларидан бирин-кетин яна ҳам'ёнга тушиб кетди, қўлида фақат бир танга қолди... Тегирмончи чақага бир қаради, бармоқлари блан артди-да, юзи қипқизаргани ҳолда, онасига узатди.

1886.

## САРЛАВҲАСИЗ

V асрда ҳам ҳозиргидек ҳар куни эрталаб қуёш чиқар ва кечқурун ухлагани ётар эди. Эрталаб қуёшнинг дастлабки нурлари шудринг блан ўпишганда ер жонланар, ҳаво қувонч, шодлик ва умид товушларига тўлар, кечқурун эса шу ер тек қолар ва шафқатсиз қоронғилиққа чўмарди.

Кун кунга, тун тунга ўхшайди. Ҳар замон кўкда қора булутлар пайдо бўлиб, жаҳл блан момақалдироқ қалдирарди, ёки юлдуз учарди, ё бўлмаса, ранги ўчган монах зоҳидларнинг олдига югуриб келиб, монастирьга яқин бир ерда йўлбарс кўрганини айтарди, вассалом, сўнгра яна кун кунга, тун тунга ўхшарди.

Монахлар ишлар ва ибодат қилар, уларнинг бошлиқлари бўлган чол орган чалар, лотинча шеърлар ҳамда ноталар ёзарди. Бу ажойиб чол фавқулодда қобилият эгаси эди. У органи шундай усталик блан чалар эдики, ҳатто умрининг охирида мусиқий завқи биртарзироқ бўлиб қолган энг қари монахлар ҳам, унинг ҳужрасидан орган товуши келганда ўзларини йиғидан тўхтатолмасдилар. У ҳатто энг оддий нарсалар тўғрисида, масалан, дарахт, йиртқич ҳайвонлар ёки денгиз ҳақида сўзлаганда ҳам киши ё кулар ё кўзига ёш олар, худди унинг қалбида орган торларидай торлар садо бераётгандай туйиларди. Унинг аччиғи келса ёки жуда қувониб кетса, ё бўлмаса бирон даҳшатли, зўр нарса тўғрисида гапирса, эҳтиросли илҳомга толар, чақнаб турган кўзлари ёшланар, юзи қизарар, товуши момақалдироқдай гулдираар эди. Монахлар, унинг сўзига қулоқ берар эканлар, унинг илҳоми ўз қалбларини банд қилаётганини сезар эдилар. Мана шундай соз ва ажойиб дамларда унинг ҳукмрон-

лиги чексиз бўлар, агар у зоҳидларига дар'ёга ўзларини ташлашни буюрса ҳаммаси шодлик блан бу амрни ижро этгани шошиларди.

Унинг мусиқаси, товуши, худо, ер ва осмонни мадҳ этган ше'рлари монахларга доимий хурсандлик манбаи эди. Умргузаронлик бир хилда бўлавергандан кейин баъзан дарахт, гуллар, баҳор, куз ўларнинг ме'дасига тегар, денгизнинг шовиллаши толиқтирар, қушларнинг сайраши ёқмас, аммо чолнинг таланти уларга нондек ҳар куни керак эди.

Ун йиллар ўтди, ҳамон кун кунга, тун тунга ўхшарди. Монастирь атрофида ёввойи қуш ва йиртқич ҳайвонлардан бўлак жон эгаси кўринмас эди. Одам турадиган энг яқин ер монастирьга юз чақирим келар ва юз чақирим йўл нуқул чўлдан борарди. Бу чўлдан ўтишга ҳаётга таҳқир кўзи блан қаровчи, ҳаётни тарк этиб, монастирьга киришни қабрга кириш, деб билучи кишиларгина жур'ат қилаоларди.

Шунинг учун бир куни кечаси биров монастирьнинг эшигини тақиллатганда монахлар жуда ҳайрон қолишди. Эшикни тақиллатган киши шаҳарлик бир одам бўлиб, ҳаётни севгучи оддий бир осий уммат экан. Бу одам монахлар бошлиғи дуосини олиш ва ибодат қилиш ўрнига аввал вино блан овқат талаб қилди. Нима бўлиб чўлга чиқиб қолганлигини сўралганда у, узундан-узоқ сўзлаб, овга чиққани, кўпроқ ичиб қўйиб адашганини айтди. Монастирьга кириб, қиёматнинг ғамини егин, деган таклифга, кулиб: «мен сизларга ўртоқ эмасман» деб жавоб берди.

Еб, ичиб тўйганидан сўнг, хизматини қилиб турган монахларга бир-бир қаради-да, бош чайқаб та'на блан деди:

— Бекор ўтирасизлар, монахлар. Ейиш-ичишдан бошқани билмайсизлар. Қиёматнинг ғамини шу хилда ейдими киши? Уйлаб кўринглар: сизлар буерда тинчгина еб-ичиб саодат хаёлида ўтирган чоқларда, яқин кишиларнинг ҳалок бўлиб, жонлари дўзахга кетмоқда! Бир қарангларчи, шаҳарда нималар бўлмоқда! Бири очдан ўлмоқда, бошиқаси ўз олтинини қаерга қўйишини билмасдан бузуқликка гарқ бўлмоқда ва асалга ботган пашшадай ҳалок бўлмоқда. Кишиларнинг қалбида на имон бор, на ҳақиқат. Буларни қутқариш кимнинг иши, ахир? Ва'з-насиҳатни ким қилади? Эртадан кечгача маст бўлиб юради-

ган одам мен қилайми? Наҳот худо, эзгу руҳ, севгучи қалб ва имонни сизларга тўрт девор орасида ўтириш учун берган бўлса?

Шаҳарликнинг мастлик блан айтган сўзлари қаттиқ ва одоб доирасидан ташқари эди, аммо нима бало бўлдики, чолга та'сир қилди. Чол ҳамма монахлар блан бир-бир кўз уриштириб, ранги оқарди ва деди:

— Биродарлар, бу тўғри айтади! Чиндан ҳам бечоралар ўзларининг нодонликлари ва тадбирсизликлари орқасида гуноҳкор ва динсиз ҳалок бўладилар, биз эса жойимиздан қимирламаймиз, гўё бунинг бизга дахли йўқ. Шаҳарга бориб, ўз пайғамбарларини унутган умматларнинг эсига Исо алайҳисаломни солсам бўлмай-дими?

Шаҳарликнинг сўзлари чолни қизиқтирди: эртасига у асосини қўлига олди, зоҳидлар блан хайрлашди ва шаҳарга қараб кетди. Монахлар унинг мусиқасидан, сўзларидан ва ше'рларидан маҳрум бўлдилар.

Бир, икки ойни улар чолни соғиниб ўтказдилар, чол келмади. Оқибат учинчи ойнинг охирида ҳаммага ма'лум бўлган асо товуши эшитилди. Монахлар югуришиб унинг истиқболига чиқдилар ва унга бениҳоят кўп саволлар бердилар, аммо чол, уларни кўриб севиниш ўрнига куйиниб йиғлади ва бир оғиз ҳам сўз айтмади. Монахлар унинг жуда қариганини ва озганини пайқадилар; унинг юзидан чарчаганлик ва чуқур қайғу акс этар эди, йиғлаганида эса таҳқирланган кишига ўхшар эди.

Монахлар ҳам йиғладилар ва ундан нимага йиғлаётганини, нима учун хафа эканини сўрадилар. Броқ, у бир оғиз ҳам сўз айтмади ва ҳужрасига кириб, эшикни беклаб олди. У етти кун уйдан чиқмади. Туз тотмади. Орган чалмади, нуқул йиғлади. Монахлар эшигини тақиллатсалар, чиқиб биз блан дардлаш деб илтимос қилсалар ҳам, чурқ этмади.

Охир ташқарига чиқди ва монахларни тўплаб, ёшли кўз, чуқур қайғу ва ғазаб блан сўнгги уч ой ичида бошидан кечирганларини айтиб берди.

У монастырьдан шаҳаргача босган йўлини тасвирлаб берганда кўзларида табассум, товушида осойишталик акс этар эди. Айтишича йўлида унга қушлар сайраб берган, унинг учун ариқлар шилдираб оққан, қалбини ширин, ёш умидлар ҳаяжонга келтирган: у, йўлда борар экан, ўзини жангга кетаётган ва ғалаба қозонишига амин бўл-

ган солдатдай сезган, ше'рлар ва на'тлар айтиб шаҳарга етганини билмай қолган.

Броқ, шаҳар ва уердаги одамлар тўғрисида гапирабошлаганида тутақиб кетди, кўзлари чақнади. У шаҳарга кириб кўрганларини умрида кўрган эмас, ҳатто шундай бўлишини тасаввур қилишга ҳам жур'ат этган эмас.

Шайтон нақадар қудратли, ёвузлик қанчалик гўзал эканини, кишиларнинг на даража юраксиз ва ғариб эканликларини у умрида биринчи даф'а кексайган чоғида кўрди ва англади. Бахтсиз тасодиф бўлиб, биринчи қадам босгани уй бузуқлик макони бўлиб чиқди. Эллик чамаси пулдор кишилар овқат ер ва винони ме'ёрсиз ичар эди. Вино ичиб маст бўлган одамлар куйлайдилар ва художўй киши айтгани ботинолмайдиган ярамас сўзларни ҳеч ибосиз айтадилар. Чексиз эркин, тетик, бахтиёр бу одамлар на худодан қўрқадилар, на шайтондан ва на ўлимдан, нимани хоҳласалар шуни айтадилар, шуни қиладилар, кўнгиллари қаерни тиласа, ўша ерга борадилар. Вино эса ҳақиқдай соф, ҳаддан ташқари ширин ва хушбўй бўлса керак, **чунки** ичган киши роҳатланиб кулади ва яна ичгуси келади. Киши кулганда **вино** ҳам кулгандай бўлади, ичилганда қувонч сочиб, **учқун** олади, гўё ўз ширинлигида қандай шайтоний латофат беркитиб турганини ўзи билади.

Чол ғазабдан борган сайин тутақиб, йиғлаб, кўрганларини ҳикоя қилиб бераверди. Базм қуриб ўтирганлар орасида,— деди,— столнинг устида ярми яланғоч бир бузуқ хотин турар эди. Табиатда бундан кўра гўзал ва жозибали нарсани топиш қийин. Ёш, узун сочли, дўндук, қоракўз, дўрдоқ лабли ҳаёсиз ва шарманда, бу палид қанддай ошпоқ тишларини кўрсатиб илжайиб, худди «кўрдингларми, мен қандай шарманда ва чиройлик» демоқчидай эди. Шоҳи кимҳоблар бурма-бурма бўлиб, унинг елкасини қоплаган, аммо гўзаллик кийим остига беркинишни истамас, баҳори сабза кўпиб турган ерни ёриб чиққандай, ташқарига чиққани интилар эди. Шарманда хотин вино ичар, ашула айтар ва ким хоҳласа ўшанга ўзини тақдим этар эди.

Ундан сўнг чол титраб-қақшаб от ўйини бўладиган майдон, ҳўкиз уриштириш, театрлар, лойдан яланғоч хотиннинг суратини ясайдиган рассомлар корхонаси тўғрисида сўзлаб кетди. У, илҳом блан, чиройли ва тиниқ товуш блан, худди кўзга кўринмайдиган бир торни черта-

Ўтгандай сўзлар, монахлар эса унинг атрофини . қуршаб, диққат ва иштиёқ блан сўзига қулоқ солар ва хурсандликдан энтикар эдилар... Шайтоннинг барча жозибаси, ёвузликнинг гўзаллиги ва жирканч хотин баданининг мафтун қилучи латофатини тасвир қилиб бўлганидан сўнг чол шайтонни ла'натлади. Бурилиб ҳужрасига кириб кетди...

Эртасига эрталаб ҳужрасидан чиқиб қараса монастырьда битта ҳам монах қолмапти. Ҳаммаси шаҳарга кетиб қолипти.

1888

## 6-НЧИ НОМЕРЛИ ПАЛАТА

### I

Қасалхона ҳовлисида кичикроқ бир иморат турипти, атрофини ўрмон сингари қирққиз, қичитқон, ёввойи наша босиб кетган. Томнинг тунукаси занглаган, мўрисиининг ярми қулаб тушган, кираверишдаги зинапоя тахталари чириб, ўт босиб кетган, сувоғининг изигина қолган. Иморатнинг олди касалхонага, орқаси далага қараган; даладан уни касалхонанинг устига миҳ қоқилган кулранг девори айриб туради. Ўткир учлари юқорига қараб турган шу миҳлар ва шу девор, шу иморатнинг ўзи ҳам,— бизда фақат касалхона ва тюрьма биноларига хос манзарали бўлиб,— жуда бефайз ва хунук кўринарди.

Агар қичитқон ловуллаштишидан қўрқмасангиз, бу иморатга тор сўқмоқ йўлдан бориб, ичидаги аҳволни кўрайлик. Биринчи эшикни очиб, даҳлизга кирамиз. Девор остида, печка ёнида касалхонанинг эски-тускилари уюлиб ётипти. Тўшаклар, илма-тешик эски чопонлар, иштонлар, кўк йўлли кўйлақлар, ҳечнарсга ярамайдиган эски пойафзаллар,— бу чурук-чориқлар бир-бирига қоришгани ҳолда чириб, нафасни бўғадиган сассиқ ҳид чиқариб ётади.

Эски-тускиларнинг устида эса доим трубкасини тишлаб, ҳарбий хизматдан бўшаган, формасига ёпиштирилган белгиларнинг ранги ўчиб кетган кекса солдат Никита ётади. Унинг юзи озғин, қовоғи солиқ, ўсиқ қошлари ва қизил бурни чехрасига ёввойи овчарка қиёфасини бериб туради; ўрта бўйли, кўренишда қотма ва чайир; лекин жусаси баҳайбат, муштлари ҳам жуда бақувват. Унинг ўзи дунёда ҳамма нарсадан кўра кўпроқ интизомга берилган, шунинг учун ҳам, одамларни уриш керак деган фикрга қаттиқ ишонадиган, нима буюрилса дарҳол



базарадиган, соддадил ва бефаҳм кишилардан бири. У, одамларни кўкраги, елкаси, юзи-кўзи демай дуч келган жойига уради, ва шусиз буерда интизом бўлмайди деб ишонади.

Агар даҳлиз ҳисобга олинмаса ундан кейин, ҳалиги бинога, катта кенг уйга кирасиз. Уйнинг девори хира кўк рангга бўялган, мўрисиз уйдагидек шипини қурум босган — буерда қишда печкалардан тутун қайтиши ва ис чиқиши шубҳасиз. Ички томонидан темир панжара ўрнатилиб деразалар расво қилинган. Пол бўялмаган, зирапчалари чиқиб ётипти. Уйдан ачиган карам, қора чироқ, қанда-ла ва шиптир ҳиди келади. Бу ҳид димоғига урилган киши дастлаб йиртқич ҳайвонлар катагига киргандек бўлади.

Уйда полга михлаб қўйилган кроватлар турипти. Кроватларда эгниларига кўк халат, бошларига қадимги қалпоқ кийган одамлар ётипти, ба'зилари ўтирипти. Булар — жиннилар.

Ҳаммаси бўлиб улар беш киши. Фақат биттаси киборлардан, қолганлари мешчанлар. Эшикдан кираверишдаги биринчи киши новча бўйли, озгин, йилтиллаб турган сариқ мўйлаблик мешчанин бошини қўлларига тираб, йиғидан қизарган кўзларини бир нуқтага тикиб ўтирипти. У кечаю-кундуз ғамгин, хўрсинади ва бошини чайқаб-чайқаб қўяди, алам блан жилмаяди; суҳбатга кам қатнашади ва одатда саволга жавоб бермайди. Овқат берилса, беихтиёр ейди. Тинмасдан қийналиб қисқа-қисқа йўталишига, озгинлигига ва яноғларининг яллиғлаб туришига қараганда унда сил касали энди бошланганга ўхшайди.

Унинг нарёғида чўққи соқол, занжиларга ўхшаш қопқора жингалак сочлик, жуда питирак чол жойлашган. Кундузлари у, палатада деразалар орасида қатнайди ёки тўшагида чордона қуриб ўтириб, тинмасдан тўрғайга ўхшаб ҳуштак чалади, хиргойи қилади ва қиқир-қиқир кулади. У, кечалари худога сизингани, я'ни муштуми блан кўкрагига ургани ва бармоғи блан эшикни қовлагани турганида ҳам болаларча қувноқ ва питирак бўлади. Бу Моисейка деган жуҳуд, шапка тикадиган ишхонасига йигирма йилча аввал ўт тушгач, эси-ҳушидан айрилиб қолган тентак.

6-нчи номерли палатадагилардан ёлғиз шунгагина ҳовлига, ҳатто касалхона ҳовлисида кўчага чиқишга руҳсат берилган. У, касалхонанинг қадрдон кишиси ва беозор, беэён тентаги. Аллақачонлардан буён кўчаларда

уни болалар ва итлар блан қуршалган ҳолда кўришга одатланилган шаҳарнинг масхаравози бўлгани учун бундай ҳуқуқдан кўп вақтдан буён фойдаланса керак. У кўчаларда эгнига чопон, бошига ғалати қалпоқ, оёғига туфли кийиб, баъзан ялангоёқ, ҳатто иштонсиз ҳам юраверади. Эшик ва дўконлар олдида тўхтаб, бир тийин сўрайди. Бир ерда унга квас, иккинчи ерда нон, учинчи ерда бир тийин беришади. Шундай қилиб, у одатда, хонасига қорни тўқ ва бойиб қайтади. Олиб келган нарсасининг ҳаммасини Никита тортиб олади. Бу қилиқни солдат дағаллик блан астойдил чўнтақларини ағдариб ва худони ўртага солиб, бундан сўнг асло жуҳудни кўчага чиқармай қўйишини ва дунёда тартибсизликдан кўра ёмонроқ кўрган иши йўқлигини айтиб туриб қилади.

Моисейка сер манзират. Ўртоқларига сув беради, ухлаб ётган бўлсалар устларини ёпиб қўяди, кўчадан уларга бир тийиндан пул келтиришни, яна ҳаммасига биттадан янги шапка тикиб беришни ваъда қилади; сўл томонда ётган фалаж қўшнисига қошиқ блан овқат едириб қўяди. Бу ишларини у ичи ачиганидан ё бирор одамгарчилик юзасидан эмас; ўнг томонидаги қўшниси Громовга тақлид этиб, беихтиёр, унга бўйсунганидан қилади.

Иван Дмитрич Громов ўттиз уч ёшга кирган киши; ўзи киборлардан, илгари суд пристава ва губерна котиби бўлган, ҳозир биров таъқиб қилаётир деган дардга мубтало. У ғужанак бўлиб ўрнида ётади ё сайр қилаётган одамдек уйнинг у бошидан бу бошига қатнайди, жуда кам ўтиради. У, қандайдир бир номаълум нарсани кутиб, доим ҳаяжон ичида, ваҳима чангалида, диққатини кучайтириб туради. Агар даҳлизда бирон шарпа сезса, ё ҳовлида бирон товуш эшитса бас, дарров бошини кўтаради ва: мени олиб кетгани келаётган бўлмасинлар? Мени излаётган бўлмасинлар? деб қулоқ солади. Шундай пайтда унинг юзида қаттиқ безовталиқ ва нафрат акс этади.

Менга унинг яноқлари чиққан, кенг, ҳамиша хомуш ва заҳил, кўп вақтлардан буён ваҳима блан курашиб, азоб чекиб келаётган қалбини ойна каби ўзида акс этдириб турган юзи жуда ёқади. Унинг юз буриштиришлари ғалати, бирон оғриқнинг натижасига ўхшайди; лекин чуқур ва ҳақиқий изтироб из ташлаган латиф чеҳрасида идрок ва заққилик аломати бор. Кўзларида ёқимли соғлиқ жилваси кўринади. Унинг ўзи ҳам менга маъқул, ёқимли, сермулозамат ва Никитадан бошқа ҳаммага жуда одоб

блан муомала қилади. Бирор кишининг қошиғи ёки тугмаси тушиб кетса, сакраб туриб олиб беради. Ҳар кун эрта-лаб ўртоқларига салом беради. Ўрнига ётаркан, уларга хайрли кеч тилайди.

Диққати доимо қаттиқ ишлаб туриши ва юз буриштиришларидан ташқари, унинг жиннилиги яна шундан иборатки, ба'зан у, кечқурунлар чопонга ўралиб, а'зои бадани қалтираб, тиши-тишига тегиб такиллаб, уйнинг у бошидан бу бошига ва кроватьлар орасида тез-тез юрабошлайди. Гўё уни қаттиқ безгак тутаётганга ўхшайди. Тўсатдан тўхтаб ўртоқларига қараб қолишидан қандайдир жуда муҳим гап айтмоқчи бўлганлиги билинади, лекин сўзимга қулоқ солишмайди ёки тушунишмайди, деган хаёлга боради шекиллик, чидамсизлик блан бош силкитади-ю, яна юраверади. Лекин тездан сўзлаш истаги барча мулоҳазалардан ғолиб келади-да, у ўзини қўйиб юбориб, қизғин ва эҳтирос блан сўзлайди. Унинг сўзлари тартибсиз, худди алаҳлашга ўхшаш қисқа-қисқа, шиддатлик, ба'зан тушуниб бўлмайди. Шуниси борки, сўзларида ҳам, товушида ҳам қандайдир ғоят яхши бир оҳанг бор. Сўзлаётганда унинг жиннилиги ва инсонлиги намоён бўлиб туради. Унинг телбалик сўзларини ёзиб англатиш қийин. У инсон разиллиги, ҳақиқатни бўғучи жабр-зулм, яна вақти келиб ер юзида бўладиган гўзал ҳаёт ва ҳар дақиқа золимларнинг аҳмоқлиги ва бераҳмлигини унинг ёдига солиб турган деразалардаги темир панжаралар ҳақида сўзлайди. Унинг сўзларидан ҳали замони ўтмаган эски, тартибсиз ва қовушмаган ашулалардан тузилган қурама пьеса ҳосил бўлади.

## II

Бундан 12—15 йиллар аввал, шаҳарнинг энг катта кўчаларидан бирида, ўз ҳовлисида Громов деган ўзига тўқ, обрўйли бир мансабдор бўлиб, унинг Сергей ва Иван деган иккита ўғли бор эди. Сергей тўртинчи курс студенти экан, сил бўлдию, тўсатдан ўлиб қолди. Бу ўлим эса Громов оиласи устига тўсатдан тушабошлаган бирқанча бахтсизликларнинг бошланиши бўлди. Сергейнинг вафотидан бир ҳафта кейин кекса отаси қалбаки ҳужжатлар ясагани ва ҳукуматнинг пулини еб қўйгани учун судга берилди ва шу орада тиф бўлиб, тюрьма касалхонасида ўлди. Уйи ва бутун моллари кимошди савдоси блан сотилиб, Иван Дмитрич блан онаси ҳечнарсаиз қолди.

Илгари, отаси бор маҳалда, Иван Дмитрич Петербургда туриб, университетда ўқиётган чоғида ҳар ойда уйдан келган 60—70 сўмни олиб, муҳтожлик нималигини билмас эди. Энди эса ҳаётини қат’ий равишда ўзгатиришга тўғри келди. Арзимаган пул учун эртадан кечгача дарс бериш, хат кўчириш керак, шунга қарамай очин-тўқин қолди. Чунки топган пулининг ҳаммасини онасига юборади. Иван Дмитрич бундай турмушга дош беролмади, руҳи тушиб, кўнгли синиб, ўқишни йиғиштирди-да, уйига кетди. Буерда ўз шаҳарчасида танишлари орқали уезд мактабига ўқитғучи бўлиб кирди. Лекин ўртоқлари блан чиқишолмади, ўқучиларга ёқмади, тез кунда ишдан бўшади. Онаси ўлди. У ярим йилча ишсиз юрди, куни фақат нон -сув блан ўтди, сўнг суд пристави бўлиб ўрнашди, касаллиги учун ишдан бўшатилогунча шу жойда хизмат қилди.

У ҳечқачон, ҳатто йигитлик, студентлик чоғида ҳам соғлом кўринмас эди. Доим ранги кетган, нимжон, салга шамоллайдиган, чипхўр, кам уйқу эди. Бир рюмка вино ичса, дарров боши айланиб, эсини йўқотиб қўяр эди. Унда одамга аралашиш майли зўр бўлса-да, ўзининг тезлиги ва бадгумонлиги туфайли ҳечким блан ошна бўломас, дўсти ҳам йўқ эди. Шаҳар халқи ҳақида таҳқир блан сўзлаб, уларнинг қўпол нодонлиги ва гафлат босиб, ҳайвонларча яшаши менга қабих ва жирканч туйилади, деярдди. У ингичка овоз блан қичқариб, қизишиб доим астойдил ё нафратланиб ва жаҳли чиқиб, ё завқ блан ва таажжубланиб сўзлар эди. У блан нима ҳақида сўзлашманг, гапни шу томонга айлантирарди: шаҳар дим, киши зерикади, жамиятда юксак мақсад йўқ, ҳаётни жабрзулм, фаҳш, олчоқлик блан турли шаклга киргизиб бема’ни кун кечиради, муттаҳамларнинг эғни бутун, қорни тўқ, виждонли одамлар очин-тўқин яшайди; жамиятга мактаб, тўғри йўлга бошловчи маҳаллий газета, театр, оммавий китобхонлик, илмий кучларнинг бир ўринга тўпланишлари зарур; жамиятнинг онги шунчалик оширилмоғи керакки, ўз нуқсини кўриб, кайфи учиб кетсин, деярдди. У, одамлар ҳақида фикр юритганда қуюқ бўёқларни беради, бошқа рангларни инкор қилиб, фақат оқ блан қорадан фойдаланади; унинг фикрича инсоният муттаҳамларга ва тўғри одамларга бўлинади; ўрта хили бўлмайди. Хотинқизлар ва муҳаббат ҳақида доим эҳтирос ва завқ блан сўзлайди-ку, аммо ўзи бирон марта ошиқ бўлмаган.

Фикрларининг кескинлиги ва ўзининг асабийлигига қарамай шаҳарлилар уни севишади, эркалатиб, орқасидан Ваня деб аташади. Унинг назокати, сермулозамамлиги, серандишалиги, гўзал ахлоқи, нимдошгина камзули, заиф кўриниши ва оилавий бахтсизлиги ҳаммаси бир бўлиб кишида унга нисбатан қандайдир раҳмдиллик уйғотади: унинг устига ўзи кўп китоб кўрган, яхшигина маълумотлик ва шаҳарлиларнинг фикрича ҳамма нарсадан хабардор, гўё жонлик луғат эди.

У жуда кўп китоб ўқиган. Ҳамиша клубда ўтирар, асабий ҳолда кичкина соқолини ўйнаб китобми, журналми варақларди; юзига қараб турилса китоб ўқиётганга эмас, чала чайнаб ютаётганга ўхшарди. Уқиш ҳам унинг носоғлом одатларининг бири дейиш мумкин, чунки қўлига нима тушса — бултурги газетами, календарьми — бир зайилда иштиёқ блан дарҳол ўқишга тутинарди. Уйда бўлса, китобни доим ётиб ўқирди.

### III

Куз кунларининг бирида эрталаб, пальто ёқасини кўтариб қўйиб, тор кўча, пасқам жойларда лойда шалолаб Иван Дмитрич ижро варақа бўйича қандайдир мешчандан пул ундиргани кетаётган эди. Бугун эрталаб ҳам одатдагича унинг таъби хира эди. Тор кўчаларнинг бирида оёқларига кишан урилган икки маҳбус блан милтиқ кўтарган тўрт солдат учради. Илгари ҳам Иван Дмитрич шу сингари маҳбусларни тез-тез учратарди ва ҳар гал улар бунинг кўнглини гаш қилиб, юрагини эзар эди. Лекин бу галги учратиш унда қандайдир алоҳида, ажойиб бир таъсир қолдирди. Нимагадир тўсатдан унинг кўнглига мени ҳам шуларга ўхшатиб, оёғимга кишан уриб, худди шу тахлитда лойда, тюрьмага ҳайдаб кетишлари мумкин деган гап келди. Мешчаннинг уйда бироз ўтиргач, уйга қайтаркан, ўзига таниш полиция нозирини почтахона олдида учратди, нозир саломлашди-да, биргалашиб бир-неча қадам юрди, негадир бу воқиа унга шубҳали туйилди. Уйга келиб кечгача ҳалиги маҳбуслар, милтиқли солдатлар хаёлидан нари кетмади ва англаб бўлмайдиган бир васваса ўқишга ва фикрни бир жойга тўплашга халақит берди. Кечкурун уйга чироқ ёқмади, тунни ухламай, мени қамоққа олиб, кишанга солишлари ва тюрьмага қамашлари мумкин деган хаёл блан ўтказди. У ҳечқандай гуноҳи йўқлигини билади ва бундан сўнг ҳам ҳечкимни ўл-

дирмаслиги, ўт қўймаслиги ва ўғирлик қилмаслигига ишончи комил; лекин киши ўзи билмай туриб, ёки ғайри ихтиёрий равишда гуноҳ қилиши қийинми, туҳматга қолиш, қолаверса суд хатосичи? Ахир, халқнинг асрий тажрибаси: тюрьмага тушмайман, девона тўрвасини илмайман дема, дегани бечиз эмас-ку. Айниқса судьяларнинг ҳозиргича иш олиб боришида хато қилишлари жуда мумкин, яна бунда ҳайрон бўларлик ҳеч гап йўқ. Бошқаларнинг азобига иш, хизмат юзасидангина қарайдиган одамлар, масалан: судьялар, полициялар, докторлар, бориб-бориб шуқадар сийқа бўлиб кетишадикки, иши тушган одамга, ҳарчанд расмий муомала қилмайман десалар ҳам қўлларидан келмайди: бу жиҳатдан улар уй орқасида қўй ва бузоқ сўйиб қонга парво қилмайдиган деҳқондан фарқ қилмайди. Шахсга расмиятчилик, бепарволик блан муносабатда бўлинар экан, бугуноқ бир одамни барча ҳуқуқларидан, бор-йўғидан маҳрум қилиб, сургунга юборишлик учун судьяга фақат битта нарса керакки, бу вақтдир. Ишнинг баъзи расмий жиҳатларига риоя қилишга керак бўладиган вақт (ўша расмиятлар учун судьяга ойлик тўланади), сўнг — иш тамом. Қани ундан кейин темир йўлдан икки юз чақирим узоқдаги бу кичкина, ифлос шаҳарчада адолат ва ҳимоятни излаб кўрчи! Турли жабр-зулм, жамият томонидан гўё шундай қилиниши лозим бўлган бир эзгуликдай қарши олиниб, ҳарбир инсоф юзасидан қилинган иш, масалан, бировни оқлаш ҳақидаги ҳукм уларни қаноатлантирмай, интиқом уйғотган ерда, ҳақиқат тўғрисида ўйлашнинг ўзи киши куларлик бир ҳол эмасми?

Эрталаб Иван Дмитричнинг юраги ваҳим олиб, пешонасини совуқ тер босган ва ҳар дақиқада келиб, қамоққа олиб кетишларига қаттиқ ишонгани ҳолда ўрнидан турди. Кечаги қора хаёллар букунгача нари кетмаган экан,— деб ўйларди у,— демак, бир гап бор-да. Ахир, бекордан-бекорга кишининг бошига бундай хаёл келмайди-ку.

Мана миршабнинг секин-секин юриб дераза ёнидан ўтиши бечиз эмас. Икки киши уй олдида тўхтаб, жим туришти. Нега улар индамайди?

Шу зайилда, Иван Дмитрич учун мудҳиш кечалар ва кундузлар бошланди. Дераза ёнидан ўтучилар ва ҳовлига кирчиларнинг ҳаммаси жосус ва изқувар бўлиб кўринашарди. Одатда чошгоҳ пайтида исправник пар от қўшган ишонда кўчадан ўтарди; ўзининг шаҳар ёнидаги боғидан миршабхонага ўтарди, лекин ҳар гал Иван Дмитричнинг

назарида у одатдагидан қаттиқроқ от чоптираётгандек, айрим бир тарзда: худди шаҳарда бир янги хавфли гуноҳкор пайдо бўлганини айтишга шошилаётгандек кўринарди. Иван Дмитрич ҳар кўнғироқ товушидан, ҳар дарвоза тақиллашидан чўчиб тушади, беканикида ҳарбир янги одамни кўрганда кўнгли қаттиқ ғаш бўлади; агар жандарм ёки полицияга дуч келиб қолса, кулимсирайди ва бепарво бўлиб кўриниш учун ҳуштак чалабошлайди. У, бутун-бутун кечаларни қамоққа олиб кетишларини кутиб, мижжа қоқмай ўтказди, лекин хўжайкасининг назарига ухлаётгандек кўриниш учун қаттиқ хуррак тортиб, оғир нафас олиб чиқади; модомики кўзига уйқу келмас экан, виждон азоби қийнаётган бўлади-да, гуноҳкор ҳисобланиши учун нақадар кучли далил, фактлар ва соғлом мантиқ уни бу ваҳималарнинг ҳаммаси — бўлмағур гап ва савдойилик, агар масалага чуқурроқ қаралса қамоққа олиннишидан, тюрьмага қамалишдан кўрқарлик ҳечгап йўқ, — кўнгли ҳотиржам бўлса бас, деб ишонтирар эди-ку, лекин қанчалик чуқурроқ, мантиқлироқ фикр юритса, вас-васа шунчалик кучайиб, баттарроқ қийнар эди. Бу эса, бир дарвишнинг қўл урилмаган ўрмон дарахтларини кесиб, ўзига жой ҳозирламоқчи бўлганига ўхшарди: дарвиш қанчалик жон отиб болта урса, ўрмон шунчалик тез ўсиб, қуюқлашаберипти. Ниҳоят, Иван Дмитрич бунинг бефойдалигини кўриб, ўйлашга бутунлай хотима берди, ўзини биратўла ваҳима ва умидсизлик чангалига ташлади.

У яккаликка берилиб, ўзини одамлардан четга торта бошлади. Илгари ҳам асло дидига ўтиришмайдиган хизмати, энди бутунлай жонига тегди. Негаким, қандай қилиб бўлмаски, қўлга туширишади, билдирмасдан чўнтагимга пул солиб қўйиб, кейин топиб, пора дейишади, ёки ўзим билмай қолиб ҳукумат қоғозларида ясама ҳужжатга тенг келадиган хатога йўл қўяман, ё бировнинг пулини йўқотиб қўяман деб кўрқар эди. Қизиқ бир ҳол: бошқа вақтда ҳечқачон унинг зеҳни бунчалик ўткир ва ижодкор бўлмаган эди, энди эса, ўз озодлиги ва номусига бўладиган таҳдиддан жиддий хавфсираб ҳар кун минглаб турли-туман важлар ўйлаб чиқаради. Лекин шуниси борки, ундаги ташқи оламга, жумладан китобга қизиқиш анча сусайди, ва яхшигина овсар бўлиб қолди.

Баҳорда ердан қор кетгач қабристон ёнидаги жардан бир ўғил бола ва бир кампирнинг чала ириган ўлиги чиқди. Белгиларга кўра уларни биров ўлдирган эди.

Бутун шаҳарда ҳалиги ўликлар ва уларнинг нома'лум қотиллари ҳақида гап тарқалди. Иван Дмитрич мени ўлдирган демасинлар, деб кўчага чиқиб илжайиб юрди, танишлари блан учрашиб қолгудай бўлса қизариб-бўзариб, заиф ва ҳимоясиз одамларни ўлдиришдан кўра қабиҳроқ гуноҳ йўқлигига ишонтиришга уринарди. Лекин бу хомхал ҳам тинкасини қуритди ва бироз ўйлади-да, у: менинг аҳволимда энг яхшиси — беканинг ертўласида бекиниб ётиш деб билди. Ертўлада кечгача ўтирди, кечани ҳам ўтказиб, эртасига кун бўйи чиқмади, жуда совуқ еди, қоронғи тушишини пойлаб, худди ўғрига ўхшаб, аста чиқиб уйга кирди. Тонг отгунча уй ўртасида қимир этмасдан тик туриб, қулоқ солиб чиқди. Эрталаб кун чиқмасдан беканинг уйига печь тузатадиган усталар келишди. Иван Дмитрич уларнинг ошхонадаги печьни тузатгани келганини яхши билади, лекин васваса унга: булар уста кийимда келган полициялар дейди. У секин-аста уйдан чиқди-ю, ваҳима ичида, бошьяланг, камзулсиз кўча бўйлаб чопиб кетди. Орқасидан итлар вовуллаб қувлади, қаердадир орқадан биров қичқирди, ел визиллаб қулоғини битирди ва Иван Дмитричга бутун дунёдаги жабр-зулм бир бўлиб, орқасидан қувлаётгандай туйилди.

Уни ушлаб олишди, уйга олиб келишди ва бекасини доктор чақирришга юборишди. Доктор Андрей Ефимич, — бу киши тўғрисида кейин гапирамиз, — Иван Дмитрични бошига латга ҳўллаб ёпишни буюрди ва лавр-олча сувини ёзиб берди, қайғули ҳолда бош чайқаб, бекага бундан сўнг келмайман, чунки ақлдан озаётган одамларга халақит бериб бўлмайди, деб кетди. Уйда ётишга ва даволашишга ҳечнарсаси йўқлигидан, тезгина уни касалхонага юборишди, уерда, венерик касаллар палатасига ётқизилди. У тун бўйи ухламас, хархаша қилар, касалларни безовта этарди, Андрей Ефимичнинг буйруғи блан тезда 6-нчи номерли палатага кўчирилди.

Бир йилдан сўнг Иван Дмитрич шаҳарда ҳамманинг эсидан бутундай чиқди, ва бекаси бостирма тагидаги чанпага олиб бориб ташлаган китобларини болалар ташиб кетди.

#### IV

Иван Дмитричнинг чап томондаги ҳамхонаси айтиб ўтганим, жуҳуд Моисейка, ўнг томондагиси эса жуда семиз, юмалоқ бўлиб қолган, юзида ҳечқандай фикр ифодаси



йўқ, зеҳндан маҳрум бир киши. Бу — кўп вақтдан буён фикр этиш, сезиш хусусиятларини йўқотиб қўйган кам ҳаракат, хўра ва ифлос бир ҳайвон. Ундан ҳаммиша кўнгил оздирадиган қўланса ҳид келиб туради.

Унинг жойини тозалайдиган Никита муштуминин аямай, кучининг борича жуда қаттиқ уради, буерда кишининг ваҳминини келтирадиган нарса уни уришлари эмас, — бунга одатланиш мумкин, — ҳалиги бефаҳм ҳайвоннинг таёққа қарши на товуш, на ҳаракат, на кўзларида бирор ифода акс этдириш блан жавоб қайтармай, безрайиб, фақат оғир бочкадек сал-пал кўзголиб қўйишидир.

6-нчи номерли палатада истиқомат қилучиларнинг бешинчиси ва сўнггиси — бир вақтлар почтада хат сараловчи бўлиб ишлаган ушоққина, озгин, ёқимли, лекин юзида маккорлик акс этиб турган сариқ соҳли мешчанин. Унинг хушнудлик блан боқаётган ма'ноли, хотиржам кўзларига қараганда кўнглида қандайдир жуда муҳим ва ёқимли махфий сири бордек кўринади. Унинг ястиғи ва тўшағи тагида бир нарсаси борки, уни ҳечкимга кўрсатмайди. Уғирлаб ёки тортиб олишади деб кўрққанидан эмас, уялганидан кўрсатмайди. Ба'зан дераза ёнига боради-да, ўртоқларига орқасини ўгириб, кўкрагига нимадир тақади, кейин бошини эгиб қарайди, агар ўша топда унинг ёнига борилса, хижолат тортиб кўкрагидан ҳалиги нарсани юлиб олади. Лекин унинг сирини билиш қийин эмас.

— Табрикланг, — дейди у кўпинча Иван Дмитричга қараб, — мен иккинчи даража юлдузлик Станислав ордени блан мукофотланишга тавсия этилибман. Иккинчи даража юлдузлик фақат чет эллиларга берилгучи эди, лекин мен учун негадир истиснога йўл қўйишмоқчи, — деб ҳайрон бўлиб, елкаларини учуриб кулимсирайди, — буни қаранг тўғриси айтсам ҳеч кутмаган эдим!

— Мен бу нарсаларга тушунмайман, — деди Иван Дмитрич хомушгина.

— Лекин биласизми, мен эртами-кечми, ахир нимага муваффақ бўламан? — деб давом этади собиқ хат сараловчи айёрлик блан кўзларини қисиб. — Мен, албатта, Швециянинг «Полярная звезда»сини оламан. Шундай орденки, киройи овора бўлганингга арзийди. Оқ крест, қора лентали жуда чиройлик орден.

Эҳтимол бошқа ҳечерда ҳаёт шу жойдагидек бир зайлда ўтмаса керак. Фалаж блан семиз кишидан бошқа касаллар эрталаб туриб, даҳлизга чиқиб, катта челақда

юз-құл ювишади ва чопонларининг барига артишади; ундан кейин Никита катта корпусдан келтирган чойдан қўрғошин кружкада ичишади. Бир кишига бир кружкадан ортиқ чой берилмайди. Туш пайтида нордон карам шўрва блан бўтқа ейишади, кечқурун кундузгидан қолган бўтқани ейишади. Овқат орасидаги вақтда ётишади, ухлашади, деразадан қарашади ва уйнинг у бурчидан бу бурчига юришади. Ҳар кун аҳвол шу. Ҳалиги собиқ хат сараловчи ҳам фақат бирхил орден ҳақида сўзлайди.

6-нчи номерли палатадагилар янги одамни камдан-кам кўради. Янги бўлган жинниларни доктор кўпдан бери қабул қилмай кўйган, бориб жиннихоналарни кўрадиган ҳаваскорлар эса бу дунёда жуда оз. Буерга ҳар икки ойда бир марта сартарош Семён Лозарич келади. Унинг қандай қилиб жинниларнинг сочини олиши ва Никитанинг қай тахлитда унга ёрдам бериши, ҳаргал маст бўлиб, кулимсираб келаётган сартарошни кўрганда касалларнинг қанчалик жон титроғига тушишлари ҳақида сўз очмай-миз.

Буерга сартарошдан ўзга ҳечким келмайди. Касаллар ҳар кун фақат Никитани кўришга маҳкум.

Айтмоқчи, яқинда бутун касалхонага анча ажиб хабар тарқалди.

6-нчи номерли палатага доктор келиб турадиган бўлипти, деган овоза тарқалди.

## V

### Ажиб хабар!

Доктор Андрей Ефимич Рагин — ўзига яраша кўп яхши одам. Айтадиларки, у ёшлигида анча художўй бўлиб, руҳоний мансаблардан бирида хизмат қилишга тайёрланиб юрган экан. 1863 йилда гимназияни тамомлагандан кейин, диний академияга кирмоқчи бўлипти, лекин жарроҳ ва тиб олими бўлмиш отаси, заҳархандалик блан ундан кулиб, агар поп бўлсанг асло ўғлим демасман, депти. Бу гапнинг қанчалик тўғри эканини билмайман, лекин Андрей Ефимичнинг ўзи неча бор тиб илмига ва умуман махсус фанларга майли ҳечқачон бўлмаганини айтган эди.

Ҳарқалай тиббий факультетни битиргандан кейин поп бўлмади. Художўйлик ҳам қилмади, ҳозирги қиёфати руҳонийларга қанча кам ўхшаса, докторликни бошлаган чоқларида ҳам худди шундай эди.

Унинг кўриниши кўпол, дағал, деҳқонларга ўхшайди, юзи, соқоли, ясси сочи, мустаҳкам ҳамда беўхшов жуссаси, катта йўллардаги баднафс ва ўжар давангидек майхоначини эслатади. Баджаҳл кўринадиган юзи майда-майда кўк томирлар блан қопланган, кўзлари кичик-кичик, бурни қипқизил. Баланд бўйлик, кенг яғринлик бўлиш блан бирга оёқ-қўллари ҳам баҳайбат катта: агар бир мушт урса чилпарчин қиладиганга ўхшайди. Аммо кўп эҳтиёт ва оҳисталик блан секин-секин қадам қўяди; агар тор йўлакда дуч келиб қолсангиз у, албатта, сиздан олдин тўхтаб йўл беради, ва кутганингизча йўғон товуш блан эмас, ингичка овоз блан «кечиринг!» дейди. Унинг бўйнига кичикроқ шиш келган, ўша шиш оҳорланган қаттиқ ёқа тақишга халакит беради, шу сабабдан доим читданми, оқ сурупданми юмшоққина кўйлак кийиб юради. Умуман докторчасига кийинмайди. Битта костюмни ўн йиллаб эғнидан туширмайди, жуҳуд дўконидан олинган янгиши ҳам унинг эғнида худди эски ва гижим бўлган кийимга ўхшаб кўринади; битта костюмда касал ҳам қарайди, овқат ҳам ейди, меҳмонга ҳам бораверади; лекин бу пишиқлигидан эмас, усти-бошига бутунлай аҳамият бермаслигидан.

Андрей Ефимович бу шаҳарга, иш қабул қилмоқчи бўлиб келганида бу «хайрия маҳкамаси» жуда ёмон аҳволда эди. Палаталардаги, йўлақлардаги, ҳовлидаги қўланса ҳиддан кишининг кўнгли озар эди. Касалхонада хизмат қилучи эркаклар, касалларга қаровчи аёллар ва уларнинг болалари кечаси палаталарда касаллар блан бирга ётишарди. Қандала, суварак, сичқонларнинг кўплигидан дод дейишарди. Жарроҳлик бўлимидан сарамас касали аримасди. Бутун бошлиқ касалхонада иккитагина скальпен бўлиб, битта ҳам термометр йўқ, ванналарга картошка солиб қўйилганди. Касалхона нозири, кастелянша ва фельдшер касалларнинг нарсаларини ўғирларди. Андрей Ефимичдан олдинги доктор ҳақида бўлса, касалхонанинг спиртини ўғирлаб сотарди, касал аёллар ва касалларга қаровчи аёллардан ўзига бутун бошлиқ ҳарамхона қилиб олган эди дейишади. Шаҳарда бу тартибсизликларни жуда яхши билишади, ҳатто муболиға қилиб сўзлашади-ку, лекин совуққонлик блан қарашади; ба'зилар касалхонада фақат мешчанлар блан деҳқонлар ётишади, улар норози бўлишмайди, чунки уйларида касалхонадагидан ёмонроқ шароитда туришади; уларни қуш эти бериб боқсинми!

дейишади. Яна бир хиллар земство ёрдам бермаса шаҳарнинг ўз кучи блан яхши касалхона тутиш қийин гап; худого шукур, ёмон ҳам бўлса касалхона бор-ку, дейишади. Яқинда дун'ёга келган земство шаҳарнинг ўз касалхонаси бор-ку, деб шаҳарда ҳам, шаҳарга яқин жойда ҳам шифохона очмади.

Андрей Ефимич касалхонани кўздан кечириб чиққандан кейин бу муассаса ахлоқсизлик ўчоғи ва шу ерда яшовчиларнинг соғлиғига ҳаддан ташқари зарарлик деган хулосага келди. Унинг фикрича амалга ошириш мумкин бўлган ишнинг энг яхшиси,— касалларни эркинликка чиқариб юбориб, касалхонани ёпиб қўйиш эди. Лекин у шундай хаёлга борди: бу нарса ёлғиз менинг ихтиёримда эмас, яна бундай қилишнинг фойдаси ҳам бўлмайди; агар ма'навий ва моддий ифлосликни бир жойдан чиқариб ташласангиз иккинчи жойга бориб тушади; ўзи емирилиб битишини кутин керак. Бунинг устига ҳамон одамлар шундай касалхона очиб, чидаб келишаётган экан, демак, ўзларига керакдир-да; турмушдаги хурофотлар ва шунинг сингари ярамас ва қабиҳ ишлар ҳам керак, чунки бора-бора гўнган қора тупроқ ҳосил бўлгандек булардан ҳам бир эзгулик пайдо бўлади. Ер юзида бирон яхши нарса йўқки, у ўзининг яралишида ифлосликдан келиб чиқмасин. Ишни қабул қилиб олгач Андрей Ефимич ҳалиги тартибсизликларга кўринишидан анча бепарволик блан қаради. Касалхонада хизмат қилучи эркаклар ва касалларга қаровчи аёллардан бундан сўнг палаталарда ётмасликларинигина илтимос қилди, яна касалхонага инс. трументлар солинган иккита шкаф қўйди; аммо нозир, кастелянша, фельдшер, жарроҳлик бўлимидаги сарамас касали ўз жойларида қолишиди.

Андрей Ефимич идрок ва ҳалолликни ғоят севади, лекин атрофида ҳалол ва онгли турмуш яратишга иродаси етмайди, ўз ҳуқуқига ишонмайди. Буюриш, ман' қилиш ва мажбур қилишнинг мутлақо уддасидан чиқолмайди. Гўё асти қаттиқ гапирмаслик ва буйруқ фе'лини бутунлай ишлатмаслик учун оғзига сўз олганга ўхшайди. «Бер» ёки «Олиб кел» дейишлик унинг учун машаққат; кўрни очган чоғларида ботинаолмасдан бир йўталиб қўяди-да, сўнг ошпаз хотинга, «чой ичиб олсаммикин-а»... ёки «овқатланиб олсаммикин-а» дейди. Касалхона нозирига ўғирликни тўхтат дейиш, ё уни ҳайдаб юбориш, бўлмаса ҳалиги текинхўрлик вазифани бутунлай йўқотиб қўяқолишлик

асти қўлидан келадиган иш эмас. Андрей Ефимични алдаётганларида, мунофиқлик билан мақтаётганларида ёки қўл қўйдириш учун ясама ҳужжат тутганларида қисқичбақа сингари қипқизариб кетади, ва ўзини айбли ҳис этади, шундай бўлса ҳам ҳужжатга қўл қўяди; агар касаллар унга очликдан ёки касалларга қаровчи аёлларнинг қўпол муомаласидан шикоят қилишса, у хижолат бўлади ва гуноҳкор одамдай:

— Яхши, яхши, ҳали суриштириб кўраман... эҳтимол бирон англашилмовчилик ўтгандир...— деб қўяди.

Янги келган чоғларида Андрей Ефимич жон куйдириб ишлади. Ҳар кун туш пайтигача касал қабул қилди, операциялар қилди, ҳатто акушерлик тажрибаси билан ҳам шуғулланди. Хотинлар унинг тўғрисида: жуда диққат билан қарайди, касални, айниқса болалар ва хотинлар касалини яхши билади дейишарди. Лекин вақт ўтиши билан ишнинг бирхилдалиги ва чамаси натижасизлиги уни зериктирди. Бугун ўттизта касални қабул қилсанг, эртага қарабсанки, 35 таси тайёр, унинг эртасига 40 таси, шу таҳлитда кундан-кунга, йилдан-йилга, шаҳарда эса, ўлаётганларнинг сони камаймайди, касаллар келишини қўймайди. Эртадан тушгача қабул қилинадиган 40 та касалга жиддий ёрдам беришнинг ҳеч имкони йўқ, демак, ғайри ихтиёрий равишда алдаш бўлиб чиқади. Ҳисобот йили 12 000 қатнаб боқизучи касал қаралипти, демак, оддий қилиб айтганда, 12 000 киши алданипти. Оғир касалларни палатага ётқизиб, уларни фан қондаси билан даволашнинг яна иложи йўқ, чунки қонда бўлгани билан, фан йўқ; агар фалсафа сотишни қўйиб, бошқа докторлар сингари змалик билан қонда бўйича иш олиб бормоқчи, бўлингanda ҳам, бунинг учун инфлослик эмас, аввало озодлик ва соф ҳаволи жой, сассиқ, ачиган қарам шўрва эмас, яхши овқат, ўғрилар эмас, ҳақиқий ёрдамчилар керак.

Ҳамон ўлим ҳаркимнинг бошида бор экан, нега энди уларнинг ўлишига халақит бериш керак? Биронта савдогар ёки амалдор дунёда беш-ўн йил ортиқроқ турди нимау, турмади нима? Агар табобатнинг мақсади дори-дармон бериб чекаётган азобни енгиллаштириш деб ўйланса, унда ўз-ўзидан шундай савол келиб чиқадики, хўш, нега енгиллаштириш керак? Биринчидан азоб чекиш кишини камолга етказиши дейдилар, иккинчидан агар инсоният чиндан ҳам ўзи чекаётган азобларини ҳаб ва томчилар билан енгиллаштиришга ўрганса дин ва фалсафадан воз

кечади, шу кунгача турли фалокатлардан сақланишнигина эмас, ҳатто бахт-саодатни ҳам улардан топиб юрадику. Пушкиндек одам ўлим олдидан қаттиқ азоб чекканда, шўрлик Гейнедек одам неча йиллаб фалаж бўлиб ётганда; ҳаёти ҳарқандай мазмундан хориж бўлган қандайдир Андрей Ефимич ё Матрёна Савишна дард тортса нима бўпти? Улар дард тортмаганда ҳаётлари тамомила бекорчи ва амёбалар<sup>1</sup> ҳаётига ўхшаб қолмайдими?

Мана шундай муҳокамалар блан эзилиб, Андрей Ефимичнинг ҳафсаласи пир бўлди ва касалхонага кунда келмайдиган бўлиб қолди.

## VI

Унинг ҳаёти шундай ўтади: эрталаб соат саккизда ўрнидан туради, кийинади ва чой ичади. Ундан кейин кабинетига кириб китоб ўқийди ё касалхонага кетади. Буерда, тўр ва қоронғи йўлакда, қатнаб боқизучи касаллар қабул вақтини кутиб ўтиришади. Уларнинг олдиларидан ғишт тўшалган полни этиклари блан тўқиллатиб, касалхонада хизмат қилучи эркашлар ва касалларга қаровчи аёллар уёқдан-буёққа юришади, озғин касаллар чопонга ўралиб ўтиб туради, ўликларни ва ифлос идишларини олиб ўтишади, болалар йиғлайди, шамол ғириллаб уёқдан-буёққа уриб туради. Андрей Ефимич, иситмаси баланд, сил, умуман кўнгли нозик касаллар учун бундай жойда туриш ғоят оғирлигини яхши билади, лекин нима қилсин? Қабулхонада уни, бақалоқ, соқол-мўйлабларини тақир қирдирган, тоза ва тўла юзлик, ҳаракатлари салмоқли, янги кенгроқ костюм кийган, фельдшерлардан кўра кўпроқ сенаторга ўхшайдиган Сергей Сергеич кутиб олади. Бу киши шаҳарда кенг миқёсда тажриба қилади, оқ галстук тақади ва ўзини мутлақо тажрибасиз докторлардан а'лороқ деб ҳисоблайди. Қабулхонада, бурчакда киот<sup>2</sup> ичида санам осиглик, тагида оғир шамчироқлар. Унинг ёнида муқаддас китобни қўйиш учун қия қилиб ишланган оқ жилдлик курсича; деворларида азиз авлиёларнинг расми ва Святогорский монастырьнинг манзараси, уларнинг атрофига қуриб қолган бўтакўздан гулчамбарлар тақилган. Сергей Сергеич диндор, шунинг учун ҳам зеб-зийнатни

<sup>1</sup> Бир ҳужайрали, микроскоп блан кўринадиган жонивор.

<sup>2</sup> Киот — чанг ўтирмаслиги учун санам солиб қўйиладиган ойналик яшчик.

яхши кўради. Ҳалиги санам ҳам унинг ҳаракати блан қўйилган; ҳар якшанба куни касаллардан биттаси унинг буйруғи блан қабулхонада товуш чиқариб акафист<sup>1</sup> ўқийди, ўқиш тугагач Сергей Сергеич ўз қўли блан исирқ солиб, ҳамма палаталарга тутатиб чиқади.

Касаллар кўп, вақт оз, шунинг учун бутун иш, қисқа-қисқа савол бериш ва учучан мазъ сингари, бирон суртадиган дори ёки сурги бериш блан чегараланади. Андрей Ефимич энгаҳини муштирага тираб хаёл суриб ўтиради ва, беихтиёр савол беради. Сергей Сергеич ҳам шу ерда бўлади, қўлларини бир-бирига ишқаб ҳарзамонда сўз қистириб қўяди:

— Касал бўлаяпмиз, йўқчилик тортаяпмиз,— дейди у.— худога яхши сиғинмаганимиздан бўлаяпти. Шундай!

Қабул вақтида Андрей Ефимич ҳечқандай операция қилмайди; у кўпдан бери бу ишни тарқ қилган, қонни кўрса кўнгли беҳузур бўлади. Агар боланинг оғзини очиб томоғини кўрмоқчи бўлганда бола чирқираб қўллари блан ўзини ҳимоя қилса, қулоқлари битиб, боши айланиб кетади ва кўзларида ёш пайдо бўлади. У нари-бери дори ёзиб бериб, хотинга болани тезроқ олиб кет деб қўл силтайди.

Қабул қиларкан касалларнинг тортинчоқлиги, меровлиги, ёнидаги олифта Сергей Сергеич, девордаги расмлар ва ўзининг йигирма йилдан бери бериб келаётган бир хилдаги саволи дарров кўнглига тегади. Бешта-олтита касални кўрадию кетади: қолганларини фельдшернинг ўзи қабул қилади.

Кўп вақтлардан бери уйда касал қабул қилмайдиган бўлиб кетгани ва ҳечким безовта қилмаслигини ўйлаб, худога шукур қилади ва уйига келиш блан Андрей Ефимич кабинетига кириб, стол ёнига ўтириб, китоб ўқишга тушади. У жуда кўп ва доим завқ блан ўқийди. Ойлигининг ярмиси китоб олишга кетади. Олти хоналик уйнинг учтаси китоб ва эски журналлар блан тўла. У кўпроқ фалсафа ва тарих асарларини севади: тиббий асарлардан фақат «Врач» нигина олади, ўшани ҳам ҳамиша охиридан бошлаб ўқийди. Бирнеча соатлаб, дам олмай ўқиса ҳам чарчамайди. У бир вақтлар Иван Дмитрич ўқигани сингари тез ва шиддат блан ўқимайди, шошмасдан уёқбуёғини ўйлаб, тушунмаган ё кўнглига ёққан жойларида

<sup>1</sup> Акафист — ўқилаётганда ҳамма тик турадиган дуо.

тўхтаб-тўхтаб ўқийди. Китобнинг ёнида доим бир графинчада арақ ва тузланган бодрингми, олмами, тарелка-сиз, столга ёзилган мовут устида ётади. Ҳар ярим соатда у, кўзини китобдан узмай туриб бир рюмка арақ қуйиб ичади, сўнг, тимискилаб ҳалиги бодрингни топиб, ундан тишлаб қўяди.

Соат учда секингина ошхона эшигига яқинлашади ва бир йўталиб қўйиб:

— Дарьюшка, овқат еб олсаммикин-а...— дейди.

Тозалик томонига аҳамият берилмай пиширилган, жўнгина овқатдан кейин Андрей Ефимич икки қўлини кўкрагига қовуштириб хонадан-хонага ўтиб ва хаёл суриб юради. Соат тўртга жом уради, кейин бешга чалади, у ҳамон юради ва хаёл суради. Гоҳ-гоҳда ошхонанинг эшиги ёчирлайди ва ундан Дарьюшканинг уйқудан бўртган қипқизил башараси кўринади.

— Андрей Ефимич пиво ичадиган вақтингиз бўлма-дими?— дейди у хавотир олиб.

— Йўқ, ҳали вақт бор...— дейди у,— сал туриб ичай... сал туриб...

Одатда кечга томон почта мудирин Михаил Аверьянич келади. Бутун шаҳарда ёлғиз шу кишининг улфатчилиги Андрей Ефимичга ёқади. Михаил Аверьянич бир замонлар жуда бой помешчик бўлган ва отлиқ аскарда хизмат қилган эди. Лекин бор-йўғини барбод бериб, кексайганида муҳтожлик орқасида почта идорасида ишлашга мажбур бўлади. Унинг кўриниши соғлом ва тетик, чиройлик оппоқ бакени<sup>1</sup>, гўзал хулқи ва жаранглаган ёқимли овози бор. У раҳмдил ва зийрак, лекин тажанг. Агар почтага келганлардан биронтаси норози бўлса, кўнмаса ёки муҳокама қилабошласа Михаил Аверьянич бўғилиб, титраб, қақшаб, товушининг борича «Бас қил!» деб қичқиради. Шунинг учун ҳам аллақачонлардан бери почта бўлими киши боришга қўрқадиган идора деб ном чиқарган. У Андрей Ефимични маълумотли ва олижаноб бўлгани учун севади ҳамда ҳурмат қилади, бошқа фуқароларга эса жуда юқоридан, қўли остидаги одамлардек қарайди.

— Мана мен ҳам келдим!— дейди у, Андрей Ефимичнинг олдига кираркан.— Салом азизим! Жонингизга ҳам теккандирман, а?

<sup>1</sup> Бакени — икки чаккасига қўйилган соқоли.



— Аксинча, жуда хурсандман,— дейди доктор.— Сиз келсангиз, доим хурсанд бўламан.

Дўстлар кабинетда диванга ўтиришади ва бирқанча вақт жим қолишиб, папирос чекишади.

— Дарьюшка, бизга пиво бўлса эди!— дейди Андрей Ефимич.

Биринчи бутилкани ҳам жим ўтириб: доктор — хаёлга ботиб, Михаил Аверьянич эса, худди кўнглида айтадиган қизиқ гапи бор одамдай хушнудлик блан, ичишади. Суҳбатни ҳамиша доктор бошлайди.

— Қандай ачинарлик ҳол,— дейди у бошини қимирлатиб, шошмасдан секингина ва ҳамсуҳбатининг кўзларига қарамай. У ҳечқачон бировнинг кўзига қарамайди,— жуда-жуда ачинарлик ҳол, ҳурматлик Михаил Аверьянич, бизнинг шаҳаримизда ақл юргизиб, киши қизиқарлик суҳбатни севадиган ва шунга қобилиятли одамлар йўқ. Бу бизлар учун ғоят катта маҳрумият. Ҳатто зиёлилар ҳам разилликдан устун туrolмайдилар; улардаги тушунча, сиз ишонишингиз мумкинки, паст табақа одамлар тушунчасидан юқори эмас.

— Ҳақ гап. Тўғри айтасиз.

— Ўзингизга маълумки,— деб давом этади доктор секингина, салмоқлаб, — дунёда инсон ақлининг юксак маънавий намояндаларидан бошқа ҳаммаси арзимас, қизиғи йўқ нарсалар. Ақл — инсон блан ҳайвон ўртасига қатъий чегара қўяди ҳамда инсонни илоҳийлигига ишора қилади ва унга аслида бўлмаган бир қадар абадийлик бахш этади. Бундан чиқди, ҳузур-ҳаловат берадиган, ягона манба' ақл экан. Модомики, атрофимизда ақлни кўрмас ва эшитмас эканмиз,— демак, биз ҳузур-ҳаловатдан маҳруммиз. Тўғри, бизда китоблар бор, лекин китоб жонли суҳбат ва алоқанинг ўрнини босолмайди. Агар руҳсат этсангиз, унча мувофиқ ўхшатиш бўлмаса ҳам, шундай дейиш мумкин: китоблар нотаю, суҳбат — ашула.

— Ҳақ гап.

Жим қолишади. Ошхонадан Дарьюшка чиқади, эшик олдига келади-да, сиймосида ҳечқандай ма'но акс этмаган ҳолда, муштини юзига тираб қулоқ солади.

— Оҳ!— деб чуқур нафас олади Михаил Аверьянич.— Ҳозиргиларда ақл бор дейсизми!

Ва у қадим замонда одамлар қандай яхши, қизиқ ва шодийена ҳаёт кечирганини, Россияда ақлли зиёлилар бўлганини, уларнинг номус ва дўстлик тушунчасини қан.

чалик юксак даражага кўтарганларини сўзлаб беради. Векселсиз қарз беришар эди ва муҳтожликда қолган ўртоққа ёрдам қўли чўзмаслик айб ҳисобланар эди. Қандай ҳарбий сафарлар, ҳодисалар, тўқинишлар, қандай ўртоқлар, қандай хотинлар бўларди! Кавказ-чи — нақадар ажойиб ўлка! Батальон командирининг хотиничи, аломат хотин эди, кечқурунлари офицерча кийиниб олиб, отга миниб, ёлғиз ўзи тоққа чиқиб кетар эди. Унинг қишлоқда қандайдир бир князь блан ишқ-муҳаббат можаролари бор дейишарди.

— Вой худо,— дейди Дарьюшка чуқур нафас олиб.

— Ичишларимизни айтинг! Еган овқатларимизни айтинг! Қандай жасур либераллар эдик!

Андрей Ефимич қулоқ солади-ю, эшитмайди; пивони хўплаб қўйиб, алланима тўғрисида ўйлайди.

— Ақлли одамлар ва уларнинг суҳбати тез-тез тушимга кириб туради,— дейди у тўсатдан Михаил Аверьяничнинг сўзини бўлиб.— Отам мени хўп ўқитдию, лекин олтишинчи йиллардаги оқим та'сири остида доктор бўлишликка мажбур қилди. Агар ўша вақтларда унинг сўзига қулоқ солмаганимда, ҳозир фикр ўчоғининг худди марказида бўлардим, деб ўйлайман. Эҳтимол бирон факультетнинг а'зоси бўлар эдим. Албатта, ақл ҳам абадий эмас, ўткинчи-ку, лекин сиз менинг нима учун унга мойиллигимни биласиз. Ҳаёт — аламли бир дом. Фикрловчи инсон улғайиб, ақли камолга етганда, беихтиёр ўзини қутулишнинг иложи бўлмаган бир домга илингандай ҳис қилади. Ҳақиқатан, унинг ихтиёридан ташқари, қандайдир тасодифлар орқасида йўқдан бор бўлиб, оламга келади... Нега? У нега мавжудлигининг ма'носини ва мақсадини билишни истайди — унга айтилмайди, ёки ақл бовар қилмайдиган сўзларни айтишади; тақиллатади,— унга эшик очмайдилар; ўлим ҳам унинг ихтиёридан ташқари келади. Мана, турмадаги кишилар, умумий бахтсизлик туфайли бирга кишилар бир жойга тўпланганларидан анча снгил тортгандай бўладилар, ҳаётда ҳам анализ ва умумий хулоса чиқаришга мойил одамлар бир ерга йиғилишиб, эркин ва шарафли ғояларини ўртоқлашиш блан вақт ўтказганларида ҳалиги дом сезилмайди. Бу жиҳатдан ақл ҳеч қиёсиз ҳузур-ҳаловатдир...

— Ҳақ гап.

Андрей Ефимич ҳамсуҳбатининг кўзларига қарамай аста ва тўхтаб-тўхтаб ақллик одамлар ва уларнинг суҳбати

ҳақида сўзлайди, Михаил Аверьянич бўлса диққат блан қулоқ солади ва унинг фикрига қўшилиб, «ҳақ гап» деб ўтиради.

— Сиз руҳнинг абадийлигига ишонасизми?— дейди тўсатдан почта мудирини.

— Йўқ, ҳурматлик Михаил Аверьянич, ишонмайман ва ишонимимга асос ҳам йўқ.

— Тўғриси айтсам, мен ҳам шубҳа қиламан. Ундай десам мен сра ўлмайдиганга ўхшайман. Ўзимга ўзим ҳой чол, ўлим яқин! десам, кўнглимда қандайдир, бошқа бир овоз ишонма, ўлмайсан!.. дейди.

Соат 9 дан ўтгач Михаил Аверьянич кетади. Даҳлизда пўстинини киятуриб, чуқур нафас олиб:

— Буни қаранг, келтириб, тақдир бизларни қандай қоронғи бурчакка ташлади! Ҳаммасидан ҳам кишига алам қиладигани шуки, ҳали шу ерда ўламиз ҳам. Оҳ!..— дейди.

## ·VII

Дўстини жўнатгач, Андрей Ефимич стол ёнига ўтиради, яна ўқишга киришади. Кечқурунги ва ундан кейин тунги сукунатни тик этган товуш бузмайди. Вақт ҳам доктор блан бирга китоб устида тўхтаб, қотиб қолгандай, шу китобдан, яшил қалпоқли лампадан ўзга ҳечнарсга йўқдек туйилади. Инсон ақлининг ҳаракатини кўриб меҳри товлагани ва завқ қилганидан докторнинг кўпол ва беўхшов юзларида аста-аста табассум пайдо бўлади. Оҳ! Нечун инсон абадий яшамайди?— деб ўйлайди у.— Миянинг марказлари, миянинг эгри-бугри бурмалари, нечун, кўриш қуввати, сўзлаш қобилияти, кўнгил, даҳо нечун? Модомики буларнинг ҳаммаси тупроққа айланишга ва ниҳоят, ер куррасининг қобиги блан бирликда совунишга, сўнг миллион йиллар давомида ма'носиз, мақсадсиз бир тарзда қуёш атрофида айланишга маҳкум экан, у ҳолда ҳамон совуниб, ундан кейин ер блан бирга айланиб юриш учун инсонни буюк ва деярли илоҳий ақли блан йўқдан бор қилишнинг, сўнг уни масҳара қилгандек, лойга айлантиришнинг мутлақо кераги йўқ эди.

Модда алмашиши! Бу сохта абадийлик блан ўз-ўзини овутиш қандай қўрқоқлик! Табиатда рўй бераётган ғайри шуурий жараёнлар инсон қиладиган аҳмоқчиликлардан ҳам тубан, чунки аҳмоқчиликда оз бўлса ҳам тушунча ва ирода бор, бу жараёнларда-чи, мутлақо ҳечнарсга йўқ.

Фақат ўз фазилатини билишдан кўра ўлим олдида қўрқиб қисси кўпроқ бўлган қўрқоқлар: менинг жасадим вақти блан кўкатда, тошда, бақада... қайтадан яшайди деб ўзини юпатади. Ўзининг абадийлигини модда алмашишида кўришлик худди қимматбаҳо скрипка синиб, ишдан чиққанда, қутисининг энди истиқболи баланд бўлади дейишликдай, бўлмағур ғалати гап.

Соат жом чалганда Андрей Ефимич биров ўйлаш учун креслога суяниб кўзларини юмади. Китобдан ўқилган яхши фикрлар та'сири остида беихтиёр ўзининг ўтмишига ва ҳозирги ҳаётига назар ташлайди. Ўтмиши жирканч, яхшиси уни эсламаслик. Ҳозиргиси ҳам ўшанинг ўзи. У яхши биладик, унинг фикри совунган ер курраси блан бирга қуёш атрофида айланаётганда, докторнинг уйи блан ёнма-ён катта корпусда, одамлар дарддан ва жисмоний ифлосликдан сиқилиб, зорланиб ётишади: балки биров ухламай ҳашаротлар блан курашаётгандир, бировга сарамас касали юқабошлагандир ё бўлмаса қаттиқ боғланган яранинг оғриғига чидалмай оҳ-воҳ қилаётгандир; балки касаллар, касалларга қаровчи аёллар блан карта ўйнаб арақ ичишаётгандир. Ҳисобот йилида 12 000 киши алданган эди; касалхонанинг бутун иши бундан 20 йил олдин қандай бўлса, ҳозир ҳам ўшандай, ўғрилиқ, разиллик, ифвогарлик, қуда-андалик, очиқ муттаҳамлик асосига қурилган, касалхона ҳали ҳам бузуқ ахлоқли ва яшовчиларининг соғлиғи учун гоят зарарли бир жой. У темир панжара ўрнатилган 6-нчи номерли палатадаги касалларни Никита дўппослашини ва Моисейканинг ҳар кун шаҳарга бориб гадойлик қилишини яхши билади.

Иккинчи томондан, сўнгги 25 йил ичида табобат илмида катта ўзгариш бўлганини у жуда яхши билади. У олий мактабда ўқиб юрган чоғларида тиббий илм ҳам тез кундаёқ алхимия ва метафизиканинг кунига учрайди деб ўйлар эди, энди кечалари китоб ўқир экан, табобат унинг кўнглини ийдиради ва ҳайрон қолдиради, ҳатто завқини келтиради. Ҳақиқатан, қандай кутилмаган порлоқ ҳодиса, қандай революция! Антисептика ёрдами блан ҳатто буюк Пирогов умид ҳам этолмаган операциялар қилинаётир. Оддий земство<sup>1</sup> докторлари тизза бўғимни кесиш-

<sup>1</sup> *Земство* — чор Россияда 1864 йилда дворян-буржуа вакилларида ташкил этилган ва соғлиқни сақлаш, ободонлик ва ҳокказо маҳаллий ишларни бошқариб турган муассасалар системаси. Губерна ёки уезддаги шу хилдаги айрим муассаса.

га жур'ат қилишади, кўр ичак касали операциясидан, юз кишидан биттасигина ўлади, тош келиш касалини тузатиш шунчалик оддий гап бўлиб қолганки, у ҳақда ҳатто ёзилмайди. Захм таги-туғи блан даволанмоқда. Наслдан берилиш назарияси, гипнотизм. Пастер ва Кохларнинг кашфиётлари, соғлиқни сақлаш ва ҳисобот олиб борилиши, бизнинг рус земство табобатчи? Психиатрия ва унинг касалларни ҳозиргача гуруҳларга бўлиши, касални аниқлаш усуллари ҳамда даволаши — аввалгига нисбатан бутун бошлик Эльборус-а. Ҳозир жинниларнинг бошига совуқ сув қўйилмайди ва махсус қўйлақлар ҳам кийгизилмайди; уларни туппатузук шароитда тутишади, ҳатто газеталарнинг хабар беришига қараганда уларга тамошалар ва базмлар қилиб беришармиш. Андрей Ефимич биладики, ҳозирги нуқтаи назарлар ва талабларга қараганда 6-нчи номерли палата сингари қабиҳ жой фақат темир йўлдан 200 чақирим нарида, шаҳар бошлиғи ва бутун катталаридан тортиб докторни авлиё биладиган, оғизларига эритилган қўрғошин қўйиб юборганда ҳам унга ҳеч танқидсиз ишониш керак дейдиган — чаласавод мешчанлардан иборат ерда бўлмаса, бошқа жойдачи, одамлар ва газеталар аллақачон бу кичкина Бастилиянинг<sup>1</sup> титигини чиқариб юборган бўларди.

«Хўш нима бўпти? — деб ўзига савол беради Андрей Ефимич кўзларини очиб. — Шулардан нима чиқди? Анти-септикаю, Кох, Пастерлар дейлик, ишнинг асли ҳеч ўзгаргани йўқ. Ўша касаллик, ўша ўлим, ҳаммаси эски ҳолича турипти. Жинниларга базмлар ва тамошалар қўйиб беришгани блан озод қилиб юборишмапти-ку. Демак, ҳаммаси оворагарчилик ва бўлмағур гап. Венанинг энг яхши касалхонаси блан менинг касалхонам орасида аслида ҳечқандай фарқ йўқ».

Лекин ачиниш ва ҳасадга ўхшаш бир ҳис уни бепарво бўлишига йўл қўймайди. Бу чарчаганликдан бўлса керак деб ўйлайди. Боши оғирлашиб китоб сари эгилади, юмшоқ бўлсин деб юзини қўлларига қўяди, ва ўйлайди:

«Мен зарарли ишга хизмат қилмоқдаман ва ўзим алдаётган одамлардан ойлик олмоқдаман; мен виждонсизман. Лекин менинг ўзимни олинса, ҳечгап эмас, фақат зарур

---

<sup>1</sup> *Бастилия* — Париждаги крепость ва давлат тюрьмаси, XVIII аср охирида француз буржуа революцияси вақтида вайрон қилинган (*Ред.*)

бўлган ижтимоий ёвузликнинг бир бўлакчасиман: уезд бошлиқларининг ҳаммаси зарарлик кишилар, бекорга ойлик олишади... Демак, ҳалол меҳнат қилмаганим учун мен эмас, давр айблик... Бундан икки юз йил кейин тузилганимда бошқа одам бўлар эдим».

Соат 3 га жом урганда, у чироқни ўчиради ва ётоғига киради, унинг ухлагиси келмайди.

## VIII

Бундан икки йилча олдин земствонинг сахийлиги тутиб кетди ва земствонинг ўз касалхонаси очилгунча шаҳар касалхонасида медицина ходимларини кучайтирилсин деб қарор чиқариб, ёрдам тарзида йилига уч юз сўмдан пул тайин қилди ҳамда Андрей Ефимичга ёрдамчи қилиб уезд доктори Евгений Федорич Хоботов чақиртирилди. У ҳали жуда ёш йигит — ўттизга ҳам бормаган, — баланд бўйли, қора тўридан келган, яноқлари чиққан ва кўзлари кичик; эҳтимол ота-боболари бошқа халқдан бўлса. У шаҳарга бир тийин пулсиз кичкинагина чемодан кўтариб, ёш ва хунук жувон блан бирга келди, уни хизматчим деб юради. Хотиннинг қўлида эмизукли боласи ҳам бор. Евгений Федорич козереклик фуражка, қўнжи узун этик кийиб юрар, қишда бўлса, қисқа пахталик киярди. У фельдшер Сергей Сергеич ва хазиначи блан иноқ бўлиб кетди. Бошқа мансабдорларни оқсуяклар деб, негадир улардан ўзини тортиб юради. Унинг бутун бошлиқ уйида фақат битта — «Вена касалхонасининг 1881-нчи йилги янги рецептлари» деган китоби бор. Касал кўргани борганида ҳамиша ўша китобни олаборади. Кечқурунлар клубда биллиард ўйнайди, картани бўлса ёқтирмайди. Сўз орасига «галва», «сиркали мантифолия», «вахима қилма» сингари гапларни қистиришни жуда яхши кўради.

У ҳафтада икки марта касалхонага боради, палатадаги касалларни қарайди, унча-мунча касал ҳам қабул қилади. Антисептика ва қонсўргич банкаларнинг бутунлай йўқлиги уни жуда ҳам фе'лини айниладию, лекин Андрей Ефимични таҳқирлаш бўлиб тушишидан қўрқиб, янги тартиб киргизмайди. Ўзининг ҳамкасби Андрей Ефимични кекса фирибгар ҳисоблайди, жуда дун'ёси кўп бўлса керак деб ўйлайди ва унга ҳасади келиб юради. Жон деб унинг ўрнига ўтирар эди-да.

Баҳор кунларидан бирида, кечқурун, март ойнинг охирларида, ердан қор кетиб касалхона богида майналар сайраган чоқда, доктор дўсти почта мудирини дарвозага-ча кузатиб қўйгани чиқди. Гадойлик қилиб келаётган жуҳуд Мойсейка худди шу пайтда ҳовлига кириб келди. У бошьяланг, сарпойчан оёғининг учига қалиш илган, қўлида садақалар солинган тўрваси бор эди.

— Бир тийин бер!— деди у докторга, совуқдан титраган ҳолда кулимсираб.

Йўқ дейишга одатланмаган Андрей Ефимич ун тийин берди.

«Бу яхши эмас,— деди доктор унинг тўпиқлари қизариб кетган ориқ оёғига қараб,— лойгарчилик».

Ачинишга ҳам, жирканишга ҳам ўхшаш бир ҳис уйфонди-да, Андрей Ефимич дам унинг тепакал бошига, дам тўпиқларига қараганича яҳудийнинг орқасидан палатага кирди. Доктор кириши блан чурук-чариқ устида ётган Никита ирғиб туриб, қоматини ростлади.

— Салом, Никита,— деди Андрей Ефимич мулойимлик блан.— Бир илож қилиб шу яҳудийга этик-петик берилса эди, бўлмаса — шамоллаб қолар.

— Хўп бўлади, жаноби олийлари. Нозирга айтаман.

— Шундай қилгин. Менинг номимдан сўрагин. Мени айтди дегин.

Даҳлиздан палатага кирадиган эшик очиқ эди. Иван Дмитрич кроватьда ётган жойда, ёнбошлади ва ҳаяжон ичида бегона товушга қулоқ солди, бирдан докторни таниб қолди. Ғазабига чидолмай бор вужуди ларзага келди, ирғиб турди ва қинқизариб, тутоққанича кўзлари олайган ҳолда югуриб палатанинг ўртасига келди.

— Доктор келди!— деб қичқирди ва қаҳқаҳ уриб кулди.— Ниҳоят! Афандилар, табриклайман, доктор бизларни келиб кўришни лойиқ топипти! Ланати газанда!— деди чинқириб, палатадагилар ҳечқачон кўрмаган даҳшат ичида ер тепиб.— Улдириш керак бу газандани! Йўқ, ўлдириш камлик қилади! Ҳожатхонага чўктириб юбориш керак!

Бу сўзларни эшитган Андрей Ефимич даҳлиздан палатага қаради ва мулойимлик блан:

— Нима учун?— деди.

— Нима учун,— деб қичқирди Иван Дмитрич, титраб чопонига ўралганича ўдағайлаб ва хезланиб унга яқин борди.— Нима учун? Уғри!— деди нафрат блан лабларини худди тупурмакчи бўлгандай қилиб.— Муттаҳам! Жаллод!

— Тинчланинг,— деди Андрей Ефимич айби бор одамдек кулимсираб.— Ишонинг, мен ҳечқачон ҳечнарсга ўғирлаган эмасман, бошқа жиҳатларни бўлса, жуда ошириб юбордингиз дейман. Мендан қаттиқ хафа бўлганга ўхшайсиз. Сиздан ўтиниб сўрайман, тинчланинг, иложи бўлса қизишмасдан айтинг, нега мендан хафасиз?

— Нима учун мени буерда тутиб ўтирибсиз?

— Касаллигингиз учун.

— Ҳа, касалман. Лекин ўнлаб, юзлаб жиннилар озодликда юришипти-ку ахир, чунки жаноблари нодонликлари орқасида уларни соғлардан айиролмайдилар. Нега энди мен ва мана бу шўрликларгина ҳамма учун буерда ўтиришимиз керак? Сиз, фельдшер, нозир ва касалхона ходимиман деб юрган аблаҳларнинг ҳаммаси ахлоқ жиҳатидан бизларнинг ҳарбиримиздан қиёс қилиб бўлмаслик даражада тубан, нега биз ўтирамизу, сизлар ўтирмайсиз? Қани мантиқ?

— Буерда гап ахлоқ ёки мантиқда эмас. Ҳаммаси тасодифга боғлиқ. Ким ўтирғизилган бўлса ўша ўтирипти, ким ўтирғизилмаган бўлса, юрипти, мана шу менинг докторлигим ва сизнинг руҳий ҳасталигингизда ахлоқ ҳам, мантиқ ҳам йўқ, фақат тасодиф холос...

— Бундай бемаъни гапларга тушунмайман...— деди тўнғиллаб Иван Дмитрич ва кроватга ўтирди.

Никита докторнинг ёнида тинтишдан уялиб ўз ҳолига қўйган Моисейка ўрнига бурда нонлар, данаклар, қоғозларини ёйди ва ҳали ҳам совуқдан титраган ҳолда тез-тез чўзиқ оҳанг блан яҳудий тилида нималарнидир сўзлай бошлади. Эҳтимол, ўзича дўкон очдим деб ўйлаган бўлса керак.

— Мени бўшатиб юборинг,— деди Иван Дмитрич, унинг товуши қалдираб кетди.

— Иложи йўқ.

— Хўш, нима учун? Нега?

— Чунки бу менинг ихтиёримда эмас. Уйлаб кўринг, бўшатиб юборишимнинг сизга нима фойдаси бор? Боринг. Ё полиция, ё шаҳар аҳлидан биронтаси сизни ушлаб яна шу ерга олиб келади.



— Ҳа, ҳа, бу тўғри гап...— деди Иван Дмитрич ва пешонасини ишқади.— Бу даҳшатлик! Энди мен нима қилай ахир? Нима?

Иван Дмитричнинг товуши, унинг юз буриштиришларида идрок акс этиб турган чехраси Андрей Ефимичга ёқиб қолди. Уни эркалатгуси, юпатгуси келди. Иван Дмитричнинг ёнига, кроватига ўтирди, бироз ўйлаб туриб:

— Сиз нима қилай деяпсиз?— деди.— Сиз учун яхши-си — буердан қочиш. Лекин афсуски фойдаси йўқ. Тутиб олишади. Қачонки жамият руҳий касаллардан, жиноятчилардан ва умуман бирга бўлиш ўнгайсиз деб ҳисобланадиган одамлардан ўзини четга тортса, унга чора йўқ. Энди сизга битта йўл: шу ерда туришим зарур, деб ўзингизга тасалли берасиз.

— Буерда туришимнинг ҳечкимга кераги йўқ-ку.

— Модомики тюрьма, жиннихона деган жойлар бор экан, ахир кимдири ўтириши керак-да. Сиз бўлмасангиз — мен бўлмасам — яна биров. Шошманг, бир замонлар келиб тюрьма, жиннихона деган нарсалар йўқ бўлиб кетади, ўшанда деразалардаги темир панжаралар ҳам, бу чопонлар ҳам бўлмайди. Албатта, эртами-кечми шундай вақт келади.

Иван Дмитрич истехзо блан жилмайди.

— Ҳазиллашаяпсиз,— деди у кўзларини қисиб.— Сиз сингари ва ёрдамчингиз Никита сингари жанобларнинг келажак замон блан мутлақо иши йўқ, лекин хотирингиз жам' бўлсин, муҳтарам афандим, яхши замонлар, албатта келади! Майли, менинг оғзимдан ярамас сўзлар чиқаётгандир, кулақолинг, лекин янги ҳаёт тонги отади, ҳақиқат юзага чиқади ва бизнинг кўчада ҳам байрам бўлади! Мен кўролмайман, ўлиб кетаман, лекин кимларнингдир эвара, чевараси кўради. Жони-дилим блан уларни табриклайман, шодланаман, улар учун шодланаман! Олга! Худо ёр бўлсин, дўстлар!

Иван Дмитрич кўзларида аланга чақнаб ўрнидан турди ва кўлларини дераза томон чўзганича товушида ҳаяжон акс этдириб давом этди:

— Мана шу панжаралар орқасидан туриб фотиҳа бераман! Яшасин ҳақиқат! Шодланаман!

— Мен шодлангудек бир сабаб кўраётганим йўқ,— деди Андрей Ефимич, гарчи Иван Дмитричнинг ҳаракатлари унга артистларга ўхшаб кўринган бўлса ҳам жуда ёқади.— Тюрьма ва жиннихоналар йўқолади, тўғри сиз

айтганингиздек ҳақиқат ҳам юзага чиқади, лекин нарсаларнинг асли ўзгармайди-да, табиат қонунлари шу ҳолича қолаверади. Ушанда ҳам одамлар касал бўлади, қарийди, ҳозиргига ўхшаб ўлаверади. Ҳаётингизни ҳарқандай порлоқ ёғду ёритмасин, ахир бир кун сизни тобутга солиб, оғзини михлаб, чуқурга ташлайдилар.

— Абадийликчи?

— Бе, қўйсангизчи!

— Сиз ишонмайсиз-ку, майли, мен ишонаман. Ё Достоевскийда ё Вольтерда, кимдир биттаси: агар худо бўлмаганида уни одамларнинг ўзи ўйлаб чиқарар эди, дейди. Агар абадийлик йўқ бўлса эртами-кечми инсоннинг буюк ақли уни ўйлаб топади, мен шунга қаттиқ ишонаман.

— Ма'қул гап,— деди Андрей Ефимич кайфи чоғ бўлганидан кулимсираб.— Сизнинг ишонганингиз яхши. Бундай ишончи бўлган одам девор орасига шуваб ташланганда ҳам яшаши мумкин. Сиз бирон ерда билим олган эдингизми?

— Ҳа, мен олий мактабда ўқир эдим, лекин тамомлаган эмасман.

— Сиз фикр қиладиган чуқур мулоҳазалик одамсиз. Ҳарқандай шароитда яшасангиз ҳам ўзингизни юпатаоласиз. Ҳаётни яхши англашга интиладиган чуқур ва озод фикр, ҳамда дун'ени бўлмағур икир-чикирига бутунлай нафрат блан қарашлик — мана шу икки не'матдирки, инсон бундан буюк нарсани кўрган эмас. Г'арчи сиз уч қават темир панжара ичида пинҳон бўлсангиз ҳам унга эришаоласиз. Диоген бочкада яшаган, шунда ҳам ер юзидаги ҳамма подшолардан бахтли бўлган.

— Диогенингиз аҳмоқ эди,— деди Иван Дмитрич қайгули оҳанг блан.— Нега менга Диоген, яна қандайдир ҳаётни яхши англашлар ҳақида сўзлаяпсиз?— деди у тўсатдан энсаси қотиб ва ирғиб турди.— Мен ҳаётни севаман, эҳтирос блан севаман! Мени биров та'қиб қилаётир деган дардга мубталоман, мудом қаттиқ қийнайдиган қўрқув чангалидаман, лекин шундай дақиқалар ҳам бўладики, ҳаётга ташна бўламан, ана шунда жинни бўлиб қолишдан қўрқаман. Жуда яшагим келади, жуда!

У ҳаяжон ичида бир йўл палатанинг у бошига бериб келди-да, товушини пасайтириб:

— Хаёл сурганимда кўзимга алланималар кўринади. Олдимга қандайдир одамлар келишади, қулоғимга ҳслгу

овозлари эшитилади, назаримда қандайдир ўрмонларда, денгиз бўйларида юргандек сезаман, ва ҳаётнинг икир-чикирлари, ҳаракатлари блан жуда банд бўлгим келади... Айтиб берингчи, қани уёқда қандай янгиликлар бор?— деб сўради Иван Дмитрич,— нима гаплар?

— Сиз шаҳар тўғрисида сўраётирсизми? Ё умуманми?

— Майли, аввал шаҳар тўғрисида сўзлаб беринг, сўнг умуман.

— Нима бўларди? Шаҳарда киши бениҳоят зерикади... бир оғиз сўз қотгундай, ё сўзга қулоқ солгундай одам йўқ. Янги келган одамлар ҳам йўқ. Айтмоқчи, яқинда Хоботов деган ёш доктор келди.

— У мен борлигимда келган эди. Қалай, битта аблаҳ-дир-да?

— Ҳа, маданиятсиз одам. Биласизми, шуниси қизиқки... Умуман қараб турсангиз, пойтахтимизда ақл-идроқда турғунлик йўқ, ҳаракат бор,— демак, уерда ҳақиқий одамлар ҳам бўлиши керак, лекин негадир буерга ҳаргал шундай одамларни юборишадикки, кўрмасам дейсан киши. Бахтсиз шаҳар!

— Тўғри, бахтсиз шаҳар!— деб чуқур нафас олди Иван Дмитрич ва кулиб юборди.— Умуманчи? Газета, журналларда нималар ёзилаяпти?

Палата қоронғулашиб қолган эди. Доктор ўрнидан туриб четэлларда ва Россияда нималар ёзаётганлари, ҳозир қандай фикрий оқимлар борлигини сўзлайбошлади. Иван Дмитрич ғоят диққат блан тинглаб ва саволлар бераётганди, лекин тўсатдан бир мудҳиш иш ёдига тушгандай бошини ушлади ва докторга орқасини ўгириб ётиб олди.

— Нима бўлди сизга?— деди Андрей Ефимич.

— Энди сиз мендан бирон оғиз ҳам сўз эшитмайсиз!— деди Иван Дмитрич кўрслик қилиб.— Қўйинг мени?

— Сабаб?

— Айтдим-ку; қўйинг! Мунча энди?

Андрей Ефимич кифтларини учирди, уҳ тортиб чиқиб кетди. Даҳлиздан ўтаркан:

— Шу ер бир тозалансайди, Никита... Жуда сасиб кетипти!— деди.

— Хўп бўлади, жаноби олийлари.

«Қандай ёқимли йигит!— деб ўйлади Андрей Ефимич уйига келатуриб.— Шу ерда турганимдан буён гап-сўзга

тушунадиган одамни учратганим шу бўлса керак. У муҳокама қилаолади ва зарур нарсаларга қизиқади».

Китоб ўқиётганда ва ётар вақтида ҳам Иван Дмитрич ҳақида ўйлади, эртасига эрталаб уйғониб, кеча ақллик ва ажойиб йигит блан танишгани ёдига тушди, иложини топса яна унинг ёнига бир кириб чиқишга жазм қилди.

## X

Иван Дмитрич худди кечагидек вазиятда, бошини қўллари орасига олиб оёқларини гужанак қилиб ётганди. Юзи кўринмас эди.

— Салом, дўстим,— деди Андрей Ефимич.— Ухлаётганингиз йўқми?

— Аввало мен сизнинг дўстингиз эмасман,— деди Иван Дмитрич ёстиққа юзини босиб ётганича,— иккинчидан беҳуда уринаётирсиз: мендан бирон оғиз ҳам сўз эшитолмайсиз.

— Қизиқ...— деди Андрей Ефимич хижолат тортиб.— Кеча бир яхши, тотувлик блан сўзлашаётган эдик, лекин нимагадир тўсатдан хафа бўлдингиз ва суҳбатни тўхта-тиб қўйдингиз... Эҳтимол, оғзимдан бирон ношоён сўз чиқдим, ё бўлмаса, сизнинг ақидангизга тўғри келмайдиган фикрни айтиб қўйдимми...

— Шунақа денг, ишондим қўйдим-да, а, сизга?— деди Иван Дмитрич бошини кўтариб, ҳаяжон ичида истехзо блан докторга қараб; унинг кўзлари қизарган эди.— Жосусликни, сир олишни бошқа жойга бориб қилинг, буерда кетмайди. Нима учун келганингизни кечаёқ билган эдим.

— Қизиқ хаёл!— деди доктор жилмайиб,— демак, сизнинг билишингизча мен жосус эканманда?

— Ҳа бўлмасачи... мен унинг қўлига синаш учун топширилганимдан кейин докторми жосусми — барибир.

— Э-ҳа, ҳали ҳақиқатан афв, этингиз... Тентак экансиз-ку!

Доктор унинг кровати ёнидаги курсичага ўтирди-да, уни айбситаиб бош чайқади.

— Хўп айтайлик, сиз ҳақли бўлинг,— деди у,— айтайлик, мен мунофиқлик қилиб, сизни сўздан тутиб полицияга бермоқчиман. Сизни қамоққа олишсин, сўнг суд ҳам қилишсин. Хўш, ўша судда ва тюрмада сизга шу ердигидан ёмон бўладими? Агар бошқа шаҳарга, ҳатто сургунга юборсалар шу ҳужрада ўтиришингиздан ёмонми? Менимча, ёмон эмас... Демак, нимадан қўрқасиз?

Афтидан, бу сўзлар Иван Дмитричга та'сир қилди шекилли, секин туриб ўтирди.

Соат кечки беш эди,— бу Андрей Ефимич одати бўйича ўз уйида хонадан хонага ўтиб юрадиган ва Дарьюшка ундан пиво ичадиган вақтингиз бўлмадими деб сўрайдиган кез эди. Эшикда ҳаво соф, сокин эди.

— Мен овқатдан сўнг айланиб келиш учун чиққан эдим, ҳузурингизга киргим келди,— деди доктор.— Баҳср бўлиб қолди.

— Ҳозир қайси ой? Мартми?— деб сўради Иван Дмитрич.

— Ҳа, мартнинг охири.

— Ҳовли лойдир?

— Йўқ, унча лой эмас. Бсғ йўллари селгиб қолган.

— Энди аравага тушиб бирон ерга, шаҳардан ташқарига чиқсам,— деди Иван Дмитрич қизарган кўзларини уйқудан турган одамдай ишқаб,— сўнг уйим, иссиққина, саранжом-саришта кабинетимга қайтиб келиб... кейин тузукроқ докторга бош оғриқни даволатсам... кўпдан бери инсонларча яшаганим йўқ. Буер жуда ёмси! Чидаб бўлмаслик даражада ёмон!

Кечаги васвасадан кейин чарчаган, ланж ва анча хафсаласизлик блан сўзлар эди. Бармоқлари титрар ва юзидан бошининг қаттиқ оғриётгани билиниб турарди.

— Иссиққина, саранжом-саришта кабинет блан шу палатанинг ўртасида ҳечқандай фарқ йўқ,— деди Андрей Ефимич.— Кишининг ҳузур-ҳаловати ташқи шароитда эмас, унинг ўзида бўлади.

— Я'ни?

— Оддий одамлар роҳатни ёки азобни ташқи шароитдан, масалан, аравадан, кабинетдан, фикр этучи киши эса ўзидан кутади.

— Боринг, бу фалсафани Грецияда тарғиб қилинг, уер иссиқ ва померанс ҳидига тўла, бусрининг бод-ҳаво-си тўғри келмайди. Ким блан Диоген ҳақида сўзлашган эдим? Сиз блан бўлса керак?

— Ҳа, кеча мен блан.

— Диоген кабинет ва иссиқ уйга муҳтож бўлган эмас; уерда буларсиз ҳам иссиқ. Бочкага туш-да, апельсин ва зайтун меваси еб ётавер. Агар Россияда туришга тўғри келганда борма, декабрьда эмас, май ойида ҳам уй талаб бўлиб қоларди-ку. Совуқ бундоқ ҳам асар қилсинки...

— Йўқ. Совуқни ва умуман барча оғриқларни ҳам сезмаслик мумкин. Марк Аврелей «оғриқ — одамнинг оғриқ ҳақидаги тушунчаси, ироданиги кучайтириб, мана шу тушунчани ўзгартир, орқага ташла, нолишни тўхтат, оғриқ йўқолади» дейди. Ҳақ гап. Донишманд ёки умуман фикр қилучи, мулоҳазали одам, фақат азобдан нафратланиши билан бошқалардан фарқ қилади; у доим мамнун ва ҳечнарсга таажжубланмайди.

— Демак, мен азоб чекканим, норозилик билдирганим ва инсон разиллигига таажжубланганим учун аҳмоқ эканман-да.

— Бу гапларингиз ортиқча. Агар сиз дурустроқ ўйлаб кўрсангиз, бизларни таҳликага соладиган сиртқи нарсаларнинг қанчалик арзимаслигини англаб оласиз. Ҳаётни англаб олишга интилиш керак, ҳамма бахт — ана ўшанда.

— Англаш...— деб юзларини буриштирди Иван Дмитрич.— Сиртқи, ички... Кечиринг, мен буни тушунолмаيمان. Фақат шуни биламанки,— деди у ўрнидан тураркан газаб билан докторга қараб,— шуни биламанки, худо мени иссиқ қон ва асаблардан яратган, шундай! Органик тўқима агар яшашга қобилиятли бўлса, сиртдан бўладиган ҳарбир та'сирга э'тибор бериши керак. Мен э'тибор қиламан! Оғриққа — додлаш ва йиғлаш билан разилликка — нафрат, қабиҳликка — газабланиш билан жавоб қиламан. Менимча, ҳаёт деб асли ўзи мана шуларни айтилса керак. Организм нақадар тараққий топмаган бўлса, шу қадар сезгирлиги оз, ва ташқи та'сирга шунчалик суст жавоб қилади, қанчалик тараққийлашган бўлса, шунчалик сезгир бўлиб, воқ'иликка тез ва ғайрат билан э'тибор қилади. Шуни ҳам билмай бўладими? Доктор-ку, шунақанги оддий нарсаларни билмайди! Азоб чекишга нафрат билан қарамаслик учун, доим мамнун бўлишлик учун, ҳечнарсга ҳайрон қолмаслик учун мана шундай ҳолга тушмоқ керак,— деди Иван Дмитрич, вужудини ёғ босиб, семириб кетган мужикни кўрсатиб,— ёки киши ўзини азоб билан шундай пишитиши керакки, ҳарқандай сезиш қобилияти йўқолсин, я'ни бошқача қилиб айтганда, яшамай қўйиши керак. Кечиринг, мен на мутафаккирман, на файласуф,— деб давом этди Иван Дмитрич тутақиб,— ва бу тўғрида ҳечнарсга тушунмаيمان. Фикр юритгудай ҳолим йўқ.

Аксинча, фикр юритишингиз жуда соз.

— Сиз кулгили равишда тақлид қилаётган стоиклар<sup>1</sup> анча дуруст одамлар эди, лекин уларнинг та'лимоти бундан икки минг йил олдин бир жойда қотиб қолди, бир қадам ҳам олдинга силжигани йўқ ва силжймайди, чунки ҳаётга татбиқ қилиб бўладиган қулай та'лимот эмас. У фақат бутун умрини ўлиб толиб турли та'лимотларни ўрганиш, тотиб кўриш билан ўтказадиган озчилик ўртасида шуҳрат қозонаолди, кўпчилик унга тушунолмади. Бойликка, ҳаётдаги қулайликларга лоқайдликни ва азобга, ўлимга нафрат билан қарамасликни тарғиб қилучи та'лимотга кўпчилик мутлақо тушунмайди, чунки бу кўпчилик ўз ҳаётида бойлик нима, турмушдаги қулайлик нималигини ҳечқачон билган эмас; азоб чекишга нафрат билан қарамаслик улар учун ҳаётга нафрат билан қараш деган гап, чунки инсоннинг вужуди очлик, яланғочлик, алам, айрилиқни сезишдан ва гамлетчасига ўлимдан кўрқишдан иборат. Ҳаёт мана шу сезгиларда: уни оғир кўришлик, ёқтирмаслик мумкин, лекин ундан нафратланиб бўлмайди. Мана шундоқ, такрор айтаманки, стоикларнинг та'лимоти ҳечқачон юзага чиқмайди. Ахир кўриб турибсизки, дунё пайдо бўлгандан то шу кунгача кураш, оғриққа сезгирлик, четдан бўлган та'сирга жавоб қайтариш қобилияти ўсиб бормоқда...

Иван Дмитрич бирдан фикрининг арқоғини йўқотиб қўйди-да, хуноб бўлиб, пешонасини ишқади.

— Бир муҳим нарса айтмоқчи эдим, адашиб кетдим,— деди у.— Нима эди? Ҳа! Шунини айтмоқчи эдим; стоиклардан биттаси ўзининг яқин бир одамини ажратиб олишлик учун, қул бўлиб сотилган. Буни қаранг, демак стоик ҳам сиртдан бўлган та'сирга э'тибор қилипти, яқин кишинг учун жондан кечиликдек олижаноб ишни қилиш учун азобга қарши қўзғолучан, раҳмдил бўлмоқ керак. Бу тюрмада ўқиб билганларимни ҳам эсимдан чиқариб қўйдим. Бўлмаса яна бирон нарсани хотирлар эдим. Исони олсакчи? Исо воқе'ликка йиғлаш, кулиш, қайғириш, аччиғланиш, ҳатто гусса чекиш билан жавоб қилган; у азобга қарши кулиб борган эмас ва ўлимга ҳам нафрат билан қараган эмас, Гефсиман боғида мени бу бало-қазодан сақла деб ибодат қилган-ку.

---

<sup>1</sup> Стоицизм фалсафаси муҳиблари — ҳаёт қийинчиликларини мардлик билан енгучилар. (Ред.)

Иван Дмитрич кулиб юборди-да, ўтирди.

— Фараз қилайлик, инсоннинг ҳузур-ҳаловати четда эмас, унинг ўзида бўлсин,— деди у.— Фараз қилайлик, азоб чекишга нафрат блан қарайлик-да, ҳечнарсасага ҳайрон қолмайлик. Хўш, сиз нимага асосланиб буни тарғиб қилаётирсиз? Сиз донишмандмисиз? Файласуфмисиз?

— Йўқ, файласуф эмасман, аммо бу нарсани ҳарбир киши тарғиб қилиши лозим. Чунки бу оқилона гап.

— Йўқ, мен шуни билмоқчиманки, нега сиз англаб олиш, азоб чекишга нафрат блан қараш сингари масалаларда ўзингизни билимдон ҳисоблайсиз? Сиз азоб чекиб кўрганмисиз? Азоб нималигини биласизми? Кечирасиз: болалигингизда сизни савалашганми?

— Йўқ, менинг ота-онам уриб жазолашни ёмон кўришарди.

— Отам мени аямай урар эди. Менинг отам баджаҳл, бўйнигача сарғайиб кетган, сўррайган қирра бурун, бавосил бир мансабдор эди. Қани, сизнинг тўғрингизда сўзлашайлик. Умрингизда сизни биров чертган эмас, ҳечким кўрқитиб, юрагингизни олиб қўйган эмас, буқадек соғломсиз. Отангизнинг бағрида катта бўлгансиз ва унинг пулига ўқигансиз, сўнг дарҳол иши оз, даромади зўр ўринга ўтириб олгансиз. Йигирма йилдан ортиқ тайёр хизматчиси ўтин-чўпи, чироғигача текин уйда яшагансиз. Бунинг устига қанча ва қандай ишлаш ёки ҳеч иш қилмаслик ўз ихтиёрингизда бўлган. Ўзингиз табиатан ялқов, пўк одамсиз, шунинг учун ҳам турмушингизни ҳечнарсасиз безовта қилмайдиган ва жойидан қўзғотмайдиган қилиб тузгансиз. Ишни фельдшер ва ўшанга ўхшаш аблаҳларга топшириб, ўзингиз иссиққина тинч уйда ўтириб, пул йиғиб, китоб ўқиган бўлиб, ҳархил бўлмағур юксак фикрларнинг ва (Иван Дмитрич докторнинг қипқизил бурнига қараб олди) ичкиликнинг кайфини сургансиз. Қисқаси сиз ҳаётни кўрмагансиз ва мутлақо билмайсиз ҳам, воқиликни бўлса фақат назарий равишда биласиз. Азоб чекишга нафрат блан қарашингиз ва ҳечнарсасага таажжубланмаслигингиз сабаби жуда оддий: ҳаётнинг икир-чикирлари ички ва ташқи ҳаётга, азоб чекишга ва ўзимга нафрат блан қараш, англаб олиш, ҳақиқий саодат — буларнинг ҳаммаси россияли ялқов учун жуда мос фалсафа. Масалан, бир мужик хотинини урмоқда, сиз унга қараб тураверасиз. Уртасига тушишнинг нима кераги



бор? Қўлвер, ураверсин, эртами-кечми иккови ҳам ўлади, бунинг устига ураётган киши уриш блан у одамни эмас, ўзини ҳақорат қилади дейсиз. Ичиб маст бўлиб юриш аҳмоқлик, беодоблик, лекин ичсанг ҳам — ўласан, ичмасанг ҳам — ўласан эмиш. Хотин киши келади, тишим оғрияпти... дейди. Хўш, нима бўпти? Оғриқ — оғриқ ҳақидаги тушунча, унинг устига бу дун'ёда касал бўлмай ўтмайди киши, ҳаммамиз ҳам ўламиз, шунинг учун хотин, йўлингдан қолма, менинг ўйлашимга ва ичкилик ичишимга халақит берма, дейилади-да. Еш йигит, нима қилиш ва қандай яшаш ҳақида маслаҳат сўрайди, бошқа киши бўлса жавоб беришдан олдин ўйлаб кўрарди, сизнинг жавобингиз тайёр: англаб олишга ёки ҳақиқий саодатга интил. Бу хаёлий «ҳақиқий саодат» нима? Бунга, албатта, жавоб йўқ. Бизларни буерда, панжара ичига қамаб, чиритишмоқда, ҳолатдан кетгунча азоб беришмоқда, бу жуда яхши ва оқилона иш, чунки шу палата блан яхши ва иссиқ кабинетнинг орасида ҳечқандай фарқ йўқ эмиш. Қулай фалсафа: иш ҳам йўқ, виждон ҳам соф, ҳам ўзингни доно одамдай сезасан... Йўқ, афандим; бу на фикр, на фалсафа, на дун'ёга кенг қарашлик. Бу — ялқовлик, афсунгарлик, алаҳлаш... Тўғри! — деди-да, Иван Дмитрич яна аччиғланди. — Азоб чекишга нафрат блан қарамайсиз, агар бармофингизни эшик қисиб олгундай бўлса, товушингизнинг борича додлар эдингиз!

— Бордию, додламасамчи! — деди Андрей Ефимич салгина жилмайиб.

— Шундайми, додламассиз-а! Мана, агар бирдан фалаж бўлиб қолсангиз, ёки биронта аҳмоқ, сурбет ўзининг мансаби ва амалидан фойдаланиб, халқ ўртасида сизни ҳақорат қилса ва унга ҳечқандай жазо берилмаслигига кўзингиз етса, — ана унда бошқаларни ҳаётни англаб олишга ва ҳақиқий бахтга йўллаш нималигини билиб кўяр эдингиз.

— Бу қизиқ гап, — деди Андрей Ефимич завқ блан кулиб ва қўлларини бир-бирига ишқади. — Сизнинг шу зайл хулоса чиқаришларингиз менга жуда ёқади, ҳалигина менга жуда қойил қолдирадиган баҳо бердингиз. Тўғриси айтсам, сиз блан суҳбатлашиш менга гоят катта роҳат бахш этади. Хўб, мен сизнинг сўзларингизни тингладим, энди сиз ҳам менинг сўзларимга қулоқ солинг...

Бу суҳбат яна бир соатча чўзилди ва афтидан Андрей Ефимичга қаттиқ та'сир қилган бўлса керакки, ҳар куни шу ерга келадиган бўлиб қолди. У эрталаб ва овқатдан кейин келар, кўпинча қоронғи тушгунча ҳам Иван Дмитрич блан суҳбатлашиб ўтирарди. Дастлабки кунларда Иван Дмитрич ундан ўзини тортар ва ёмон ният блан келиб юрипти деб, шубҳаланиб, уни ёқтирмаслигини очикдан-очик айтар эди, кейинчалик ўрганиб қолди ва кўрс сўзликнинг ўрнига сал аяб, истехзо аралаш муомала қиладиган бўлди.

Тез кундаёқ касалхонага доктор Андрей Ефимич 6-нчи номерли палатага кириб юрар эмиш деган овоза тарқалди. На фельдшер, на Никита, на касалларга қаровчи аёллар — ҳечким, унинг нима учун уерга киришининг, неча соатлаб уерда қолиб кетишининг, нима ҳақида сўзлашишининг ва нега дори ёзиб бермай чиқиб кетишининг тагига етолмасди. Унинг бу қилиғи жуда ажиб туйилар эди. Михаил Аверьянич ҳам кўпинча уни уйдан тополмайдиган бўлиб қолди, илгари ҳеч бундай бўлмасди; докторнинг ма'лум соатда пиво ичмаётганлигидан, ба'зан ҳатто овқатга ҳам кечикиб келишидан Дарьюшка ҳам додираб қолганди.

Бир кун, июннинг охирларида доктор Хоботов қандайдир бир иш блан Андрей Ефимичнинг олдига келди; уйдан тополмагач, ҳовлидан излайбошлади; кекса докторнинг руҳий касалларнинг ёнига кириб кетганини ўша ердагилар айтишди. Хоботов уерга борди ва даҳлизда туриб, шу сўзларни эшитди:

— Бизлар бир-биримизни ҳечқачон англайолмаймиз ва мени ўз маслагингизга тортиш қўлингиздан келмайди, — дер эди Иван Дмитрич қизишиб, — воқ'лик блан мутлақо таниш эмассиз, ҳечқачон азоб ҳам чекмаганиз, фақат зулук сингари, бошқалар азоб чекаётган жойда туриб, тўйгансиз. Мен бўлсам туғулганимдан то шу дамгача муттасил азоб чекиб келаман. Шунинг учун очигини айтаман: мен ўзимни сиздан устун ва ҳар тўғрида мутабарроқ деб ҳисоблайман. Менга ўргатмай қўяқолинг.

Менда сизни ўз маслагимга тортай деган хаёл мутлақо йўқ, — деди секингина Андрей Ефимич уни англашми истамгани учун оғрингандай бўлиб. — Гап бунда ҳам эмас, дўстим. Гап сиз азоб чекиб, мен чекмаганимда

эмас. Азоб чекишлар — хурсандчиликлар ўтиб кетадиган нарсас; қўйинг, худо уларга ёр бўлсин... Гап шундаки, бизлар фикр юргизамиз ва бир-биримизда муҳокама қилишга, фикр юргизишга қобилиятли одамларни кўрмоқдамиз, ана шунинг ўзи маслагимизнинг турли бўлишига қарамай, бизларни фикрдош қилади. Кошки сиз, умумий аҳмоқчилик, қобилиятсизлик, бефаҳмлиқнинг жонимга қандай текканини ва ҳаргал сиз блан қандай шодланиб суҳбатлашишимни билсангиз эди, дўстим! Сиз ақлли одамсиз, сизнинг ёнингизда роҳат қиламан.

Хоботов эшикни сал қия очди-да, палатага қаради; қалпоқ кийган Иван Дмитрич блан доктор Андрей Ефимич тўшакда ёнма-ён ўтиришарди. Жинни юзларинч буриштирар, сесканар ва беихтиёр чопонга ўраларди, доктор бўлса жимгина, бошини қуйи солиб ўтирарди, унинг юзи қипқизил, умидсиз ва ғамгин эди. Хоботов елкаларини учирди, кулди ва Никита блан кўз уриштирди. Никита ҳам елкаларини учирди.

Эртасига Хоботов фельдшер блан бирга келди, иккаласи ҳам даҳлизда туриб қулоқ солишди.

— Чолимиз бутунлай айниб қолганга ўхшайди-ку!— деди Хоботов, уердан чиқаркан.

— Ё раббий, биз гуноҳкорларни ўзинг кечир!— деди чуқур нафас олиб олифта Сергей Сергеич, ялтирагунча пардозланган этикларига лой тегизмаслик учун қўлмак сувдан эҳтиёт блан ўтаркан,— тўғрисини айтсам, ҳурматли Евгений Федорич, мен кўпдан бери шундай бўлишни кутган эдим!— деди.

## XII

Шундан кейин Андрей Ефимич атрофида қандайдир, сирли бир ҳол сезабонлади. Қасалхонада хизмат қилучи эркаклар, касалларга қаровчи аёллар ва касаллар унинг блан учрашганда савол назари блан боқишар, сўнг ивир-шивир сўзлашарди. Нозирнинг қизи Маша ҳам касалхона боғида учраб қолганда Андрей Ефимич одатдагича унинг бошидан силамоқчи бўлиб, кулимсираб ёнига борса, негадир қочадиган бўлиб қолди. Почта мудирини Михаил Аверьянич унинг сўзларига қулоқ соларкан ортқ; «ҳақ гап» демасдан, англаб бўлмайдиган бир хижолат ичида, «Ҳа, ҳа, ҳа...» дер эди, ўйчанлик ва қайғу блан унга боқарди; нима учундир у дўстига ичкиликни ташлаш керак, деган

маслаҳатни берабошлади, лекин одоблик одам бўлгани учун очиқ айтолмасдан гоҳ бир батальон командири бўлган яхши одам тўғрисида, гоҳ полк попи бўлган дуруст йигит тўғрисида гап келтириб, уларнинг ҳам ичиб касал бўлганликлари, лекин ичкиликни ташлаш блан бутунлай тузалиб кетганлари тўғрисида шама қилиб сўзлар эди. Икки-уч марта Андрей Ефимичнинг уйига ҳамкасби Хоботов ҳам келиб кетди; у ҳам ичкиликни ташлашни ва ҳечқандай сабаб йўқлигига қарамай, бромли калий ичшни буюрарди.

Август ойида Андрей Ефимич шаҳар бошлиғидан жуда зарур иш юзасидан келиб-кетишни илтимос қилиб ёзилган хат олди. Андрей Ефимич тайинланган вақтда маҳкамага борса уерда ҳарбий ишлар бошлиғи, уезд ўқув юртининг нозир, шаҳар маҳкамаси а'зоси бўлмиш бир киши, Хоботов ва яна тўладан келган сарғиш сочлик қандайдир бир одам ҳам бор экан, бу кишини унга доктор деб таништиришди. Бу айтилиши қийин полякча фамилиялик доктор, шаҳардан ўттиз чақирим нарида от заводида тураркан ва шаҳарга йўлакай тушган экан.

— Сизларнинг ишингизга тегишли бир ариза бор,— деди маҳкама а'зоси Андрей Ефимичга, ҳамма кўришиб бўлиб, стол атрофига ўтиргандан кейин.— Мана Евгений Федорич айтадиларки, катта корпусда аптекага жой торлик қилаётир, шуни уйлардан биттасига кўчирсак дейдилар. Бу, албатта, ҳечгап эмас, кўчириш мумкин, лекин асосий масала — уйни ремонт қилиш.

— Ҳа, ремонт қилинмаса иложи йўқ,— деди Андрей Ефимич ўйлаб кўриб.— Агар, масалан, бурчакдаги уйни аптекага мувофиқлаштирсак, менинг билишимча унга камида беш юз сўм керак, самарасиз чиқим.

Бироз жим қолишди.

— Мен бундан ўн йил муқаддам,— деб давом қилди Андрей Ефимич, оҳиста овоз блан,— бу касалхонани ҳақиқий ҳолида асрашга шаҳарнинг кучи етмайди деб айтган эдим. Ўзи қирқинчи йилларда солинган, ахир у вақтдаги сармоя бошқа эди. Шаҳар бефойда иморатлар ва ортиқча мансаблар учун жуда кўп пул сарф қилади. Менинг ўйлашимча, тартиб бошқачароқ бўлганда эди, шу пулларга иккита намунали касалхона қилиб қўйиш мумкин эди.

Қани, бўлмаса ўша бошқача тартибни қилайлик!— деди тизлик блан маҳкама а'зоси.

— Мен аллақачонлар айтган эдим: тиббий бўлимни земство ихтиёрига топширинг.

— Шундайми, пулни земство ихтиёрига топширинг, у ўғирласачи,— деб кулди сарғиш сочли доктор...

— Бу аниқ,— деб ҳалигининг фикрига қўшилди маҳкама а'зоси, у ҳам кулди.

Андрей Ефимич сарғиш сочли докторга эринчоқлик блан ма'носиз бир назар ташлади ва:

— Инсоф керак,— деди.

Яна жим қолишди. Чой келтирилди. Нимагадир жуда хижолат тортган ҳарбий ишлар бошлиғи, стол устидан қўлини чўзиб, Андрей Ефимичнинг қўлини ушлаб қўйди ва кулиб:

— Бизларни жуда унутиб юбордингиз, доктор,— деди.— Шуниси борки, тақвадорсиз: карта ўйнамайсиз, хотинларни ёқтирмайсиз, бизларнинг орамизда зерикиб ҳам қоласиз-да.

Ҳаммалари бирдан, дуруст одам учун бу шаҳарда туриш оғирлиги ҳақида сўзлаб кетдилар. На театр бор ва на музыка бор, сўнгги марта бўлган танца кечасида йигирмага яқин дама ва иккитагина кавалер бўлди. Ёшлар танца тушмайди, ҳамиша буфетда уймалашади ёки карта ўйнайди, дейишди. Андрей Ефимич ҳечкимга қарамай, шошилмасдан секингина сўз бошлаб, шаҳар халқи ўз қуввати, юраги ва ақлини картага ва ғийбатга сарф қилиши жуда-жуда ачинарлик ҳол эканини ва вақтини қизиқ суҳбатлар ва ўқиш блан ўтказишни билмаслигини ва истамаслигини, яна ақл орқасида келадиган лаззатлардан фойдаланишни истамаслигини гапирди. Ёлғиз ақлигина гўзал ва яхши нарса, бошқа ҳаммаси майда ва тубан нарсалар, деди. Хоботов ҳамкасбининг сўзларини диққат блан тинглаб туриб, тўсатдан:

— Андрей Ефимич, букун нечанчи число?— деб сўради. Жавоб олгач, у блан бирга сарғиш соч доктор, ўз нўноқлигини билиб турган имтиҳон олучилардек Андрей Ефимичдан бугун қайси кун, бир йилда неча кун бор ва б-нчи номерли палатада ажойиб пайгамбар борлиги ростми деб сўради.

Сўнгги саволга жавоб бераётганда Андрей Ефимич қизариб кетди ва:

— Ҳа, у касал, лекин ажойиб йигит,— деди.

Унга бошқа ҳечқандай савол беришмади.

У даҳлизда пальтосини кияркан, ҳарбий ишлар бошлиги Андрей Ефимичнинг елкасига қўлини ташлади ва уҳ тортиб:

— Биз, кексалар энди дам олсак ҳам бўлади!— деди.

Маҳкамадан чиқатуриб Андрей Ефимич булар унинг эс-ҳушини текширгани тузилган комиссия эканлигини аңлади. У, ўзига берилган саволларни эслади ва қизариб кетди, негадир ҳаётида биринчи марта табобат илмининг аҳволига қаттиқ ачинди.

«Ё раббий,— деб ўйлади у, врачларнинг ҳозиргина уни қандай текширганларини эслаб,— ахир улар яқиндагина руҳий хасталикларни ўқиб, имтиҳон беришган-ку, бу қадар нодонлик қаердан келди? Руҳий хасталик нима эканлигини билмайдилар-ку, ахир!»

У ҳаётида биринчи мартаба ўзини ҳақоратланган ва газабланган ҳолда кўрди.

Уша куниеқ кечқурун унинг уйига Михаил Аверьянич келди. Почта мудури саломлашмасданоқ унинг ёнига борди-да, икки қўлидан ушлаб, қалдироқ товуш блан:

— Азизим, дўстим, менинг кўнглим яқинлигига ишонинишгини ва ўзиниғиз ҳам мени дўст деб ҳисоблашиниғизни исбот қилинг... Дўстим!— У, Андрей Ефимичга сўз бермасдан ҳаяжонланиб давом қилди:— мен сизни илмлик ва софдил бўлганинғиз учун севаман. Сўзларимга қулоқ солинг, азизим. Фан қоидалари докторларни сиздан ҳақиқатни яширишга мажбур қилади, лекин мен ҳарбийчасига тўғриси, шартта айтиб қўяқоламан: сиз саломат эмассиз! Кечиринг мени, дўстим, тўғриси шу, буни аллақачонлардан бери атрофинғиздагиларнинг ҳаммаси сезган. Ҳозиргина доктор Евгений Федорич менга, сизнинг соғлигинғиз учун яхшиси дам олиш ва кўнғил очиш зарурлигини айтди. Жуда тўғри! Жуда соз! Тез кун ичида мен отпускаи оламан ва бироз бошқа ҳавони ҳидлаб келгани кетаман. Дўстим эканлигиниғизни кўрсатинг, бирга кетайлик! Борайлик, ёшлик даврини эсга солиб, айланиб келайлик.

— Мен ўзимни жуда соғлом сезаман,— деди Андрей Ефимич ўйлаб туриб.— Боришимнинг иложи йўқ. Рухсат эгасиниғиз дўстлигини қандай бўлмасин бошқача қилиб билдирақолай.

Нима учун кетаётганини билмасдан, қаёқларгадир кетди, кинобез, Дарьюшкасиз, нивосиз, 20 йилдан буён ўрнашиб қолган ҳаёт тартибининг бирдан бузиш,— бундай

фикр биринчи минутда унга ажиб ва хаёлий бир гапдай туйилди. Лекин маҳкамада бўлиб ўтган гапларни ва уердан келаётганида кечирган оғир ҳолатини эслади ва уни жиннига чиқариб қўйган аҳмоқ одамлар яшаётган шаҳардан бироз вақт узоқлашиш керак деган фикр ёққандай бўлди.

— Қани, ўзингиз қаёққа бормоқчисиз? — деди.

— Москвага, Петербургга, Варшавага... Варшавада ҳаётимнинг бахтлиқ беш йилини ўтказганман. Қандай ажойиб шаҳар! Кетайлик, азизим!

### XIII

Бир ҳафтадан кейин Андрей Ефимичга дам олишни, тўғриси ишдан бўшаб кетишни таклиф қилишди, бунга у анча бепарво қаради, яна бир ҳафтадан кейин Михаил Аверьянич блан иккови шалдироқ аравага тушиб яқинроқдаги темир йўл станциясига қараб йўл ҳам олишди. Қушлар салқин, ҳаво очиқ, кўк юзи зангори бўлиб узоқ жойлар кўринар эди. Станциягача бўлган икки юз чақирим йўлни икки кунда босишди ва йўлда икки марта қўнишди. Бекатларда чой ичгани яхши ювилмаган стакан берилса ёки тарантасга имиллаб от қўшилса, Михаил Аверьянич қипқизариб кетар ва бутун вужудини қалтироқ босиб: «Товушингни ўчир!», «маҳмадналик қилма!» деб қичқирарди. Тарантасда бўлса, бир дақиқа тинмасдан ўзининг Кавказга ва Польша подшолигига борганларини сўзларди. Нақадар ажойиб ҳодисалар, қандай учрашувлар! У шанғиллаб сўзларкан, кўзларида шундай бир ҳайронлик аломати пайдо бўлардики, киши бу одам ёлгон сўзлаётир деб ўйлар эди. Унинг устига, гапираркан, тўғри Андрей Ефимичнинг юзига қараб дам урар, қулогининг тагида қаҳ-қаҳлаб куларди. Бу ҳол докторни сиқар, ўйлашга ва хаёлини бир жойга тўнлашга халал берарди.

Темир йўлда бўлса иқтисод қилиб, учинчи классга, папирес чекмайдиганлар вагонига тушишди. Йўловчиларнинг ярми тоза кийим кийган одамлар эди. Михаил Аверьянич тез орада ҳамма блан танишиб олди ва, скамейкадан скамейкага ўтиб, шанғиллаб, бу ярамас йўллардан юриш керак эмас, деб сўзлади. Қай томонга қарасанг мутгаҳамлик! Отга миниб юришга нима етсин: кунига юз чақиримдан йўл босасанда, кейин ўзингни тетик ва соғлом сезасан. Бизда ҳосил битмаслик, Пинский

ботқоқлигини қуритиб юборганларидан бўлаётир. Умуман тартибсизлик мудҳиш даражада.

У қизишиб, шанғиллаб сўзлар ва ҳечкимга гал бермас эди. Бу ора-чора қаҳқаҳ уриш блангина бўлинадиган битмас-туганмас бема'ни сўз, ифодали имо-ишоралар Андрей Ефимичнинг тинкасини қуритди.

«Қайсибиримиз жиннимиз?— деб ўйларди у, диққати ошиб.— Йўловчиларни бирон иш блан безовта қилмасликка тиришаётган менми, ё ўз ҳузурини кўзловчи, буердагиларнинг ҳаммасидан ўзини ақллироқ ва аломатроқ деб ўйлайдиган, шунинг учун ҳам ҳечкимга тинчлик бермаётган уми?»

Москвада Михаил Аверьянич погонсиз ҳарбий сюртук ва ён чокларига қизил кўйиб тикилган шим кийди. Кўчага чиққанда ҳарбий фуражка ва шинель кийиб юрар, солдатлар унга честь бериб ўтишарди. Энди Андрей Ефимичнинг назарида у ўзининг қачонлардир бўлган киборлик хулқларининг ҳамма яхши жиҳатларини йўқотиб, ўзига фақат ёмон жиҳатларини олиб қолган одамга ўхшаб кўринарди. Ҳеч кераги бўлмаган ерда ҳам бировнинг ўзига хизмат қилишини яхши кўрарди. Гугурт рўпарасида, столда ётишти, уни ўзи кўриб ҳам турадию, хизматкорга гугуртни олиб бер деб қичқиради; уй ходимасининг олдида тортинмасдан ички кийимда юради; хизматкорларнинг ҳаммасини, фарқ қилмай, ҳатто кексаларини ҳам сансерайди, жаҳли чиққундай бўлса уларни эси паст, аҳмоқ деб атайди. Бу ишлар Андрей Ефимичга киборликдай кўринса ҳам, лекин қабиҳликдай туйилди.

Михаил Аверьянич дўстини аввало Иварскойга олиб борди. У икки букилиб астойдил ибодат қилар, кўзларига ёш олиб ва ибодат қилиб бўлгач чуқур нафас олади-да:

— Ишонмайман-ку, лекин ибодат қилгандан кейин киши тинчлангандай бўлади. Сажда қилинг, азизим — дейди.

Андрей Ефимич хижолат тортиб санамни ўпади. Михаил Аверьянич бўлса лабларини чўччайтириб, бошини қимирлатиб шивирлаб ибодат қилади, яна кўзларига ёш олади. Ундан кейин, Кремльга кетишди, уерда царь-пушкани<sup>1</sup>, царь-колоколни<sup>2</sup> кўришди, ва уларни ҳатто бармоқлари блан ушлашди. Замоскворечье манзарасини

<sup>1</sup> *Царь-пушка* — Москвада, қадимги энг катта замбарак.

<sup>2</sup> *Царь-колокол* — Москвада, қадимги энг катта кўнғироқ.



завқ блан тамоша қилишди, Спаситель ибодатхонасига ва Румянцев музейига ҳам кириб чиқишди.

Тушлик овқатни Тестовнинг ошхонасида ейишди. Михаил Аверьянич чакка соқолларини силаганича менюга узоқ вақт қараб ўтирди-да, ресторанларда ҳам ўзини уйда ўтиргандек сезишга ўрганиб қолган шинаванда сингари:

— Кўрайликчи, бизларни нима блан меҳмон қилар экансиз, фариштам!— деди.

#### XIV

Доктор юради-туради, тамоша қилади, ейди-ичадню, Михаил Аверьянич гагини келтираётганини ҳеч унутолмайди. У ўртоғидан айрилиб, яшириниб, қолгуси, танҳо ўзи дам олгуси келади, ўртоғи эса уни ўзидан бир қадам нари юбормасликни ва мумкин қадар кўпроқ унинг кўнглини очишни ўзининг бурчи деб билади. Кўрадиган нарса қолмаганда, унинг кўнглини гап блан очишга уринади. Андрей Ефимич икки кун чиқади. Учинчи кун дўстига касаллигини ва кун бўйи уйда қолиш ниятида эканлигини айтди. Дўсти агар ундай бўлса, мен ҳам уйда қоламан деди. Ҳақиқатан дам олиш керак, бундоқ юраверсак, оёқ-да-оёқ қолмайди,— деди. Андрей Ефимич диванга ётди, орқасини ўгирди-да, тишини-тишига қўйиб, унинг сўзларига қулоқ солди. Дўсти бўлса, эртами-кечми Франция, албатта, Германияни тор-мор қилади, Москвада муттаҳамлар жуда кўп ва отнинг кўринишига қараб унинг яхши жиҳатлари ҳақида бирор фикр айтиш қийин, деб уни ишонтиришга ҳаракат қилиб астойдил гапирди. Докторнинг қулоғи битиб, дили ўйнайбошлади, лекин дўстига чиқиб кетинг ёки гапирманг дейишга пазокати йўл қўймайди. Унинг бахтига номерда ўтириш Михаил Аверьяничнинг жонига тегиб, овқатдан сўнг бир айланиб келгани чиқиб кетди.

Ёлғиз қолганидан кейин, Андрей Ефимич яйраб дам олди. Уйда ёлғиз ўзинг эканингни билганинг ҳолда қимирламай диванда ётиш қандай яхши! Ёлғизликдан бошқа бахтнинг бўлиши мумкин эмас. Тубанлашган фаришта<sup>1</sup> эҳтимол фаришталар билмайдиган ёлғизликни истаб худога хиёнат қилгандир. Андрей Ефимич сўнгги кунларда

<sup>1</sup> — Иблис.

кўрган ва эшитганлари ҳақида ўйлай деса, Михаил Аверьянич хаёлдан сра нари кетмас эди.

«Ахир у отпускаи олиб мен блан бирга келганида дўстлигидан, олиҳимматлигидан келди-ку,— дерди доктор, хуноб бўлиб.— Мана шу дўстона гамхўрлигидан ёмон нарса йўқ-да. Бўлмаса ўзи раҳмдил, олижаноб, хушчақчақ одамга ўхшайди-ку, лекин кишини зериктиради. Чидаб бўлмаслик даражада зериктиради. Шундай одамлар бўладики, доим ма'ноли ва яхши сўзларни гапирди-ку, лекин бефаҳмлигини шундай сезиб туради киши».

Бундан кейинги кунларда ҳам Андрей Ефимич касалман деб номердан чиқмай қўйди. У диван суйанчигига юзини ўгириб ётар, дўсти гап блан унинг кўнглини очишга уринганда сиқилар ва чиқиб кетганда дам оларди. Келгани учун ўзидан, яна кундан-кунга баттар жағи очилиб, сергап бўлиб бораётган дўстидан койиниб, хуноб бўларди; фикрини жиддий ва юксак изга солишнинг асти иложини тополмас эди.

«Мени бир вақтлар Иван Дмитрич айтган воқ'лик айлантираётир,— деб ўйларди, у, ўзининг икир-чикирларга аҳамият беришидан аччигланиб.— Умуман бўлмагур гаплар... Уйга борсам ҳаммаси ўз жойига тушиб қолади...»

Петербургда ҳам аҳвол шу бўлди: эртадан кечгача номердан чиқмади, диванда ётди, фақат пиво ичганигина ўрнидан турарди.

Михаил Аверьянич уни тезроқ Варшавага кетишга қистарди.

— Азизим, мен уерга бориб нима қиламан?— дерди Андрей Ефимич ёлвориб:— ёлғиз борақолинг, сиздан сўрайман! Менга рухсат беринг, уйга кетай!

— Асло иложи йўқ!— деб қаршилиқ қилди Михаил Аверьянич.— Варшава жуда ажойиб шаҳар. Уерда мен ҳаётимнинг бахтлиқ беш йилини ўтказганман!

Ўз айтганини қилишликка Андрей Ефимичнинг иродаси кучсизлик қилди ва бўйнидан бойлагандай Варшавага кетди. Буерда ҳам номердан чиқмади, диванда ётди, ўзидан, дўстидан ва рус тилини тушунишни асти истамаган хизматкорлардан койинди. Одатда соғлом, тетик, хурсанд Михаил Аверьянич бўлса эртадан-кечгача шаҳарни айланар ва эски танишларини ахтарарди. У бирнеча марта уйда тунамади. Қаерда тунагани нома'лум, бир кечадап сўнг қипқизил бўлиб, сочлари тўзиган, қаттиқ ҳаяжонга

тушгани ҳолда эрталаб қайтиб келди. Ўзича нималарнидир сўзлаб, узоқ вақт уйнинг у бошидан бу бошига юргандан кейин тўхтади ва:

— Ҳаммадан ҳам номус керак!— деб қўйди.

Яна бироз юргач бошини ушлади ва даҳшатли товуш блан:

— Тўғри, ҳаммадан ҳам номус керак! Биринчи гал бошимга шу шаҳарга келиш фикри етган дақиқага ла'натлар бўлсин! Азизим,— деди, докторга қараб,— мендан нафратланинг: ютқазиб келдим! Менга беш юз сўм бериб туринг!

Андрей Ефимич беш юз сўмни санади ва индамасдан дўстига берди. У, уятдан ва ғазабидан ҳали ҳам қизарган ҳолда гўлдираб, қандайдир бир бефойда қасамни ичди-да, шапкасини кийиб чиқиб кетди. Икки соатлардан кейин қайтиб келиб, ўзини креслога ташлади ва қаттиқ ух тортиб:

— Номус сақланди! Кетамиз, дўстим! Бу ла'нати шаҳарда менинг бир минут ҳам тургим келмайди. Муттаҳамлар! Австрия жосуслари!— деди.

Дўстлар ўз шаҳарларига қайтиб келишганда ноябрь ойи эди ва кўчаларда қалин қор ётарди. Андрей Ефимичнинг ўрнини доктор Хоботов олган эди; у Андрей Ефимичнинг касалхонага қарашли уйини бўшатиб беришини кутиб ҳали ҳам эски жойида турар эди. У хизматчим деб юрган хунук жувон, касалхона уйларидан биттасида турарди.

Шаҳарда касалхона тўғрисида янги гийбатлар тарқалганди. Айтардиларки, ҳалиги хунук жувон касалхона нозири блан уришиб қолган эмиш, позир жувоннинг олдида тиз чўкиб, узр сўраган эмиш.

Андрей Ефимич қайтиб келган кунинёқ ўзига уй излашга тўғри келди.

— Дўстим,— деди почта мудирини тортинибгина,— андишасизлик қилиб бераётган саволим учун кечиринг:— қанча дун'ёнгиз бор?

Андрей Ефимич индамасдан пулларини санади-да:

— Саксон олти сўм,— деди.

— Мен уни сўраётганим йўқ,— деди хижолат тортиб, Михаил Аверьянич докторнинг сўзига тушунолмади.— Умуман қанча деяпман?

— Мен ҳам ўшани айтаяпман-да, сизга: саксон олти сўм... бундан бошқа ҳеч нарсам йўқ.

Михаил Аверьянич докторни ҳалол ва номусли едам деб билгани ҳолда, ҳеч бўлмаса йигирма мингга яқин сармоясен бор деб ўйларди. Энди бўлса Андрей Ефимичнинг фақирлигини, ҳаёт кечиришига ҳам етарлик нарсаси йўқлигини билиб, негадир тўсатдан йиғлаб юборди ва дўстини қучоқлаб олди.

## XV

Андрей Ефимич мешчанка Белованинг уч деразалик чоққина уйида турар эди. Ошхонасини ҳисобга олинмаса, бу уй учтагина хонадан иборат. Деразалари кўчага қараган иккита хонасида доктор турар, ошхона блан учинчи уйда Дарьюшка ва уч боласи блан мешчанканинг ўзи турарди. Гоҳо беканинг ўйнаши, маст мужик тунагани келарди, кечалари тўпалон қилиб болаларнинг ва Дарьюшканинг ўтини ёрарди. У келиб ва ошхонада ўтириб олиб арақ талаб қилганда уйдагиларнинг ҳаммаси сиқилиб қоларди, ва доктор раҳми келганидан йиғлаётган болаларни ўз уйига олиб чиқар, полга ётқизиб қўярди ва бундай қилиш унга кўп ҳузур-ҳаловат бахш этарди.

У аввалгидай эрталаб соат саккизда турар, чойдан кейин ўтириб, эски китоб ва журналларни ўқир эди. Янгисини олишга энди пули йўқ эди. Китобларнинг эскилигиданми ёки шароит ўзгарганиданми ўқиш уни чуқур таъсирлантирмайди ва чарчатарди. Вақтини бекор ўтказмаслик учун китобларга тўла каталог тузиб, уларнинг муқовасига патта ёпиштирар ва бу ақл юргизилмайдиган, қунт талаб қиладиган майда иш ўқишдан қизиқроқ туйиларди. Бирхил сердиққат иш қандайдир тушуниб бўлмайдиган бир тарзда унинг фикрини аллалайди, ва ҳечнарсаси ҳақида ўйламайди, вақт ҳам тез ўтади. Ҳатто ошхонага кириб Дарьюшка блан картошка арчиш ва қора буғдой ёрмасидаги чўп-хасларни териш ҳам қизиқ туйиларди. Шанба ва якшанба кунлари у черковга боради. Девор ёнида туриб, кўзларини сузиб, ўқиладиган оят кўйига қулоқ соларкан, ота-онасини, олий мактабдаги чоғларини ва динлар ҳақида ўйлайди; у кўнгли тинчиб, хомуш тортиб кетади ва кейин черковдан чиқиб кетаётганида ибодатнинг бунчалик тез тамом бўлганига ачинади.

У икки марта Иван Дмитрич блан суҳбатлашгани касалхонага борди. Лекин Иван Дмитрич ҳар икки гал ҳам ҳаддан ташқари тутоққан ва даргазаб эди; у ўзини тинч қўйишларини ўтинди, бўлмағур қуруқ сўзнинг аллақачон

жонига текканини, чекаётган барча азоб-уқубатининг эвазига бу ла'нати разил одамлардан, фақат битта мукофот — ёлғиз қамашларини илтимос қилганини айтди. Наҳотки, шуни ҳам рад қилсалар? Ҳар икки гал ҳам Андрей Ефимич хайрлашаётиб, хайрли кеч деса, у гижиниб:

— Минг ла'нат! — деди.

Андрей Ефимич энди учинчи марта боришини ҳам, бормаслигини ҳам билмасди. Лекин боргиси келарди.

Илгари Андрей Ефимич тушлик оқатдан кейин хонадан-хонага ўтиб юрарди ва хаёл сурарди, энди бўлса, оқатдан то кечки чойгача диванга орқасини ўгириб ётиб, ҳеч нари кетмаётган майда-чуйда гапларни ўйлайди. Йигирма йилдан ортиқ қилган хизмати учун унга нафақа ҳам, на бир йўла ёрдам пули ҳам беришмагани алам қиларди. Тўғри, у ҳалол хизмат қилмади, лекин нафақани ҳалол хизмат қилган, қилмаганига қарамай хизматчиларнинг ҳаммаси олади-ку. Ҳозирги замоннинг бор-йўқ одиллиги ҳам шундаки, унвон, орден, нафақалар билан кишининг ахлоқи ва унинг қобилияти эмас, умуман вазифани мукофотлайдилар, қандай вазифа бўлишининг фарқи йўқ-ку. Нега энди бу қондадан битта у четда қолиши керак? Унинг ҳеч пули йўқ. Дўкон олдидан ўтишга ва уй бекасига қарашга номус қилади. Пивочидан 32 сўм қарз. Мешчанка Беловадан ҳам қарз. Дарьюшка секин-аста бориб эски кўйлақларни ва китобларни сотиб келади ва доктор яқинда жуда кўп пул олади деб, бекани алдайди.

Йигиб қўйган минг сўмини саёҳатга сарф қилгани учун доктор ўзини койиди. Ҳозир ўша минг сўм, қандай иш берар эди! Яна одамлар уни ўз ҳолига қўймаганларидан диққати ошарди. Хоботов онда-сонда келиб, касал бўлиб қолган ҳамкасбини кўришни ўз бурчи деб билади. Унда бўлган ҳамма нарса: кўнжи узун этигидан тортиб тўлиқ юзи, сўзларидаги бема'ни, ортиқ даражада кибрли оҳанг, «ҳамкасб» дейиши, Андрей Ефимичга жирканч туйилади; ҳаммадан ҳам кўнглига урадигани Андрей Ефимични даволашни ўз вазифаси деб билиши ва ҳақиқатан ҳам даволаялпман деб ўйлаши эди. Ҳар келганда бир шиша бромли калий ва ревеньдан ясалган ҳаб кўтариб келар эди.

Михаил Аверьянич ҳам дўстини кўриб туришни ва унинг кўнглини очишни ўз бурчим деб биларди. Ҳар гал Андрей Ефимичнинг олдига ясама бетакаллуфлик билан кириб келарди, қаҳ-қаҳ уриб зўраки куларди, яна бугун

рангингиз жуда яхши, мана худога шукур, иш тузалиш томонга ўтди деб, Андрей Ефимични ишонтиришга уринарди, ва бундан дўстининг тузалишидан умиди йўқлиги билиниб турарди. Ҳали у Варшавада олган қарзини беролмай, уялганидан гангиган, қаттиқ хижолатда эди, шунинг учун ҳам қаттиқроқ кулишга, қизиқроқ қилиб сўзлашга уринарди. Унинг латифалари узундан-узоқдай туйилар ва Андрей Ефимичга ҳам, унинг ўзига ҳам озор берарди.

У борлигида Андрей Ефимич диван суянчиғига қараб ётиб, тишини-тишига қўйиб тингларди; унинг кўнглига қатлам-қатлам бўлиб қуйқа ўтирарди ва дўсти ҳар келиб-кетганда ҳалиги қуйқа кўтарилиб бораётганини ва бўғзига келаётганини сезарди.

Майда-чуйда сезгиларни кўнглидан чиқариш мақсадида у ўзини, Хоботовни, Михаил Аверьянични эртами-кечми ўлиб, табиатда бирон нишон қолдирмаслигини ўйлар эди. Агар миллион йиллардан сўнг ер курраси ёнида бирон руҳ учиб ўтади деб фараз қилинса, у қуруқ тупроқ ва яланғоч қоялардан ўзга ҳечнарсга кўрмайди. Маданият ҳам, ахлоқ қонунлари ҳам — ҳаммаси маҳв бўлиб кетади, ҳатто уларнинг устида қариқиз ўт ҳам ўсиб чиқмайди. Боққолдан уялиш, арзимаган Хоботов, Михаил Аверьяничнинг малол келадиган дўстлиги нима деган гап? Буларнинг ҳаммаси бўлмағур, арзимайдиган гаплар деярди.

Лекин бу хилдаги муҳокамалар энди ёрдам бермасди. У эндигина миллион йилдан кейинги ер куррасини кўз олдига келтирабошласа, ҳалиги яланғоч қоялар орасидан кўнжи узун этик кийган Хоботов чиқарди ёки Михаил Аверьянич пайдо бўлиб, қаҳқаҳлар ва хижолат ичиди: «Варшавадаги қарзни, азизим, уч-тўрт кун ичида бераман, албатта, бераман...» деган шивиллаш эшитиларди.

## XVI

Бир кун тушлик овқатдан кейин Михаил Аверьянич келди. Андрей Ефимич диванда ётган эди. Шундай бўлдики, худди ўша топда бир шиша бром кўтариб, Хоботов ҳам келиб қолди.

Андрей Ефимович зўрга кўзголиб, туриб ўтирди ва икки қўли блан диванга тиралди.

— Бугунчи, азизим, — деб бошлади Михаил Аверьянич, — рангингиз кечагига қараганда анча яхши. Азаматсиз-да! Худо ҳақи, азаматсиз!

— Бўлди, бўлди-да, ҳамкасб,— деди Хоботов, эснаб.— Бу ғалва ўзингизнинг ҳам жонингизга теккандир.

— Яхши бўламиз ҳам-да!— деди Михаил Аверьянич хушнудлик блан.— Ҳали яна юз йил яшаймиз! Мана шундай!

— Юз йил-ку бўлмас-у, яна йигирма йилларга борилади,— деб тасалли берди Хоботов,— ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ, ҳамкасб, ғам еманг... қўйинг, ваҳима қилманг.

— Ҳали биз ўзимизни кўрсатамиз!— деди қаҳ-қаҳ уриб Михаил Аверьянич ва дўстининг тиззасига уриб қўйди.— Ҳали биз кўрсатамиз! Келаси ёз худо хоҳласа Кавказга қараб жўнаймиз ва бутун Кавказни хўп! Хўп. Хўп! деб от блан айланиб чиқамиз. Кавказдан қайтганимиздан кейин, қарабсизки тўй қилиб юбормасак денг,— деб Михаил Аверьянич кўзини қисиб қўйди,— уйлантириб қўямиз сизни, севикли биродаримни... уйлантираемиз...

Андрей Ефимичнинг хаёлида бирдан ҳалиги қуйқа бўғизига тикилиб келаётгандай бўлди; дили ғоят қаттиқ уриб кетди.

— Бу андишасизлик!— деди у ирғиб туриб дераза ёнига бораркан,— наҳотки беандиша сўзларни айтаётганингизни англамайсиз-а?

У назокат блан мулойимгина давом қилмоқчи эди-ю, лекин беихтиёр, тўсатдан муштумларини қаттиқ қисди ва қўлларини юқори кўтарди.

— Қўйинг мени!— деди бошқача овоз блан қичқириб, бўғилиб, қизарган ҳолда бутун вужудини титроқ босиб:

— Йўқол, кўзимдан! Иккаланг ҳам йўқол, иккаланг ҳам!— деди.

Михаил Аверьянич блан Хоботов ўрипларидан туриб, аввало ҳайрон бўлиб, сўнг қўрқув ичида унга тикилиб қолишди.

— Иккаланг ҳам йўқол!— деди Андрей Ефимич яна қичқириб.— Бефаҳм кишилар! Аҳмоқ одамлар! Дўстлигинг ҳам керак эмас, дорингни ҳам олиб кет, бефаҳм одам! Қабих! Палид одамлар!

Хоботов блан Михаил Аверьянич шошиб қолиб, бир-бирига қарашди ва орқалари блан тисланиб бориб, даҳлизга чиқишди. Андрей Ефимич бромлик калий солинган шишани олиб уларнинг орқасидан улоқтириб юборди; шиша остонага тушиб, шарақлаб синди.

— Чиқ, йўқол!— деди, йиғи аралаш товуш блан уларнинг орқасидан даҳлизга чиқиб!

Меҳмонлар кетгач Андрей Ефимич безгак тутаетгандек тираб, диванга ётди ва узоқ вақт:

Бефаҳм кишилар! Аҳмоқ одамлар!— деб такрорлади.

У жаҳлидан тушганда аввало ёдига шўрлик Михаил Аверьянич хижолат тортаётгандир, кўнгли жуда озор топгандир ва умуман бу қандай ёмон иш бўлди деган фикр келди. Илгари ҳечқачон бундай бўлмаган эди. Эс қани-ю, одоб қани? Қани ҳар нарсани англаб олишлик ва файласуфча лоқайдлик?

Доктор уялганидан ва ўз қилиғидан хуноб бўлганидан тун бўйи ухлаёлмай чиқди, эрталаб соат ўнларда почтахонага бориб, почта мудиридан узр сўради.

— Бўлган ишни кўнгилдан чиқарайлик,— деди чуқур нафас олиб, кўнгли бузилиб кетган Михаил Аверьянич унинг қўлини қаттиқ қисаркан.— Қим ўтган ишни эсласа кўр бўлсин. Любавкин.— У тўсатдан шундай қаттиқ қичқирдики, хат ташучилар ва почтахонага келган одамлар чўчиб кетишди.— Стул келтир. Сен туратур!— деди бақириб панжарадан заказной хат узатаётган хотинга.— Кўраяпсанми, қўлим бўш эмас-ку? Ўтган ишни эсга олмаймиз,— давом қилди у мулојимлик блан Андрей Ефимичга қараб.— Қани, марҳамат қилинг, азизим.

У индамасдан тиззаларини силаб, бир дақиқа ўтирди-да, кейин бундай деди:

— Сиздан гина қилиш менинг хаёлимга ҳам келгани йўқ. Дард ҳазил гап эмас, мен тушунаман. Кеча касалингизнинг тутиб қолиши доктор блан мени кўрқитиб юборди, кейин узоқ вақт сиз тўғрингизда сўзлашдик. Азизим, нима учун касалингизни жиддий равишда даволатингиз келмайди? Шу яхшими? Дўстлик қилиб очигини айтганим учун кечиринг,— деди шивирлаб Михаил Аверьянич,— сиз ўзингизга мутлақо тўғри келмайдиган шароитда яшайсиз: жой тор, ифлос, парваришингиз йўқ, даволанишга ҳам ҳечнарсангиз йўқ... Азиз дўстим, доктор икковимиз жони-дилимиз блан сиздан илтимос қиламиз, бизларнинг маслаҳатимизга кўнинг: касалхонага ётинг! Уернинг овқати яхши, парвариш ҳам қилишади, даволашади ҳам. Гап шу ерда қолсин-ку, гарчи Евгений Федорич та'лим-тарбиядан четдаги одам бўлса ҳам, лекин



илмдан хабари бор, унга ишониш мумкин. У сизни яхшилаб қарашга ва'да берди.

Андрей Ефимич почта бошлиғининг чин кўнгилдан қилаётган меҳрибончилигини ва тўсатдан унинг юзларига оқиб тушган ёшини кўриб, кўнгли бўшашиб кетди.

— Азизим, ишонманг!— деди у секингина қўлини кўксига қўйиб,— уларга ишонманг! Бўлмаган гап! Менинг касалим фақат шундаки, йигирма йил мобайнида бутун бошлик шаҳарда фақат битта ақллиқ одамни учратдим, у ҳам бўлса жинни. Менинг ҳечқандай касалим йўқ, фақат чиқишнинг иложи бўлмаган сиҳрли гирдобга тушиб қолдим. Менга барибир, нима десангиз тайёрман.

— Касалхонага ётинг, азизим.

— Менга барибир, ўрага десангиз ҳам майли.

— Ҳар тўғрида Евгений Фёдоричга қулоқ солишга ва'да беринг, жоним.

— Майли, сўз бераман. Лекин, ҳурматли дўстим, такрор айтаманки, мен сиҳрли гирдобга тушганман. Энди ҳаммаси, ҳатто дўстларимнинг чин кўнгилдан қиладиган меҳрибонлигидан тортиб барча нарса— мени ҳалок қилишга олиб боради. Мен ҳалок бўлаётирман ва шуни айтишга иродам этади.

— Жоним, тузалиб кетасиз.

— Бундай дейишнинг нима ҳожати бор?— деди Андрей Ефимич асабийлашиб,— камдан-кам одам ҳаётнинг охирида ҳозирги мен сезаётган ҳолни сезади. Агар сизга буйрагингиз ярамайди ёки юрагингиз кенгайиб кетган десалар даволана бошлайсиз, агар сизни жинни ёки жиноятчи дейишса, я'ни қисқаси одамлар бирдан сизга э'тибор берабошласа, унда билингки, сиз сиҳрли гирдобга тушдингиз, ундан чиқишнинг иложи йўқ. Чиқишга ҳаракат қилсангиз баттарроқ адашиб кетасиз. Бўйсуниб қўяқолинг, чунки ҳечқандай инсон қудрати сизни қутқараолмайди, мен шундай деб ўйлайман.

Бу орада панжаранинг нарийёғида одам йигилиб қолганди. Андрей Ефимич халақит бермаслик учун турди-да, хайрлашди. Михаил Аверьянич ундан яна бир қайта ва'да олди-да, кўча эшиккача кузатиб қўйди.

Ўша кунёқ кечка томон Андрей Ефимичнинг олдига узун кўнжли этик, қисқа пальто кийиб, кутилмаган чоғда Хоботёв кириб келди ва гўё кеча ҳечгап ўтмагандай бир вазиятда:

— Мен олдингизга бир иш блан, ҳамкасб. Сизни так-  
лиф қилгани келдим: мен блан консилиумга<sup>1</sup> бориб кел-  
майсизми а? — деди.

Хоботов мени айлантириб, бироз кўнглимни очмоқчи-  
дир ёки ҳақиқатан пул ишлаб олсин деяётгандир, деган  
хабрга бориб Андрей Ефимич кийинди ва бирга кўчага  
чиқди. Кечаги гуноҳини унинг кўнглидан чиқариб, яра-  
шиб олишга қулай пайт топилганига шодланар ва уни аяб  
бўлса керак, кечаги гап тўғрисида оғиз очмай бораётган  
Хоботовга ичидан ташаккурлар айтарди. Шундай мада-  
ниятсиз одамдан бунчалик назокат кутиш қийин эди.

— Беморингиз қаерда?— деб сўради Андрей Ефимич.

— Касалхонамда. Кўпдан бери сизга кўрсатмоқчи бў-  
либ юрган эдим... Жуда ажойиб ҳодиса.

Касалхона ҳовлисига киришди ва касалхонанинг катта  
биноларини ўтиб, ақлидан адашганлар ётадиган бинога  
қараб йўл олишди. Бунинг ҳаммаси негандир индамасдан  
қилинди. Ҳалиги уйга кирганларида Никита одати бўйича  
ирғиб туриб, қоматини ростлади.

— Касаллардан биттаси ўпкасини олдириб қўйилпти,—  
деди Хоботов секингина, Андрей Ефимич блан палатага  
кираркан.— Сиз шу ерда туратуриб, мен ҳозир. Фақат  
стетоскопни олиб келаман.

Чиқиб кетди.

## XVII

Қоронғи тушабошлаган эди. Иван Дмитрич ўрнида  
башарасини ястиққа босиб ётипти; фалаж одам ҳаракат-  
сиз ўтириб, аста йиғлаб, лабларини қимирлатаяпти, се-  
миз киши блан собиқ хат сараловчи ухлашяпти. Жим-  
жит.

Андрей Ефимич бўлса, Иван Дмитричнинг кроватига  
ўтириб, кутди. Ярим соатча вақт ўтди ва Хоботовнинг ўр-  
нига, қўлтигида чопон, кимнингдир ички кийимларини,  
туфли кўтариб хонага Никита кириб келди.

— Марҳамат, кийининг, жаноби олийлари,— деди у  
секингина.— Мана бу сизнинг ўрнингиз, буёққа марҳамат  
қилинг,— деди афтидан яқинда келтирилган бўш кро-  
ватини кўрсатиб,— ҳечқиси йўқ, худо хоҳласа тузалиб  
қоласиз.

---

<sup>1</sup> Консилиум — оғир касални аниқлаш ва уни давлелаш йўл-  
ларини ахтариш учун врачларнинг маслаҳат мажлиси.

Андрей Ефимич ҳаммасига тушунди. Бирор оғиз сўз қотмади ва Никита кўрсатган кроваткага ўтирди; Никитанинг кутиб турганини кўриб, қипялангоч бўлиб ечинди ва уялиб кетди. Сўнг касалхона кийимини кийди; лозим жуда қисқа, кўйлак узун келди. Чопондан тузланган балиқнинг ҳиди келади.

— Худо хоҳласа, тузалиб қоласиз, — деди Никита яна.

У Андрей Ефимичнинг кийимларини қўлтиқлаб олиб чиқди-да, эшикни бекитиб кетди.

«Барибир... — деб ўйлади Андрей Ефимич уялиб, чопонга ўраларкан, бу янги кийимда ўзини маҳбусларга ўхшатиб. — Барибир... фракми, мундирми, ё шу чопонми, барибир...»

Лекин соатни олиб кетди-ку? Ен чўнтагимдаги дафтарчамчи, папиросларимчи? Кийимларни Никита қасққа олиб кетдйкин? Энди эҳтимол, ўлгушимча ҳам шим, жилатка, этик кийишга тўғри келмас. Бу жуда қизиқ, даф'атан тушуниб ҳам бўлмайди, Андрей Ефимич ҳали ҳам мешчанка Белованинг уйи блан 6-нчи номерлик палатанинг ўртасида ҳечқандай фарқ йўқ, бу дун'ёдаги ҳамма нарса қуруқ ғалва ва бўлмағур гаплар деган фикрда эди, шундай бўлса ҳам қўллари титради, оёқлари музлади, яна ҳозир Иван Дмитрич уйғонади ва мени чопон кийган ҳолда кўради деган фикрдан кайфи учиб кетди. Урнидан турди, бироз юрди, яна ўтирди.

Мана унинг ўтирганига ярим соат бўлди, бир соат ҳам бўлди ва жонига тегарлик даражада зерикди. Наҳотки шу жойда мана бу одамлар сингари кунлаб, ҳафта-лаб, ҳатто йиллаб яшаш мумкин? Мана у ўтирди, бир айланиб келиб яна ўтирди; бориб деразадан қараш мумкин, кейин яна уйнинг у бошидан бу бошига юриш мумкин. Ундан кейин нима? Эртадан кечгача қаққайиб ўтириш ва хаёл суришми? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас.

Андрей Ефимич ётди, лекин ўша ондаёқ турди, энги блан пешонасидаги совуқ терни артди ва бутун юзидан тузлаган балиқнинг ҳиди келаётганини сизди. У яна туриб юрди.

— Бу қандайдир англашилмовчилик... — деди у, қўлларини ёзиб, ҳайрон қолиб, — гаплашиш керак, бунда англашилмовчилик бор...

Шу топда Иван Дмитрич уйғонди. Туриб ўтирди, яноқларини муштумларига тиради. Тупирди. Сўнг эринчоқлик

блан докторга қаради ва, афтидан, дастлаб тушунолмади, лекни унинг уйқуси ўчмаган юзида тездан ғазаб ва истеҳзо ажс этди.

Ҳимм, сизни ҳам шу ерга тиқиб қўйишдими, азизим! — деди уйқудан бўғилиб турган товуш блан, бир кўзини қисиб, — жуда хурсандман. Аввал сиз одамларнинг қонини ичар эдингиз. Эндичи, сизнинг қонингизни ичишадди. Жуда соз!

— Бу қандайдир англашилмовчилик... — деди Иван Дмитричнинг сўзидан қўрқиб кетган Андрей Ефимич ва елкаларини учирди, яна: — қандайдир англашилмовчилик, — деди.

Иван Дмитрич яна тупурди-да, ётди.

— Ла'нати ҳаёт! — деди у тўнғиллаб. — Ҳаммадан ҳам нимаси алам қилади денг, бу турмуш — азоб чекишлар бадалига мукофот блан эмас, ёки операдаги каби тантана блан эмас, ўлим блан тамом бўлади-я; касалхона хизматчилари келиб ўликни қўлидан, оёғидан олиб, судраб ертўлага элтиб ташлайдилар у... у! Ҳа, майли... шуниси борки, бизларга у дун'ёда байрам бўлади... Мен у дун'ёдан буерга арвоҳ бўлиб келаман ва бу газандаларнинг ўтини ёраман. Мен уларнинг сочларини оқартириб юбораман.

Моисейка қайтиб келди ва, докторни кўриб, қўлини чўзди.

— Бир тийин бер! — деди.

## XVIII

Андрей Ефимич дераза олдига борди, далага қаради. Қоронғу тушиб қолганди, ва ўнг томонда уфқдан тўққизил, совуқ ой кўтарилаётганди. Қасалхона деворидан йироқ эмас, кўп бўлса, уч юз қадамча нарида тошдевор блан айлантирилган баланд оқ иморат турипти. У тюрьма.

«Воқи'лик бу экан!» деб ўйлади Андрей Ефимич ва юрагини ваҳима босди.

Ой ҳам, тюрьма ҳам, деворидаги михлар ҳам, узоқдаги суяк эритадиган корхонанинг мўрисидан чиқаётган аланга ҳам даҳшатли кўринди. Орқада кимдир уҳ тортиди. Андрей Ефимич қайрилиб қаради, ялтироқ юлдузлар ва орденлар таққан кишини кўрди, у киши жилмаяр ва айёрлик блан кўз қисарди. Бу ҳам мудҳиш туйилди.

Андрей Ефимич ойда ва тюрьмада алоҳида бир нарса йўқ, руҳий саломат кишилар орден тақиб юришади ва буларнинг ҳаммаси вақт ўтиши блан чириб тупроққа ай-

ланади деб ўзини-ўзи ишонтириб кўрди, лекин бирдан уни умидсизлик қамраб олди, икки қўли блан панжарага ёпишиб, кучининг борича силкитди. Мустаҳкам панжара қўзғолмади.

Кейин қўрқувдан паноҳ тортиб Иван Дмитричнинг ёнига борди, ўтирди.

— Азизим, руҳим тушди,— деди титраган ҳолда совуқ терини артаркан.— Руҳим тушди.

— Яна фалсафа сотинг,— деди Иван Дмитрич мазах қилиб.

— Ё раббий, ё раббий... ҳа, ҳа... Бир кун сиз айтган эдингиз-а, Россияда фалсафа йўқ, лекин ҳамма, ҳатто пастарин кишиларгача фалсафа сотади деган эдингиз. Аммо пастарин кишиларнинг фалсафа сотишининг ҳеч-кимга зиёни йўқ-ку,— деди Андрей Ефимич гўё йиғламоқчи ва кишининг раҳмини келтирмоқчи бўлаётгандек бир оҳангда. — Нега энди мазах қилиб куласиз! Норози бўлгандан кейин пастарин киши ҳам фалсафа сотади-да! Ақллик, илмлиқ, мағрур ва озодликни севучи одамга, азиз зотга орқада қолган ифлос шаҳарчага бориб, табиб бўлишлиқдан, кейин умр бўйи банка ва зулук солиш, гарчишник қўйишдан бошқа илож йўқ. Муттаҳамлик, разиллик, фикрий чекланганлик, ё раббий!

— Бўлмағур гапларни вайсаяпсиз. Табибликни ёқтир-масангиз министр бўлақолинг эди.

— Ҳеч, ҳеч иложим йўқ. Заифмиз, азизим... Мен бепарво эдим, тетик ва соғлом фикр юритардим, ҳаёт менга дағал томонини ўгириши блан руҳим тушиб кетди... мажолим қолмади... заифмиз, ярамасмиз... сиз ҳам шундайсиз, азизим... Сиз ақллик, олижаноб одамсиз, гўзал хулқ сизга сут блан кирган, лекин ҳаётга қадам қўяр-қўймас ҳориб, касал бўлиб қолгансиз... Заифмиз! Заиф!

Кеч киргандан бери қўрқув ва аламдан бошқа яна қандайдир сра нари кетмайдиган бир ҳис Андрей Ефимични эзиб турганди. Ниҳоят англади, унинг пиво ичгиси ва папирос чеккиси келаётган экан.

— Азизим, эшикка чиқаман,— деди у.

— Айтмай, чироқ келтиришсин... Бундоқ туролмайман... Тоқатим йўқ...

Андрей Ефимич эшик олдига борди ва эшикни очди, шу он Никита ирғиб туриб йўлини тўсди

— Қаёққа бормоқчисиз? Мумкин эмас, мумкин эмас! — деди у.— Ухлаш керак!

— Ҳа, мен бир минутгина ҳовлини айланиб келаман! деди Андрей Ефимич шошганидан.

Мумкин эмас, мумкин эмас, ижозат йўқ. Ўзингиз биласиз-ку.

Никита экишни қаттиқ ёпти-да, орқаси блан суяниб олади.

— Агар мен шу ердан чиқсам, шундан бировга бир нарса бўладими?— деди Андрей Ефимич елкаларини учириб.— Тушунолмадим! Никита, мен эшикка чиқишим керак!— деди у қалдираган товуш блан.— Ишим бор!

— Тартибсизлик қилманг, яхши эмас!— деди Никита насиҳат қилиб.

— Бу нима деган гап-а!— деди Иван Дмитрич тўсатдан ҳайқириб ва сакраб турди.— Чиқармасликка унинг нима ҳақи бор? Бизларни буерда қамокда тутишга қандай ҳақингиз бор. Қонунда-ку, суд ҳукм қилмагунча ҳечким озодликдан маҳрум қилинмайди!— деб очиқ айтилган. Бу зўрлик! Ўзбошимчалик!

— Албатта, ўзбошимчалик!— деди Иван Дмитричининг гапидан жасоратланган Андрей Ефимич.— Чиқаман дедим, чиқишим керак! Чиқармасликка ҳақи йўқ! Чиқар, сенга айтаётирман!

— Эшитаялсанми, бефаҳм ҳайвон?— деди Иван Дмитрич, бақириб ва муштуми блан эшикни урди.— Оч, бекор эшикни синдираман! Муттаҳам!

— Оч!— деди бақириб Андрей Ефимич бутун вужудини титроқ босган ҳолда.— Мен талаб қиламан!

— Вайсайвер!— деди эшик орқасидан туриб Никита,— вайсайверчи!

— Ҳеч бўлмаса, бор Евгений Федорични айтиб кел! Мен чақираётганимни айт... Бир минутга!

— Эртага ўзлари ҳам келадилар.

— Бизларни ҳечқачон чиқаришмайди!— деб давом қилди Иван Дмитрич.— Шу ерда чиритишади! Эй парвардигор, наҳотки ҳақиқатан у дунёда дўзах йўқ ва бу аблаҳларни кечириб қўяқолинади? Қани адолат? Оч, аблаҳ, нафасим бўғилиб кетди!— деди бўғиқ товуш блан қичқириб ва бор бўйи блан эшикни итарди.— Бошимни ёраман! Қонхўрлар!

Никита эшикни тез очди, икки қўли ва тиззаси блан Андрей Ефимични қаттиқ итариб юборди, кейин қулочкашлаб муштуми блан юзига туширди. Андрей Ефимичнинг хаёлида каттакон шўр тўлқин бошигача кўмиб,

кроватьга судраб бораётгандай бўлди; дарҳақиқат оғзи шўртанг бўлиб кетди: қон тўлган бўлса керак. У сузиб чиқмоқчи бўлгандек қўлларини қимирлатган эди, кимнингдир кроватини ушлаб олди. Шу топда Никита икки марта елкасига урганини сизди.

Иван Дмитрич қаттиқ қичқирди, уни ҳам уришган бўлса керак.

Сўнг ҳаммаси жим бўлди. Ойнинг хирагина нури темир панжара орқали ўтиб, полга тўр шаклида соя ташлаб турипти. Даҳшатлик эди. Андрей Ефимич ётди ва дамани ичига олди; у яна уришади деб, ўти ёрилиб кутарди. Худди биров ўроқ олиб, унга санчиб, кўкрагида, қорнида бирнеча марта бураб оларди. Оғриққа чидолмай ястиқни тишлаб, тишини тишига қўйди, боши ва охири йўқ фикрий тарқоқлик орасида тўсатдан: ҳозир ой ёруғида қора доғга ўхшаб ётган мана бу одамлар шу сингари оғриқни неча йиллар давомида ҳар кун бошидан кечирган деган даҳшатлик, оғир фикр равшан эсига келди. Йигирма йилдан ортиқ вақт ўтсаю, қандай қилиб шу нарсани англамаган ва англашни ҳам истамаган экан? У билмаган эди, оғриқ ҳақида тушунчаси ҳам йўқ эди, демак у айблик эмас, лекин ўзининг Никита сингари дағал ва ўжар виждони энсасидан товонигача совушга мажбур қилди. Сакраб турди, товушининг борича қичқирмоқчи ва тезроқ югуриб бориб Никитани, Ҳоботовни, нозирни ва фельдшерни, сўнгра ўзини ўлдирмоқчи эди, лекин кўкрагидан бирон товуш чиқмади, оёқлари бўйсунмади; бўғилиб, кўкрагидаги чопон ва кўйлакка чанг солди, йиртиб ташлади ва беҳуш бўлиб кроватьга йиқилди.

## XIX

Эртасига эрталаб боши оғриб, қулоғи шанғиллаб, бутун вужуди шол-шол бўлиб турди. Ўзининг кечаги заифлигини эслашдан уялмади. Кеча у юраксизлик қилди, ҳатто ойдан ҳам қўрқди, броқ илгари ўзида борлигини сезмаган ҳис ва фикрларни дадил айтаверди. Масалан, фалсафа сотучи пастарин кишиларнинг бема'нилигини гапирди. Лекин энди унга барибир эди.

У емади ҳам, ичмади ҳам, чурқ этмай, ҳаракатсиз ётаверди.

«Энди менга барибир,— деб ўйлар эди у, савол бераётганларида.— Жавоб бермайман... Менга барибир».

Тунлик овқатдан кейин чорак қадоқ чой, бир қадоқ мармелад кўтариб Михаил Аверьянич келди. Дарьюшка ҳам кели ва сиймосида ма'носиз гамгинлик акс этган ҳолда бир соат кроватъ ёнида турди. Доктор Хоботов ҳам келиб кетди. У бир шиша бромли калий келтирди ва палатага бирор нарса тутатиб юборишни Никитага буюрди.

Кечкурун Андрей Ефимичнинг миясига қон қуйилиб ўлди. Аввало жуда қаттиқ титради ва кўнгли айниди; ҳаётида қандайдир жирканч бир нарса бутун вужудига, ҳатто бармоқларигача сингиб, ме'дасидан тортиб бошигача чиқиб, кўзлари ва қулоқларига тўлиб қолгандай бўлди. Кўз ўнги яшил тусга бўялди. Андрей Ефимич қазоси етганини англади, ва Иван Дмитрич, Михаил Аверьянич яна миллионлаб одамларнинг абадийликка ишонишларини эслади. Бордию, абадийлик бўлса-чи? Лекин у абадийликни истамас эди, ва бу ҳақда фақат бир лаҳзагина ўйлади. Унинг ёнидан кеча китобда ўқигани ғоят гўзал ва виқорли кийиклар подаси югуриб ўтди; кейин бир аёл унга қўлини чўзиб заказной хат узатди. Михаил Аверьянич нимадир деди. Сўнг ҳаммаси ғойиб бўлди, ва Андрей Ефимич абадий уйқуга толди.

Қасалхонада хизмат қилучи эркаклар келишди, қўлидан, оёғидан ушлашди ва часовня<sup>1</sup>га элтиб қўйишди. Уерда Андрей Ефимич кўзлари очилган ҳолда стол устида ётди, ва кечаси уни ой ёритиб турди. Эрталаб Сергей Сергеич келди, миҳлаб қўйилган Исо расмига қараб, ихлос блан ибодат қилди ва ўзининг собиқ бошлиғининг кўзларини юмдирди.

Бир кундан кейин Андрей Ефимични қўмишди. Дафн маросимида фақат Михаил Аверьянич блан Дарьюшка бўлди.

1892.

---

<sup>1</sup> Часовня — черковча.



## ГИЛОФ БАНДАСИ

Кеч қолган овчилар тунаш учун Мироносицкое қишлоғининг бир четидаги оқсоқол Прокофийнинг саройига тушдилар. Улар икки киши бўлиб, биттаси ветеринария врачлари Иван Иванич, иккинчиси эса гимназия муаллими Буркин эди. Иван Иваничнинг қўшалок ва қизиққина бир фамилияси бўлиб, ўзига ярашмаган бу фамилия Чимша-Гималайский эди. Шунинг учун ҳам уни бутун губернада оти ва отасининг номи билан аташарди. У шаҳарга яқин бир жойда от заводида яшар ва тоза ҳавода нафас олмоқ учун овга чиққан эди. Гимназия муаллими Буркин бўлса, ҳар ёз граф П. ларникида меҳмон бўлар ва кўндан бери буернинг ўз кишиси бўлиб кетган эди.

Улар кечаси ухламай чиқдилар. Новча, ориқ ва узун мўйловли чол — Иван Иванич ташқарида, эшик олдида, ой ёруғида ўтириб трубка чекар. Буркин бўлса, ичкарида пичан устида ётар ва қоронғида кўринмас эди.

Турли воқиаларни гапирдилар. Сўз орасида, оқсоқолнинг хотини Мавранинг бақувват ва эсликкина хотин экани, бутун умрида ўз қишлоғидан ташқарига чиқмагани, ҳечқачон шаҳар ҳам, темир йўлни ҳам кўрмагани, сўнгги ўн йил ичида печка олдидан силжимасдан кечаларигина кўчага чиқишини ҳам сўзладилар.

— Бунинг ҳайрон қоладиган нимаси бор! — деди Буркин. — Бу дун'ёда табиатлари бирхил бўлган ва қисқичбақа ёки шиллиқ қурт каби беркиниб, ўз пўстлари ичига кириб ётишни севган кишилар оз эмас. Балки бу бир атавизм ҳодисасидир, я'ни одам болаларининг катта боболари ҳали ижтимоий ҳайвон бўлмаган ва яқка ўзи ўзинида яшаган замонларга қайтишдир; балки одам бола-

сининг характеридаги турли-туманликнинг бир кўриниши шудир: ким билади дейсиз? мен табиатшунос эмасман ва бу хил масалаларга аралашиб менинг ишим эмас, мен фақат шуни айтмоқчиманки, Мавра сингари кишиларнинг учраши сийрак ҳодиса эмас. Узоқдан изламайлик, мана, ёкки ойча илгари шаҳаримизда, грек тили муаллими Беликов деган бир ўртоғим ўлди. Сиз унинг тўғрисида эшитган чиқарсиз, албатта. У, одам шу блан танилган эдики, доим, ҳатто обиҳаво жуда яхши пайтда ҳам, калиш кийиб, соявон тутиб ва албатта, иссиқ пахтали пальто кийиб юарди. Унинг соявони ҳам ғилофда, соати ҳам кулранг чарим ғилофда, қалам очиш учун ёнидан қаламтарошини олганда, қаламтарошнинг ҳам қинда эканини кўрардингиз; юзи ҳам ғилофга тушгандай кўринарди: чунки у, ҳамавақт ёқасини баланд кўтариб юзини ёқаси блан беркитарди. У қора кўзойнак тақар ва фуфайка кияр, қулоғига пахта тиқиб юар ва извошга тушганида соявонни кўтариб қўйишни буюрарди. Хуллас, бу кишида ўзини бир ғилоф ичига олиш, ўзининг ёлғизлигини таъминлайдиган ва ташқи таъсирлардан қўрийдиган бир ғилоф-яраташ йўлида доимий ва бўшашмас бир ҳаракат борлиги сезилиб турарди. Воқеълик унинг ғашини келтирар, қўрқитар ва доим ташвишга соларди; у ўзининг шу юраксизлигини, ҳозирги ҳолга бўлган нафратини оқлаш учун бўлса керак, ҳамиша ўтган замонни ва ҳечбир содир бўлмаган нарсаларни мақтарди. Унинг ўқитадиган қадимги тиллари ҳам, тўғрисини айтганда, унга ҳозирги ҳаётдан беркиниш учун калиш ва соявон вазифасини ўтарди.

У тогли бир ифода блан:

— О, грек тили нақадар оҳангдор ва чиройли! — дер ва гўё ўз сўзларининг ростлигини исбот этмоқ учун, кўзларини тузиб, бармоқларини кўтариб туриб: — Антропос! — деб қўярди.

Беликов фикрларини ҳам ғилоф ичига яширишга тиришарди. У, бирон нарсани ман' қилиб ёзилган фармойишлар ва газета мақолаларинингича очиқ англарди. Фармойишда мактаб болаларига кечаси соат тўққиздан сўнг кўчага чиқиш ман' этилган бўлса, ёки биронта мақолада жисмоний севги тақиқланган бўлса, бу нарса унга ойна-очиқ ва равшан англашилиб турарди; ман' қилинганми бўлди. Ижозатда эса унинг учун доим шубҳали,

<sup>1</sup> *Антропос* (грекча) — одам.

чала айтилган ва чучмал бир нарса яшириниб ётарди. Шаҳарда театр тўгараги, ёки қироатхона, ё бўлмаса буфет очишга рухсат берилса, у бошини тебратиб туриб астагина:

— Бу, албатта, шундай-ку-я, бу — яхши иш, лекин орқасидан бир фалокат чиқмасин тагин! — дерди.

Қай хилда бўлмасин қоидаларнинг бузилиши, уларга риоя қилинмаслиги ва улардан бўйин товлашлар, гарчи унга алоқаси бўлмаса ҳам, уни ташвишга соларди. Агар ўртоқларидан биронтаси ибодатга кечикиб қолса, ёки гимназия талабаларининг бирон шўхликлари ё бўлмаса бемаҳалда бирон офицер блан бирон мураббиянинг бирга юганини эшитиб қолса ҳа деб ховотирланар, бир фалокат чиқмасин тагин деяверарди. Педагогика совети йиғилишларида эса, ўзининг ортиқча эҳтиёткорлиги, бадгумонлиги ва гилофли мулоҳазалари блан тинкамизни қуритарди. Мана, ўғил ва қизлар гимназияларида ёшлар ўзларини яхши тутаолмайдилар, синфларни бошларига кўтариб шовқин-сурон қиладилар, оҳ, иш қилиб бошлиқлар қулоғига етмаса яхши эди; иш қилиб бир фалокат чиқмасин-да; агар иккинчи синфдан Петров, тўртинчи синфдан Егоров ҳайдалса жуда яхши бўлар эди, деган гапларни айтаверарди. Нима бўлар эди дерсиз? У ўзининг оҳ-воҳлари, қайғи-ҳасратлари, кичкинагина рангсиз юзидаги қора кўзойнаги блан ҳаммамиздан устун келарди. Биз эса унга ён бериб, Петров ва Егоровларнинг ахлоқ дарси бўйича баҳоларни пасайтириб, ўзларини қамоқда тутар эдик; ахир бориб Петровни ҳам Егоровни ҳам ҳайдадик. Унинг қизиқ бир одати бор эди, яъни бизнинг уйларимизга кўн қатнар эди. Ўқитучиларникидан бириникига келарди-да, жимгина ўтирарди, гўё яширинча алланарсани пойларди. Шу ҳолда, ишдамасдан бир-икки соат ўтириб чиқиб кетарди. Бу нарсани унинг ўзи «дўстлар блан яхши муносабатда бўлмоқ» деб атарди. Бизнинг билишимизча, бизникига келиб кетиш, унинг учун анча оғир эди, лекин бу нарсани ўзининг ўртоқлик вазифаси, деб ҳисоблар эди. Биз, ўқитучилар ундан қўрқар эдик; ҳатто директорнинг ўзи ҳам қўрқарди. Бизнинг ўқитучиларимиз — фикр эгаси, ор-номусли, Тургенев ва Шchedрин каби ёзувчиларнинг асарларини ўқиб тарбияланган кишилар бўлса-да, унга тоб беролмадилар. Бошидан соявони ва оёғидан каллиши тушмайдиган шу одам гимназиямизни ўн беш йил мобайнида ўз қўлида маҳкам тутиб келди.

Бизнинг гимназиянигина эмас, бутун бир шаҳарни! Бизнинг хонимларимиз, унинг сезиб қолишидан қўрқиб шайба оқшомлари оилавий тамошалар қилмас, ҳатто руҳонийлар ҳам унинг олдида баҳазур овқатланишдан ва кари уйнашдан тортинардилар. Беликов сингари одамлар га сири остида сўнгги ўн-ўн беш йил ичида бизнинг шаҳримизда ҳарнарсдан чўчийдиган бўлиб қолишди. Дадилроқ гапиришдан, хат бериб, хат олишдан, ошначилик қилишдан, китоб ўқишдан, камбағалларга ёрдам беришдан, одамларга савод ўргатишдан қўрқиб қолишди...

Иван Иванович алланима демоқчи бўлиб, йўталди, тамакисини чекиб туриб, ойга қаради-да, кейин дона-дона қилиб гапирди:

— Фикр эгалари бўлган ор-номусли, Шчедринни, Тургенев ва Бокльларни<sup>1</sup> ўқиган кишилар ҳам шунга бўйин эгиб, чидаптилар-ку... шунақа бўлади-да...

Буркин давом этди:

— Беликов мен турган бинода бир қаватда яшар, эшиги эшигим тўғрисида эди. Биз тез-тез кўришиб турардик, мен унинг турмушини билардим. Уйда ҳам ўша аҳвол эди: ўша чопон, ўша шапка, ўша дарпарда, ўша илгаклар, ўша турли-туман тақиқлар, чеклашлар ва оҳ, бир фалокат чиқиб қолмасин тагин! деган ваҳималар. Ёвгон овқат зарарли, ёгли овқат эса бўлмайди, чунки Беликов овқат тўғрисида дин амрига бўйин эгмайди, дейдилар. Шунинг учун у, сариқ ёғда қовурилган балиқ ер эдики, бу дин амрига ҳам тўғри, қашшоқ овқати ҳам эмас. Одамлар бадгумон бўлмасинлар деб хотин кишидан хизматчи сақламас эди. Балки бир замонлар бир офицернинг хизматида бўлиб, наридан-бери қозон қайнатишни ўрганган Афанасий номли олтмиш яшар, пияниста ва телбароқ бир чолни ошпаз қилиб олган эди. Бу Афанасий ҳарвақт, икки қўлини қўлтиғига тиқиб, дераза олдида турар ва доим қаттиқ оҳ тортиб:

— Шу замонда уларнинг уруғи тозаям кўпайган-да,— дерди.

Беликовнинг ётоқонаси, кичкинагина яшикка ўхшаган бўлиб, кроватига парда тutilган эди. У, бошини

<sup>1</sup> Бокль (1821—1862) — инглиз ёзувчиси, «Англия маданияти тарихи» номли 60—70-нчи йилларда машҳур бўлган китобнинг аътори.

буркаб ухларди; ҳолбуки ҳаво жуда иссиқ, дим, ёпиқ эшикни шамол тақиллатар, печкадан гуриллаган овоз чиқар, ошхона томондан ваҳимали садолар келиб турарди.

Уни кўрпага бурканиб ётган жойда ҳам ваҳима босарди. У бир фалокат чиқмаса яхши эди — Афанасий мени сўйиб қўймасин, ўғрилар уриб кетмасин деб ваҳима қилар ва тун бўйи қўрқинчли тушлар кўриб чиқарди. Эрта-лаб гимназияга бирга келаётганимизда ранги ўчган, қовоғи солиқ бўларди; шу қадар обод ва одам кўп гимназия унга қўрқинчли туйилгани, бутун борлигини сескантиргани, бутун вужуди блан ёлғизликни севган бу кишига мен блан, бир тоифа киши блан, бирга бориш ҳам малол келгани яққол сезилиб турарди. У ўзининг шу бадқовоқлигига ма'но беришга уриниб:

— Бизнинг синфларда шовқин-сурон катта, бу сра ярашмайдиган ҳол,— дерди.

Мана шу грек тили муаллими, шу филоф бандаси, мен сизга айтсам, бир кун сал бўлмаса уйланай девди.

Иван Иванич тезгина сарой томонга қараб олди-да:

— Ҳазилдир!— деди.

— Йўқ, ишонинг, бу ғалати гап-у, лекин уйланишига сал қолгани аниқ. Бизга хохоллардан Михаил Савич Коваленко деган бир одамни тарих ва география муаллими қилиб тайинлаган эдилар. У Варенька деган синглиси блан бирга келган эди. У ўзи ёш, новча, қорачадан келган бир киши бўлиб, қўллари йўғон, гапирганда ҳам йўғон овоз блан гапириши юзидан ҳам билиниб турар, ҳақиқатан ҳам унинг овози хумдан чиққандай «гум-гум» қилиб чиқарди... Синглиси эса, кўп ҳам ёш эмас, ўттизларга бориб қолган, у ҳам новча, қадди-қомати келишган, қора қошли, қизил юзли, қисқаси шакардаккина бўлиб, шўх, ўйноқи, ҳамавақт малорус ашулаларини айтиб, қаҳқаҳ уриб кулиб юрар эди. Сал нарсага ҳам овози борича хохолаб кулар эди. Коваленколар блан бизлар биринчи марта директорникида, туғилган куни шарафига берилган зиёфатда тузукроқ танишганимиз хотиримда. Ҳатто зиёфатларга ҳам вазифаси юзасидан боручи, қовоғи солиқ, гоят кўнгилсиз ўқитучилар орасида, бирданига тўлқинлар мавжида янги Афродита<sup>1</sup> пайдо бўлди. Икки қўли-

<sup>1</sup> Афродита — грек афсоналаридаги муҳаббат тангриси, бу афсоналарда Афродита денгиз кўпикларидан бино бўлган дейилади.

ни белига қўйиб, хаҳолаб кулиб, ашула айтди, ўйнади... У «Шамол эсади» деган малорус ашуласини жуда берилиб айтди, сўнгра романслар куйлади, ундан кейин яна қўшиқлар айтиб берди, қисқаси бизнинг ҳаммамизни, ҳатто Беликовни ҳам ўзига мафтун қилди.

Беликов унинг олдига бориб ўтирди-да, ширин бир кулиш блан:

— Малорус тили майинлиги ва ёқимли эшитилиши блан қадимги грек тилини эслатади, — деди.

Бу сўз қизга ёқиб тушди, шундан сўнг у кўнглидан чиқариб ва ишонадиган қилиб Беликовга Гадяч уездига ўз кўрғони борлигини, у кўрғонда онаси яшашини ва уерда мева-чева, қовун-тарвузлар ва ошқовоқлар беҳисоб кўплигини сўзлаб берди. Хохоллар ошқовоқни қовоқ, қовоқни эса шинка деб айтишларини, помидор ва бақлажон солиб «ниҳоятда ширин, ниҳоят даражада маза-ли» шўрвалар пиширишларини ҳам гапирди.

Биз индамасдан қулоқ солиб ўтиравердик. Сўнгра бирданига ҳаммамизнинг миямизга бир фикр келди.

Директорнинг хотини менинг қулоғимга секингина?

— Икковининг бошини қўшиб қўйсак яхши бўлар эди, — деди.

Шу вақтда ҳаммамиз негадир Беликовнинг хотинсиз эканини эсладик ва ҳозиргача буни пайқамасдан, унинг ҳаётидаги шу муҳим ҳолатни бутунлай назаримиздан четда қолдириб келганимиз ўзимизга ҳам галати туйилди. Умуман бу одам хотин кишига қандай қарайди, бу одам шу муҳим ва зарур масалани ўзи учун қандай ҳал қилади? Илгари биз бу масалага ҳечбир қизиқмас, ҳарқандай оби-ҳавода оёғидан калишини ечмайдиган, парда тутиб ухлайдиган бу одамнинг севаолиши мумкинлигини биз хаёлимизга ҳам келтирмаган эдик.

Директорнинг хотини ҳалиги фикрни изоҳ қилди:

— Бу одам аллақачонлар қирқдан ошган, хотин бўлса ўттизда, менинг фикримча хотин йўқ демас.

Бизнинг вилоятда одамлар зерикканларидан нималар қилмайдилар, қандай кераксиз ва бўлмағур ишлар блан шуғулланмайдилар! Бунинг сабаби шуки, керакли иш бутунлай қилинмайди. Бўлмаса хотин олиб умр кечиришини тасаввур қилиш мумкин бўлмаган ана шу Беликовни уйлантиришимизнинг нима кераги бор эди? Директор хотини, инспектор хотини ва бошқа бутун гимназия хонимлари, худди, бирдан ҳаёт ма'нисини билгандек жонланиб, ҳатто

чеҳралари ҳам очилиб кетди. Директор хотини театрда бир ложани сотиб олди, бир вақт қарасак унинг ложасида қўлида ғалати бир елпиғич, юзи гулдек очилиб, кулиб-яйраб Варенька, унинг ёнида эса, уйдан оғбир блан суғириб келтирилгандай, кичкинагина, бужмайган Беликов ўтирарди. Бир кун мен зиёфат бермоқчи бўлдим, хонимларнинг ҳаммаси Беликов блан Варенькани чақиримни талаб қилдилар. Хуллас, иш юришиб кетди. Маълум бўлдики, Варенька ҳам эрга тегишга рози экан. Унинг акасиникида туриши унча ҳам қувончли эмас, куни блан уришиб койишар эканлар. Мана бир кўришиш: кўчадан узун бўйли ва йўғон гавдали, баҳайбат Коваленко ўтиб боради, устида гуллик кўйлак, шапкасининг остидан чиқиб турган сочлари пешонасига тушиб туради; бир қўлида даста китоб, яна бир қўлида йўғон сербутоқ таёқ. Кетида синглиси боради, унинг қўлида ҳам бир даста китоб.

Синглиси овозини баланд қўйиб, акаси блан гап талашади:

— Сен, Михайлик, буни ўқиган эмассан. Мен сенга айтаман. Онд ичиб айтаманки, бу китобни қўлингга ҳам олган эмассан.

Коваленко таёғини ерга уриб, чулдираб:

— Мен дейманки, ўқиганман!— деди.

— Ё худойим-э! Ё худойим-э! Нега жаҳлинг чиқади, Минчик! Биз сен блан муҳим масала устида гаплашаётирмиз-ку.

— Мен сенга дейманки, ўқиганман!— деди Коваленко яна ҳам баттар чулдираб.

Уйда эса бегона одам келгудай бўлса, дарров уриш бошланади. Бу хил турмуш жонга тегиб, кўнгли рўзғор тусаб қолган шекилли, бунинг устига ён масаласини ҳам эътиборга олиш керак, энди эр таплайдиган вақт ўтган, ҳозир кимга бўлса ҳам, ҳатто грек тили муаллимига ҳам тегмай илож йўқ. Зотан кўп қизларимиз учун ш топда кимга тегишнинг аҳамияти йўқ, эр бўлса б: Ҳарқалай Варенька бизнинг Беликовга очиқ майл кўрс. табошлади.

Беликов-чи? У Коваленконикига ҳам бизникига қатнагани сингари келиб турарди. Уникида ҳам индамасдан ўтирарди. У индамай ўтирар, Варенька бўлса, унга «Шамол эсади»ни айтиб берар, ё бўлмаса, ўзининг қора кўзлари блан Беликовга ўйчан қарар, ёки бирданига:

— Ха-ха-ха,— деб куларди.

Муҳаббат ишларида, айниқса уйланишда, ишонтаришнинг роли катта. Ҳамма ўртоқлар ва барча хонимлар — ҳаммамиз бир бўлиб, Беликовга унинг уйланмоғи лозимлигини, унинг ҳаётида уйланмоқдан бошқа бирон муҳим нарса қолмаганини айтиб, ишонтаришга киришдик, ҳаммамиз бирдан уни табрикладик, энг жиддий қиёфа блан унга ҳартурли бема'ни гапларни айтдик, чунончи уйланиш жуда муҳим деган гапларни қилдик; бунинг устига Варенька ҳам чакки эмас, кишининг ҳаваси келадиган сулув қиз эди; улуғ мартабали статский советникнинг қизи бўлиб, ўз ҳовли-жойи бор эди, ҳаммадан муҳими Беликовга меҳрибонлик блан ва чин кўнгилдан қараган бирдан-бир хотин эди. Мана шу сабаблар туфайли унинг боши айланди ва у, энди дарҳақиқат уйланмасам бўлмас экан, деган хулосага келди.

— Мана энди унинг калиш блан соявонини ташлатиш мумкин бўлади, — деб қўйди Иван Иванич.

— Кўрингки, шундай қилиш, мумкин бўлмади. У Вареньканинг суратини ўз столи устига қўйиб, тез-тез мешкига келиб Варенькадан, оила ҳаётидан ҳамда уйланишнинг муҳимлигидан гапирар эди; тез-тез Коваленкошикига ҳам қағнаб турарди, лекин бу блан унинг туриш-турмуши ҳечбир ўзгармади. Аксинча уйланишга жазм қилиш унга ёмон та'сир қилиб, озиб-тўзиб кетди ва ўз гилофига яна баттароқ кириб олгандек бўлди.

Бир куни у ғайритабиий бир кулиш блан:

— Варвара Савишча менга ёқади, ҳарбир кишига уйланмоқ кераклигини биламан, лекин... бу ишлар бирданига бўлиб қолди. Уйлаб кўриш керак-да, — деб қолди.

... Ишмасини ўйлайсиз? — дедим унга. — Уйланинг, вассалом.

— Йўқ, уйланиш ҳазил эмас, бўйнингга тушадиган вазифаларни, жавобгарликларни илгари тарозига солиб хўп ўлчаб кўрмоқ керакки... орқасидан бир балоси чиқмасин. Бу нарса мени шу қадар ташвишга соладики, кечалари ухламай чиқаман. Гапнинг ростини айтсам, мен кўрқаман ҳам: акаси блан икковининг фикри-хаёллари бошқачароқ, уларнинг фикр юргизишлари, билсангиз бироз ғалати ва характерлари ҳам жуда ўткир. Уйланиб қўйиб, бирор ҳодисага илашиб қоласан киши.

Шундай қилиб у, уйланиш ҳаракатида бўлмади, директор хотинини ва ҳамма хонимларимизни хижолат қилиб, тўйни кейинга сураверди; ҳадеб бўйнига тушадиган



Вазифа ва жавобгарликларни тарозига соларди, иккинчи томондан эса, ҳар кун деярли Варенька блан бирга сайр қилишарди. Эҳтимол бу нарсани ўз мавқийига муносиб деб ўйлагандир. Сўнгра, баъзан меникига келиб, оила ҳаёти тўғрисида гаплашиб ўтирарди. Эҳтимол, бориб-бориб, у тўй ҳаракатига тушар — бизнинг орамизда бекорчилик ва зерикшидан бўлиб турадиган минглаб кераксиз ва номақул ўйланишлардан биттаси рўй берар эди, лекин бу орада катта бир жанжал — kolossalischer Scandal чиқиб қолди! Шунини айтиш керакки, Вареньканинг акаси Коваленко биринчи танишган кундан бошлаб Беликовни ёмон кўриб қолган ва уни кўрса жаҳли чиқарди.

У бир кун илқасини қисиб, бизга шундай деди:

— Тушунаолмайман, сра тушунаолмайман, бу чақимчи ва бу хунук башарани сиз қандай ҳазм қилаоласиз? Э, афандилар, сиз буерда қандай яшайоласизлар! Муҳитингиз — нафасни бўғучи ва сассиқ бир муҳит. Сиз ҳам педагоглар-у, муаллимлармисиз? Сиз — амал бандаларисиз, сизнинг мактабингиз билим манбаи эмас, молфурушлар дўкони. Миршабларнинг будқаси каби ҳар тарафдан сассиқ ҳид чиқади. Йўқ, биродарлар, сизнинг ёнингизда кўп тураолмайман, яқинда ўз кўрғонимга қайтиб бориб, қисқичбақа овлаб, хохол болаларини ўқитиб юраман. Кетаман мен, сиз буерда ўша мунофиқ махлуқингиз блан ётаверинг!

У гоҳ йўғон, гоҳ ингичка товуш блан ичаги узилгудек бўлиб кулар ва таажжуб блан:

— Нима қилиб ўтиради меникида? Унга нима керак? Бақрайиб ўтираверади, — дерди.

У ҳатто Беликовга «тскинхўр ўргумчак» деган ном қўйиб олган эди. Албатта, биз синглиси Вареньканинг шу «ўргумчак»ка тегиш истагини сездирмасликка тиришар эдик. Бир кун директоримизнинг хотини унга синглисини шундай бамаъни ва ҳамма ҳурмат қиладиган Беликов сингари одамга бериш маққул! бўлар деган мазмунда шама қилган эди, у қовоғини солиб:

— Бу менинг ишим эмас; синглим хоҳласа, заҳарли илонга тегсин, бировларнинг ишларига аралашишни ёмон кўраман, — депти.

Энди буёғини эшитинг: бир ҳазилкаш одам ҳажвий расм солипти: оёғида калиш, шимининг почаси қайтарилган, бошида соявон — Беликов келмоқда; у Варенька-

ни қўлтиқлаб олган; расм тагида «ошиқ антропос» деган ёзув бор. Бу кўриниш жуда усталик блан солинган. Рассом, бу расм устида бирнеча кун ишлаган бўлса керакки, ўғил ва қизлар гимназияларининг ҳамма муаллимларига, семинария муаллимларига, ма'мурларга, ҳаммага ана шу расмдан бир нусхадан тегди. Беликовнинг ўзига ҳам тегди. Бу расм унга жуда қаттиқ та'сир қилди.

Биринчи май — якшанба куни эди, биз гимназия муаллимлари блан ўқучилар, гимназия олдида тўпланишиб, ҳаммамиз шаҳардан ташқарига, ўрмонга пиёда бормоқчи бўлдик. Шунда Беликов икковимиз уйдан биргалашиб чиқдик, у кўкариб кетган, қовоғидан қор ёғилар эди.

— Қандай ёмон, ёвуз одамлар бор дун'ёда!— деб нолди у ва шу заҳоти лаблари пирпираб кетди.

Унга ҳатто раҳмим келди. Кетаётсак, ёнимиздан бирданига велосипед минган Коваленко ўтиб қолди. Унинг кетидан велосипед минган Варенька борарди, у қизарган, энтиккан, лекин қувноқ, хушчақчақ эди.

— Биз сиздан олдинроқ бориб турамиз! Шундай яхши, шундай соз ҳавоки, асти кўяверинг!— деб қичқирди Варенька.

Шундай деб иккаласи ҳам кўздан ғойиб бўлди. Бизнинг Беликов башараси кўкдан оққа айланди ва ўзи қотиб қолди. Тўхтаб менга қаради.

— Менга қаранг, бу нима гап ўзи?— деб сўради у мендан.— Эҳтимол кўзимга шундоқ кўринаётгандир? Йўқса, гимназия муаллимларига ва аёл кишига велосипед миниб юриш ярашадими?

— Ярашмаслиги ҳам борми,— дедим.— Кўяверинг, миниб роҳат қилсинлар.

Менинг бепарво гапирганимга ҳайрон бўлиб:

— Нечук бундай бўлсин?— деб қичқирди.— Бу нима деганингиз?

У шу қадар эсанкираб қолган эдики, ўрмонга боришдан воз кечиб, уйга қайтиб кетди.

Эртаси, кун бўйи тажанглик блан қўлларини ишқаб ва сесканиб юрди, унинг афтидан мазаси кетганлиги билиниб турарди. Умрида — ҳаётида биринчи ўша кунларсни ҳам ташлаб кетди. Обед ҳам қилмади. Кеч киргач, ёз ҳавосидек илиқ ҳаво бўлишига қарамасдан иссиққина кийиниб Коваленколарникига қараб кетди. Варенька уйда йўқ эди, акаси блан учрашиб қолди.

— Марҳамат, ўтиринг!— деди Коваленко, совуқ бир овоз блан ва қовоғини солди, юзларидан эндигина уйқудан тургани кўринарди. Кундузги обеддан сўнг ухлаб, эндигина турган бўлса керакки, кайфи жойида эмас эди.

Беликов индамасдан ўн минутча ўтирди ва шундан сўнг гап бошлади:

— Мен сизнинг ёнингизга юрагимни бироз бўшатай деб келдим. Мен жуда ёмон, жуда қаттиқ мусибат тортаётирман. Аллақандай бир ҳазилкан одам, мени ҳамда бизнинг икковимизга жуда яқин бўлган бир муҳтарам хонимни кулги қилиб сурат чизипти. Бу ишда менинг ҳеч-бир айбим йўқлигига сизни ишонтирмоқчи ўз бурчим деб биламан. Бу хилда ҳазилнинг рўй бериши учун менинг томонимдан ҳечқандай сабаб содир бўлган эмас, аксинча, мен ўзимни ҳамавақт одобли бир одамдек тутаман.

Коваленко қовоғини солиб, индамасдан ўтирди. Беликов яна бироз жим қолгач, оҳиста ва қайғули овоз блан сўзида давом этди:

— Мен сизга яна ба'зибир сўзларни айтмоқчи эдим. Мен кўпдан бери хизмат қиламан, сиз бўлсангиз хизматни яқиндагина бошлагансиз, шунинг учун, ўзингиздан катта ўртоғингиз сифатида сизни огоҳлантириб қўйишни ўз бурчим деб билдим. Чунончи сиз велосипед миниб юрар экансиз, ҳолбуки, бу ёшларнинг тарбиячиси бўлган бир киши учун бутунлай келишмайдиган қилиқ.

— Нега ахир!— деб сўради Коваленко йўғон овоз блан.

— Айтиб ўтиришга ҳожат ҳам борми, Михаил Саввич, ўзи равшан эмасми?! Муаллим велосипед миниб юргандан кейин, ўқучи нималарни қилмайди? Ўқучилар одамнинг бошига чиқиб юрадиган бўладилар! Модомки, расмий фармоиши блан рухсат этилмаган экан, ярамайди. Кеча мешиг жони-пошим чиқиб кетди. Синглингиз велосипед миниб кетаётганини кўриб, кўзларим тиниб кетди, аёл кишининг ёки қиз боланинг велосипед миниши жуда ҳам хунук!

— Сиз нима демоқчисиз ўзингиз?

— Мен фақат сизни огоҳлантириб қўймоқчиман, Михаил Саввич. Сиз ёшсиз, сизнинг истиқболингиз ҳали олдинда, сизга жуда ҳам эҳтиёт бўлмоқ керак, ҳолбуки, сиз шу даражада бепарвосизки, асти қўяверинг! Сиз гул тикилган кўйлақлар кийиб, кўча-кўйда ҳамавақт аллақандай китоблар кўтариб юрасиз, энди мана — велосипед

мишини ҳам чиқардингиз. Синглингиз блан велосипедда сайр қилиб юрганингизни директор билиб қолса, нозирнинг қулоғига ҳам етади... Бундан яхши иш чиқадими?

— Синглим блан велосипедда сайр қилиб юришимизнинг ҳечкимга дахли йўқ!— деди Коваленко ва қизариб кетди.— Менинг уй ишимга ва оила масалаларимизга аралашадиган одамни мен моховга ошно қилиб қўяман.

Беликовнинг ранги ўчиб, ўрнидан турди.

— Сиз, мен блан шу йўсинда гаплашадиган бўлсангиз, мен суҳбатни давом эттираолмайман!— деди у.— Сиздан ўтинаманки, менинг ҳузуримда бошлиқлар хусусида бу хил сўзларни ҳеч гапирманг. Сиз ҳукумат ма'мурларига ҳурмат блан қарашингиз керак.

Коваленко Беликовга жаҳл блан қараб туриб:

— Ҳукумат ма'мурлари тўғрисида нима ёмон гап гапирдим?— деб сўради.— Ўтинаман, мени тинч қўйинг. Мен виждонли бир одамман ва сиздек жаноб блан гаплашишни хоҳламайман. Мен чақимчиларни ёмон кўраман.

Беликов тажанг бўлиб гангиди ва юзларида даҳшат аломатлари бўлгани ҳолда, шошилиб кийинабошлади. У, бу хил дағал гапларни умрида биринчи эшитиши эди.

Даҳлиздан зинанинг айвончасига чиқаркан:

— Нима десангиз деяверинг,— деди у,— сизга шунигина айтиб қўймоғим керак: эҳтимол бизнинг суҳбатимизни биронта одам эшитгандир, буниги натижасида бизнинг сўзларимизга бошқа хил ма'но бермасликлари учун ҳамда бирор бало чиқиб қолмаслиги учун, мен суҳбатимизнинг мазмунини... энг муҳим нуқталарини директор жанобларига ма'лум қилмоғим лозим. Бу менинг вазифам.

— Ма'лум қиламан? Бор, ма'лумотингни беравер!

Коваленко унинг ёқасидан ушлаб пастга итариб юборди, у калошларини тапирлатиб зинадан қўйига юмалаб кетди. Зина баланд ва тик эди, лекин у, саломат тушиб олди; ўрнидан туриб, кўзойнагининг бутунлигини билмоқчи бўлиб, бурнини ушлаб кўрди. У зинадан пастга юмалаб тушаётган пайтда иккита хоним блан бирга Варенька кириб келди. Улар пастда туриб тамоша қилардилар. Беликов учун ҳаммадан ёмони ҳам шу эди. Бўйни остида қолинни, икки оёғидан ажралиши — бу хилда масхара бўлишдан яхшироқ эди. Энди бу гап бутун шаҳарга тарқалди, директорнинг, нозирнинг қулоғига бориб етади. Оҳ, бир бало чиқмасин-да! Янги ҳажвий расмлар ясалди ва

бутун иш оқибатида хизматдан исте'фо бериб чиқишга буюришади...

У ўрнидан турган эдики, Варенька таниди ва унинг одам куладиган юзига, ғижимланган пальтосига ва калошларига қараб, ишнинг аслидан беҳабар, у қоқилиб йиқилгандир, деб ўйлаб, ўзини тўхтатаолмасдан, бутун бинони бошига кўтариб кулабошлади:

— Ҳа, ҳа, ҳа!

Шу қаҳқаҳа блан ҳамма иш тамом бўлди; уйланиш ҳам, Беликовнинг дун'ёда яшаши ҳам, Вареньканинг нима деганини эшитаолмади ва ҳечнарсани кўрмай қолди. Уйига қайтгандан сўнг, энг аввал стол устидаги портретни олиб қўйди, сўнгра ётоғига кириб ётганича ўрнидан қайтиб турмади.

Уч кундан сўнг менинг олдимга Афанасий келиб, хўжайинимнинг аҳволи оғир, доктор чақиртирсаммикан, деб сўради. Мен Беликовни кўргани бордим. У парда орқасида кўрпага ўраниб ётарди; бир нарса сўрасанг ё — «ҳа» ё «йўқ» деб жавоб берарди, бошқа ҳечнарсга демасди. У ётади, унинг ёнида хафа, қовоғи солинган Афанасий юради ва оғир-оғир уҳ тортади; оғзидан эса худди бочкадан чиққандай буруқсаб арақ ҳиди келади.

Бир ойдан сўнг Беликов ўлди. Уни ҳаммамиз, я'ни икки гимназия блан семинария биргалашиб кўмдик. Энди тобутда ётаркан, юз ифодаси юмшоқ, ёқимли ва ҳатто бир даража қувноқ бўлиб, гўё ахир келиб ҳечқачон ичидан чиқмайдиغان ғилофга тушгани учун севингандек эди. Чиндан ҳам мақсадига етган эди! Худди уни ҳурматлагандай — кўмиш кўни ҳаво айнаиб, ёмғир ёққан ва ҳаммамиз калош кийиб, соявон ушлаб чиққан эдик. Кўмиш маросимга Варенька ҳам иштирок қилди ва ўликни гўрга туширилар экан, қаттиққина йиғлади. Шундан мен пайқадимки, хохол аёллари ё қаҳқаҳа оғиб кулар, ё қаттиқ йиғлар эканлар, ўрта бир кайфият уларда бўлмас экан.

Иқдор бўлмоғим керакки, Беликов сингари одамларни кўмиш кўп завқли бир ишдир. Гўристондан қайтаётганимизда чехраларимиз очиқ ва бетакаллуф эди, ҳалиги завқ, я'ни болалик вақтимизда, катталар бир жойга кетиб, уйда ёлғиз ўзимиз қолгач, боғчага чиқиб бирнеча соат эркин-эркин чопишган вақтимиздаги каби ҳисларни ҳечким изҳор қилишни истамас эди. Оҳ, эркинлик, эркинлик! У насиб бўлиши тўғрисидаги заиф бир умид, ҳатто бир шама ҳам қалбга мадад беради. Шундай эмасми!

Биз гўристондан кайфимиз чоғ бўлиб қайтдик. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, турмуш яна ўз изига тушиб олди: яна ўша фармойиш блан ман' қилинмаган, лекин тамоман рухсат ҳам берилмаган ма'нисиз ҳаёт бошланди: ҳаммаси аслича қолди. Чиндан ҳам Беликовни кўмдик, лекин унга ўхшаган ғилоф бандалари яна қанча бор, яна қанча бўлажак!

— Гап шунда-да!— деди Иван Иванович ва трубкасини тортди.

— Бунақалардан яна қанчаси пайдо бўлади!— деб та'кидлади Буркин.

Гимназия муаллими ташқарига чиқди. Бу паст бўйлик, семиз, бошида бир туки йўқ, узун қора соқоли белига етаёзган одам эди, у блан бирга иккита ит ҳам чиқди.

У осмонга қараб туриб:

— Ойни айтинг, ойни!— деди.

Ярим кеча бўлиб қолган эди. Унг томонда бутун қишлоқ кўринар, унинг узун кўчаси беш чақиримларга чўзилиб кетган, ҳамаёқда жимлик, чуқур уйқуга толган: на бир ҳаракат сезилар, на бир товуш эшитилар, ҳатто табиатда бу қадар жимлик бўлишига одамнинг ишонгиси келмас эди. Ойдин кечада, содда уйлари, ғарамлари, уйқуга толган мажнун толлари блан қишлоқнинг кенг кўчасини кўрганда, кишининг кўнгли ҳам таскин топади, одамнинг кўнгли тун пардасида меҳнатдан, ташвишдан ва қайғу-ҳасратлардан бекиниб олгач, ўзининг шу жимлигида жуда ювош, мунгли ва гўзал бўлади; юлдузлар ҳам унга меҳрибонлик блан қарагандай, ер юзида ортиқ ёвузлик деган нарса қолмасдан, ҳамма саодатга тўйгандай туйилади. Қишлоқнинг чап томони дала уфқларгача чўзилган, бу ойдин далада ҳам на бир ҳаракат кўринади ва на бир садо эшитилади.

— Гап шунда-да!— деб такрор қилди Иван Иванович.— Биз шаҳарда — димда ва тиқилинчда яшашимиз, кераксиз қоғозлар ёзиб, карта ўйнашларимиз — булар ҳам бир ғилоф эмасми? Бутун умримизни дангаса ва тақасалтанг одамлар, эсипаст ва ўйиндан бошқани билмайдиган аёллар ўртасида ўтказишимиз, бўлар-бўлмас афсоналар гапириб, эшитишимиз, бу ҳам бир ғилоф эмасми? Агар хоҳласангиз яна битта жуда ибратли воқияни айтиб бераман.

— Йўқ, энди ухлаш керак,— деди Буркин.— Эртага қолсин!

Иккаласи ҳам саройга кириб, пичан устига ётди. Иккови ҳам ўраниб ётиб, энди кўзлари уйқуга кетган ҳам эдики, бирданига оёқ товуши келди... Сарой ёнида аллаким юрар эди! Бироз юради-да, тўхтади, бироз ўтгач, яна юрабошлайди... Итлар ҳуради.

— Бу юрган Мавра,— деди Буркин.

Оёқ товуши тинди.

Иван Иванович нариги ёнбошига айланиб ётиб:

— Ёлғон гапирганларини эшитиб ва кўриб туриш,— деб ғулдиради,— шу ёлғонга чидаганинг учун сени аҳмоқ деганларини эшитиш, озор ва ҳақоратларга бардош қилиш, номусли ва эркин одамлар томонида бўлганингни очиқ айтишга ботинаолмаслигинг, ўзинг ҳам ёлғон гапириб, ёлғондан кулиб туришинг, бутун бу ҳолларнинг бир бурда нон, иссиққина бир жой, бир чақага арзимайдиган аллақандай амал учун бўлиши, чидаб бўлмайдиган ҳол; йўқ, бундан сўнг бу ҳилда яшаш мумкин эмас!

— Сиз энди, Иван Иванович, бошқа мақомга тушдингиз,— деди муаллим.— Қўйинг энди, ухлайлик.

Ун минутдан сўнг Буркин қаттиқ уйқуга кетди. Иван Иванович бўлса ҳадеб у ёнбошидан бу ёнбошига ағанаб, уҳ тортарди. Сўнгра ўрнидан туриб яна ташқарига чиқди ва эшик олдига ўтириб, тамаки чекди.

## ЖОНГИНАМ

Исте'фоба чиққан коллегия ассессори Племянниковнинг қизи Оленька ҳовли эшиги олдидаги супадада хаёл суриб ўтиради. Кун иссиқ, пашшалар хиралик блан жонга тегар, кеч киришга яқин қолганлиги кўнглига хуш келар эди. Кунчиқар тарафдан ёмғирдан дарак беручи қопқора булут бостириб келмоқда, ҳар замонда ёмғир томчилаб қўяр эди.

Шу ҳовлидан бир уйни ижарага олган «Тиволи» номли роҳат боғчасининг эгаси ва антрепренёри Кукин ҳовлининг ўртасида туриб, осмондан кўзини узмасди.

— Ана холос! — деди у жиғи-бийрони чиқиб. — Тағин ёмғир ёғадиган бўлди-ку! Кунда ёмғир! Кунда ёмғир, менда қасди борми! Уйим куйди-ку! Хонавайрон бўлдим! Зарар кўрмаган кун қолмади-ку!

У, ҳайронликдан қўлларини кафтига уриб қўйиб, Оленькага қараб давом этди:

— Кўрган кунимиз шу, Ольга Семёновна, йиғлагинг келади! Уззукун ишлайсан, ўлиб тирилсан, кечалари ухламай чиқасан, қандоғ қилсам яхшироқ бўларкин? деб бош қотирасан, — оқибати нима? бир томондан халқ нодон, ёввойи халқ. Мен унга энг яхши опереткаларни, феерияларни қўйиб берсам, бориб турган лапарчиларни саҳнага чиқарсаму, унга ёқмаса! Халқ бунга тушунмайди-да! Халққа масхарабозлик ёқади, у энг паст, кишининг кўнглига урган тамошаларни талаб қилади! Энди бу осмонни қаранг! Ҳар куни кечқурун ёмғир ёғади! Уни-чи майдан бери ёғади, бутун май тинмай ёғди, июнь ёғди, жонга тегди-ку, ахир! Одамлар боққа кирмай қўйишди, кирим йўқ, ижара ҳақини қандай тўлайман? Артистлар ёллаганман, уларга қандай ҳақ тўлайман?



Эртаси куни кечкурун осмонни яна булут босди. Бутун умидини йўқотган Кукин ақлдан озган одамдай қаҳ-қаҳ отиб сўзларди.

— Ҳа, майли! Егса ёгаверсин! Менга қолса бутун боғчани сув олиб кетсин, мени ҳам қўшиб олиб кетсин! Бу дун'ёда ҳам, у дун'ёда ҳам бахтсиз ўтақолай! Артистлар мени судга бериб, кесдириб юборишсин! Суд ҳам гапми, Сибирьга сургун қилишсин! Дорга осиб ўлдиришсин мени! Ҳа-ҳа-ҳа!..

Учинчи куни ҳам худди шундай бўлди.

Кукиннинг гапларини Оленька жим ўтириб, жиддий тинглар, гоҳо унинг кўзларига ёш келарди. Бориб-бориб Кукиннинг бахтсизлиги Оленьканинг юрагини эзди, қиз уни яхши кўриб қолди. Кукин пакана, ориқ, за'фарон юзли, сочларини ҳўл тараб юрадиган одам эди; овози ингичка бўлиб, гаширганда лабларини буриб гапирарди, унинг афтида ҳамавақт умидсизлик, норозилик акс этарди. Шуларга қарамай, у, Оленькада ҳақиқий, чуқур севги уйғотди. Оленьканинг ўзи бирон кишини севмасдан юролмасди. Энг олдин ўз отасини яхши кўрар эди, отаси энди оғир касал бўлиб, қорснги қилиб қўйилган уйда нафаси бўғилиб ётарди; кейин йилда бир-икки марта Брянскдан келиб-кетиб юрадиган холасини яхши кўриб қолди. Ундан олдин эса прогимназияда ўқиб юрган вақтларида, француз тили ўқитучисини севиб қолган эди. Оленька муло-йимгина, хушфе'л, кўнгли очиқ, тўладан келган, дўндиққина, ювош қиз эди. Унинг анордай қипқизил юзига, қопқора хол тушган опшоқ юмшоқ бўйнига, биронта ёқимли сўз эшитганда чехрасида пайдо бўладиган жилмайишига кўзи тушган эркаклар бир жилмайиб: «Чакки эмас...» деб қўярдилар. Меҳмонга келган хотинлар эса гапнинг ўртасида бирдан унинг қўлидан ушлаб:

— Жонгишам!— демасдан қўйишмасди.

У тугилиб ўсган ва мерос қоғозида унинг номига ёзилган уй шаҳарнинг четида, Циганская Слобода деган жойда, «Тиволи» боғчасининг ёнида эди. Ҳар куни кечкурун ярим кечагача боғдан музика овозлари ва мушакларнинг пақиллаб отилиши эшитиларди, мушакларнинг пақиллашини эшитиб у «Кукин ўз тақдири блан олишмоқда, энг ёвуз душмани бўлмиш — ҳамма нарсага бепарво қаровчи тамошабинларнинг кўнглини олмоқда» деб ўйларди, юраги орзиқиб кетар, уйқуси келмас, тонготар пайтида Кукин уйга қайтиб келганда ўзининг ётоқ бўлмасида туриб

деразани қоқар, парда орқасидан юзи ва бир елкасини кўрсатиб, меҳрибонлик блан жилмайиб қарар эди...

Кукин таклиф қилди, улар никоҳ ўқитишиб, эр-хотин бўлишди. Кукин, Оленьканинг бўйнини ва юмшоққина тўла елкаларини кўриб, ўзида йўқ севинди ва:

— Жонгинам!— деди.

Кукин ўзини бахтиёр сезарди, аммо тўйда кунитунги ёққан ёмғир уни анча хафа қилган эди.

Тўйдан кейин улар учун яхши кунлар бошланди. Оленька кассада ўтириб билет сотар, боғча тартибларига қараб юрар, ҳисоб-китоб ҳам шунинг қўлида эди; артистларга ойликни ҳам шу тўлар, унинг қипқизил анордек чеҳрасини ва ёқимли майин жилмайишини гоҳ касса дарчасида, гоҳ сахна орқасида, гоҳ буфетда кўриш мумкин эди. Оленька ўзининг ҳамма танишларига — дунёда энг яхши ва энг керакли нарса театр, фақат театрда киши роҳатланади, билимдон бўлаолади,— дерди.

— Аммо бунга халқ тушунмайди!— дерди у.— Халққа масхарабозлик кўрсатсангиз ёқади! Кеча кечқурун биз «Фаустнинг тескариси» деган спектаклни кўювдик, деярлик ҳамма ложалар бўш қолди. Ваничка иккимиз биронта беъза нарсага кўйиб кўрсатсак, одам лиқ тўлиб кетди. Эртага Ваничка иккимиз «Дўзахга тунган Орфей»ни кўямиз, келинлар.

Театр ҳақида, актёрлар ҳақида Кукин нима деса Оленька ҳам шуни қайтарарди. Кукин каби у ҳам халқни бефарқ ва нодонлиги учун ёмон кўради, репетицияларга аралашади, актёрларнинг ҳаракатларини, сўзларини тузатади, музикачиларни тергайди, маҳаллий газетада театрини ёмонлаб биронта мақола босилиб қолса йиғлайди, кейин редакцияга бориб изоҳ беради.

Артистлар уни яхши кўришарди, унга «Ваничка иккимиз» ва «Жонгинам» деб от қўйишган эди. Оленька уларга раҳм қилиб, оз-моз пул қарз бериб турар, агар уларнинг ба'зилари пулни қайтармай, алдаб кетишса ҳеч кимга билдирмай йиғлар, аммо эрига айтмасди.

Қишда ҳам уларнинг турмуши яхши эди. Улар шаҳар театри биносини бутун қишга ижарага олиб, гоҳ малорослар труппасига, гоҳ фокусчига, гоҳ шу ернинг театр ҳаваскорларига қисқа муддатга ижарага беришар эди. Оленька кун сайин семирарди, вақти хушлигидан кундан-кунга очиларди, қиш бўйи иш ўнгидан келиб, даромад ёмон бўлмаса-да Кукин «зарар кўпайиб кетди» деб

нолигани-нолиган эди, юзи тобора сарғаяр ва ўзи озар эди. Кечалари йўталиб чиқарди, Оленька унга малина гули ва липа дарахтининг гулини қайнатиб ичираар, кўкрагига атир суртар, ўзининг юмшоқ жун рўмолига ўраб қўярди. Унинг сочларини силаб:

— Танимдаги жонимсан,— дерди у юракдан.

Группа тўплаш учун Кукин, рўза кезида, Москвага кетди. Оленька усиз бутун ҳузур-ҳаловатини йўқотди, кечалари мижжа қоқмай, дераза олдида юлдузларга қараб чиқарди. Шундай пайтларда ўзини катакда хўрозсиз қолиб, уйқусиз, безовталанучи товукдек ҳис этарди. Кукин Москвада узоқ туриб қолди, юборган хатида ҳайитга етиб келишини ёзиб, «Тиволи» роҳат боғчасини ижарага олиш тўғрисида ҳаракат бошлашни буюрган эди. Броқ чинарафа кун иккунга биринчи бочгани гумбурлатиб ургандек дарвозани хунук қоқабошлади. Уйқудан зўрға кўзини очган кухарка ялангоёқ мой кечиби, дарвозани очгани югурди.

— Дарвозани очинг тезроқ!— деди йўғон овозли киши дарвоза орқасида туриб.

— Сизга телеграмма бор!

Оленька илгарилар ҳам эридан телеграмма олиб турарди, броқ бу сафар ўтирган ерида қотиб қолди. У титроқ қўллари блан телеграммани очиб ўқиди:

«Иван Петрович бугун тўсатдан ўлиб қолди, амрингизни кутамиз, хатук шанба кун дафу этилади». Телеграммада шундай «хатук» деган тушуниб бўлмайдиган сўз ва «дафи» сўзи «дафу» деб ёзилган: уни оперетта труппасининг режиссёри юборган эди.

— Сенинг ўрпингга мен ўлсам бўлмасмиди-я!— деб йинги солди Оленька. — Жоним Ваничка! Нега учрашдим, сен блан? Нега сени севдим? Бечора бахтсиз Оленькани кимга ташлаб кетдинг!

Кукинини сешанба кун Москвада Ваганьков қабристонига кўмишди, чоршанба кун Оленька уйига қайтиб келди, остонадан кириши бланоқ ўзини кроватъга ташлади-да, ҳўнграб йиғлаб юборди. Унинг дод-фар'ёди ҳатто кўчага ва қўшни ҳовлиларга ҳам эшитиларди.

— Жонгинам,— дерди қўшнилари чўқинишиб,— жонгинам Ольга Семёновна йиғлайвериби адо бўлди-я, бечора!

Орадан уч ой ўтди. Қора кийинган Оленька бир кун черковдан уйига қайтиб келмоқда эди. Иттифоқо унинг қўшниларидадан бири, Бабакаев деган савдогарга қараш-

ли ёғоч тахта складининг бошқаручиси Василий Андреевич Пустовалов ҳам черковдан чиқиб, уйига қайтиб келар эди. Бошига похол шляпа, эгнига оқ желетка кийиб, кўрагига тилла занжир таққан Пустовалов савдогардан кўра кўпроқ помешчикка ўхшаб кетарди. У, Оленькага ачиниб улуғворлик блан деди:

— Ҳарқандай ишнинг ўз тартиби бўлади, Ольга Семёновна. Бирон яқин кишимизнинг куни битган экан, демак, уни тангрининг ўзи олган бўлади. Модомики шундай экан, тақдирга тан беришдан бошқа иложимиз йўқ.

Оленькани эшик олдиғача узатиб, хайрлашди-да, ўз йўлига қараб кетди. Шундан кейин унинг товуши кечгача Оленьканинг қулоғидан кетмади, кўзини юмса унинг қора соқоли кўзига кўринди. Пустовалов унинг кўнглига жуда ёқиб қолган эди. Оленька ҳам унга ёқиб қолган бўлса керак, шу воқиядан кўп ўтмай, уникига бир кекса хотин кофе ичгани келди. Меҳмонга келган хотин стол ёнига ўтириши бланоқ Пустоваловдан гап очди, унинг яхши ва савлатли эркаклигини, ҳарқандай қизнинг унга жон деб тегишини айтди. Уч кундан кейин Пустоваловнинг ўзи меҳмон бўлиб келди; у кўп эмас, ўн минутча ўтирди, кам гапирди, аммо Оленька уни яхши кўриб қолди, шу қадар яхши кўриб қолдики, ҳатто кечаси блан ўртаниб, ухламай чиқди, эртасига эрта блан кекса хотинга одам юборди, кўп ўтмай улар унаштирилди, кейин тўй бўлди.

Тўйдан кейин Пустовалов блан Оленька яхши турмуш кечиришди. Одатда Пустовалов тушки овқат маҳалигача складда ўтирарди, кейин ўзининг ўрнига Оленькани кўйиб, турли ишлар блан кетарди. Оленька эса оқшомгача складда мол сотиб, ҳисоб-китоб ишларини қилиб ўтирарди.

— Ёғоч, тахталарнинг нархи йилдан-йилга йигирма процент ошмоқда,— дерди Оленька харидор ва танишларига.— Ўзингиз ўйлаб кўринг, илгари биз шу ердан чиққан тахтани сотардик, эндиликда Васичка ҳар йили Могилев губернасидан мол келтиради. Нархнинг ошишини айтмайсизми!— дерди у, қафтлари блан икки юзини бекитиб.

Унга, бутун умри ёғоч-тахта сотиш блан ўтгандай, ёғоч-тахтасиз ҳаёт бема'ни ҳаётдай туйиларди, хода, хари, сарроф, тахта, ёғоч деган гаплар унинг қулоғига

нозик ва ёқимли музикадай эшитиларди... Тоғ-тоғ ёғоч, тахталар, хода-харилар ортиб, бир ёқлардан ташиб кетаётган арава-арава карвонлар, бир полк келадиган ўн икки газли, беш қаричли ходаларнинг складга ҳужум қилиб, бостириб келишлари, ходачалар, саррофлар ва тахталарнинг бир-бирларига урилиб, садо чиқаришлари, кейин ерга қулаб, яна туришиб, бир-бирларининг устига чирмашиб чиқишлари кечалари унинг тушига кириб чиқарди. Оленька тушида буларни кўриб, бехосдан қичқириб юборарди. Пустовалов эса уни:

— Оленька, нима бўлди сенга, жоним? Ўзингни босиб ол!— деб овунтирарди.

Эри нимани ўйласа у ҳам шунини ўйларди. Агар эри уй жуда исиб кетди деса, ёки ишнинг мазаси қочди деса, у ҳам худди шунини дейди. Эри ҳеч қанақа ўйин-кулги, кўнгил очишларни ёқтирмас, ҳайит кунлари ҳам уйдан чиқмас эди. Оленька ҳам уйда ўтирарди.

— Уйда ўтирганларинг ўтирган,— дейишарди танишбилишлари.— Театргами, от ўйингами бориб, ёзилиб келсангизчи, жонгинам!

— Васичка икковимизнинг театрға боришға вақтимиз борми?— деб жавоб берарди у, улуғворлик блан.— Биз меҳнаткаш одаммиз, бундай беҳуда нарсаларға берадиган бўш вақтимиз йўқ. Театрға бориб нима ҳам ортдирардик?

Шанба кунлари кечқурун Пустовалов Оленька блан биргалашиб бомдод номозига, ҳайит кунлари эса пешин номозига боришади, черковдан ҳам бирга қайтишади, икковининг чеҳраси очиқ, атрофға хушбўй ҳид сочиб келишади. Оленьканинг шоҳи кўйлагининг шитирлаши қулоққа ёқади; уйға қайтиб келиб, сўлқилдоқ нон ва ҳархил мураббоблар блан чой ичишади, кейин пирог сийишади. Ҳар кун туш пайтида боршч ва кўй гўштидан ёки ўрдакдан пиширилган қовурма, рўза кунлари эса қовурилган балиқнинг ҳиди ҳовлидагилар ёки кўчадан ўтучиларнинг димоғини қитиқлаб, иштаҳасини очиб юборар эди. Конторада доим самовар қайнаб туради, харидорлар чой ва тешиккулчалар блан меҳмон қилинади. Ҳафтада бир марта эру хотин биргалашиб ҳаммомға бориб, икковлари қилқизил бўлиб, уйға қайтишади.

— Худога шукур, турмушимиз ёмон эмас,— дерди Оленька танишларига.— Васичка иккимизни етказган кунға ҳаммани ҳам етказсин.

Пустовалов мол келтириш учун Могилев губернасига кетган вақтларида Оленька жуда зерикади, кечалари ухламай йиглаб чиқади. Ҳовлидаги уйлардан бирида турчи, полкда от доктори бўлиб хизмат қиладиган Смирнин деган ёш йигит ба'зан кечқурунлари уникига келиб туради. Смирнин унга уёғ-буёғдан сўзлаб беради ёки иккови карта ўйнайди, бундан Оленька анча овунади. Смирниннинг ўз оиласи ҳақидаги ҳикоялар уни айниқса қизиқтирарди. У уйланган бўлиб, бир ўгли ҳам бор эди, аммо хотини унга хиёнат қилгани учун ажрашиб кетганди, шунинг учун хотинини жуда ёмон кўрарди, ўғлига атаб ҳар ойда қирқ сўм пул юбориб туради. Оленька бу гапларни эшитиб, уҳ тортиб, унга ачинди. Смирнин блан хайрлашаётиб:

— Худо ўз паноҳида сақласин. Келганингиз учун раҳмат, илоҳим ҳамиша соғ-саломат бўлинг...— дерди ва уни шам блан зинагача кузатиб қўярди.

Гапирганда ҳам эрига тақлид қилиб, улуғворлик блан гапирарди, от доктори аллақачон уйига кириб кетган бўлса-да, кетидан чақириб:

— Хотинингиз блан ярашиб қўяқолсангиз ҳам бўларди. Владимир Платонич! Углингиз туфайли гуноҳини кечинг... Бола бояқиш ҳамма гапга тушунса керак,— дерди.

Пустовалов сафардан қайтиб келганда Оленька унга от докторининг барбод этилган турмушини ҳикоя қилиб берар, кейин икковлари биргалашиб ачинишар, бош чайқар, отасини соғинган ўгли ҳақида гапиришар, шундан кейин икковлари бахтиёр ҳолда ўринларидан туриб, бурчакдаги санамга қараб, худодан бола тилаб, сажда қилар эдилар.

Олти йилгача Пустоваловларнинг турмуши тинч, севинч ва тотувликда ўтди. Қиш кунларидан бирида складда иссиқ чой ичиб, терлаб ўтирган Василий Андреевич харидорга мол сотмоқ учун телпаксиз ташқарига чиқди, шунда шамоллаб, бетоб бўлиб қолди. Оленька уни энг ўткир докторларга боқизган бўлса ҳам, тўрт ой ётгандан кейин дард устин келиб вафот этди. Оленька яна бева қолди.

— Кимга ташлаб кетдинг, мени севгилим!— деб ҳўнграб йиғларди у, эрини кўмгандан кейин.— Мен бечора сенсиз қандай турай бу дун'ёда? Раҳмингиз келсин, яхшилар, мен етимнинг дардига даво топинглар-эй...— дерди.

У мотам тутиб, қора кийди, шляпа ва қўлқопни бутунлай киймай қўйди, кўчага камдан-кам чиқадиган бўлди, чиқса ҳам черковга ёки эрининг қабрига бориш учун чиқарди, бўлак вақтларда таркидун'ё этган одамдай, уйда ўтирарди! Олти ой деганда мотам кийимларини ташлаб, дераза дарчаларини очадиган бўлди. Ба'зан эргалаб у-бу келтириш учун кухарка блан бозорга чиққанини одамлар кўришди, броқ эндиги турмуш қандай, уй ичида нима гаплар бор,— бу ҳақда одамлар фақат гумон блан гапиришар эди. Масалан, одамлар унинг ўз боғчасида от доктори блан бирга чой ичиб ўтирганидан, докторнинг унга газета ўқиб беришидан ва яна почтада бир таниш хотин блан учрашиб, унга:

— Шаҳримизда тўғри йўлга қўйилган ветеринария назорати йўқ, касалнинг кўплиги ҳам шундан. Анови сутдан, манови отдан, сигирдан юқиб касал бўпти, деган ҳодисалар кўпайиб кетди. Инсон сиҳатига қандай гам-хўрлик қилинса, жониворларни ҳам шундай боқиш керак,— деб айтган гапидан унинг нима ҳақида ўйлашини гумон қилардилар.

У, от докторининг айтганини айтар, у нимани ўйласа шуни ўйлар эди. Оленьканинг севгисиз яшайолмаслиги ва янги бахтни ўз ҳовлисида топиб олганлиги ҳаммага равшан эди. Бошқа хотин бўлганда уни ҳамма қораларди, аммо Оленька ҳақида ҳечким ёмон фикрда эмас, унинг ҳаётидаги воқиалар ҳаммага ма'лум ва равшан эди. У ҳам, от доктори ҳам ўзаро муносабатларида юз берган ўзгаришлар ҳақида ҳечкимга бир оғиз сўз айтмасликка тиришар эдилар, броқ Оленька ҳечқандай сирни юрагида сақлаб юролмасди. Агар докторнинг полқдаги ҳамкасблари меҳмонга келинса Оленька уларга чой қуятуриб ёки овқат торта туриб, қора молга келган вабодан ёки шаҳар кушхонасидан гап бошларди, доктор эса уялганидан қипқизариб кетарди. Меҳмонлар тарқалишиб кетгач, доктор унинг қўлидан ушларди-да, газаблангани ҳолда:

— Тушунмаган нарсанг ҳақида оғиз очма деб неча марта айтдим сенга! Ҳамкасбларим йиғилишганда ва ўз ишимиз устида сўзлашганимизда сен зинҳор аралашма! Одамни зериктириб юборасан, ахир!— дерди.

Оленька унга таажжубланиб қарар ва хавотирланиб:

— Володичка, бўлмаса нимани гапирай?— деб сўрарди.

Ва кўзига ёш олиб, от доктори бағрига отилар, жаҳли чиқмаслигини сўраб ялинарди; иккиси ҳам ўзини бахтиёр деб ҳис этарди.

Броқ, бу бахт кўпга бормади. От доктори ўз полки билан бирга жўнаб кетди, унинг полки бошқа ёққа, Сибири томонга кўчирилган эди. Оленька яна ёлғиз қолди.

Энди у бутунлай ёлғиз қолган эди. Отаси аллақачон ўлиб кетган, унинг креслоси чердакда бир оёқсиз чанг босиб ётарди. Оленька ҳам ориқлаб кетган, ҳусни ҳам қочган, кўчада кўрганлар ҳам унга илгаригидек боқмас ва жилмайиб қарамас эди. Энг яхши йиллар — ёшлик вақтлари ўтиб, энди унинг учун қандайдир янги турмуш, бундан буёғи нима бўлишини билиш қийин бўлган давр бошланган бўлса керакки, яхшиси бу тўғрида ўйламаслик лозим эди. Кечқурунлари Оленька эшик олдига чиқиб, «Тиволи» роҳат боғчасида чалинаётган музикани, мушакларнинг пақиллаб ёрилишини эшитиб ўтирар, аммо бу товушлар энди унда ҳечқандай туйғу уйғотмасди. У, ўз ҳовлисига безтибор тикилиб ўтирар, ҳеч нарсани ўйламас, кўнгли ҳеч нимани истамасди, кечаси уйга кириб ётарди. Уйқусида яна ўзининг бўш ҳовлиси тушига кирарди. Овқатни ҳам биров зўрлаб едираётгандай ер эди.

Энг ёмони шу эдики, унда ортиқ ҳечқандай фикр қолмаган эди. У ўз атрофида хилма-хил буюмларни кўрар, нималар бўлаётганига ақли етар. Аммо улар ҳақида нима деб ўйлашни ва нималарни гапиришни билмасди! Ҳечқандай фикрга эга бўлмаслик нақадар оғир! Бир шишанинг тикка турганини, ёки ёмғир ёғишини, ёхуд аравага тушиб кетаётган мужикни кўриб турасану, броқ шишанинг нимага кераклигини, ёмғирнинг нимага ёғишини, мужикнинг нега аравага тушиб боришини, уларда қандай ма'но борлигини ўлсанг ҳам айта билмасанг! Кукин ва Пустовалов бор вақтида, от доктори борида Оленька уларнинг ма'носига етаоларди, ҳарнарсга устида фикр юритаоларди, энди унинг ўйларини ва юрагини худди ҳовлини босган зимзиё қоронғу ва бўшлиқ қоплаганди. Гўё чуқур сойга ғарқ бўлиб кетаётгандай уни даҳшат босарди.

Бу орада шаҳар ҳар тарафга қараб кенгайиб кетди, Циганская Слобода энди кўча тусини олди. «Тиволи» роҳат боғчаси ва ёғоч-тахта складлари бўлган жойларга янги иморатлар тушиб, анча-мунча тор кўчалар ҳосил бўлган эди. Мунча ҳам вақт тез ўтиб боради! Оленька-



нинг уйи эскирган, тунука томи занглаб кетган, сарой ҳам бир ёққа қараб ёнбошлаган, ҳовли саҳнини отқулоқ блан сассиқалаф босиб кетган эди. Оленьканинг ўзи анча қариган, ҳусндан ҳам қолган эди. Ёз кунлари у эшик олдидаги супачага чиқиб ўтиради. Қалбида илгаригидек бўшлиқ ҳукм суради, ўзидан ҳам сассиқалафнинг ҳиди келиб туради, қиш кунлари эса дераза ёнига ўтириб, ҳовлидаги қордан кўзини узмайди. Баҳор келганда ёки шамол черков кўнғироқларининг овозини учириб келиб қолган чоқларда бирдан ўтмиш кунлар эсига тушиб юраги «шув» этиб кетади. Кўзларига жиққа ёш келади, аммо бу кўп давом этмайди, бирпасдан кейин юракни яна бўшлиқ эгаллайди, бу дунёда нима учун яшаётганини яна билмайди. Бриска деган қора мушуги бир оҳангда миёвлаб, унга эркаланади, аммо бу ҳам Оленькага тасир қилмайди. Унга бу керакмиди? Унга бутун борлигини, бутун юрагини, ақли-фаросатини мафтун этаоладиган, ҳаётига ма'но берадиган, кишини ўйга соладиган, унинг совиб бораётган қонини қизитаоладиган севги керак! Этагига чиқиб олган мушукни ерга итариб туширади-да, алам блан:

— Кет, кет... жонга тегдинг!— дейди.

Шу йўсунда ҳечбир шодликсиз, ҳечқандай фикрсиз кунлар, ойлар, йиллар ўтди. Кухарка Мавра нима деса шу эди.

Саратон кунларининг бирида, подалар ҳамаёқни чангитиб даладан қайтиб келаётган оқшом пайтида, кимдир кўча эшигини қаттиқ қоқди. Оленьканинг ўзи бориб дарвозани очди, очиши блан турган ерида қотиб қолди: келган киши — сочлари оқарган, штатский кийим кийган от доктори Смирнин эди. Оленьканинг эсига бутун ўтмиш келди, ўзини тутолмай, гиқ этмай бошини унинг кўксига қўйди-да, йиғлаб юборди. Ҳаяжонланиб кетганидан икковлари ҳам уйга кирганларини, чойга ўтирганларини билмай қолди.

— Вой жонимей!— деди у, севинчидан қалтироқ босиб.

— Владимир Платонич! Қаердан худо ярлақаб қолди?

— Шу шаҳарда яшаб қолмоқчиман,— деди доктор.— Исте'фога чиқдим, энди эркинликда бахт излаб топмоқчиман, бир ерга қўниб олишим керак. Уғлим ҳам катта бўлиб қолди, гимназияга беришим керак. Биласизми, мен хотиним блан ярашиб олганман.

— Қаерда улар?— деб сўради Оленька.

— Улар мусофирхонада қолишди, мен, уй қидириб юрибман.

— Ана холос! Менинг уйимни олақолинг! Нима қипти бу уйга? Сизлардан бир тийин ҳам олмайман!— У яна ҳаяжонланиб, йиғлайбошлади.— Сизлар бемалол шу катта уйга жойлашаберинглар, менга ҳовлидаги кичкина уй ҳам етиб ортади. Сизни юборган худодан ўргилай!

Эртаси кунни уй томини бўяб, деворларни оқлашга киришилди, Оленька икки қўлини белига қўйиб, ҳовлидагиларга ҳархил ишларни буюриб юрар эди. Унинг чеҳрасида илгариги жилмайишлар пайдо бўлган, худди узоқ уйқудан уйғонгандай бутун борлигига қон югурган эди. Кейин ориқ ва хунук, сочлари калта қирқилган, ипжиқ юзли бир хоним, семизгина, кўк кўз, икки юзида чуқур-часи бор Саша деган болани етаклаб кириб келди. Улар от докторининг хотини ва ўн яшар ўғли эди. Бола ҳовлига кириши бланоқ мушукни қува кетди, унинг хушчақчақ қўнғироқ кулгиси бутун ҳовлини босди.

— Хола, бу сизнинг мушугингизми?— деб сўради бола. — Туққанда биттасини бизга беринг, ойим сичқондан жуда қўрқадилар.

Оленька у блан анча сўзлашди, чой ичирди, гўё бу болани ўзи туғиб ўстиргандек ҳис қилиб, кўкрагига ис-сиқ югуриб, роҳатланди. Кечқурун Саша овқатхонада дарс тайёрлаб ўтираркан, Оленька севгига тўлган кўзларини ундан узмай:

— Чирогим... Хушрўйгинам... Ақлли-хушли бола экансан! Оппогим,— деб шивирлади.

— Ҳар тарафи сув блан ўралган қуруқ ер — орол деб аталади, — деб ўқиди китобдан Саша.

— Ҳар тарафи сув блан ўралган қуруқ ер — орол деб аталади,— деб такрорлади Оленька. Бу — неча йиллаб ўйсиз-фикрсиз кун кечирган кишининг ишонч блан айтган биринчи фикри эди.

Энди у мустақил фикрга эга эди, кечки овқат устида Сашанинг ота-онасига гимназияда ўқишнинг нақадар оғирлашиб кетгани, аммо шундай бўлса-да, реал мактаб та'лимидан кўра классик мактаб та'лимининг афзаллиги ҳақида гапирди, чунки унинг фикрича, гимназияда ўқиган кишига ҳамма йўл очиқ: хоҳла докторликка ўқи, хоҳла инженерликка.

Саша гимназияга қатнайбошлади. Унинг онаси Харьковдаги синглизиникига кетиб, узоқ қолиб кетди. Отаси

Ҳар куни қаергадир йилқи кўргани кетиб, ба'зан уч кунлаб уйга қайтмас эди, Оленькага Сашанинг ота-онаси бутунлай ташлаб кетгандай, бола уйда ортиқча одамдай туйилди, бола бечора очдан ўлади деб ачинди. Кўп ўтмай у, болани катта уйдан ўз уйга олиб, жажжигина бир бўлмага жойлаштирди.

Ярим йилдан ошдики, Саша унинг уйида туради. Ҳар куни эрта блан Оленька унинг олдига киради, бола, қўлини чаккасига қўйиб қаттиқ ухлаб ётади, уйғотгани кўзи қиймайди.

— Сашенька,— дейди у, ғамгинлик блан,— тур, қўзим! Гимназияга борадиган вақт бўлди.

Саша ўрнидан туриб, кийинади, ибодат қилади, кейин нонуштага ўтиради. Уч стакан чой блан иккита катта тешик кулча ва мой суртилган яримта француз булкани еб олади. У ҳали уйқудан тоза уйғонгани йўқ. Шунинг учун кайфи бузуқроқ. Оленька уни худди узоқ сафарга узатаётгандай унга тикилиб дейди:

— Сашенька, масални яхшилаб ёдлаб олдингми? Мени ташвишга солиб қўйдинг-ку. Тиришиб ўқи, оппоқ кўзим... Муаллимларинг сўзидан чиқма...

— Қўйсангизчи бу гапларингизни!— дейди Саша.

Кейин у гимназияга кетади, ўзи кичкина, бошида каттакон шапка, елкасида китоб жилди. Оленька унинг кетидан секин-аста қадам ташлаб боради.

— Сашенька!— деб чақиради.

Саша қайрилиб қарайди. Оленька унинг қўлига хурмо ёхуд попук қистиради. Гимназия жойлашган кўчага бурилгандан кейин, Саша ўзини баланд бўйли семиз хотин кузатиб қўйишидан уялади. Орқасига қарайди-да:

— Хола, сиз энди уйга кетаберинг, ўзим бораман,— дейди.

Оленька тўхтаб, Саша гимназия эшигидан кириб, кўздан ғойиб бўлгунча қараб туради. О, Оленька бу болани нақадар севди! У илгари кечирган севгиларининг ҳеч бири ҳам бунчалик чуқур бўлмаганди. Эндиликда унда оналик ҳисси кучайиб бораётган пайтда, унинг қалби шу қадар фидоқорликка, сахийликка ва севинчга тўлиб тошган эдики, бунақа ҳисни авваллар у сра сезмаган эди. Мана бу бировнинг боласи учун, унинг юзларидаги чуқурчалари, бошидаги шапкаси учун бутун жонини беришга тайёр эди. Нега бундай? Ким билади дейсиз?

Сашани гимназияга узатиб, ўзи хурсанд, оҳиста, хуш-фел ҳолда уйга қайтади. Олти ой ичида анча яшарган юзидан жилмайиш аримайди. Йўлда учраган танишлар уни кўриб хурсанд бўлишади ва:

— Яхшимисиз, жонгинам Ольга Семёновна! Эсон-омонгина юрибсизми?— дейишади.

— Гимназияда ўқиш ҳам қийинлашиб кетди,— дейди у, бозорда учратган танишларига.— Ўзингиз ўйланг, кеча биринчи синф болаларига бутун бир масални ёдлашга буюришипти, лотинчадан таржима қилдиришипти, ҳисобдан масала беришипти... Ёш бола чидармиди бунга?

Оленька муаллимлар, дарслар, дарсликлар ҳақида, хуллас, Саша нимани гапирган бўлса, у ҳам шуни гапирди.

Соат учда икковлари ўтириб овқат ейишади, кечкурунлари дарс тайёрлашади, қўшилишиб йиғлашади. Сашани ётқизиб бўлиб, Оленька уни узоқ чўқинтиради, шивирлаб дуо ўқийди, кейин ўрнига ётиб, узоқ ва номаълум келажак ҳақида, Сашанинг доктор, ёки инженер бўлиб етишиб, уйли-жойли бўлиши, от-аравага эга бўладиган, уйлашиб бола-чақа кўрадиган замонларни хаёл қилади... У, кўзлари уйқуга кетаркан, ҳамон ўшаларни ўйлайди, юмуқ кўзларидан оққан ёшлар юзларини ювади. Қора мушук ҳам унинг биқинига кириб жойлашган:

— Хр... хр... хр...

Бирдан кўча эшик қаттиқ қоқилди. Оленька уйғониб, қўрққанидан нафас олмайди, юраги қаттиқ урабошлади. Сал ўтмай эшик яна тақиллади.

«Харьковдан телеграмма келган бўлса,— деб ўйлайди у, вужудини титроқ босиб,— онаси ўғлини чақиртирган бўлмасин... Оҳ, худойим!»

Уни умидсизлик босди, бошини кўтаролмади, кейин икки қўли, оёқлари бўшашиб кетди, ўзини дунёда энг бахтсиз банда ҳис қилди. Броқ, яна бирпасдан кейин ҳовлидан таниш овозлар эшитилди, от докторининг клубдан қайтгани маълум бўлади.

«Худо, ўзингга шукур!» деб қўйди Оленька.

Юраги секин-аста енгиллашди, у яна тинчийди. Яна ўрнига ётиб, уйқуда ётган Сашани ўйлайди. Саша эса қўшни уйда қаттиқ уйқуда ётиб, гоҳо-гоҳо:

— Сеними, шошмай тур! Қет! Уришма!— деб уйқу-сирайди.

## ҚАЙЛИҒ

Кечкурун соат ўнлар эди, боғ тепасида тўлин ой сузиб юради. Шуминларнинг уйида буви Марфа Михайловна буюрган кечки ибодат ўқилиб бўлгач, Надя боққа чиқди: залда дастурхон ёзилиши, сербезак шойи кўйлак кийган бўвисининг тараддуланиб юргани Надяга деразадан кўриниб турарди. Собор протоиерейи<sup>1</sup> Андрей ота Надянинг онаси Нина Ивановна блан алланималар тўғрисида суҳбатлашиб туради; Надянинг онаси чироқ ёруғида ва дераза орқасидан кўрингани учун бўлса керак, ниҳоятда ёшдек эди; Андрей отанинг ўғли Андрей Андреич уларнинг гапини диққат блан тинглаб турар эди.

Боғ жим-жит ва салқин, ерга қалин кўланкалар тушган. Олислардан, шаҳарнинг нариги томонидан бўлса керак, бақаларнинг вақиллаши эшитилади. Май, гўзал май ойи яқинлашиб қолган! Надя роҳатланиб нафас олади; у, буерда эмас, баланд осмон-у фалакларда, дарахтлар устида, олис жойларда — шаҳардан ташқарида дала ва ўрмонларда қандайдир сирли, ажойиб, мароқли, ожиз гуноҳкор кишининг ақли етмайдиган муқаддас баҳор бошланди деб ўйлар ва бу фикрларидан нечундир йиғлагуси келар эди.

Надя 23 га кирган қиз эди; 16 ёшида у эрга тегишни зўр эҳтирос блан орзу қилиб келар ва мана энди ўша дераза ёнида турган Андрей Андреичга унашилган, унинг қайлиғи эди. Андрей Андреич унга ёқарди, никоҳ ҳам еттинчи июльга тайинланганди, аммо шундай бўлса-да,

<sup>1</sup> Протоиерей — олий диний мансаб.

негадир Надя хурсанд эмас, кечалари ухламай чиқар, хушчақчақлигидан асар ҳам қолмаган эди... Подвалда жойлашган ошхонанинг очиқ деразасидан хизматчиларнинг ношиб-пишиб овқат пиширишлари, пичоқларнинг тақирлаши, блок осилган эшикнинг очилиб-ёпилиши эшитиларди; қовурма курка ва тузланган олча ҳиди анқирди. Негадир ҳаёт унга сра ўзгармайдиган, худди шу хилда борадигандай туйиларди.

Уйдан аллаким чиқиб, эшик олдида тўхтади; у Александр Тимофеевич, соддароқ қилиб айтганда Саша эди; Саша бундан ўн кунча олдин Москвадан меҳмон бўлиб келган. Бир вақтлар Надянинг бувисиникига унинг Марья Петровна деган узоқ қариндоши садақа сўраб келиб юрарди; Марья Петровна қашшоқлашиб кетган бева дворян хотин бўлиб, кичкина, ориқ ва бемор бир хотин эди. Унинг Саша деган ўғли бўлар эди. Негадир Сашани ҳамма жуда яхши рассом деб юрарди, онаси ўлгандан кейин Надянинг бувиси савоб учун Москвага юбориб, Комиссаров мактабига киритиб қўйган эди, икки йилдан кейин Саша рассомчилик мактабига ўтиб, ўн беш йилча ўқиди ва ниҳоят бир амаллаб архитектура бўлимини битириб чиқди, аммо архитектура блан шуғулланмай, Москвадаги литографиялардан бирида хизмат қилар эди. Деярлик ҳар ёзда у, Надянинг бувисиникига дам олгани ва соғайиш учун келиб турар; у хаста эди.

У устига сюртук кийиб, ҳамма тугмаларини қадаб юрарди; эски парусин шимининг почалари титилиб кетган эди. Қўйлаги ҳам гижимланган, ўзи ҳам қандайдир гижимлангандай кўринади. Жуда ориқ, кўзлари катта-катта, бармоқлари чўпдай узун, соқоллари ўсиб кетган бўлса ҳам, анча чиройлик эди. Шуминларни у ўзига жуда яқин тутар, уларни ўзининг қариндоши деб билар, уларникига келганда худди ўз уйига келгандай бўлар эди. У келиб қўнадиган бўлма ҳам Сашаники деб аталар эди.

Эшик олдида тураркан, Надяни кўриб қолди-да, унинг олдига келди.

— Боғларинг жудаям роҳат жой-да,— деди.

— Албатта, роҳат. Кузгача туришингиз керак.

— Ҳа, шундай қилишга тўғри келади. Сентябрьгача турсам дейман.

Саша ҳечқандай сабабсиз кулди-да, Надянинг ёнига ўтирди.

— Шу жойдан ойимга қараб ўтирибман,— деди На-  
дя.— Буердан қараса жуда ёш кўринаркан! Ойимнинг  
ожиз томонлари ҳам бор, албатта, йўқ деб бўлмайди,—  
бироз жим ўтириб деди Надя,— аммо, шундай бўлса ҳам  
жуда ажойиб хотин!

— Ҳа, яхши хотин...— деди Саша.— Ойингиз жуда  
меҳрибон ва ёқимли хотин, албатта, аммо... нима десам  
экан? Бугун эрталаб барвақт ошхонага кириб қолувдим,  
қарасам, тўртта оқсоч ерда ётишипти, кровать йўқ, кўр-  
па-ёстиқлари йиртилиб, увадаси чиқиб кетган, ҳамаёқ  
сассиқ, ҳамаёқда қандала блан сувараклар ўрмалашиб  
юрипти... Бундан йигирма йил илгари ҳам худди шундай  
эди. ҳечқандай ўзгариш йўқ.

Бувингиз-ку, майли, қариб қолган одам, аммо онангиз  
французчани ҳам билади, спектакльларда ҳам қатнаша-  
ди. Бундай ишларга ақли етиши керак эди.

Саша гапирганда ҳамсуҳбатининг кўз олдига икки  
ориқ бармоғини чўзиб туриб гапирар эди.

— Мен бунақаларни кўрмаганман, шунинг учун менга  
ёт туйилади,— деб давом этди у.— Ҳечким ҳечнарсга қил-  
майди, онангиз эртадан кечгача худди герцогинядай сайр  
қилиб юради, бувингиз ҳам ҳечнарсга қилмайди, сиз ҳам,  
қайлиғингиз Андрей Андреич ҳам доим бекор юради.

Бу гапларни Надя бултур ҳам, бурноғи йил ҳам эшит-  
ган, Сашанинг бундан бошқа мулоҳазаси бўлмаслигини  
ҳам билади. Илгари бу гапларни эшитса кулгиси келар  
эди, энди бўлса негадир бу гаплар ранжитди.

— Бу гапларингизнинг бари эски гаплар, жонга тег-  
ди,— деди Надя ва ўрнидан турди.— Янгироқ гап топса-  
нгиз-чи.

Саша кулди-да, у ҳам ўрнидан туриб, икковлари уй  
томонга юришди. Баланд бўйли, қадди-қомати келишган  
ва кўҳликкина Надя унинг ёнида соғ ва ясангандай кўри-  
нарди; буни Надя сезарди, шунинг учун унинг Сашага  
раҳми келиб, хижолат тортарди.

— Ортиқча гапингиз кўп,— деди у.— Мана, ҳозиргина  
менинг Андрейим тўғрисида гапирдингиз, аммо сиз унинг  
кимлигини, қанақа одамлигини билмайсиз.

— Менинг Андрейим... Ҳа, ана, сизнинг Андрейингиз  
бўлақолсин! Мен фақат сизнинг ёш умрингизга ачина-  
ман.

Улар залга кирганда ҳамма овқатлангани ўтиришган  
эди. Семиздан келган хунук, қошлари қалин, мўйловли

буви, ёки уй ичидагиларнинг айтишича,— бувижон, баланд овоз блан гапириб ўтирган эди, унинг овозидан уй бошлиғи эканлиги кўриниб турар эди. Ярмаркадаги бир-неча раста, колоннали катта данғиллама уй блан боғ ушқи эди, аммо ҳар куни эрта блан буви худога хонагайрон қилма, мол-мулкимни паноҳингда сақла деб йиғлаб нола қиларди. Унинг келини, Надянинг онаси, оқишдан келган, тор кўйлак кийиб кўзига ріпее-pez, ҳар бармоғига биттадан бриллиант тақиб юручи Нина Ивановна, Андрей ота, ориқдан келган, тишлари тушиб кетган ва афти худди бирон қизиқ воқиа айтиб беручи одамнинг афтига ўхшаган чол; унинг ўғли Андрей Андреич, Надянинг қайлиғи, тўладан келган, чиройлик, сочлари жингаллак артист ёки рассомга ўхшаган киши,— учқовлари гипнотизмдан гаплашиб ўтирар эдилар.

— Мен сени бир ҳафтада тузатиб юбораман,— деди буви, Сашага қараб.— Овқатдан кўпроқ ейишинг шарт. Афти-ангорингни қара!— деди буви, огир уҳ тортиб.— Шунақа ҳам озиб, чўпдай бўлиб кетадими одам! Дайди дегани ҳам рост.

— Падар мулкини барбод бериб!— деди Андрей ота, кироат блан ҳар калима гапни чўзиб ва кўзлари кулган ҳолда,— фарзанд бўлди махлуқ янглиғ...

— Мен отамни яхши кўраман!— деди Андрей Андреич, отасининг елкасига қоқиб.— Жуда яхши отам бор. Мехрибон чол.

Ҳамма жим бўлиб қолди. Бирдан Саша чочиқ блан оғзини беркитиб, кулиб юборди.

— Демак, гипнотизмга ишонаман денг?— деб сўради Андрей ота, Нина Ивановнадан.

— Мен жудаям ишонаман деб айтолмайман, албатта, аммо табиатда жуда кўп сир ва биз тушуниб етолмаган нарсалар борлигига иқроор бўлишим керак,— деди Нина Ивановна, юзига ғоят жиддий тус бериб.

— Гапингизга тамоман қўшиламан, аммо шуни ҳам айтиб ўтишим керакки, э'тиқод деган нарса кўпгина сирларни бизга очиб беради.

Столга қовурилган катта ва семиз курка келтирилди. Андрей ота блан Нина Ивановна суҳбатларини давом эттиравердилар. Нина Ивановнанинг бармоқларидаги бриллиантлари ялтирарди, сўнгра кўз ёшлари ялтираб кўринди, у жуда ҳаяжонланиб кетган эди.



— Гарчи сиз блан баҳслашишга ожизлик қилсам-да, ҳаётда сра ечиб бўлмайдиган кўп сирлар борлигига иқдор бўлишингиз керак,— деди у.

— Битта ҳам сир йўқ, хўб денг.

Овқатдан кейин Андрей Андреич скрипка чалди, Нина Ивановна унга рояль чалиб жўр қилди. Андрей Андреич бундан ўн йилча илгари университетнинг филология факультетини тамомлаб чиққан, аммо ҳозир ҳеч ерда ишламас, бирон иш блан ҳам шугулланмас, фақат ҳар замон, ҳар замонда хайрлик иш учун ўтказиладиган концертларда иштирок этар эди; шаҳарда уни артист деб юритишарди.

Андрей Андреич скрипка чаларди, унинг музикасини ҳамма жим ўтириб тинглар эди. Столда самовар секин-секин пишиллар, ёлғиз Саша чой ичиб ўтирарди. Кейин соат ўн иккига жом урганда, бирдан скрипканинг тори узилиб кетди; ҳамма кулиб юборди, тараддудга тушиб, хайрлашабошладилар.

Қайлигини кузатиб қўйгандан кейин Надя иккинчи қаватдаги ўзининг бўлмасига чиқиб кетди; у онаси блан турар эди (бинонинг биринчи қаватида бувиси турар эди). Пастда, залда чироқларни ўчирабошладилар, Саша эса ҳамон чой ичиб ўтирарди. Чойни у москвалиларга ўхшаб мириқиб ичар, бир ўтиришда етти стакан чой ичар эди. Надя ечиниб кўрпага кириб ётганидан кейин ҳам анчагача хизматкорларнинг пастда ўйни йиғиштириб юрганлари, бувисининг жаҳли чиқиб гапирганини эшитиб ётди. Ниҳоят, овозлар тинди, фақат Сашанинг ўз бўлмасида йўгон овози блан йўталиши эшитилар эди.

## II

Надя уйғонганда соат иккилар бўлса керак, тонг ёришабошлаган эди. Аллақердан қоровулнинг шақилдоғи эшитиларди. Надянинг уйқуси ўчиб, кўрпа-тўшакнинг юмшоқлигидан ҳар ёнига тўлғаниб ётар эди. Ҳар май ойидагидек Надя ўрнидан туриб ўтирди-да, хаёлга ботди. Аммо ўй-хаёллари кечагидек бирхил эски, слимдай ёпишқоқ, ортиқча бўлиб, масалан Андрей Андреичнинг унга яқинлашиб юрганлари, кейин унинг бирга турмуш қуриш тўғрисида таклиф қилиши, ўзининг бу таклифга розилик билдиргани, кейинроқ эса бу меҳрибон ва ақлли одамнинг қадрига етабошлаганлари каби ўйлар эди. Брок

эндиликда тўйга ниҳояти бир ойча қолганда, уни қандай оғир ва нома'лум бир мусибат кутгандай, кўрқув ва хавотирлик босабошлаган эди.

«Тик-ток, тик-ток...» — этиб тақилларди қоровулнинг шақилдоғи — «тик-ток, тик-ток...»

Кўҳна ва катта деразадан боғ яққол кўринади, боғнинг кетидан қалин гуллаган ва совуқдан дилдираб турган сирень гуллар кўринади: сутдай оппоқ ва қалин туман сирень гуллар устига сузиб келиб, уларни қамраб олмоқчи бўлади. Узоқдаги дарахтларда қузғунлар қағиллайди.

— Оҳ, худойим, мунча қийнадинг мени!

Балки, ҳарқандай қайлиғ ҳам никоҳ олдидан шундай ҳисларни кечирар, ким билади! Ё бунда Сашанинг та'сири бормикан? Ундоғ деса, Саша бир гапни худди ёдлаб олгандай ҳар йили гапирарди, гапирганда жуда соддадил ва қизиқ одамга ўхшаб гапиради! Аммо, нима учун у Сашани сра унутмайди? Нима учун?

Қоровул шақилдоғининг овози тинганига ҳам хийла маҳал бўлди. Боғда, дераза тагида қушлар сайрайбошладди, туман ҳам боғни тарқ этиб, теваарак-атроф жилваланиб, кўклам ёгдуси блан ёришиб кетди. Кўп ўтмай офтоб нурларида илиган ва эркалатилган боққа жон кирди, шудринг томчилари баргларда олмосдай ялтираб товланабошлади; кекса ва ғовлаб кетган боғ шу баҳор тонгида гўё ясанган ва ёшаргандек эди.

Бувижон ҳам уйғонди. Сашанинг йўгон товуш блан йўталгани эшитилди. Пастдан самовар қайнатиб келтирилгани, стулларнинг сурилиши эшитилди.

Соат секин юради. Надя аллақачонлар туриб, боғни айланиб келган, тонг ҳамон чарақлаб очилиб кетгани йўқ. Ана, Нина Ивановна, қўлида бир стакан минерал сув кўтариб чиқди, у кечаси блан йиғлаган кўринади. У спиритизм<sup>1</sup> ва гомеопатия блан шуғулланар, кўп мутолаа қилар, ҳархил шак-шубҳалар тўғрисида гапиришни яхши кўрар эди, буларнинг бари эса Надянинг назарида қандайдир чуқур ва сирли ма'нога эга эди. Надя онасининг юзидан ўпиб кўришди-да, икковлари бирга сайр қилабошладилар.

— Нега йиғладинг, ойи? — деб сўради Надя.

<sup>1</sup> *Спиритизм* — ўлганларнинг тирнклар блан сўзлашиши мумкин деган хурофий афсона.

— Кечаси бир повесть ўқиб ётувдим, повестьда бир чол ва қизи тасвирланади. Чол аллақерда хизмат қилади, унинг бошлиғи қизига хуштор бўлиб қолади. Повестьни ўқиб туширганим йўқ-ку, ammo бир жойига келганда кўзимдан ёш чиқиб кетди,— деди Нина Ивановна, стакандан сув ҳўплаб.— Эрталаб шу эсимга келиб, яна йиғладим.

— Шу кунларда кайфим бузилиб юрипти,— деди Надя, бироз жимликдан кейин.— Нега кечалари уйқум келмайди-я?

— Билмадим, жоним. Кечаси ухлайолмасам кўзларимни мана мундоқ қилиб чирт юмаман-да, Анна Каренинани, унинг юриш-туришларини, қандай гапиришларини ё бўлмаса қадим замон тарихидан ҳархил манзараларни тасаввур этиб ётаман...

Надя, онаси унинг кайфиятига тушунмаганини ва сра тушунаолмаслигини билди. Бундай нарсани умрида биринчи марта сезиши эди, шунинг учун жуда қўрқиб кетди, бир ёқларга қочиб, бекингуси келди-да, шу ондаёқ ўз бўлмасига чиқиб кетди.

Соат иккида обедга ўтирдилар. Чоршанба куни эди, бу кун рўза бўлгани учун, бувига ёвғон карам шўрва блан бўтқали балиқ келтирдилар.

Бувига тегишмоқ учун Саша ўзининг ёғли овқатидан ҳам, бувининг овқатидан ҳам еди. Овқат устида нукул ҳазил қилиб ўтирди, ammo унинг ҳазиллари қўпол, одоб таълими бўлганидан ҳечким кулмас эди; у, ҳазилнинг энг қизиқ жойига келганда иккита чўпдай ориқ ва ўликнинг бармоқларига ўхшаган бармоқларини кўтарар, шунда унинг хасталиғи одамларнинг эсига тушар, ҳамма «бунинг умри узоққа бормаса керак» деб ўйлар ва шундай пайтларда унга ҳамманинг жуда раҳми келар эди.

Обеддан кейин буви дам олгани ўз бўлмасига кириб кетди. Нина Ивановна бирпас рояль чалиб ўтирди-да, у ҳам ўз уйига кириб кетди.

— Эҳ жонгинам Надя!— деб гап бошлади Саша; у ҳар сафар обеддан кейин шу гапни бошлар эди.— Қани энди, менинг гапимга кирсангиз, қанийди энди!

Надя қадимги замондан қолган юмшоқ креслода кўзларини юмиб ўтирар, Саша эса уйнинг у бурчагидан бу бурчагига юриб турар эди.

— Қанийди энди бориб ўқисангиз!— дерди у,— илма'рифат эгалари блан авлиё одамларгина ажойиб, фақат шунақа одамлар керак! Шундай одамлардан қанча

кўн бўлса, олам шунча тез гулистон бўлади. Сизнинг шаҳришдан асар ҳам қолмайди, ҳамаёқ остин-устин бўлиб кетади, ҳамма нарса бутунлай ўзгариб, бошқача бўлиб кетади. Катта-катта муҳташам саройлар, ажойиб боғлар, мисли кўрилмаган фонтанлар, олижаноб одамлар пайдо бўлади... Аммо, энг муҳими бу ҳам эмас. Муҳими шуки, сиз блан биз таниган оломон, авом халқ қолмайди, чунки ҳарбир инсоннинг ўз э'тиқоди бўлади, ҳарбир инсон ўзининг ҳаёт мақсадини билади, ҳечбир кимса оломон ичидан таянч изламайди. Жонгинам, азизим, боринг, ўқинг! Бу турғун, хунук ва сергуноҳ ҳаётдан безганлигингизни ҳаммага бир кўрсатиб қўйинг! Ҳаммага бўлмаса ҳам, ўзингизга кўрсатинг!

— Мумкин эмас, Саша. Эрга тегмоқчиман.

— Э-э, қўйсангизчи! Эрга тегишингиздан кимга фойда?

Боққа чиқиб, бирпас айланиб юришди.

— Ҳарҳолда, азизим, бизнинг бу хилда бекор ҳаёт кечиршимиз нопок ва ахлоққа тўғри келмайдиган ҳаёт кечиршимизга тушуниш, бу тўғрида ўйлаб кўриш керак, ахир,— деб давом этарди Саша.— Ўзингиз бир ўйлаб кўринг: сиз ва сизнинг онангиз, бувижонингиз ҳечнарсга қилмасдан, бекор умр кечирар экансизлар, демак сизлар учун бошқа одамлар меҳнат қилади, демак сизларнинг умрингиз харомхўрлик блан ўтади, чунки бошқаларнинг ҳисобига кун кечирган бўлиб чиқасизлар. Ахир шуни ҳам пок ҳаёт деб бўладими ўзи? Нопок ва ифлос ҳаёт эмасми бу?

Надя: «Ҳа, ҳамма айтганингиз тўғри» ва «мен ҳам тушунаман» демоқчи бўлиб турган эди, айтолмади: кўзлари жиққа ёшга тўлди, бирдан жим бўлиб қолди-да, уйига кириб кетди.

Кечқурун Андрей Андреич келди ва одати бўйича анчагача скрипка чалди. Умуман у камгап одам эди, скрипкани ҳам шунинг учун яхши кўрса керакки, скрипка чалганда гапирмаслик мумкин. Соат ўндан ошганда уйига отланаркан, пальтосини кийиб бўлиб, Надяни қучоқлади-да, юзидан, елкаларидан ва қўлларидан суюб-суюб ўпди.

— Азизим, жонгинам, гўзалим!..— дерди у, Надянинг қулогига, секин.— О, қандай бахтиёрман! Қувончимдан эсинкираб қолдим!

Надя бу гапларни бундан илгарилар ҳам эшитгандий ёки аллақайси китобдан, эски, йиртилиб кетган,

эсидан ҳам чиқиб кетган бир романдан ўқигандай бўлар эди.

Залда Саша ликобчани кафтига қўйиб, чойхўрлик қилиб ўтирарди; буви картада фол очиш блан машғул, Нина Ивановна эса китоб ўқирди. Бурчакдаги санам тагига қўндирилган шам чарсиллаб ёнар, ҳамаёқ жимжит, осойишта эди. Надя ҳамма блан хайрлашди-да, ўз уйига чиқиб, кўрпага кириб ётдию, дарҳол кўзи уйқуга кетди. Аммо, кеча кечасидагидек тонг ёришмасданоқ уйғониб кетди. Уйқуси қочди, юраги безовта, қайғули эди. Бошини икки тиззасига қўйиб, қаллиғи ва тўй тўғрисида ўйларди... Негадир онасининг марҳум эрини ёмон кўрганини, ҳозир эса ҳечқандай мол-бисотга эга эмаслигини ва қайнанасига қарам бўлиб яшашини хаёлидан кечирди. Ўз онасини ажойиб ва нодир хотин деб ўйлаб келган Надя, энди қанча ўйламасин, унинг содда, оддий ва бахтсиз бир аёл эканлигини билмай келганига ўзи ҳайрон бўларди.

Саша ҳам пастда уйғоқ ётарди, унинг йўталиши эшитилиб турарди. Бу жуда қизиқ ва соддадил одам, унинг ажойиб боғлари, фонтанлари, умуман ҳамма орзу хаёллари аллақанақа қизиқ ва ақлга сифмайдиган нарсалардир, деб ўйларди Надя. Аммо, Сашанинг бу соддадиллиги шундай ажойиб нарсалар блан тўлиб-тошган эдики, Надя ўқишга кетақолсам нима қилади, деб ўйлаши бланоқ бутун вужуди севинч ва бахтга тўлиб кетди.

— Яхшиси, бу тўғрида ўйламаслик керак...— деб шивирлади Надя ўзига ўзи.— Бу тўғрида ўйламаслик керак. «Тик-ток...» деб тақилларди қоровулнинг шақилдоғи.— «Тик-ток...»

### III

Июнь ойининг ўрталарида Саша бирдан зерикиб, Москвага кетмоқчи бўлиб қолди.

— Бу шаҳарда сраям туролмайман,— дерди у, табиҳира ҳолда.— На водопроводи бор, на канализацияси! Овқат егани ҳазар қиламан, чунки ошхонанинг ичи ифлос, қараб бўлмайди...

— Вой, яна дайдилигингни бошламоқчимисан? Ахир, еттинчида тўй-ку!— дерди буви унга, негадир шивирлаб.

— Хоҳламайман.

— Ҳа, сентябрьгача тураман деб айтган эдинг-ку!

— Энди хоҳламайман. Ишлаш керак!

Бу намгарчилик, совуқ келди, дарахтлар ҳўл, боғ шумшайиб кўринарди, ҳақиқатан ҳам одамнинг ишлагуси келтир эди. Пастда ва тепадаги хоналардан бегона хотин-хандажларнинг овозлари, бувининг бўлмасидан машинанинг дукур-дукури эшитиларди: келинга сарпалар тайёрланмоқда эди. Надяга фақат почтаўстиннинг ўзидан олти та тикилмоқда, уларнинг энг арзони, бувининг гапига қараганда, уч юз сўм турар эди! Бу тараддудлар, югур-югурлар Сашанинг гашини келтирар эди; у ўз хонасида жиғибийрони чиқиб ўтирар эди; ҳарҳолда уни олиб қолишди, биринчи июльдан олдин кетмасликка сўз берди.

Вақт жуда тез ўтиб борар эди. Петр куни<sup>1</sup> обеддан кейин Андрей Андреич Надя блан бирга Москва кўчасига, куёв блан келинга атаб ижарага олинган ва жиҳозлаб қўйилган уйни яна бир марта кўргани кетишди. Уй икки қаватли бўлиб, ҳозирча фақат юқори қаватигина жиҳозланиб бўлган эди. Залнинг поли худди паркетга ўхшатиб мойланган, Вена стуллари девор тағларига қатор тизиб қўйилган, рояль, скрипка учун юпитер ҳам бор эди. Мой ҳиди келарди. Деворга зар гардишли расм осилган, расмда яланғоч хотин ва бир қулоғи синган ваза солинган эди.

— Жуда ажойиб расм,— деди Андрей Андреич ва ҳурмат юзасидан чуқур нафас олди.— Шишмачевский деган рассом ишлаган.

Кейин ўртасига тўгарак стол, диван ва усти зангори мага блан қопланган креслолар териб қўйилган меҳмонхонага ўтдилар. Диван тепасида Андрей отанинг орденлар тақиб тушган расми. Сўнгра буфет қўйилган емакхонага, ундан кейин ётоқхонага кирдилар. Чалаёруғ ётоқхонада икки кровать бир-бирига ёнма-ён зич қилиб қўйилган, бу эса ётоқни жиҳозлашганда буер жуда соз бўлади, деб ўйлаганликларини кўрсатар эди. Андрей Андреич Надянинг белидан ушлаб, ҳамма уйларни бир-бир айлантриб юрди; Надя эса ўзини ниҳоятда ожиз ва гуноҳкордай ҳис қилар, шу уйларни, кровать ва креслоларни кўргиси келмас, яланғоч хотинни кўрганда кўнгли гаши бўларди. Андрей Андреични ёмон кўриб қолганлиги ёки уни бутунлай севмаганлиги энди унга равшан эди; аммо

<sup>1</sup> *Петр куни* — православнийларда Петр ҳамда Павел-авлиёларга аталган байрам куни; эски стиль блан 29 июньга тўғри келади.

буни, кимга айтишини ва қандай айтишини, нима учун айтиш кераклигини ўзи билмас ва бу ҳақда кечаси ҳам, кундузи ҳам тинмай ўйласа-да, тагига етолмас эди... Андрей Андреич унинг белидан ушлаб, меҳрибонлик блан оҳиста алланималар дерди; ўз квартирасини кезиб юраркан, ўзини ниҳоятда бахтиёр ҳис қилар эди; Надя эса ҳамма нарсада пасткашликни, кишини зериктирадиган, жонига тегадиган пасткашликни кўрар эди, Андрей Андреичнинг қўли эса унга қаттиқ ва совуқ темир чамбаракдай туйиларди. Надянинг шу оннинг ўзидаёқ қочиб кетгуси, ҳўнг-ҳўнг йиғлагуси ёки деразадан ўзини ташлаб қочиб кетгуси келар эди. Андрей Андреич уни ваннахонага олиб кирди-да, деворга ўрнатилган жўмракни бураган эди, шариллаб сув оқабошлади.

— Қалай, жойидами?— деди у, кулиб.— Чердакка юз челак сув кетадиган бак ўрнатинглар деб буюрган эдим, мана сув ҳам тайёр.

Ҳовлини айланишди, кейин кўчага чиқиб извош ёллашди. Кўчани қалин тўзон босган, худди ҳозир ёмғир қуядигандай эди.

— Совуқ емадингми?— деб сўради Андрей Андреич, чангдан кўзларини юмиб.

Надя индамади.

— Эсингдами, кеча Саша мен бекорсан, ҳечнарсан блан шуғулланмайсан деб та'на қилди,— деди Андрей Андреич, бироздан кейин.— Тўғри айтади! Жуда тўғри гаплари! Мен ҳечнима блан шуғулланмайман, шуғулланаолмайман ҳам! Нима учун шундай-а, жоним, айтчи? Нега мен бир кунмас бир кун пешонамга кокард қадаб, хизматга кираман деб ўйласам кўнглим беҳузур бўлиб кетади? Нега адвокат ёки лотин тили муаллими ё бўлмасам маҳкама а'зосини кўрсам гашим келаверади? О, онамиз Русь! О, онамиз Русь, қанчаю-қанча бекорчи ва фойдасиз одамларни кўтариб юрасан кўксингда! Мен каби қанча одамлар бекор юради кўксингда! Жафо тортган Русь!

Андрей Андреич ўзининг бекор юрганларини умумлаштирар ва бунда замон аломатини кўрар эди.

— Тўйдан кейин қишлоққа чиқиб кетамиз, жоним,— деб давом этарди у.— Қишлоққа кетиб ишлаймиз! Бир парча ер сотиб оламизда, меҳнат қиламиз, ишлаймиз, турмушни мушоҳада қиламиз! Дар'ёга яқин жойдан, боғли ер оламиз... О, қандай мароқли ҳаёт кечирамиз!

У шляпасини бошидан олган эди, сочларини шамол тўнатиб юборди, Надя унинг гапларини тинглар экан: «Оҳ худойим, қачон уйга етамиз» деб ўйлар эди. Уйга яқин қолганда Андрей отага етиб олдилар.

— Ана, отамга ҳам етиб олдик!— деди Андрей Андрейч, вақти чоғлигидан шляпасини силкитиб.— Жуда яхши отам бор-де, ўзимнинг!— деди у, извошчига пул бературиб.— Жуда яхши кўраман отамни. Яхши чол. Меҳрибон чол.

Надя уйга жаҳли чиқиб, юраклари тошиб, хомуш бўлиб қайтди; уйга кираркан, ярим кечагача меҳмонлар бўлиши, улар блан гаплашиб ўтириш, жилмайиш, скрипка тинглаш ва ҳарқанақа бемаза гапларни эшитиб ўтириш керак ва тўйдан гапириб ўтириш керак деб ўйларди. Шойи кўйлак кийган басавлат ва кибрли буви самовар ёнида ўтирар эди. Юзига ўзининг маккор табассумини югуртириб Андрей ота кириб келди:

— Соғ-саломатликларини кўриб, мамнун бўлганимни билдириш шарафига сазоворман,— деди у, бувига қараб; бу сўзларни у чиндан айтаётиптими ё ҳазилми, билиб бўлмас эди.

#### IV

Шамол дераза ва томларни тарақлатар, печка мўриларининг ичига кириб олиб, маш'ум ашуласини айтарди. Ярим кеча эди. Ҳамма ётиб бўлган, аммо ҳали ҳечким ухламаган эди. Надянинг назарида пастда биров худди скрипка чалаётгандай эди. Бирдан бир нарса тарақ этиб кетди: шамол дераза дарпардасини тушириб юборган бўлса керак.

Бирпасдан кейин Нина Ивановна кўйлакчан ва қўлида шам кўтарган ҳолда Надянинг хонасига кирди.

— Нима тақиллади-я, Надя?— деб сўради.

Сочларини бир ўрим қилиб қўйган, юзида қандайдир ма'юс табассум акс этган онаси бу бўронли кечада анча қариган ва хунук, бўйи чўкиб кетгандай кўринарди. Надя яқинлардагини онасини ажойиб ва нодир хотин деб юрганини ва онаси гапирган гапларни қандай ғурур блан тинглаганини эслади; энди бўлса онасининг ўша сўзларини ҳеч эслайолмасди, эсига келганлари эса ожиз, аҳамиятсиз ва кераксиз сўзлар эди.

Печканинг ичидан бирданига бирқанча товуш увилгандай бўлди. Ҳатто Надянинг қулоғига: «О-оҳ, танг-



гри-им!» дегандай бўлиб чалинди. Надя ўрнидан туриб ўтирди-да, иккала қўли блан сочларини ушлаб, ҳўнграб йўглаб юборди.

— Ойи, ойижон,— деди у,— жоним ойим, мелинг кўнглимда нималар бўлаётганини билсанг эдинг! Утинаман сендан, ялиниб-ёлвораман, ижозат бер мен кетай! Утиниб сўрайман!

— Қаёққа кетасан?— деб сўради Нина Ивановна, қизининг гапига тушунмай ва кроватъга келиб ўтириб.— Қаёққа кетмоқчисан?

Надя анчагача йўглаб ўтирди ва гапирай деса, тили гапга қовушмас эди.

— Ижозат бер, шу шаҳардан кетаман,— деди охир.— Тўйнинг бўлиши мумкин эмас, бўлмайди ҳам, билгин ахир! Мен уни яхши кўрмайман, сраям... Отини ҳам тилга олишни истамайман.

— Қўй, жоним, ундай дема,— деди Нина Ивановна, кўрқиб кетиб.— Ўзингни бос, ўзингни қўлингга ол қизим, кўнгил қўймаганлигиндан шунақа деясан. Бу ўтиб кетади. Бунақанги аҳвол ҳаммада ҳам бўлади. Ё Андрей блан аразлашиб қолдингми? Ошиқ-машуқларнинг аразлашгани бир-бирини севишгани дейдилар...

— Кет, ойи, чиқиб кет!— деб ҳўнграб юборди Надя.

— Шунақа бўларкан,— деди Нина Ивановна, бироз жимликдан кейин.— Яқиндагина кичкина қиз бола эдинг, мана энди қайлиғ ҳам бўлдинг. Табиатда ҳамма нарса ўзгариб туради. Ўзинг она бўлиб қолганингни, қариб қолганингни ва худди менинг қизчамдек сенинг ҳам ўжар қизчанг бўлиб қолганини ўзинг ҳам билмай қоласан.

— Жоним ойим, меҳрибон ойим, ахир сен доно хотинсан, бахтсиз бир аёлсан, жуда бахтсиз аёлсан, нега бунақанги бемаза ва бўлмагур гапларни гапирасан-а? Айт, худо ҳақи, нимага гапирасан?— деди Надя.

Нина Ивановна бир нима демоқчи бўлди-ю, аммо айтолмади, у ҳам пиқиллаб йўглаб юборди-да, ўз уйига чиқиб кетди. Печка ичидан яна ҳархил товушлар увиллайбошлади, Надяни даҳшат босди. Ўрнидан сакраб тушди-да, онасининг олдига чиқди. Нина Ивановна кўк кўрпа тагида қўлида китоб ушлаган ҳолда йўглаб ётарди.

— Ойижон, гапимга бир қулоқ солгин!— деди Надя.— Яхшилаб тинглаб, бир ўйлаб кўргин, ахир, илтимос қиламан сендан. Турмушимизнинг нақадар паст ва бачкана,

фойдасиз эканлигини ўзинг бир ўйлаб кўр! Менинг кўзим очилди, энди ҳамма нарсани кўриб турибман. Уша Андрей Андреичинг кимлигини ҳам билдим! У бефаросат бир одам! Оҳ, худойим, худойимей! Билгин ахир, у бефаросат бир одам!

Нина Ивановна ўрнидан ирғиб туриб ўтирди.

— Бувинг блан сен мени жуда, жуда қийнаб юбордиларинг!— деди, пиқиллаб йиғлаб.— Мен яшашни истайман! Яшашни!— деди, кичкина муштчаси блан кўкрагига уриб.— Ўз измимни ўзимга берингла! Мен ҳали ёшман, яшашни истайман, мени кампирга чиқариб қўйдинглар!..

Нина Ивановна аччиқ-аччиқ йиғлади, кейин кўрпага кириб ётди-да, қўл-оёқларини йиғиштириб, худди муштдай бўлиб қолди. Надяга жуда кичкина, ожиз ва тентак бўлиб кўринди. Надянинг ойисига раҳми келди, Надя ўз уйига чиқди-да кийинди, дераза олдига бориб, тонг отишини кутиб ўтирди. Кечаси блан ўтириб, ўйлаб чиқди, ташқарида эса кимдир биров дераза дарпардасини тақиллатар ва ҳуштак чалар эди.

Эрталаб, кечаси шамол ҳамма олмаларни тўкиб кетипти, ҳатто бир туп эски олхўрини ҳам синдириб кетипти деб буви нолиди. Осмон булут, ҳамаяқ қоронғи, диққинафас, чироқ ёқса бўладиган эди. Ҳамма совуқдан нолирди, ёмғир дераза ойналарига келиб урарди. Понуштадан кейин Надя Сашанинг олдига кирди-да, бир сўз ҳам демасдан, бурчакдаги кресло олдига бориб тиз чўкиб, иккала қўли блан юзини беркитди.

— Нима?— деб сўради Саша.

— Ортиқ тоқатим қолмади...— деди Надя.— Қандай қилиб буерда кун кўрганимга ўзим ҳам ҳайронман, сра ақлим етмайди! Қайлиғимни ёмон кўраман, ўзимдан ҳам нафратланаман, ма'носиз ва бекорчи турмушдан ҳазар қиламан...

Гапнинг тагига ҳали тушуниб етмай турган Саша:

— Ҳа, ҳа, шунақами,— деди.— Зарари йўқ... Жуда соз.

— Бундай турмуш жонимга тегди, тўйдим,— деб давом этди Надя.— Бир кун турсам юрагим тарс ёрилиб кетади. Эртагаёқ кетаман. Мени ҳам бирга олиб кетинг, барака топкур!

Саша қизга бир он оғзи очилиб қараб қолди, кейин гапнинг нималигига тушунди-да, худди ёш болалардай севиниб кетди, икки қўлини баланд кўтариб, худди ўйинга тушган одамдай, оёқлари блан ер тепинабошлади.

— Жуда сөз бүпти-да!— дәрди у, құлларынни бир-бирига ишқалаб.— Жуда сөз! Ана энди ўзингга кепсан!

Надя унга севги ила тўлган катта-катта кўзлари блан тикилиб қарар, ҳозир у менга ниҳоятда ажойиб ва улуг сўз айтади деб ўйларди; Саша ҳали унга ҳечнарсa демади, аммо Надянинг назарида илгарилар ўзи билмаган қандайдир кенг ва янги муҳит очилаётгандай туйиларди, Надя эса ўзини бу кенг ва янги муҳитга тамоман бағишлаган, ҳатто ўлишга ҳам тайёр тургандай сезарди.

— Мен эртага жўнаб кетмоқчиман,— деди Саша бироз ўйлаб тургандан кейин.— Сиз мени кузатгани вокзалга чиқасиз... Сизнинг багажингизни мен чемоданимга солиб оламан, билетни ҳам ўзим олиб қўяман. Учинчи қўнғироқ урилганда вагонга кирасиз-да, жўнаб кетаверасиз. Мен Москвада тушиб қоламан, Петербурггача ўзингиз кетасиз. Паспортнингиз борми?

— Бор.

— Худо ҳақи, бу ишингиздан ҳечбир пушаймон бўлмайсиз,— деди Саша, завқланиб.— Бориб ўқийсиз, уёғи пешонангиздан. Ўз ҳаётингизни остин-устин қилиб юборганингиздан кейин ҳамма нарса ўзидан ўзи ўзгариб кетади. Демак, эртага бирга жўнаб кетадиган бўлдикми?

— Ҳа, ҳа, худо ҳақи!

Надя ўзини жуда ҳаяжонланган, умрида бошига мунчалик қийинчилик тушмаган, то жўнаб кетгунича қийналиб, азоб чекадиган, бошини ўй-хаёллар босиб турган одамдай сезарди; аммо ўз уйига кирди-ю, кроватига ёнбошлаб ётган эдики, бирдан қотиб ухлаб қолди, шу ухлаганича қош қорайгунча ухлади, ухлаб ётганида ҳам кўз ёшлари из қолдириб кетган чехрасидан табассум кетмасди.

## V

Извошга одам юборилди. Пальто ва шляпасини кийган Надя онасига, ўзи турган хонага ва ундаги нарсаларга яна бир марта қараш учун тепага чиқди; пича кровать ёнига бориб турди, атрофга бир назар ташлади-да, секин онасининг уйига кирди. Нина Ивановна ухлаб ётганди, уйнинг ичи жимжит эди. Надя онасининг юзидан ўпиб, сочларини тузатиб қўйди, икки минутча тепасида қимирламай турди... Сўнгра шошилмасдан пастга тушди.

Ташқарида жала қуяр эди. Кўча эшик олдида уларни соявони кўтарилган извош кутарди.

Хизматкорлар чемадонларни извошга жойлаштирар экан, бувиси:

— Сен сизмайсан, Надя,— деди.— Шу ёмғирда кузатиб қўйиш нимаси! Тинчгина уйда ўтирсанг бўлмайди-ми! Жалани қара!

Надя бир нима демоқчи бўлдию, айтолмади. Саша уни извошга ўтирғизди, оёқларини катта жун рўмол блан ўраб қўйди-да, кейин ўзи ҳам унинг ёнига чиқиб ўтирди.

— Яхши бор! Худо ўз паноҳида сақласин!— деб қичқирди буви, эшик олдида туриб.— Саша, бизга Москвадан хат ёзиб тур!

— Тузук! Яхши қолинг, бувижон!

— Омон-эсон етиб олгин, илоҳим!

— Осмоннинг таги тешилдими дейман,— деди Саша.

Надянинг кўзига энди ёш келди. У бувиси блан хайрлашганида, онасига қараб турганида, бутунлай жўнаб кетишига унча ишонқирамаган эди, энди эса жўнаб кетиши муқаррар эди. Алвидо', эй шаҳар! Шу топда унинг хаёлига: Андрей, унинг отаси, янги уй, вазалар ёнидаги яланғоч хотин кўз олдига келди; бу нарсалар энди уни қўрқитмас, унинг гашига тегмас, балки жуда бачкана, арзимаган бир нарсадай кўринар, унинг хаёлидан тобора узоқлашиб борар эди. Вагонга тушиб, поезд жўнаб кетгач катта ва жиддий кўринган бу ўтмиш бужмайиб қолди-да, унинг жойини илгари кўзга кўринмаган улуғ, бепоён келажак босди. Ёмғир томчилари вагон деразаларига келиб урар, кўмкўк далалар, телеграф устунлари, телеграф симларида тизилиб ўтирган қушлар кўринарди, Надянинг бутун вужудини шодлик чулғаб олди. У эркинликка чиққанини, ўқишга кетаётганини ўйлади, бу эса бир замонлар казакликка кетиш одати блан баравар эди. У ҳам кулар, ҳам йиғлар, ҳам ибодат қилар эди.

— Қўрқма! Хавотирланма!— деяр эди Саша кулиб.

## VI

Куз келиб, қиш келди. Надя онасини, бувисини жуда соғинган, уларни кунда хотирлар эди. Саша ҳам хаёлидан кетмасди. Уйдан меҳрибон ва сокин ҳисларга тўла хатлар келиб турарди, унинг гуноҳи кечирилган ва унутилган эди. Май ойида, имтиҳонларини бериб бўлиб, тани-жони соғ, кайфи чоғ Надя уйига жўнаб кетди, йўлакай Сашани ҳам кўриб кетмоқчи бўлиб, Москвага тушди. Саша ҳамон ўша эски Саша эди, соқоллари ўсиб

кетган, сочлари тўзиган, эгнида ўша эски сюртуги, парусин шими, ўша катта-катта ажойиб кўзлар; аммо рангирўйи ёмон, хаста кўринарди, анча қариб ҳам қолган, ориқлаб ҳам кетганди, ҳамон йўталар эди. Нима учундир, Надянинг назарида, Саша худди қолоқ қишлоқи бир одамга ўхшаб кўринди.

— Ийя, ийя, келсинлар! Азизим, жонгинам Надя!— деди Саша ва хурсанд бўлиб кулди.

Тутун босиб кетган, тушъ ва ҳархил бўёқларнинг ҳидидан одамнинг нафаси бўғиладиган литографияда гапиршиб ўтирдилар; кейин Сашанинг уйига боришди, унинг уйини ҳам тутун босиб кетган, ҳамаёғи ифлос эди: совуб ётган самовар ёнида лаби учган талинка турарди; стол устида ва бутун атрофда ўлик пашшалар ётарди. Сашанинг маишати ёмонлиги, ўзига қарамаслиги, қулайликлардан мутлақо фойдаланмаслигини Надя дарров билди, агар Сашага биров унинг маишати, бахти, севги тўғрисида гапирса, тушунмасдан кулиб қўяқолар эди.

— Бости-бости бўлиб кетди, хотиржамлик,— деб гапирди Надя, ўз ишларини.— Кўзда ойим мени кўргани Петербургга келди, бувим ҳам мендан хафа эмас эмиш, мен турган уйга кириб, деворларни чўқинтирармиш.

Сашанинг кайфи чоғ эди, аммо йўтали сра босилмас, гапирганда овози чиқмай қолаётгандай эди. Надя унга тикилиб қарар ва «Саша ҳақиқатан касалми ё менинг кўзимга шундай кўринадими?» деб ўйларди.

— Саша, азизим,— деди у,— тобингиз йўқ кўринасизку?

— Йўге, унчалик эмас. Касалликка касалман-у, аммо касалим айтарли оғир эмас...

— Эҳ, Саша, Саша,— деди Надя, ҳаяжонланиб.— Нега ўзингизни боқимайсиз, нега соғлигингизни аямайсиз Азизим, қимматли Саша,— Надянинг кўзларидан ёш чиқди ва шу онда унинг кўз олдига Андрей Андреич, яланғоч хотиннинг сурати, унинг ёнидаги ваза ва худди узоқ ёшлигидек бўлиб ўтмиши келди; у, Сашанинг ортиқ интеллигент кўринмагани, бултурги сингари жозибали эмаслигини кўриб йиғлаб юборди.— Саша, жоним Саша, касалингиз қаттиқ. Сизнинг тузалиб кетишингиз учун қўлимдан келадиган ҳар нарсани қилишга тайёрман. Мен сиздан бениҳоя миннатдорман. Менга қанчалик яхшилиқ қилганингизни ўзингиз ҳам билмайсиз, жоним Саша! Аслини суриштирганда, сиз менинг энг яқин, энг қадрдон одамимсиз.

Улар хийла гаплашиб ўтирдилар; эндиликда, **Надя**, Петербургда бир қиш туриб келгандан кейин, Сашадан, унинг сўзларидан, жилмайшидан ва бутун қиёфасидан аллақачонлар вақти ўтганлик, эскирганлик, сийқаланиб кетганлик ва балки умри тугаганлик акс этиб турарди.

— Мен индинга Волгага кетмоқчиман,— деди **Са-ша**.— Кейин қимизли жойларга кетаман. Бир қимизхўрлик қилмоқчиман. Мен блан бирга бир ўртоғим ҳам бормоқчи, хотини блан. Хотини жуда ажойиб. Мен унга ўқишга маслаҳат бердим. Унинг ҳаётини ўзгартириб олишини истайман.

Гаплашиб бўлиб вокзалга чиқишди. Саша чой ва олма блан зиёфат қилди; поезд жўнаб кетганда Саша кулиб, рўмолчасини силкитиб қолди; унинг қаттиқ касаллиги ва умри кўпга бормаслиги ҳатто юришидан ҳам кўриниб турар эди.

Надя ўзининг туғилиб ўсган шаҳрига чошгоҳ маҳалда етиб келди. Вокзалдан уйига кетар экан, кўчалар унга ниҳоятда кенг, уйлар эса кичкина ва пакана бўлиб кўринарди; кўчаларда кимса кўринмас, малла пальто кийган пианино созловчи немисгина учради холос. Ҳамма уйлар нураб, чанг босиб кетганга ўхшарди. Қариб букчайиб қолган, ҳамон хунук ва семиз бувиси **Надяни бағрига** босиб, юзини унинг елкасига қўйиб, анчагача йиғлади. **Нина Ивановна** ҳам анча қариб қолган, чеҳраси хунуклашган, аммо аввалгидай тор ва олифта кийим кийган, бармоқларида бриллиантлар ярқирар эди.

— **Жоним қизим!**— деди у, бутун а'зойи-бадани дагдаг титраб.— **Ўзимнинг қизим!**

Кейин анчагача индамай йиғлаб ўтиришди. Бувисининг ҳам, онасининг ҳам ўтмишининг бутунлай қайтиб келмаслигига, илгариги иззат-икромлар, кунда меҳмон кутишларнинг энди бўлмаслигига кўникиб қолганликлари кўриниб турарди; айши-ишрат суриб турган бир оилага бирдан кечаси полиция келиб қолиб, оила бошлиғининг қалбаки ҳужжатлар ясаб, ҳазина пулларини еб юборгани ма'лум бўлганда худди шундай бўлади.

Надя тепага чиқиб, ўзининг кроватини, оппоқ парда тутилган деразаларни, дераза ёнида туриб эса қуёш шу'лаларида чўмилган кўмкўк, шиннам ва серсадо боғни тамоша қилиб турди. Кейин ўзининг столини ушлаб кўрди, стол ёнига ўтириб, хаёлга кетди. Овқатни ҳам иштаҳа блан еди, чойни ҳам роҳат қилиб ичди, аммо нечундир

бир нима йўқдай, худди ҳамма уйлар бўшаб ҳувиллаб қолгандай эди, шифтлар ҳам пастдай кўринар эди. Кечқурун кроватида кўрпа ёпиниб ётди, юмшоқ ва илиқ ўринда ётганидан кулгиси келар эди.

Нина Ивановна келиб, худди бирон гуноҳ қилиб қўйган одамдай, атрофга чўчиб қараб, қизининг ёнига келиб ўтирди.

— Хўш, қалай, Надя?— деди, бироз жим ўтиргандан кейин.— Хурсандмисан? Жуда хурсандмисан?

— Ҳа, хурсандман, ойижон.

Нина Ивановна ўрнидан туриб, қизини ва ойналарни чўқинтирди.

— Мен диндор бўлиб кетганман,— деди ойиси,— энди фалсафа блан шуғулланаяпман, ўйлаганим ўйлаган... Энди кўп нарсалар равшан бўлиб кўрилади кўзимга, кўп нарсаларни билдим. Менимча, одамнинг умри ҳар қийинчиликдан ўтмоғи керакки...

— Бувимнинг сиҳати қалай, ойи?

— Ёмон эмасга ўхшайди. Саша блан бирга кетиб қолганингдан кейин телеграмма келди, ўша телеграммани ўқиди-ю, ҳушидан кетиб йиқилди. Уч кунгача қимирламай ётди. Кейин нуқул йиғлаб, худго нола қилаверди. Ҳозир анча тузалиб қолди.

Нина Ивановна ўрнидан туриб, уй ичида нари-бери юрди.

«Тик-ток...» — дерди қоровулнинг шақилдоғи, — «тик-ток...»

— Энг олдин одамнинг умри ҳамма қийинчиликлардан ўтмоғи керак,— деди ойиси,— я'ни кишининг умри ўз онгида энг оддий унсурларга бўлинмоғи, ҳарбир унсур алоҳида-алоҳида ўрганилмоғи керак.

Нина Ивановнанинг яна нималар деганини, қачон чиқиб кетганини Надя билмади, чунки қотиб ухлаб қолган эди.

Май ҳам ўтди, июнь ҳам келди. Надя ўз уйига ўрганиб қолди. Бувиси самовардан чой қуяр, оғир нафас олар эди. Нина Ивановна кечалари фалсафадан гапириб ўтирарди; у ҳали ҳам шу даргоҳга қарам эди, бир танга пулга зор бўлиб қолинса бувидан сўраб олиш керак эди. Уй ичини пашша босиб кетган, шифтлар эса борган сари пастлашиб кетаётганга ўхшарди. Андрей ота блан Андрей Андреичнинг учраб қолишидан қўрқиб, буви блан Нина Ивановна кўчага чиқишмас эди. Надя боғни айланиб, кў-

чаларда сайр қилиб юрар, уйлар, кўча деворларини кўздан кечирарди, унинг назарида бутун шаҳар эскиб, нураб қолган, ўзининг йўқ бўлиб кетишини ва қандайдир ёш ва янги ҳаёт бошланишини кутгандай эди. Қани энди, ўша янги ва ёрқин ҳаёт тезроқ келақолса, киши ўз тақдирига дадил қарайолса, ўз эркини таниса, хушчақчақ ва шод бўлақолса! Эртами, кечми, бундай ҳаёт, албатта, келади, албатта! Бувисининг уйида, буерда ҳамма ҳаёт шундай қурилганки, тўртта хизматкор подвалда, ифлос ва зах босиб ётган уйда тиқилиб ётади, бу уйдан асар ҳам қолмайдиган вақт келар-ку, ахир! Надянинг кўнглини фақат кўшни ҳовлидаги болалар хуш қилар эдилар; у боғда сайр қилиб юраркан, болалар деворни тақиллатиб:

— Қайлиг! Қайлиг!— деб масхара қилар ва кулишар эди.

Сашадан Саратовдан хат келди. Саша ўзининг эгрибугри хатида Волгада яхши саёҳат қилганини, аммо Саратовда бетоб ётиб қолганини, овози бўғилиб, икки ҳафтадан бери касалхонада ётганини ёзган эди. Бу шум хабарнинг тагида жиддий бир нарса борлиги Надяга равшан эди. Унинг Саша ҳақида илгаридек ўйламаслиги, унга аввалгидек раҳми келмаслигидан ўзидан хафа бўларди. Унинг жўшқин ҳаёт кечиргуси, Петербургга жўнаб кетгуси келди. Саша блан бўлган дўстлиги эса унга аллақачонлар ўтиб кетган бир ҳаёлдай эди. У кечаси блан ухламай чиқди, эрталаб дераза ёнида эшик тиқ этса қулоқ солиб ўтирди. Дарҳақиқат, пастдан овозлар эшитилабошлади; бувиси хавотирланиб аллакимдан гап сўрарди, кейин яна аллаким йиғлаб юборди... Надя пастга тушганда бувиси бурчакда фотиҳа ўқиб турар, юз-кўзлари ёшдан ҳўл бўлиб кетган эди. Столда телеграмма ётарди...

Надя бувисининг йиғисини эшитиб узоқ маҳалгача уйни айланиб юрди, кейин телеграммани олиб ўқиди. Телеграммада Александр Тимофеевичнинг, я'ни Сашанинг Саратовда вафот этгани хабар қилинар эди.

Бувиси блан Нина Ивановна дуойи-фотиҳасини қилиш учун черковга кетишди. Надя эса анчагача уйларни кезиб, хаёлга чўмиб юрди. У, ўз ҳаётининг ўзгариб кетганини, я'ни Саша айтгани келганини, ўзининг бу уйда бегона, ёт ва кераксиз одам эканини, буернинг ўзи ҳам унга керакмаслигини, бутун ўтмишидаң биронта ҳам асар қолмаганини, ҳамма ўтмиш куйиб кули кўкка совурилганини



аниқ сезар эди. У Сашанинг бўлмасига кириб, бир оз турди.

«Алвидо, қимматли Саша!» деб ўйлади у ва унинг кўз олдига янги ва порлоқ ҳаёт келди, бу ҳаёт унга аниқ ва равшан бўлиб кўринмаса-да, сирли ва жозибали эди, уни ўзига тортарди.

Надя ўз бўлмасига чиқди-да, нарсаларини йиғиштирди, эртаси куни эрталаб ҳамма блан хайрлашиб, кайфи чоғ ҳолда, ўз шаҳрини абадий ташлаб кетди.

1903



# ПЪЕСАЛАР



20 А. П. Чехов

## ЧАЙКА<sup>1</sup>

### 4 пардали комедия

#### ИШТИРОК ЭТУЧИЛАР

Ирина Николаевна Аркадина, эрининг фамиляси буйича Треплева, актриса.

Константин Гаврилович Тrepлев, унинг ўгли, ёш йигит.

Петр Николаевич Сорин, унинг акаси.

Нина Михайловна Заречная, ёш қиз, бой помещикнинг қизи.

Илья Афанасьевич Шамраев, хизматдан бўшаган поручик, Сориннинг иш бошқаручиси.

Полина Андреевна, унинг хотини.

Маша, унинг қизи.

Борис Алексеевич Тригорин, ёзучи.

Семён Семёнович Медведенко, муаллим.

Яков.

Хизматкор,

Ошпаз.

Хизматчи хотин.

Воқиа Сориннинг қишлоқдаги қўрғонида бўлади. Учинчи ва тўртинчи пардалар орасида икки йил вақт ўтади.

#### БИРИНЧИ ПАРДА

Соринлар боғининг бир чеккаси. Тамоша зали томонидан боғнинг ичкарисига қараб, кўл томонга кенг хибдон чўзилиб кетган, уни хонаки спектакль учун наридан-бери қурилган эстрада тўсиб турипти. Шу туфайли кўл бутунлай кўринмайди. Эстраданинг чап ва ўнг томонлари чакалакзор. Бирнеча стул ва кичкина стол.

<sup>1</sup> Оқ чорлоқ.

Қуёш эндигина ботган. Пардаси ёпиқ эстраданинг ичида Я қ о в ва бошқа хизматкорлар бор; сахна ичидан йўтал ва тақиллаган овозлар эшитилади. Маша блан Медведенко чап томондан, сайр-тамошадан қайтиб келадилар.

Медведенко. Нега энди доим қора кийиб юрасиз? Маша. Бу ҳаётимизнинг азаси. Мен бахтсизман.

Медведенко. Нега энди? *(Уйланади.)* Тушунолмайман... Ўзингиз соғ-саломатсиз, отангиз эса, гарчи бадавлат бўлмаса ҳам, ўзига тўқ. Мен сизга қараганда, хийла оғир ҳаёт кечираман. Ойига бори-йўги 23 сўм оламан, шундан ҳам эмеритурага<sup>1</sup> ушлаб қолишади, шундай бўлса ҳам мен қора кийиб юрмайман. *(Ўтирадилар.)*

Маша. Гап пулда эмас. Камбағалнинг ҳам бахтиёр бўлиши мумкин.

Медведенко. Назарияда-ку шунақа-я, аммо амалда эса бошқача бўлиб чиқади: мана мен, онам, бунинг устига икки синглим блан укам бор, маош бўлса жам'и 23 сўм. Ахир ейиш, ичиш керакми? Чой блан қанд керакми? Тамаки керакми. Шундай бўлгач эплаштириб кўрингчи!

Маша *(эстрадага қараб)*. Ҳадемай спектакль ҳам бошланади.

Медведенко. Шундай, Заречная ўйнайди, пьесани бўлса Константин Гаврилович ёзган. Улар бир-бирларини севиб қолишган, бугун уларнинг қалби ягона бир бадий образни яратиб бериш майли блан бирлашади. Менинг қалбим блан сизнинг қалбингиз бошқа-бошқа, қалбларимиз бир-бирига ўхшамайди. Мен сизни севаман, соғинганимдан уйда ўтиролмайман, ҳар куни буёққа олти чақирим, яна уёққа олти чақирим пиёда йўл босаман, аммо сизнинг тарафингиздан фақат бепарволик кўраман, холос. Бу ма'лум нарса. Мен камбағал, оилам эса катта... Ейишга овқати йўқ одамга ким ҳам эрга чиқишни хоҳлайди дейсиз.

Маша. Бўлмаган гап. *(Тамаки ҳидлайди.)* Сизнинг муҳаббатингиз менга та'сир қилапти, лекин мен унга муносиб жавоб қилолмайман, бор гап шу. *(Тамаки қутисини унга узатади.)* Марҳамат.

Медведенко. Хоҳишим йўқ. *(Пауза.)*

Маша. Ҳаво дим бўлаяпти. Кечаси момақалдироқ бўладиганга ўхшайди. Сиз бўлсангиз доим фалсафа сота-

<sup>1</sup> Бир маҳкама хизматчиларининг ойлигидан ушланиб қоладиган пенсия капитали.

сиз ё бўлмаса пул ҳақида гапирасиз. Сизнингча дунёда камбағалликдан бошқа бахтсизлик йўқ, менимча жулдир кийимда юриш, тиланчилик қилиш, менинг ҳозирги аҳволимдан минг ҳисса яхшироқ, чунки... ҳе, келинг кўйинг, сиз бунга барибир тушунмайсиз...

Ўнг томондан Сорин ва Треплев киради.

Сорин (*ҳассасига суяниб*). Менинг миждимга, ука, қишлоқ унча тўғри келмайди, бу ма'лум нарса, мен барибир буерга кўниколмайман. Кеча кечқурун соат ўнларда ётдим, бугун эрталаб соат тўққизда турдим, шундай ҳис қиляпманки, кўп ухлаганимдан миям бош суягимга ёпишиб қолганга ўхшайди ва ҳоказо гап. (*Кулади.*) Тушлик овқатдан кейин бўлса бехосдан яна ухлаб қолибман, маана энди тамом ланжман, ўзимни жуда ёмон ҳис этаяпман ва ниҳоят шуни айтиш керак...

Треплев. Тўғри, сен шаҳарда яшасанг керак. (*Маша блан Медведенкони кўриб.*) Афандилар, тамоша бошланганда сизни чақирадилар, ҳозирча буерда ўтириш мумкин эмас. Марҳамат қилиб, боринглар.

Сорин (*Машага*). Марья Ильинична, барака топинг, дадангизга айтсангиз, итни ечиб кўйиш тўғрисида буйруқ берсалар, финшийбериб жуда жонга тегди. Синглим, бугун ҳам кечаси блан ухлайолмади.

Маша. Отам блан ўзингиз гаплашинг, мен гаплашмайман. Худо хайрингизни берсин, бу ишдан мени холи этинг. (*Медведенкога.*) Юринг, кетдик!

Медведенко (*Треплевга*). Демак, сиз тамоша олдидан бизга одам юборасиз.

Ҳар иккаласи чиқиб кетади.

Сорин. Демак, бугун ҳам туни блан ит финшийб чиқади десангизчи. Қизиқ гап, ҳечқачон мен қишлоқда ўзим истагандек яшайолмайман. Илгарилари 28 кунга отпускаи олиб, ҳордиқ чиқаргани буерга келардим, шу блан тамом эди. Аммо буерда бўлса турли бўлмағур нарсалар шундай жонга тегар эдики, келган кунингоқ жўнаб қолдинг келарди. (*Кулади.*) Мен ҳар сафар буердан жон-жон деб, жўнаб кетардим... Энди бўлса хизматдан истефо берган кишиман, борадиган жойим ҳам йўқ. Ниҳоят шуни айтиш керакки, истасам ҳам, истамасам ҳам барибир шу ерда яшайман...

Яков (*Треплевга*). Константин Гаврилович, биз чўмилгани борамиз.

Треплев. Яхши, фақат ўн минутдан сўнг жойингизда бўлинг. (*Соатига қарайди.*) Тез орада бошланади.

Яков. Хўп бўлади. (*Кетади.*)

Треплев (*саҳнага кўз ташлаб*). Мана шу ҳам театр! Парда, ундан кейин биринчи кулис, кейин иккинчиси, ундан нарёғи бўшлиқ. Ҳечқандай декорация йўқ. Парда очилганда кўзга кўл блан уфқ кўринади. Пардани роса соат саккиз яримда, ой чиққанда очамиз.

Сорин. Жуда соз.

Треплев. Агар Заречная кечикиб қолса, шубҳасиз, тамошанинг бутун қизиғи кетади. Аллақачоноқ келиши керак эди. Отаси блан ўгай онаси унинг ҳарбир қадами ни пойлайдилар, унга уйдан чиқиб келиш худди тюрмадан чиқиб келишдай қийин. (*Тоғасининг галстугини тузатиб кўяди.*) Соч-соқолинг пахмайиб, тўзиб кетипти, бироз олдирсанг тузук бўлармиди...

Сорин (*соқолини қашлаб*). Ҳаётимнинг фожиаси бу. Ёшлигимда ҳам башарам шунақа эди, баайни, сурункасига ичиб юрган кишига ўхшардим. Мени ҳечқачон хотинлар яхши кўрмаган. (*Ўтиради.*) Нима учун синглимнинг кайфи бузуқ кўринади?

Треплев. Нима учун? Зерикади. (*Елғиз ўтиради.*) Рашк қилади. У, ҳалитданоқ менга ҳам, спектакльга ҳам, менинг пьесамга ҳам қарши, чунки у эмас Заречная ўйнайди. У менинг пьесамни билмайди, аммо ҳалитданоқ уни ёмон кўради.

Сорин (*кулиб*). Э, қаёқдаги гапни гапираётибсан...

Треплев. Мана шу кичкина саҳнада у эмас, Заречнаянинг муваффақият қозониши унга алам қилади. (*Соатига қарайди.*) Менинг онам жуда галати табиатли аёл-да. Шубҳасиз у қобилиятли, ақлли, китоб устида жонини беради, Некрасовнинг ше'рини ёддан ўқиб беради. Қасаллар устида худди фаишгадек парвона бўлади; аммо унинг олдида Дузени мақтаб кўр! Уҳҳу! Фақат уни мақташ керак, унинг ҳақидагина ёзиш лозим, унинг «*La dame aux camélias*»<sup>1</sup>да ёки «Ҳаёт тутуни»<sup>2</sup>да зўр маҳорат блан ўйнашини қиқчириб мадҳ этиш керак, аммо буерда, қишлоқда унақанги тумтарақлар бўлмагани учун, у зерика-

<sup>1</sup> «*Камелияли хоним*» — А. Дюманинг пьесаси.

<sup>2</sup> Б. Маркевич пьесаси.

дию, захрини бизга сочади, биз ҳаммамиз унинг душмани, гўё биз ҳаммамиз унинг олдида айбдор. Кейин у жуда хурофотчи, уч шамдан, ўн учинчи рақамдан қўрқадди. Ўзи хасис. Унинг Одессадаги банкда етмиш минг сўм пули бор. Буни мен аниқ биламан. Аммо ундан пул қарз сўраб кўр, шу заҳоти йиғлаб юборади.

С о р и н. Сен, пьесам онамга ёқмайди, деб ўйлаб, ҳалитдан ҳаяжонга тушаётибсан холос. Тинчлан, онанг сени яхши кўради.

Т р е п л е в (*гулнинг баргини юлиб*). Севади-севмайди, севади-севмайди, севади-севмайди. (*Кулади.*) Мана кўраяпсанми, онам мени севмас экан, севмайди. Бўлмасачи! У яшашни, севишни, рангоранг либослар кийишни хоҳлайди, мен эса йигирма бешларга кириб қолдим. мен ҳамавақт онамга унинг кексайиб бораётганини эслатиб турибман. Мен йўғимда унинг ёши атиги ўттиз иккида эди, менинг ҳузуримда қирқ учда, мана шунинг учун ҳам у мени ёмон кўради. Шунингдек у менинг театрни таноламслигимни ҳам билади. Ўзи эса — театрни севади, ўзини инсониятга, муқаддас сан'атга хизмат қилаётибман, деб ҳис этади, менимча ҳозирги театр — эскилик, хурофотдан бошқа нарса эмас. Парда очилганда, тунги чироқ шу'ласи остида, уч деворли хонада бу зўр исте'одлар, муқаддас сан'ат муҳиблари одамларнинг қандай таом ейиши, ичиши, севиши, юриши ва кийим кийишларини ифодалаб берар эканлар; ярамас манзара ва сўзлардан бирон ахлоқ — кичкина, ўнггай англашиладиган, рўзғор учун фойдали бўлган ахлоқ ўйлаб чиқаришга уринар эканлар ва менга ўша бир, ўша биргина нарсани минг хил қиёфага солиб келтираберар, келтираберар эканлар, мен бема'ни, Эйфел минорасидан Мопассан қочгани каби бошимни чангаллаб улардан қочаман.

С о р и н. Театрсиз мумкин эмас.

Т р е п л е в. Янги шакллар керак. Янги шакллар зарур, агар улар бўлмаса, у ҳолда ҳечнарсанинг бўлмгани ма'қул. (*Соатига қарайди.*) Мен онамни севаман, қаттиқ севаман; аммо у ма'носиз ҳаёт кечиради, анави ёзучи блан ҳамиша илашиб юради. Номини доимо газетага ёзганлари ёзган — бу эса тинкамни қуритади. Ба'зан менинг қалбимда оддий кишиларга хос бўлган худбинлик бош кўтаради. Ба'зан онамнинг машҳур актриса эканидан ўкинаман ҳам. Агар у оддий аёл бўлганда, мен ўзимни бахтлироқ деб ҳис қилардим. Ба'зан унинг олдида

ёптасига шуҳрат эгалари бўлган: артистлар, ёзучилардан иборат меҳмонлар ўтиришади. Улар орасида ожиз, ҳеч нарсага арзимайдиган ёлғиз менгина ўтираман, улар мен билан фақат унинг ўгли бўлганим учун муомала қиладилар. Тоғажон, ахир бундан ҳам алам қиладиган, бундан ҳам бема'нироқ вазият бўладими? Мен кимман? Нимаман ўзим? Изоҳ қилиб бўлмайдиган вазият юз бериб университетнинг учинчи курсидан чиқиб кетдим, ҳечқандай қобилиятим, бир пақир пулим йўқ, паспортимга эса, киевли мешчанин деб ёзилган. Менинг отам машҳур актёр бўлса ҳам, киевли мешчанин эди-ку! Шундай қилиб онамнинг меҳмонхонасида ўша артистлар, ёзучилар менга шафқат билан илтифот кўрсатар эканлар, менга улар худди ўз назарлари билан менинг ожизлигимни ўлчаётган бўлиб туйилар эди,— мен уларнинг фикрларини англаб эдим-да, оёқости бўлаётганим учун изтироб чекардим...

**С о р и н.** Дарвоқи' менга айтчи, бу ёзучи қанақа одам ўзи! Унга сра тушуниб бўлмайди. Доим индамай юради.

**Т р е п л е в.** У ақлли ҳамда содда одам, аммо бироз савдойироқ. Ўзи дуруст киши. Ҳали қирққа ҳам етмаган. Аммо ҳалитданоқ машҳур ва кекирдагига қадар тўқ... Агар унинг асарларига келсак, у... сенга қандай деб айтсам бўларкин? Еқимтой, исте'дод билан ёзилган... броқ Толстой ёки Золядан кейин Тригоринни ўқигинг келмайди.

**С о р и н.** Аммо, мен, ука, адабиётчиларни яхши кўраман. Бир вақтлар икки нарсани жуда орзу қилардим: уйланишнию, ёзучи бўлишни, броқ униси ҳам, буниси ҳам бўлмади. Ҳа, жуда бўлмаса кичикроқ ёзучи бўлиш ҳам яхши нарса. Ниҳоят шунини айтиш керак-ки...

**Т р е п л е в** (*қулоқ солади*). Мен оёқ товушларини эшитаяпман... (*Тоғасини қучоқлайди.*) Мен усиз яшайолмайман... Ҳатто унинг оёқ товушлари жуда ажойиб... Мен бениҳоят бахтиёрман... (*Тез-тез юриб, саҳнага кириб келаётган Нина Заречнаянинг қаршисига боради.*) Маликам, менинг орзу-умидим!

**Н и н а** (*ҳаяжонда*). Кечикканим йўқ шекилли... Албатта, кечикканим йўқ...

**Т р е п л е в** (*унинг қўлларини ўпади*). Йўқ, йўқ, йўқ...

**Н и н а.** Куни билан безовта бўлдим, қаттиқ ваҳимага тушдим! Отам юбормай кўядими деб, жуда кўрқдим... Аммо у ҳозир ўгай онам билан жўнаб кетди. Осмон қизариб, ой чиқабошлагач мен отимга устма-уст қамчи босиб,



елиб келдим. (Кулади.) Мен хурсандман. (Сориннинг кўлини қаттиқ қисиб кўришади.)

Сорин (кулади). Кўзларингиз қизарган, назаримда йиғлаган кўринасиз. Ҳе, ҳе! Яхши эмас!

Нина. Йўқ, шунчаки ўзим... Кўраясизми, нақадар оғир нафас олаялман. Ярим соатдан сўнг қайтиб кетишим керак, шошилиш лозим. Худо хайр берсин, мени узоқ ушлаб қолманг. Мумкин эмас, мумкин эмас. Буерда эканимни отам билмайди.

Треплев. Дарҳақиқат, бошлаш фурсати етди. Бориб ҳаммасини чақириб келиш керак.

Сорин. Мен бориб чақириб келақолай. Бир нафасда бўлади. (Унг томонга қараб кетади ва ашула айтади.) «Францияга икки гренадёр<sup>1</sup>...» (Атрофга қарайди.) Бир вақтлар худди шунга ўхшаб кўшиқ айтганимда товариш прокурора<sup>2</sup> менга қараб: «Жаноблари, овозингиз жуда ўткир экан-у»... деган эди. Кейин бироз ўйланиб туриб: «Лекин... ёқимсиз» деб кўшиб қўйган эди. (Кулганича чиқиб кетади.)

Нина. Отам блан ўгай онам мени бу ёққа юборишмайди. Буерни улар богема дейдилар... Мени актриса бўлиб кетмаса эди, деб кўрқишади.. Мен эса худди чайка сингари буёққа — кўлга қараб интиламан... Юрагимда севгингиз ҳоким... (Атрофга қарайди.)

Треплев. Ўзимиздан бўлак ҳечким йўқ.

Нина. Назаримда анов ёқда биров бор...

Треплев. Ҳечким. (Упишадилар.)

Нина. Бу қандай дарахт?

Треплев. Қайрағоч.

Нина. Нима учун у буқадар қора?

Треплев. Кеч кириб қолди, кечкурун ҳамма нарса ҳам қорайиб кўринади. Барвақт кетиб қолманг, ўтинаман сиздан.

Нина. Мумкин эмас.

Треплев. Нима, агар мен сизникига борсамчи? Мен деразангизга тикилиб, туни блан богингизда тик туриб чиқаман.

Нина. Мумкин эмас, сизни қоровул пайқаб қолади. Трезор ҳали сизга ўрганган эмас, вовуллайди.

Треплев. Мен сизни севаман.

<sup>1</sup> Гейненинг «Икки гренадёр» ше'ридан.

<sup>2</sup> Революциядан илгариги мансаб.

Н и н а. Тсс...

Т р е п л е в (*оёқ товушларини эшитиб*). Ким у! Яков, сизмисиз?

Я к о в (*эстрада орқасидан*). Худди ўзи.

Т р е п л е в. Жойларингизга туринглар! Вақт етди. Ой чиқаяптими?

Я к о в. Худди шундай.

Т р е п л е в. Спирт борми? Олтин гугурт-чи? Қизил кўзлар кўринган вақтда олтингугурт ҳиди бурқираб кетиши керак. (*Нинага.*) Сиз ҳам боринг, уерда ҳамма нарса тайёр. Ҳаяжонга тушиб қолдингизми?

Н и н а. Ҳа, жудаям. Онангиз майли, ҳечнарса эмас, мен у кишидан қўрқмайман, аммо Тригорин ҳам шу ерда экан... Унинг ҳузурда ўйнаш мен учун қўрқинчли ва уят... Машҳур ёзучи... ўзи ёшми?

Т р е п л е в. Ҳа.

Н и н а. Унинг ҳикоялари нақадар яхши-я!

Т р е п л е в (*совуққонлик блан*). Билмайман, ўқиган эмасман.

Н и н а. Сизнинг пьесангизда ўйнаш қийин. Унда жонли кишилар йўқ.

Т р е п л е в. Жонли кишилар! Ҳаётни қандай бўлса, шундай эмас ва қандай бўлиши кераклигини ҳам эмас, балки хаёлларда қандай тасаввур қилинса, худди ана шундай тасвирлаш лозим.

Н и н а. Сизнинг пьесангизда ҳаракат кам, у, қуруқ гапдан иборат, холос. Пьесада, менинг фикримча, албатта, муҳаббат бўлиши керак... (*Ҳар иккиси ҳам сахна орқасига ўтиб кетади.*)

П о л и н а А н д р е е в н а блан Д о р н кирадилар.

П о л и н а А н д р е е в н а. Ҳаво нам тартабошлади. Боринг, галошингизни кийиб келинг.

Д о р н. Мен иссиглаб кетаяпман.

П о л и н а А н д р е е в н а. Сиз ўзингизни эҳтиёт қилмайсиз. Бу ўжарлик. Ўзингиз доктор, яхши биласизки, сизга нам ҳаво зарарлик, аммо менинг озор чекишимни истайсиз; сиз кеча кечкурун атайлаб анча вақтгача айвонда ўтирдингиз...

Д о р н (*куйлайди*). «Ёшлик ҳалок қилди деб сўзлама менга»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Н. Некрасов ше'ридан.

Полина Андреевна. Сиз Ирина Николаевна блан шу қадар суҳбатга киришиб кетдингизки... ҳатто совуқни ҳам сезмадингиз. Э'тироф қилинг, у сизга ёқадими...

Дорн. Менинг ёшим 55 да.

Полина Андреевна. Бунинг аҳамияти йўқ, эркаклар бу ёшда қариган ҳисобланмайди. Бунинг устига сиз ҳамон чиройликсиз, ҳали ҳам хотинларга ёқасиз.

Дорн. Хўш, нима қил дейсиз?

Полина Андреевна. Ҳаммангиз ҳам актрисаларга сажда қилишга тайёрсиз, ҳаммангиз шундайсиз!

Дорн (*ашула қилади*). «Мен яна ҳузурингдаман!...» Агар жамиятда артистларни севар ва уларга бошқаларга нисбатан, жумладан савдогарларга қараганда бошқачароқ муомала қилишар экан, бу табиий нарса. Ана шунинг ўзи идеализм.

Полина Андреевна. Хотинлар ҳамиша сизни яхши кўришар ва сизга ёпишиб олишади. Бу ҳам идеализми?

Дорн (*елкасини қисиб*). Нима бўпти. Хотинларнинг менга нисбатан бўлган муомалаларида кўп яхши фазилатлар бор. Мени аввало яхши врач бўлганим учун севар эдилар. Бундан 10—15 йил муқаддам, балки эсингиздир, бутун губернада бирдан-бир яхши акушер мен эдим. Бундан ташқари мен ҳамавақт виждонли кишиман.

Полина Андреевна (*унинг қўлидан уилайди*). Азизим!

Дорн. Секин. Буёққа келишаяпти.

Соринни қўлтиқлаб олган ҳолда Аркадина, Тригорин, Шамраев, Медведенко, Машалар киришади.

Шамраев. 1873-нчи йилда Полтавадаги ярмаркада у зўр маҳорат блан ўйнаган эди. Жуда қиёмат бўлган эди! Ҳамма тан берганди! Яна билмоқ мумкинмикан, ҳозир комик Павел Семёнович Чадин қаердайкин? У Расплюев ролини тақлид қилиб бўлмас даражада усталик блан ўйнар эди. Қасам'ёд этаман, муҳтарам зотлар, Садовскийдан ҳам яхши ўйнарди. Ҳозир у қаерда?

Аркадина. Сиз зўр бериб, алмисоқдан қолган одамларни мендан сўраяпсиз. Мен қаёқдан билай! (*Утиради.*)

<sup>1</sup> В. Краснов ше'ридан.

**Шамраев (хўрсиниб).** Пашка Чадин-чи! Бунақаси йўқ эди. Театр инқирозга юз тутди, Ирина Николаевна! Авваллари забардаст эманлар кўп эди, ҳозир бўлса, биз нуқул тўнгаларнигина кўриб турибмиз.

**Дорн.** Ажойиб исте'дод эгалари ҳозир оз, бу тўғри, аммо ўрта даражадаги актёрнинг ҳам савияси анча ошган.

**Шамраев.** Фикрингизга қўшилолмайман. Аммо, бир жиҳатдан, бу таб'га боғлиқ гап. *De gustibus auf bene, auf nihil*<sup>1</sup>.

Эстрада орқасидан Треплев чиқади.

**Аркадина (ўғлига).** Азиз ўғлим, қачон бошланади.

**Треплев.** Бир минутдан кейин. Сабр қилишингизни сўрайман.

**Аркадина («Гамлет»дан ўқийди).** «Ўғлим! Сен нигоҳингни қалбимга қаратдинг, ва мен уни шундай қонли, шундай омонсиз жароҳатлар ичида кўрдимки, нажот йўқ?»

**Треплев («Гамлет»дан).** «Ва нима учун сен шум одатларга берилдинг, жиноят ўқонларидан севги ахтардинг?»

Саҳна орқасидан бурғу овози эшитилади.

**Треплев.** Афандилар, бошланди! Диққат қилишларингизни сўрайман.

Пауза.

Мен бошлайман. *(Таёқчасини тикиллатиб баланд овоз блан сўзлайди.)* О, сиз, ярим кечалари бу кўл устида сайр этучи ҳурматли кекса соялар, бизни ухлатинг, токи бундан икки минг йил кейин юз берадиган ҳодисалар тушимизга кирсин!

**Сорн.** Икки минг йилдан сўнг ҳечнарсга бўлмайди.

**Треплев.** Қўяберинг, улар бизга худди ана шу, ҳечнимани ифодалаб беришсин.

**Аркадина.** Майли. Биз ухладик.

Парда очилади; кўл манзараси кўзга ташланади, уфқда ой, сувда унинг акси; катта тош устида бошдан-оёқ оқ кийинган **Ивна Заречная** ўтиради.

<sup>1</sup> «Таб' ҳақида яхши гапириш керак ёки индамаган ма'қул». *Лотин мақоли.*

**Н и а.** Одамлар, арслонлар, бургутлар ва какликлар, шохлик бугилар, ғозлар, ўргумчаклар, сувда яшовчи индамас балиқлар, денгиз юлдузлари ва кўзга кўринмайдиган махлуқлар ҳам — қисқаси бутун махлуқлар, бутун махлуқлар, бутун махлуқлар ғамгин бир доира чизарак сўндиладар... Ер кўкида битта ҳам жон эгаси қолмаганига минг асрлар бўлиб кетди ва бу бечора ой ўз фонарини беҳуда ёқмоқда. Энди ўтлоқларда чуввос солиб турналар уйғонмайди ва арғувонзорларда тилла кўнғизлар парвози эшитилмайди. Совуқ, совуқ, совуқ. Бўмбўш, бўмбўш, бўмбўш. Даҳшат, даҳшат, даҳшат.

Пауза.

Тирик нарсаларнинг жинслари ҳок бўлиб кетди ва уларни абадий моддалар тошларга, сувларга, булутларга айлантирди, уларнинг жонлари эса битта бўлиб бирлашди. Дун'ёда ягона жон — бу мен... мен... Александр Великийнинг ҳам, Цезарьнинг ҳам, Шекспирнинг ҳам, Наполеоннинг ҳам, энг охиригу зулукнинг ҳам, ҳаммасининг жони менда. Менда инсонларнинг онги блан ҳайвонларнинг инстинктлари мужассамланган ва мен ҳаммасини, ҳаммасини, ҳаммасини хотирлайман ва ўзимда ҳарбир ҳаётнинг умрини янгидан кечираман. (*Ботқоқ оловлари кўрилади.*)

**А р к а д и а** (*секин*). Бу қандайдир декадентларга хос нарса.

**Т р е п л е в** (*ялиниш ва та'на блан*). Онажон!

**Н и а.** Мен ёлғизман. Юз йилда бир мартагина гапирш учун оғиз очаман, ва менинг овозим бу бўшлиқда инграйди, уни ҳечким эшитмайди... Сиз нурсиз оловлар ҳам мени эшитмайсиз... Сизни тонг отарга яқин сассиқ ботқоқлар ўз қучоғида туғдиради ва сиз, ма'носиз, ихтиёрсиз, ҳаёт шарпасидан маҳрум ҳолда тонгга қадар адашиб юрасиз. Абадий модданинг отаси бўлган иблис, сизда ҳаёт вужудга келмасин деб, қўрқиб, худди тошлар ва сувлардагидек, сизда ҳам ҳар дақиқа атомларни олмоштириб туради ва сиз тўхтовсиз ўзгариб турасиз. Оламда доимий ва ўзгармас бўлиб ёлғиз руҳгина қолади.

Пауза.

Мен, чуқур бўш қудуққа ташланган асир сингари, қаердалигимни ва мени нималар кутаётганини билмайман. Мендан, фақат, моддий кучларнинг ибтидоси бўлмиш

иблис блан кескин ва қаттиқ жангларда енгиб чиқишим муқаррарлигию, шундан сўнггина модда блан руҳнинг ажойиб ва мутаносиб равишда бирлашажаги ва дунёвий ироданинг ҳукмронлиги бошланажаги яширилган эмас. Аммо бу ҳол фақат бирнеча юз минг йиллардан сўнггина, Ой, Ёруғ юлдуз ва Ер аста-секин тўзонга айланган вақтда рўй беради... Унга қадар даҳшат, даҳшат...

Пауза; қўл устида икки қизил нуқта пайдо бўлади.

Ана менинг қудратли душманим бўлмиш иблис яқинлашмоқда. Мен унинг қўрқинчли ва қон тўлган кўзларини кўриб турибман...

Ар ка ди на. Олтин гугурт ҳиди келаётпти. Шундай бўлиши керакми?

Треплев. Ҳа.

Ар ка ди на (*кулади*). Ҳа, бу жуда та'сирли бўпти!

Треплев. Онажон.

Ни на. У одамсиз зерикади...

По ли на Андреевна (*Дорнга*). Шляпангизни бошингиздан олдингизми, дарров кийинг, бўлмаса шамоллаб қоласиз.

Ар ка ди на. Доктор абадий модданинг отаси бўлмиш иблис қаршисида бошдан шляпасини олади.

Треплев (*жаҳли чиқиб, қаттиқ овоз блан*). Пьеса тамом бўлди! Бас! Пардани ёпинг!

Ар ка ди на. Нимага жаҳлинг чиқади?

Треплев. Бас! Парда! Пардани тушир! (*Депсиниб.*) Парда! (*Парда тушади.*) Кечирасиз. Мен пьеса ёзиш ва саҳнада ўйнаш, фақат бир гуруҳ шахсларнинггина қўлидан келишини назарга олмабман. Мен монополияни бузибман! Менга... Мен... (*Яна нимадир демоқчи бўлади, аммо қўл силтаб чапга қараб чиқиб кетади.*)

Ар ка ди на. Нима қипти унга?

Со рин. Ирина, ёш йигитнинг иззати-нафсига тегиш ярамайди, ахир.

Ар ка ди на. Ҳа, мен унга нима дедим?

Со рин. Сен уни хафа қилдинг.

Ар ка ди на. Ахир унинг ўзи ҳазил деб, та'кидлаган эди-да, мен ҳам пьесага ҳазил деб қарадим.

Со рин. Ҳар ҳолда...

Ар ка ди на. Демак, энди ма'лум бўлдики, у буюк асар ёзипти! Ҳай, ҳай! Бундан чиқди унинг бу спектакльни кўрсатиши ва бизни олтин гугурт блан нафасларимизни

бўғиши ҳазил эмас, балки намоёиш экан, шундайми... У қандай бўлиш ва нимани ўйнаш кераклигини бизга ўргатиб қўймоқчи бўлган экан-да. Ниҳоят бу нарса кишининг жонига тегади. Бу, доим менга қарши чиқиш ва тирноқ орасидан кир излаш ахир, кимнинг жонига тегмайди, дейсиз! Ужар, худбин бола.

Сорин. У сени завқлантирмоқчи бўлган эди.

Аркадина. Шундайми? У ҳолда нима учун бирор оддийроқ пьеса танламай, бизни манави декадентлик алжирашларини эшитишга мажбур этди. Ҳазил учун мен ҳарқандай алжирашни ҳам эшитишга тайёрман, аммо, у, буерда янги шакл, сан'атда янги бир давр яратишни да'во қилмоқда. Менимча, буерда ҳеч қанақа янги шакл йўқ, фақат ёмон худқгина бор, холос.

Тригорин. Ҳарким ўз хоҳишига ва имкониятига қараб ёзади.

Тригорин. Ҳарким ўз хоҳишига ва имкониятига қараб ёзаверсин, лекин мени тинч қўйсин.

Дорн. Юпитер, жаҳлинг чиқдими...<sup>1</sup>

Аркадина. Мен Юпитер эмасман, аёл кишиман. (Папирос чекади.) Жаҳлим чиққани йўқ, фақат йигитчанинг бу қадар зерикарли ҳаёт кечирishi менга алам қилади. Мен уни хафа қилишни истамаган эдим.

Медведевко. Руҳни моддадан ажратишга ҳечкимда асос йўқ, негаки, эҳтимол, руҳнинг ўзи моддий атомларнинг йиғиндисидан иборатдир. (Жонланиб, Тригоринга.) Биласизми, бирор пьесада каминанинг ҳамкасблари — муаллимларнинг қандай яшашлари тасвир қилинсаю, кейин саҳнада ўйналса. Оғир, жуда оғир ҳаёт кечирадилар!

Аркадина. Бу ҳаққоний гап, лекин, келинглар, пьесалар ва атомлар ҳақида сўзлашмайлик. Бирам ажойиб кеча бўптики! Эшитаяпсизларми, афандилар, қўшиқ айтишмоқда? (Қулоқ солади.) Нақадар яхши!

Полина Андреевна. Нариги соҳилда айтишмоқда. (Пауза.)

Аркадина (Тригоринга). Ёнимга ўтиринг. Бундан 10—15 йил муқаддам шу ерда — кўлда, деярлик ҳар кеча тўхтовсиз музыка ва қўшиқ садолари эшитилиб турар эди. Соҳилда олтига помешчик қўргони бор эди. Хотиримда

---

<sup>1</sup> Латинларнинг «Юпитер, жаҳлинг чиқдими — демак сен ҳақ эмассан» деган мақолининг бошланиши.

бор: кулги, шовқин, отишма ва нуқул ишрат, кайфу-сафо... Уша маҳалда бу олти қўрғоннинг Жеппе ргешиег' ва султони мана, тавсия қиламан (*Дорнга имо қилади*), доктор Евгений Сергеевич эди. У ҳали ҳам ёқимли, аммо у маҳалда офати жон эди. Биласизми, мени виждон азобламоқда. Мен ўғлим бечорани нимага хафа қилиб қўйдим? Мана энди нотинчман. (*Қаттиқ.*) Костя! Уғлим! Костя!

М а ш а. Мен бориб ахтариб келақолай.

А р к а д и н а. Майли, боринг жоним.

М а ш а (*чанга қараб кетади*). Ҳо, Қонстантин Гаврилович! Ҳоо! (*Кетади.*)

Н и н а (*сахна орқасидан чиқади*). Афтидан давоми бўлмайдиганга ўхшайди, мен чиқсам бўлар экан. Салом!

Аркадина ва Полипа Андреевна блан ўпишади.

С о р и н. Баракалла! Баракалла!

А р к а д и н а. Балли! Балли! Биз сизга мафтун бўлдик. Бундай чирой, бундай ёқимли овоз блан қишлоқда ўтириш мумкин эмас, гуноҳ. Сизда исте'дод бор. Эшитаяспизми? Сиз, албатта, сахнага чиқишингиз лозим!

Н и н а. О, бу менинг мақсадим! (*Хўрсиниб.*) Лекин бу орзу ҳечқачон амалга ошмайди.

А р к а д и н а. Ким билади? Мана, рухсат этинг, таништирай: Борис Алексеевич Тригорин.

Н и н а. Оҳ, мен жуда хурсандман... (*Уялиб.*) Мен доим сизнинг асарларингизни ўқиб бораман...

А р к а д и н а (*уни ўз ёнига ўтқазиб*). Уялманг, жоним. У машҳур одам, аммо ўзи жуда соддадил. Қаранг, ҳатто унинг ўзи уялиб кетди.

Д о р н. Энди пардани очсак ҳам бўлар дейман, жуда кўнгилсиз бўлиб кетди.

Ш а м р а е в (*қаттиқ*). Яков, қани оғайни, пардани оч. (*Парда кўтарилади.*)

Н и н а (*Тригоринга*). Ғалати пьеса экан-а, тўғрими?

Т р и г о р и н. Мен ҳечнарсга тушунмадим. Аммо зўр мароқ блан тамоша қилдим. Сиз жуда астойдил ўйнадингиз. Декорация ҳам жуда соз ишланипти.

Пауза.

Бу кўлда балиқ кўп бўлса керак-а?

Н и н а. Ҳа.

Т р и г о р и н. Мен балиқ овлашни яхши кўраман.



Менинг учун кеч пайтларда қармоққа тикилиб, қирғоқда ўтиришдан кўра завқлироқ нарса йўқ.

Нина. Аммо, менимча, ижод завқини тотиб кўрган киши учун бундан ортиқроқ завқ бўлмаса керак.

Аркадина (*кулиб*). Унақа деманг. Уни сал мақтаб қўйсангиз дарров ижодидан маза қочади.

Шамраев. Хотиримда бор: бир кун Москва опера театрида машҳур Сильва «до» пардасини пастроқ олиб айтган эди. Шу вақт худди ўчакишгандай галлереяда бизнинг руҳоний ҳофизлардан бир бас ўтирган экан, бирданига галлерея томондан «Баракалла, Сильва!» деган жуда йўғон овоз эшитилиб қолса бўладими... Мана бундай. (*Йўғон овоз блан дўриллаб.*) Баракалла, Сильва... Бизнинг нақадар таажжубда қолганимизни ўзингиз тасаввур қилаберинг... Театр тақа-тақ қотиб қолди.

Пауза.

Дорн. Сокин фаришта учиб кетди.

Нина. Мен кетай, вақт бўлди, хайр.

Аркадина. Қаёққа? Бунча эрта қаёққа борасиз? Биз сизни кетказмаймиз.

Нина. Мени дадам кутиб ўтирипти.

Аркадина. Қанақа одам у ўзи, ахир... (*Упишади.*) Хўп, нима ҳам қиламиз. Аттанг, эсизгина, қолсангиз бўларди.

Нина. Агар мен учун кетиш нақадар оғир эканини билсангиз эди!

Аркадина. Битта-яримта сизни кузатиб қўйса бўларди, жонгинам.

Нина (*чўчиб кетиб*). О, йўқ, йўқ!

Сорин (*унга қараб, ялинган товуш блан*). Қолинг.

Нина. Иложим йўқ, Петр Николаевич...

Сорин. Ҳеч бўлмаса яна бир соат қолинг, сўнг майли. Келинг, нима қипти...

Нина (*ўйлашиб, йиғи аралаш*). Мумкин эмас! (*Қўлини қисиб хайрлашиб, тезда чиқиб кетади.*)

Аркадина. Чиндан ҳам бахтсиз қиз. Дейдиларки, унинг марҳума онаси, ўзининг бутун бойлигини, ҳатто сўнга тийинигача эрига васиқа қилиб берган экан, энди бўлса у бечора қиз ҳечнарсасиз қолипти, чунки отаси ҳалитданоқ бутун давлатини иккинчи хотинига восиқа қилиб берипти. Бу жуда катта қабоҳат.

Дорн. Ҳа, гапнинг пўскалласини айтганда, унинг отаси ажабтовур ҳайвон, бунга амин бўлавериш керак.

Сорин (совқотган қўлларини ишқалаб). Афандилар, қани биз ҳам кетайлик, ҳаво жуда нам тортиб кетди. Оёқларим оғриб қолди.

Аркадина. Оёқларинг ўзи ҳам худди ёғочга ўхшайди, зўрға қадам босасан, хўп, қани юр, бахти қора чол. (Уни қўлтиқлайди.)

Шамраев (хотинига қўлини бериб). Хоним?

Сорин. Мен яна ит финшиётганини эшитаётиман. (Шамраевга.) Барака топинг, Илья Афанасьевич, буюринг ечиб юборишсин!

Шамраев. Мумкин эмас, Петр Николаевич, омборга ўғри тушмасин деб, қўрқаман. Омборда таригим бор. (Ёнида кетаётган Медведенкога қараб.) Ҳа, бутун бир парда паст овоз блан «Баракалла, Сильва!» деб қолди. Ҳолбуки ўзи ашулачи эмас, оддий черков ҳофизи эди.

Медведенко. Черков ҳофизи қанча маош олади?

Дордан бўлак ҳамма чиқиб кетади.

Дорн (ёлғиз). Билмайман, эҳтимол, мен ҳечнарсанга тушунмасман, ёки ақлдан озгандирман, аммо пьеса менга ёқади. Унда алланимадир бор. Ҳалиги қиз, ёлғизлик ҳақида сўзлаганда, кейин шайтоннинг қизил кўзлари кўринганда, ҳаяжондан қўлларим қалтираб кетди. Янги, содда нарса... Ана, унинг ўзи келаётганга ўхшайди. Мен унинг кўнглини кўтаришим керак.

Треплев (киради). Ҳечким қолмапти-ку.

Дорн. Мен шу ердман.

Треплев. Машенька бутун богни айланиб, мени ахтариб юрипти. Ёқимсиз махлуқ.

Дорн. Константин Гаврилович, менга пьесангиз жуда ҳам ёқди. У қандайдир ажойиб, мен охирини эшитаолмадим. Шундай бўлса ҳам менда кучли таъсир қолдирди. Сиз жуда истеъдодли кишисиз, бу ишни давом этдиришингиз керак.

Треплев унинг қўлини маҳкам қисиб, устма-уст қаттиқ кучоқлашар.

Ўҳў, нақадар асабийсиз. Кўзларида ёш.. Мен нима демоқчиман? Сиз мавҳум ғоялар соҳасидан сюжет олибсиз. Дарҳақиқат шундай бўлиш керак, чунки бадиий асар, албатта, бирорта буюк фикрни ифода қилиб бериши лозим. Фақат жиддий нарсалар гўзал бўлади. Рангингиз жуда оқариб кетди.

Треплев. Демак, сиз давом этдир дейсиз?

Дорн. Ҳа... Аммо, фақат муҳим ва абадий қоладиган нарсаларни тасвир қилинг. Биласизми, мен рангбаранг ва ширин бир ҳаёт кечирдим, мен мамнунман, броқ менга, сўзлаткорларда ижод пайтларида юз берадиган руҳий юксалишни синаб кўришга тўғри келса, у ҳолда мен эҳтимол, ўзимнинг моддий қобигимдан ва унга хос бўлган барча нарсалардан нафратланган ва ердан йироқроқ юксакларга қараб учган бўлар эдим.

Треплев. Кечирасиз, Заречная қани?

Дорн. Мен сизга айтсам, асарда аниқ ва равшан фикр бўлиши лозим. Сиз нима учун ёзаётганингизни билишингиз керак. Бошқача қилиб айтсак, агар сиз ма'лум бир мақсадсиз, шу хушманзара йўлдан кетаберсангиз, у ҳолда адашасиз ва исте'додингиз сизни ҳалок қилади.

Треплев (тоқатсиз). Заречная қани?

Дорн. Уйга кетди.

Треплев (ташвишли). Нима қилишим керак? Мен уни кўрмак истайман... Мен уни кўришим зарур... Бораман...

М а ш а киради.

Дорн (Треплевга). Тинчланинг дўстим.

Треплев. Йўқ, мен барибир бораман. Боришим керак.

М а ш а. Константин Гаврилович, уйга киринг. Сизни ойингиз кутиб ўтирипти. У жуда безовта бўлаяпти.

Треплев. Унга, мени бир ёққа кетиб қолипти деб айтинг, ҳаммангиздан илтимосим шу: мени тинч қўйинглар, тинч қўйинглар! Орқамдан юрманглар!

Дорн. У нимаси, азизим... бундай қилиш ярамайди... Яхши эмас.

Треплев (йиғи аралаш). Хайр, доктор, раҳмат... (Кетади.)

Дорн (хўрсиниб). Ёшлик, ёшлик!

М а ш а. Тузук, қуруқ гап топилмаган ҳамиша: ёшлик, ёшлик дейишади... (Тамаки ҳидлайди.)

Дорн (унинг қўлидан тамаки қутисини олиб, чакалакзорга улоқтиради). Бу қабоҳат-ку ахир!

Пауза.

Назаримда, уйда музика бошланди. Бориш керак.

М а ш а. Тўхтанг.

Дорн. Нима?

М а ш а. Мен сизга яна бир карра айтмоқчиман. Мен гаплашишни истамайман... (Хаяжонга тушиб.) Мен отамни севмайман... Лекин сизга ўзимни яқин тутаман, Нима учундир, мен бутун қалбим блан сизни ўзимга яқин деб ҳис қиламан... Менга ёрдам беринг, кўмаклашинг, бўлмас бирор аҳмоқлик қилиб қўяман, ҳаётимни масхаралаб, уни барбод бераман... Энди ортиқ тоқат қилолмайман...

Д о р н. Нима дейсиз? Қандай ёрдам керак?

М а ш а. Мен изтироб чекмоқдаман. Ҳечким, ҳечким менинг азобларимни билмайди! (Бошини унинг кўксига қўяди, паст овозда.) Мен Константинни севаман.

Д о р н. Ё алҳазар, ҳамма ҳам асабий! Нақадар асабий! Ва қанчаю-қанча муҳаббат... О, сиҳргар кўл! (Мулоим.) Аммо, мен нима қилаоламан, қизгинам? Нима? Нима қилаоламан?

#### ПАРДА

#### ИККИНЧИ ПАРДА

Крокет ўйнайдиган майдонча. Ўнг томонда, ичкарироқда катта айвонли уй, чапда кўл кўриниши, унда қуёш акси товланмоқда. Гулзор. Туш пайти. Иссиқ. Майдончанинг ён томонидаги кекса липанинг соясида, скамейкада А р к а д и н а, Д о р н ва М а ш а л а р ўтиришипти. Дорнинг тиззасида очиқ китоб..

А р к а д и н а (Машага). Келинг, туриб кўрайлик. (Иккаласи ўрнидан туради.) Ёнма-ён турайлик. Сизнинг ёшингиз йигирма иккида, меники эса сизнинг ёшингиздан деярлик икки баравар ортиқ. Евгений Сергеевич, қани, айттинг, қайсибиримиз ёшроқ кўринамиз?

Д о р н. Албатта, сиз.

А р к а д и н а. Ана... Хўш, нима учун? Чунки мен ишлайман, ҳис қиламан, мен доим ҳаракатдаман, сиз бўлсангиз ҳаминша бир ерда ўтирасиз, яшамайсиз... Менинг қоидам бор: келажакка назар ташламаслик. Мен сра ҳам қарилик ва ўлим тўғрисида ўйламайман. Тақдирда нима ёзилган бўлса, ўша бўлади.

М а ш а. Мен эса ўзимни, гўё аллақачонлар туғилган ҳис қиламан; мен ҳаётимни худди рўдапо сингари судраб юрганга ўхшайман ва ба'зан яшашга ҳечқандай истақ қолмайди. (Ўтиради.) Албатта, буларнинг ҳаммаси бекорчи гаплар, буларнинг ҳаммасини устимдан қоқиб ташлашим, ўзимни булардан халос қилишим керак.

Д о р н (оҳиста хиргойи қилади). «Унга айттинг менинг гулларим...»

Аркадина. Ундай кейин мен, худди инглизга ўхшашман. Мен, азизим, ўзимни покиза тутаман ва ҳаммақт *comme il faut*<sup>1</sup> кийиб, тараниб юраман. Менинг уйдан, ҳатто мана шу боғчага ҳам таранмай ёки ёлғиз олуза кийиб чиқишим мумкинми? Ҳечқачон! Сра ўзимни жулдурга ўраб қўйган эмасман, баъзи бировларга ўхшаб ўзимга қарамай қўйган эмасман... Мана шунинг учун ҳам ўзимни яхши сақлайман... *(Қўлини белига қўйиб, керилиб, уёқдан буёққа юради.)* Мана кўринг, оёқ учида ҳам юраоламан. Ўнбеш яшар қиз бола бўлиб ҳам ўйнашим мумкин.

Дорн. Хўш, нима десангиз денг, ҳарҳолда мен давом этдираман. *(Китобни олади.)* Биз аллофлар ва каламушларга келиб тўхтаган эдик.

Аркадина. Ҳа каламушларга. Уқинг. *(Утиради.)* Айтгандек, менга беринг, мен ўқий энди. Менинг навбатим. *(Китобни олиб тўхтаган жойини ахтаради.)* Ва каламушлар... Ҳа, мана... *(Уқийди.)* «Ва, англашиладики, киборлар учун романчиларни талтайтириш ва уларни ўзларига жалб қилиш, худди, аллофнинг каламушларни ўз омбурида тарбиялагани каби хавфлидир. Аммо, шунга қарамай, уларни севадилар. Шундай қилиб, хотин киши, асир этиш мақсадида бирор ёзучини ташлар экан, уни қочирим сўзлар, нозу-карашмалар ва хушомадлар воситаси билан ўзига жалб қилади». Ҳо, эҳтимол французларда шундай кишилар бордир, аммо, бизда ҳеч бунақа эмас, ҳечқанақа программа ҳам йўқ. Бизнинг хотинлар содда, улар ёзучини асир қилишдан аввал ўзлари бошдан-оёқ севги дарёсига чўмиб кетган бўладилар. Худо ҳақи, узоққа бориб юришнинг ҳожати йўқ, мана мен билан Тригоринни мисолга олиб қўяқолинг...

Ҳассасига суяниб Сорин, ёнида Нина, уларнинг орқасидан бўш креслони гилдиратиб Медведенколар киради.

Сорин *(болаларни эркалаган оҳангда)*. Шунақами? Ниҳоят шуни айтиш керакки, бугун бизда хурсандчилик денг? Биз бугун шодмиз денг, ахир? *(Синглицига.)* Биз жуда хурсандмиз! Дадамиз ўғай онамиз билан Тверьга жўнаб кетдилар, биз энди сурункасига уч кун озодмиз.

Нина *(Аркадинанинг ёнига ўтиради ва уни қучоқлайди)*. Мен бахтиёрман! Мен энди сизникиман!

<sup>1</sup> Ловим бўлганича.

Сорин (*ўз креслосига ўтирди*). У бугун жуда очилиб кетипти.

Аркадина. Ясанган-тусанган, бирам чиройлик... Мана бу ишингиз ма'қул. (*Нинани ўпади.*) Лекин жуда ҳам мақтаб юбориш ярамайди, кўз тегади. Борис Алексеевич қани?

Нина. У, чўмиладиган жойда балиқ тутаяпти.

Аркадина. Қандай қилиб жонига тегмас экан-а! (*Уқишни давом этдирмоқчи бўлади.*)

Нина. Нима ўқиётисиз?

Аркадина. Мопассаннинг «Сувда» деган ҳикоясини ўқияпмиз, жонгинам. (*Товуш чиқармай бирнеча сатр ўқийди.*) Хаҳ, нарғи қизиқ эмас экан, ҳам нотўғри. (*Китобни ёпади.*) Кўнглим ғаш бўлиб кетаяпти. Айтинглар, ўғлимга нима бўлди? Нима учун у, бу қадар бадқовоқ ва ғамгин? У бутун кунини кўл бўйида ўтказади, мен уни деярлик кўрмайман.

Маша. Унинг қалби нотинч. (*Нинага, ботинқирамай.*) Сиздан илтимос қиламан, унинг пьесасидан озгина ўқиб берсангиз!

Нина (*елкасини қисиб*). Сиз истайсизми? Унча қизиғи йўқ-ку!

Маша (*завқини босиб*). Унинг ўзи бирор нарсани ўқиганда, кўзлари ёнади, юзлари оқариб кетади. Унинг чиройлик, ғамгин овози бор, ҳаракатлари ҳам худди шоирларникига ўхшайди.

Сориннинг хурағи эшитилади.

Дорн. Хайрли кеч.

Аркадина. Петруша!

Сорин. Нима?

Аркадина. Ухляяпсанми?

Сорин. Ҳеч-да.

Пауза.

Аркадина. Сен ўзингни даволатмаяпсан, бу яхши эмас, ака.

Сорин. Мен жон-жон деб даволанардим, лекин доктор хоҳламапти.

Дорн. Келиб-келиб олтмишга кирганда даволандими?

Сорин. Олтмишга кирганда ҳам киши яшашни иштайди.

Дорн (*тажанг*). Ол-а! Хўп, бўлмаса валерианни томиғиб ичинг.

Аркадина. Менимча, унинг бирор шифоли сувга боргани ма'қул эди.

Дорн. Нима қипти? Бориши ҳам мумкин. Бормаса ҳам бўлади.

Аркадина. Ана холос, буни нима деб тушуниш керак.

Дорн. Тушунадиган жойи йўқ. Ҳаммаси аён.

Пауза.

Медведевко. Петр Николаевич чекишни ташласалар бўларди.

Сорин. Бунинг аҳамияти йўқ.

Дорн. Йўқ, аҳамияти бор. Вино блан тамаки кишини бепарво қилиб қўяди. Битта сигарадан сўнг ёки бир қадаҳ арақдан кейин сиз Петр Николаевичгина бўлиб қолмай, балки Петр Николаевич яна унга қўшимча аллаким бўлиб қоласиз; ўзингизни йўқотасиз, ўзингизга худди учинчи бир шахсга муомала қилаётгандек қарайсиз.

Сорин (*кулади*). Сизга муҳокама қилиш осон. Сиз хўп даврингизни суриб олгансиз, мен-чи? Мен суд маҳкамаларида 28 йил хизмат қилдим, аммо ҳали яшаганим йўқ, ҳечнарсани бошдан кечириб кўрганим йўқ, шунинг учун ҳам жуда яшагим келади, ахир. Сиз тўқ ва лоқайдсиз. Шунинг учун ҳам фалсафага майлингиз бор, мен эса яшашни истайман, шунга кўра ҳам овқат олдидан херес ичаман ва сигара чекаман, гап шу. Вассалом.

Дорн. Ҳаётга жиддий қараш керак, олтмишга кирганда даволаниш, ёшликда оз кайф-сафо қилдим, деб зорланиш, мени кечирасиз, бу енгилтаклик.

Маша (*ўрнидан туриб*). Нонушта вақти бўлди чамаси. (*Эринчаклик блан зўрға қадам босади.*) Воей, оёғим увишиб қолипти... (*Чиқиб кетади.*)

Дорн. Ҳозир бориб нонушта олдидан икки рюмкани уриб олади.

Сорин. Бечоранинг бахти келишмаяпти.

Дорн. Бекорчи гап, жаноби олийлари.

Сорин. Сиз, худди тўқ одамларга ўхшаб муҳокама қиласиз-а.

Аркадина. Оҳ, мана шу жонажон қишлоқдан кўра эриктирадиган бирон жой бўлармикан! Иссиқ, жимжит,

ҳечким ҳечнарсга қилмайди, ҳамма фалсафа сотади... Сизлар блан бирга ўтириш яхши, сизларнинг гапларингизни тинглаш, дўстлар, кўнгилли... Лекин... ўз номерида ўтириб, роль тайёрлаш — бундан ҳам яхши!

Н и н а (завқ блан). Яхши! Мен сизнинг сўзингизга тушунаман.

С о р и н. Албатта, шаҳарда умр кечириш яхши-да. Ўз кабинетингда ўтирасан, хизматчи рухсатсиз ҳузурингга ҳечкимни қўймайди, телефон... Кўчаларда извошлар тайёр, вассалом...

Д о р н (куйлайди). «Унга айтинг менинг гулларим...»

Ш а м р а е в ва унинг орқасидан Полина Андреевна киради.

Ш а м р а е в. Мана бизникилар. Салом. (Аркадинанинг, ундан сўнг Нинанинг қўлики ўпади.) Сизни соғ ва саломат кўрганим учун гоёт хурсандман. (Аркадинага.) Хотиним, бугун сизни у блан шаҳарга бормоқчи бўлганингизни айтди. Шу рост гапми?

А р к а д и н а. Ҳа, бормоқчимиз.

Ш а м р а е в. Хм... Жуда соз, муҳтарам зотлар, нимада борасизлар? Бугун бизникилар жавдари ташияпти, хизматкорлар ҳам банд; сўрашга рухсат этинг, қайси отда борасизлар.

А р к а д и н а. Қайси отда? Қайси отда боришни мен қаёқдан биламан?

С о р и н. Бизда ҳам аравага қўшиладиган отлар борку.

Ш а м р а е в (ҳаяжонга тушиб). Аравага қўшиладиган қўш хомутни қаёқдан оламан? Хомутни қаёқдан тўпаман? Қизиқ гап! Уни топиш ўлимдан қийин! Муҳтарам хоним! Мен сизнинг истеъдодингиз қаршисида бош эгаман, сиз учун ўн йил умримни беришга тайёрман, аммо кечирасиз, отларни беролмайман!

А р к а д и н а. Борди-ю, менинг кетишим керак бўлсачи? Ғалати гап!

Ш а м р а е в. Ҳурматли хоним! Сиз хўжаликнинг нима эканини билмайсиз!

А р к а д и н а (қизишиб). Бу эски гап! У ҳолда мен бугуноқ Москвага жўнайман! Буюринг, менинг учун қишлоқдан от ёлласилар, бўлмаса станцияга яёв чиқиб кетаман!



Шамраев (*тутақиб*). У ҳолда мен вазифамдан воз кечаман! Ўзингизга бўлак бошқаручи топиб олинг! (*Чиқиб кетади.*)

Аркадина. Ҳар йили ёз — аҳвол шу. Ҳар йили ёз мени буерда ҳақорат қиладилар! Бундан кейин буерларга қадам босмаганим бўлсин. (*Чанга қараб кетади, чўмила-диган жой шу томонда, бир ондан сўнг унинг уйга киргани ва орқасидан кўлида қармоқ ва челақ кўтарган Тригорин-нинг ўтиб кетгани кўринади.*)

Сорин (*қизишиб*). Бу сурбетлик! Бу, нима деган бе-мазалик! Буларнинг ҳаммаси ўлардай жонимга тегди. Ҳо-зироқ бутун отлар шу ерга келтирилсин.

Нина (*Полина Андреевнага*). Ирина Николаевнадек машҳур актрисанинг илтимосини рад қилмоқ! Ахир унинг ҳамма истаги, ҳатто хархашаси ҳам, сизнинг бутун хўжа-лигингиздан муҳимроқ эмасми? Ақлга сиғмайдиган гап!

Полина Андреевна (*даргазаб*). Мен нима қилай? Менинг аҳволим ўзингизга маълум: кўлимдан нима келади?

Сорин (*Нинага*). Юринг, синглимнинг олдига борай-лик... Ҳаммамиз, шаҳарга кетманг деб унга ялинайлик. Шундай эмасми? (*Шамраев кетган томонга қараб.*) Жу-да бемаза одам-да! Золим!

Нина (*уни туришга қўймай*). Ўтиринг, ўтиринг... Биз сизни олиб борамиз... (*У, Медведевко блан бирга креслони гилдиратиб кетади.*) О, бу нақадар даҳшат!..

Сорин. Ҳа, ҳа, бу жуда даҳшат... Аммо у кетмайди. Мен у блан ҳозироқ гаплашаман.

Кетадилар, фақат Дорн блан Полина Андреевна қолади.

Дорн. Ланж одамлар. Ҳақиқатда эса, эрингизни ел-касига муштлаб буердан қувиш керак эди. Лекин кўрар-сиз, кекса лақма Петр Николаевич ва унинг синглиси ундан узр сўрайдилар. Воқиа шу блан тугайди. Мана кў-расиз.

Полина Андреевна. У аравага кўшиладиган отларни ҳам далага юбориб қўйган эди. Шу туфайли ҳар кунни ана шунақа англашилмовчилик бўлиб турипти. Эҳ, билсангиз эди, булар мени қанчалик ҳаяжонга солади! Мен оғриб қолаяпман; кўраяпсизми, қалтирашимни... Мен унинг кўполлигига сра тоқат қилолмайман. (*Ялинган одамда.*) Евгений, азизим, жонгинам, мени ўзингиз блан олиб кетинг... Ешлигимиз ўтиб, хийла кексайиб қолдик,

ҳеч бўлмаса умримизнинг охирида яширишиб, кишиларни алдаб юрмайлик...

Пауза

Дорн. Мен 55 га кирдим, энди ҳаётимни ўзгартириш пайти ўтди.

Полина Андреевна. Биламан, сиз мени рад этасиз, чунки мендан бўлак, сизга яқин хотинлар бор, ҳаммасини ҳам уйингизга қабул қилишингиз мумкин эмас. Буни мен англайман. Кечирасиз, мен сизнинг жонингизга тегдим.

Уй ёнида Нина пайдо бўлади, у гул узади.

Дорн. Йўқ, ҳеч бокиси йўқ.

Полина Андреевна. Мен рашк ўтида ёнаман. Албатта, сиз доктор, сизга хотин-қизлардан узоқ бўлиш мумкин эмас, тушунаман...

Дорн (*яқинлашиб келаётган Нинага қараб*). Уёқда ким?

Нина. Ирина Николаевна йиғлапти, Петр Николаевичнинг эса иситмаси тутиб қолди.

Дорн (*ўрнидан туриб*). Бориб иккаласига ҳам валериян томизиб ичириш керак...

Нина (*унга гул бериб*). Рухсат этинг!

Дорн. Merci bien!. (*Уйга қараб кетади.*)

Полина Андреевна (*у блан кетаётиб*). Қандай чиройлик гул-а! (*Уйнинг олдида бўғиқ тозуи блан.*) Менга беринг бу гулни! Менга беринг! (*Гулни олиб, фижим-лаб ерга ташлайди; ҳар иккаласи ҳам уйга кириб кетади.*)

Нина (*ёлғиз*). Машҳур актрисанинг йиғлаши жуда ҳам таажжуб, яна арзимаган нарса учун. Ундан ҳам қизиғи, ўзи машҳур ёзучи бўлса-ю, уни жамоат севса, унинг тўғрисида барча газеталарда ёзсалару, портретлари сотилса, асарларини чет тилларга таржима қилсалару, у эса, куни бўйи балиқ овлаб, иккита балиқ тутса ўшанга хурсанд, бу ҳайрон қоларлик ҳол эмасми. Мен машҳур кишилар мағрур, ёнверига ҳечкимни йўлатмайдиган, жамоатдан жирканадиган ва гўё ундан асли-насабини ва бойликни ҳамма нарсадан юқори қўйгани учун ўз шуҳрати ва порлоқ ном блан қасос оладиган кишилар деб, ўйлар эдим. Лекин улар ҳамма қатори ўтириб йиғлар, балиқ овлар, карта ўйнар, кулар ва газабланар эканлар...

<sup>1</sup> Ташаккур (*французча*).

Треплев (бошяланг, қўлида милтиқ ва ўлдирилган чайка кўтариб киради). Сиз буерда ёлғиз ўтирибсизми?

Нина. Ҳа, ёлғиз.

Треплев унинг оёғи ёнига чайкани қўяди.

Нина. Бу нима қилганингиз?

Треплев. Мен бугун ана шу чайкани ўлдириб кўп қабиҳ иш қилдим. Уни оёғингиз остига ташлайман.

Нина. Сизга нима бўлди? (Чайкани олиб, қарайди.)

Треплев (паузадан сўнг). Яқин орада мен ўзимни худди шундай қилиб ўлдираман.

Нина. Мен сизга тушунолмай қолдим.

Треплев. Ҳа, мен сизга тушунолмай қолгандан буён. Сиз менга нисбатан ўзгариб қолдингиз, қарашларингиз совуқ, мен ёнингизда бўлсам қисиласиз.

Нина. Сўнгги вақтларда сиз жуда асабийлашиб, ҳамма нарсани аллақандай тушунилмайдиган қилиб, рамзларга ўраб гапирадиган бўлиб қолдингиз. Мана бу чайка ҳам, афтидан, рамз бўлса керак, лекин кечирасиз, мен тушунолмай турибман... (Чайкани скамейка устига қўяди.) Сизни тушуниш учун мен жуда ҳам соддалик қилаялман.

Треплев. Бу нарса менинг пьесам бема'ни бир равишда муваффақиятсизликка учраган ўша кечадан бошланди. Хотинлар муваффақиятсизликни кечирмайдилар. Мен ҳаммасини, охирги парчасигача ёндириб юбордим. Билсангиз эди, мен нақадар бахтсизман! Сизнинг менга совуқ қарашингиз ҳаддан ташқари қўрқинчли. Мен худди уйқудан уйғондим-у, гўё мана бу кўлнинг бирдан қақраб қолганини ёки ерга сингиб кетганини кўрдим. Сиз ҳозиргина, мен сизни тушуниш учун жуда соддалик қиламан, дедингиз. О, буерда тушунадиган нима бор? Пьесам ёқмади, сиз менинг илҳомимдан ҳазар қиласиз ва ҳалитданок мени кўпларга ўхшаган жўн, ҳечнарсга арзимайдиган киши деб ҳисоблайсиз... (Ер тепиниб.) Мен буни яхши биламан, яхши биламан! Миямга худди мих қоқилгандек; унга ҳам, иззати-нафсимга ҳам ла'натлар бўлсин. Иззати-нафс қонимни сўрмоқда, илондай сўрмоқда... (Китоб ўқиб буёққа келаётган Тригоринни кўриб.) Ана ҳақиқий талант келаётипти, худди Гамлетга ўхшаб қадам тинглайди ва унинг қўлида ҳам китоб. (Масхара қилиб.) «Сўз, сўз, сўз»... У қуёш ҳали ёнингизга келгани йўғ-у, сиз ҳаминдан табассум қилаётибсиз, кўз қарашингиз унинг

нурлари остида эриб кетди. Сизларга халал бермай. (Тез чиқиб кетади.)

Т р и г о р и н (китобга ниманидир ёзиб). Тамаки ҳидлайди ва арақ ичади... Ҳамиша қора кийиниб юради. Уни муаллим севади.

Н и н а. Салом, Борис Алексеевич.

Т р и г о р и н. Салом. Шароит бирданига ўзгариб қолди, биз бугун жўнаб кетсак керак. Эҳтимол бундан сўнг биз ҳечқачон кўришаолмасмиз... Менга ёш қизларни, ёш ва гўзал қизларни кам учратишга тўғри келади. Мен 18 ва 19 га кирган ёшлар ўзларини қандай ҳис қилишларини аллақочон унутиб қўйганман. Шунинг учун ҳам менинг ҳикоя ва қиссаларимда, ёш қизлар одатда сун'ий бўладилар. Мана, мен қандай ўйлашингиз ва умуман нимадан иборат эканингизни билмоқ учун сизнинг ўрнингизда ҳеч бўлмаса бир соат бўлишни истар эдим.

Н и н а. Мен эса сизнинг ўрнингизда бўлишни истардим.

Т р и г о р и н. Нима учун?

Н и н а. Машҳур ва исте'одли ёзучи ўзини қандай ҳис қилади? Шуҳрат қандай ҳис қилинади? Сиз ўзингизнинг машҳур эканингизни қандай сезасиз? Шуни билмоқ учун.

Т р и г о р и н. Қандай? Менимча ҳечқандай. Бу ҳақда мен сра ўйламаган эканман. (Ўйлаб.) Иккисидан бири: ё сиз менинг шуҳратимни ошираётибсиз, ёки умуман шуҳрат ҳеч ҳис этилмайди.

Н и н а. Агар ўз ҳақингизда газетадан ўқиб қолсангизчи?

Т р и г о р и н. Мақтаган бўлсалар ёқади. Агар койисалар, икки кунгача та'бим хира бўлиб юради.

Н и н а. Ажойиб бир олам! Билсангиз эди, сизга қандай ҳавасим келади! Кишиларнинг тақдири ҳархил. Ба'зилар ўзларининг зерикарли ва аҳамиятсиз умрларини зўрба-зўр ўтказадилар, улар бир-бирларига ўхшайдилар ва бахтсизлар. Бошқаларчи, масалан, сиз — сиз мароқли, шодиёна, тўла ма'ноли ҳаёт кечириш шарафига сазовор бўлган миллионларнинг бирисиз... Сиз бахтиёрсиз...

Т р и г о р и н. Менми? (Елкасини қисиб.) Ҳм... Мана сиз шуҳрат, бахт ва қандайдир мароқли, ажойиб ҳаёт ҳақида гапирётибсиз, менинг учун эса буларнинг ҳаммаси фақат чиройлик сўзлар, мени кечирасиз, булар худди мен ҳечқачон емайдиган мармеладга ўхшайди. Сиз жуда ёш ва жуда яхшисиз.

Н и н а. Сизнинг ҳаётингиз жуда ажойиб!

Тригорин. Нимаси ажойиб экан? (Соатиға қарайди.) Мен ҳозир бориб ёзишим керак. Кечирасиз, фурсатим йўқ... (Кулади.) Сиз менинг қитиғимга тегдингиз, мана энди мен ҳаяжонланиб, бироз аччиғим чиқди. Хўп бўлмаса келинг гаплашайлик. Менинг ажойиб ва мароқли ҳаётим ҳақида гаплашайлик... Хўш, қани, нимадан бошлаймиз? (Бироз ўйланиб олади.) Агарда киши кечаю-кундуз, бир нарса тўғрисида, масалан, ой тўғрисида ўйлайберса, зўрма-зўраки тасаввур ҳосил қилади, менинг ҳам шунақа бир ойим бор. Мени кечаю-кундуз сра тинч қўймайдиган бир фикр бор, мен: ёзишим керак, ёзишим керак, ёзишим керак... деявераман. Бирор қиссани ёзиб тугатдимми, нима учундир дарҳол бошқасини бошлашим керак, сўнг учинчисини, учинчидан кейин тўртинчисини ёзишим керак... Худди хат машқ қилаётган кишидек ёзганим-ёзган, бошқа иложим йўқ. Ахири бунинг нимаси ажойиб, нимаси мароқли? Қани айтингчи? О, бу қандай ёввойи турмуш! Мана мен сиз блан бирга ўтирибман, ҳаяжонланмоқдаман, ҳолбуки уйда мени тугамаган қисса кутаётганини бир он бўлсин унутганим йўқ. Мана кўриб турибман, булут худди рояльга ўхшайди. Ўзимча ўйлайман: рояльга ўхшаган булут сузиб кетмоқда эди, деб бирор ҳикояда қайд қилиб ўтишим керак. Гелиотроп гулнинг ҳиди келаётпти. Хотиримга олиб қўяман... Кўнгилга урадиган ўткир ҳид, бева гули, ёз оқшомини тасвир қилганимда ишлатиб юбораман. Мана иккаламизнинг ҳарбир гапимизни ва ҳарбир сўзимизни эсда тутиб қолишга тиришаман, бу гап ҳамда сўзларни тезроқ ўз адабий омборимга жойлаб олишга шошиламан: бир куни керак бўлиб қолар! деб ўйлайман. Ишимни тамохлагач театрға ёки балиқ овлашга чопаман; уерда пича дам олиш ва барча нарсани унутиш мумкин бўлар деб, ўйлайман, броқ йўқ, мумкин бўлмайди, каллада яна қайтадан, оғир чўян соққага ўхшаб, янги сюжет айлана-бошлайди, сўнг столимга бориб ўтиргим келади, яна ёзиш учун шошилиш керак бўлади ва ҳамавақт, ҳамавақт шундай. Ўзимдан менинг ўзимга сра тинчлик йўқ, мен ўз ҳаётимни ўзим кемираётганимни, бу бўшлиқда кимгадир берадиган бал учун, ўзимнинг энг асл гулларимдан шарбат тўшлаётганимни ва у гулларни юлиб олиб, илдизларини топтаб ташлаётганимни сезиб тураман. Ахир мен телба эмасманми? Ахир менинг яқинларим ва ошналарим менга ишбеган, соғ кишиларга қилинадиган муомалада бўлади-

ларми? «Нима ёзаётибсан? Бизга нима ҳад'я қиласиз?» Ҳамавақт шу гап, ҳамавақт шу гап ва менга ошналарнинг бу илтифоти, танишларнинг мақтовлари, ҳаммаси ёлғондек, худди касал кишини алдаётгандек туйилади, ба'зан ҳозироқ орқамдан яшириниб келиб, ушлаб олмасалар, ва мени ҳам худди Попиришчин сингари жиннихонага олиб бориб қўймасалар деб қўрқиб кетаман. Илгарилари, гўзал ёшлик йилларида, мен ёзучиликка энди бошлаган вақтимда ҳаётим бошдан-оёқ азоб-уқубатдан иборат эди. Ёш ёзучи, хусусан муваффақиятсизликка учраганда ўзини бесўнақай, нўноқ, ортиқча деб ҳис қилади, унинг асаблари таранг ва сержаҳл бўлади; у, э'тироф этилмаган, ҳечким тарафидан пайқалмаган ҳолда, худди пули йўқ ашаддий қиморбоздек кўзларига тик ва дадил қарашдан қўрқиб, адабиёт ва сан'атга дахли бўлган одамлар атрофида тинмай айланиб юради. Мен ўз ўқучимни кўрган эмасман, аммо у менинг тасаввуримда негадир адоватли ва ишонмайдиган киши бўлиб жонланади. Мен оммадан қўрқардим, у менинг учун даҳшатли эди, мен янги пьесамни саҳнага қўйган вақтларида, ҳар сафар назаримда қора сочли кишилар душман кўзи блан қараётгандек, сарғич сочли одамлар эса совуқ, бепарводек туйилар эди. О, бу нақадар даҳшат. Бу шундай азобки, сра тенги йўқ.

Н и н а. Рухсат этинг, ахир илҳом ва ижод жараёнининг ўзи, сизга юксак ва бахтли дамларни баҳш этмайдими?

Т р и г о р и н. Ҳа. Ёзган вақтимда ҳузур қиламан. Корректураларни ўқиш ҳам лаззатли, лекин... Китоб босмадан чиқар-чиқмас, чидаёлмайман, кўраманки, мен ўйлагандай бўлиб чиқмапти, ҳатто умуман уни ёзмаслик керак эди, менга алам қилади, та'бим тирриқ бўлади... (Кулади.) Омма уни ўқийди-да: «Ҳа, жуда соз, яхши ёзилган... тузук нарса, аммо Толстойга етишига ҳали анча бор», ёки: «Ажойиб нарса, лекин, Тургеневнинг «Оталар ва болалар» романи бундан яхши» дейди! Шу равишда, то гўрга киргунча фақат, жуда соз, яхши нарса, жуда соз, яхши нарса деган сўзлардан бўлак ҳеч нарса эшитмайман, ўлганимдан сўнг эса, танишлар қабрим ёнидан ўтиб кетаётиб: «Буерда Тригорин ётипти. Яхши ёзучи эди, аммо Тургеневдек яхши ёзолмас эди» дейишади.

Н и н а. Кечирасиз, мен сизга тушунолмаётибман. Муваффақиятлардан бошингиз айланиб қолипти.

Т р и г о р и н. Қандай муваффақиятлардан? Мен ҳеч маҳал ўзимга ёққан эмасман. Мен ёзучи сифатида ўзимни сўймайман ҳам. Ҳаммадан ёмони шуки, мен ўзимни қандайдир бир тутун ичида деб ҳис қиламан, ва кўп вақт нима ёзаётганимни билмайман... Мен мана бу сув, дарахтлар, осмонни яхши кўраман, табиатни севаман, у менда эҳтирос, енгиб бўлмайдиган ёзиш истаги уйғотади. Аммо мен, фақат манзарачи эмасман-ку, мен ахир гражданданман, мен ўз ватанимни, халқимни севаман, модомики ўзимни ёзучи деб билар эканман, мен халқ тўғрисида, унинг азоб-уқубатлари, унинг келажаги ҳақида гапиришни, илм, инсоннинг ҳуқуқи бошқа ва бошқалар тўғрисида сўзлашни шарт деб биламан. Ҳамма нарса ҳақида гапираман, шошиламан, мени ҳар тарафдан қистайдилар, қойийдилар, мен худди ит қувган тулкидек, уёқдан-буёққа югуриб еламан, ҳаёт ва илм бўлса ҳамон олға қараб кетмоқда, мен эса худди поезддан қолган мужикдек орқада қолиб кетаётганимни кўраман, ниҳоят фақат манзараларнигина ёзаолишимни ва бошқа нарсалар тўғрисида ёзганларимнинг ҳаммаси сун'ий, бошдан-оёқ сун'ий эканини сезаман.

Н и н а. Сиз кўп ишлайсиз, шунинг учун ҳам ўз мавқингизни тушунишга вақтингиз ҳам, хоҳишингиз ҳам йўқ. Майли, сиз ўзингиздан рози бўлманг, аммо бошқалар учун улуг ва гўзалсиз! Агар мен сизга ўхшаш ёзучи бўлсам, бутун ҳаётимни оммага бағишлардим, аммо унинг бахти фақат менга қадар юксалишда эканига иқрор бўлардим, шунда у мени маофага солиб олиб борар эди.

Т р и г о р и н. Оҳ, маофа... Нима, мен Агомемнонми?

Ҳар иккиси ҳам жилмаяди.

Н и н а. Ёзучи ёки артистка бўлиш бахтига эришиш учун мен яқинларнинг меҳрсизлигига, йўқчиликка, кўнгилсизликларга бардош берардим. Қашшоқ яшаб, фақат қора нон ердим. Ўз-ўзимдан рози бўлмас ва камолатга етмаганимни англаб изтироб чекар эдим, аммо буларнинг эвазига мен шуҳрат... ҳақиқий дабдабали шуҳрат талаб қилардим. (*Қўли блан юзини бекитади.*) Бошим айланиб кетди... Уф!..

А р к а д и н а о в о з и (*уй ичидан*). Борис Алексеевич!

Т р и г о р и н. Мени чақириваётинг. Сафарга отлашганимга ўхшайди... Аммо менинг кетишга ҳушим йўқ.

(Кўлга қарайди.) Қаранг, нақадар дилбар!.. Жуда ҳам ажойиб!

Нина. Нариги соҳилдаги уй блан боғни кўраётиб-сизми?

Тригорин. Ҳа.

Нина. Уша боғ марҳума онамнинг мулки эди. Мен ўша ерда туғилганман. Менинг бутун умрим шу кўл бўйида ўтган ва мен бундаги ҳарбир оролчани яхши билмаман.

Тригорин. Жойларингиз жуда яхши экан! (Чайкани кўриб.) Бу нима?

Нина. Чайка. Константин Гаврилич отиб кепти.

Тригорин. Чиройлик қуш. Рост, сра кетгим келма-япти. Ирина Николаевнани қолишга кўндирсангизчи. (Китобга ёзади.)

Нина. Нима ёзаётибсиз?

Тригорин. Шундай, ўзимча ёзиб кўяётибман... Кўнглимга бир сюжет келиб қолди... (Китобни бекитиб.) Кичкина ҳикоя учун сюжет: худди сизга ўхшаган ёш бир қиз болалик чоғидан кўл бўйида яшайди; чайка сингари кўлни севади, чайкага ўхшаган бахтиёр ва ҳур, аммо тасодифан бир киши келиб уни кўради-да, бекорчиликдан худди мана шу чайка каби ҳалок қилади.

Пауза. Деразадан Аркадина кўринади.

Аркадина. Борис Алексеевич, қаердасиз?

Тригорин. Ҳозир. (Нинага қарай-қарай кетади; дераза ёнида Аркадинага.) Нима?

Аркадина. Биз қоладиган бўлдик.

Тригорин уйга кириб келади.

Нина (рампага яқин келади; бироз ўйлигандан сўнг). Туш!

ПАРДА.

### УЧИНЧИ ПАРДА

Соринлар уйида емакхона. Унга ва чапа эшиклар, Буфет. Дорилар солиб қўйилган шкаф. Уйнинг ўртасида стол турипти. Чөмдан ва кардон қутилар, кетишга тайёргарлик кўрилаётгани сезилиб туради. Тригорин нонушта қилмоқда. Маша стол ёнида турипти.

Маша. Буларнинг ҳаммасини мен сизга ёзучи деб гапириб берайпман. Фойдаланишингиз мумкин. Мен сизга виждонан айтаманки, агар у ўзини қаттиқроқ ярадор



қилганда мен бир минут ҳам яшамас эдим. Ҳарқалай мен довюррак эканман. Шартга ҳал қилдим, қўйдим: бу муҳаббатини юрагимдан юлиб ташлайман, таг-томири блан юлиб ташлайман.

Тригорин. Қандай қилиб?

Маша. Эрга тегаман. Медведенкога.

Тригорин. Ҳалиги муаллимгами?

Маша. Ҳа.

Тригорин. Англолмадим, бунга қандай зарурат бор?

Маша. Умидсизлик блан севиш, йиллар бўйи ниманидир кутиш... Эрга тегсам, муҳаббат ҳақида бош қотиришга ҳам вақт қолмайди, я'ни ташвишлар эски нарсаларнинг ҳаммасини кўмиб кетади. Биласизми, ҳарқолда ўзгариш бўлади. Яна ичайликми, а?

Тригорин. Кўплик қилмасмикан?

Маша. Ана холос! (*Рюмкаларга қуюди.*) Сиз менга унақа кўз блан қараманг. Хотинлар сиз ўйлаганингиздан кўра кўпроқ ичишади. Озчилик менга ўхшаб яширмай ичади, кўпчилик эса яширин ичади. Шундай. Ҳаммалари ҳам ё арақ, ё коньяк ичади. (*Уриштирадилар.*) Соғлигингиз учун! Сиз сода одамсиз, сиз блан ажралишгани киши афсусланади.

Ичадилар.

Тригорин. Ўзимнинг ҳам кетишга хоҳишим йўқ.

Маша. Бўлмаса илтимос қилинг, хоним қолсинлар.

Тригорин. Йўқ, энди қолмайди. Уғли жуда беодоб бўлиб кетди. Аввал ўзини отди, энди бўлса айтишларига қараганда мени дуэльга чақирмоқчи эмиш. Қандай сабаб блан? Ҳўмрайиб юрипти, дўнғиллайди, янги шаклни ташвиқ қилади... Ахир ёшларга ҳам, кексаларга ҳам етади-ку, бир-биримизга туртинишнинг нима кераги бор?

Маша. Бу — рашки келганидан! Хайр, келинг, бу менинг ишим эмас.

Пауза. Яков чемодан кўтариб чапдан ўнг томонга ўтиб кетади. Нина кириб, дераза олдида тўхтади.

Маша. Менинг муаллимим эса унча ҳам оқил эмас, аммо ўзи кўнғилчан ва камбағал одам, бунинг устига менш қаттиқ севади. Мен унга ачинаман. Қари онасига ҳам раҳмим келади... Ҳўп бўлмаса хайр, оқ йўл сизга. Ичин-ёмон гапирган бўлсам узр. (*Қўлини қаттиқ қиса-*

ди.) Меҳрибонлигингиз учун гоят миннатдорман. Менга ўз китебларингиздан, албатта, устига ўз қўлингиз билан ёзиб юборинг. Фақат, «Хурматли» деб ёзманг, балки соддагина қилиб: «Қариндошликни танимайдиган, бу дунёда нима учун яшаётганини билмайдиган Марьяга» деб ёзинг. Хайр! (Кетди.)

Н и н а (Тригоринга қараб муштумини чўзиб). Жуфтми тоқ?

Т р и г о р и н. Жуфт.

Н и н а (хўрсиниб). Йўқ. Қўлимда биттагина нўхот бор эди. Мен, артистка бўлайми ё бўлмайми деб пол очган эдим. Кошки битта-яримта маслаҳат берса.

Т р и г о р и н. Бу ишда маслаҳат бериб бўлмайди.

Пауза.

Н и н а. Биз ажралишамиз ва... эҳтимол, энди, ҳечқачон кўришмасмиз. Мен сиздан ўтинаман, мана шу кичкина медальонни мендан ёдгорлик деб қабул қилсангиз. Мен бу медальонга сизнинг исмингизни ўйиб ёзишни буюрган эдим... Иккинчи тарафига эса, сизнинг «Кунлар ва тунлар» деган китобингизнинг номи ёзилган.

Т р и г о р и н. Нақадар чиройлик. (Медальонни ўпади.) Жуда ажойиб совға.

Н и н а. Аҳ'ён-аҳ'ёнда мени эслаб қўярсиз.

Т р и г о р и н. Албатта, хотирлайман. Мен сизни, ўша қуёши чарақлаган кунда — эсингиздами? — бундан бир ҳафта аввал оқ кўйлак билан қандай қиёфада бўлсангиз худди ўша қиёфада хотирлайман... Биз ўшанда анча суҳбатлашган эдик... Ўша кунни скамейкада чайка ётган эди...

Н и н а (ўйчан.) Ҳа. Чайка...

Пауза.

Бас қилайлик, буёққа одамлар келишяпти... Кетиш олдидан менга икки минут вақтингизни берсангиз, ўтинаман...

Чап томонга кетади; аynи вақтда ўнг томондан Аркадина, юлдуз қадалган фрак кийган С о р и н, кейин нарсаларини жойлаш билан овора бўлиб юрган Я к о в кирадилар.

А р к а д и н а. Чол, сен уйда қолақол. Бод касалинг билан меҳмондорчиликка боришни сенга ким қўйипти? (Тригоринга.) Ҳозир чиқиб кетган ким эди! Ниннами?

Тригорин. Ҳа.

Аркадина. Рағдоп биз халақит бердик... (*Утиради.*) Ҳамма нарсани жойлаб бўлдик чамаси. Жуда қийналиб кетдим.

Тригорин *медальондаги ёзувни ўқийди.* «Кунлар ва тунлар» 121 саҳифа, 11 ва 12 сатрлар.

Яков (*стол устини йиғиштирар экан.*) Қармоқларни ҳам жойлаб қўяйми?

Тригорин. Ҳа, албатта. Улар менга ҳали керак бўлади. Китобни эса бирон кишига бер.

Яков. Хўп бўлади.

Тригорин (*ўзича.*) 121 саҳифа, 11 ва 12 сатрлар... Бу мисра'ларда нима ёзилган экан? (*Аркадинага.*) Буерда менинг китобларимдан борми?

Аркадина. Бор. Акамнинг кабинетида, бурчакдаги шкафда.

Тригорин. 121 саҳифа (*чиқиб кетади.*).

Аркадина. Рости блан Петрушка, уйда қолсанг бўларди...

Сорин. Сизлар кетаяпсизлар, сиз бўлмасангиз менга уйда ўтириш оғир.

Аркадина. Шаҳарда-чи, уерда нима бор?

Сорин. Айткудек ҳечнима, аммо ҳарҳолда. (*Кулади.*) Земство биноси учун пойдевор қуриш бошланар экан ва шунга ўхшаган гаплар... Бу диққи-нафас ҳаётни бир-икки соат бўлса ҳам унутишни истайман. Чунки худди эски муштукдай бир жойда узоқ ётиб қолдим... мен отларни соат бирларга олиб келишни буюрдим, баравар жўнаймиз.

Аркадина (*паузадан сўнг*). Хўп, шу ерда яша, зерикма, шамоллама, шамоллама. Уғлимга қараб юр. Уни эҳтиёт қил. Насиҳат қилиб йўлга солгин.

Пауза.

Мана кетаман ҳам, аммо Константин нима сабабдан ўзини-ўзи отди, билмайман. Менимча, бунинг асосий сабаби, рашк бўлса керак, шунинг учун ҳам Тригоринни буердан қанча тез олиб кетсам, шунча яхши.

Сорин. Сенга нима деб айтсам бўлади? Бошқа сабаблари ҳам бор эди. Ма'лум нарса, ёш йигит, ақлли, узоқ қишлоқда, пулсиз, мансабсиз, истиқболсиз яшайди. Ҳечқандай машғулоти йўқ, ўзининг бекорчилигидан уялиди ва кўрқади. Мен уни ҳаддан ташқари севаман, у

ҳам менга ўзини жуда яқин тутади, лекин шунга қарамай у ўзини уйда ортиқча одам, биров қарамоғида ортиқча оғиз деб ҳис этиши мумкин-да. Ма'лум нарса, ахир иззати-нафс...

**Аркадина.** Мени у жуда ташвишга солиб қўйди-ку! (*Хаёлга чўмади.*) Бирор жойга ишга кирса бўлармиди...

**Сорин** (*ҳуштак чалади, сўнг тортиниброқ*). Менимча, энг яхшиси сен унга биров пул берсанг бўларди. Аввало у, одамлардай, усти-бошини тузатиб олса, тамом. Қара, ахир у ўша битта камзилни уч йилдан бери судрайди, пальтосиз юрипти... (*Кулади.*) Кейин йигит нарса биров ўйнаб-кулса ҳам чакки бўлмасди... Четэлларга борса бўлармиди... Ахир бу унча қимматга тушмайди-ку...

**Аркадина.** Ҳарҳолда... Костюм учун пул беришим мумкин бўлар, аммо четэлга бориш учун... Йўқ, ҳозир костюмга ҳам пул бераолмайман. (*Қат'ият блан.*) Пул йўқ менда!

Сорин кулади.

**Аркадина.** Йўқ!

**Сорин** (*ҳуштак чалади*). Шунақа гап. Кечирасан, азизим... жаҳлинг чиқмасин. Мен сўзингга ишонаман... Сен олижаноб, ҳимматли аёлсан.

**Аркадина** (*йиги аралаш*). Пул йўқ менда ахир!

**Сорин.** Агар менда пул бўлганда, ўзимоқ унга берар эдим, ма'лумки, броқ менда, бир мири ҳам йўқ. (*Кулади.*) Пенсияга тегадиган нулимнинг ҳаммасини управляющий оладию деҳқончиликка, чорвачиликка, асалчиликка сарф қилади, броқ бу пуллар бекорга йўқ бўлиб кетади. Арилар қирилади, сигирлар ҳаром ўлади, отларни эса ҳечқачон менга бермайдилар...

**Аркадина.** Ҳа, менинг пулим бор, лекин мен артисткаман, ёлғиз кийим-кечак, пардознинг ўзиёқ мени хонавайрон қилди.

**Сорин.** Сен меҳрибонсан, азизим... Мен сени ҳурмат қиламан... Ҳа... Аммо мен яна ғалати бўлиб кетаётиман... (*Гандираклайди.*) Бошим айланиб кетди. (*Столни ушлайди.*) Беҳузур бўлиб кетаётиман, тамом.

**Аркадина** (*қўрқиб кетади*). Петруша! (*Уни суяшга ҳаракат қилиб.*) Петруша азизим... (*Қичқиради.*) Ёрдам! беринглар! Ёрдам!

Боши боғланган Треплев, кетидан Медведевни киради,

Аркадина. Бу ғалати бўлиб кетди!

Сорин. Ҳеч гапмас, ҳеч гапмас... *(Илжайиб, сувшади.)* Дуруст бўлиб қолдим, мана тамом...

Треплев *(онасига)*. Қўрқма, ойи, бу хавfli эмас. Тоғамда бу нарса тез-тез бўлиб туради. *(Тоғасига.)* Тоға, сен бироз ётсанг бўларди.

Сорин. Ҳа бироз ётсам бўлади... Аммо барибир шаҳарга бораман... Бироз ётаману, жўнайман... Маълум гап... *(Ҳассага суяниб, юради.)*

Медведевко *(уни қўлтиқлайди)*. Бир топишмоқ бор: эрталаб тўрт оёқда, тушда икки оёқда, кечқурун уч оёқда юради...

Сорин *(кулади)*. Худди шундай. Кечаси бўлса осмонга қараб ухлайди. Раҳмат сизга, ўзим юроламан.

Медведевко. Ана холос, нозга нима бор!

У ва Сорин чиқиб кетади.

Аркадина. У мени бирам қўрқитиб юбордики!

Треплев. Унинг учун қишлоқда яшаш жуда машаққат, зерикади. Агар сен, онажон, бирдан сахийлик қилиб юборсанг-у, унга бир ярим-икки минг сўм қарз берсанг, тоғам шаҳарда яна бир йилча яшай оларди.

Аркадина. Менинг пулим йўқ. Мен банк эгаси эмас, актрисаман.

Пауза

Треплев. Ойижон ярамни қайтадан боғлаб қўй, сен яхши боғлайсан.

Аркадина *(аптека шкафидан иодоформ ва боғлайдиган материаллар солинган яшикчани олади)*. Доктор кечикиб қолди.

Треплев. Соат ўнга келаман деган эди, ҳозир туш пайти.

Аркадина. Ўтир. *(Бошидан латтани ечиб олади.)* Худди салла ўраганга ўхшайсан. Кеча бир келгинди ошхонада, бу киши қайси миллатдан бўладилар, деб сени сўраган эди. Яранг тамем тузалипти-ку, жуда оз қолипти. *(Бошидан ўнади.)* Менсиз яна пақ-пақ қилмайсанми?

Треплев. Йўқ, ойижон. У шундай жонимдан тўйган бир дақиқа эди, мен ўзимни тутолмадим. Энди бу сра такрорланмайди. *(Онасининг қўлини ўнади.)* Сенинг қўлларинг олтин. Эсимда, илгари вақтларда, унда сен кивенная саҳнада ўйнардиг — мен эса жуда ёш бола

Эдим — ҳовлимизда муштлашиш бўлиб қолди, кирчи хотинни жуда ёмон уришган эди. Эсингдами? Уни ҳушсиз ҳолда олиб кириб кетишди... Сен доим унинг ёнига кириб, дори берардинг, унинг болаларини тоғарада чўмилтирар эдинг. Наҳотки эсингда йўқ?

Аркадина. Эсимда йўқ. (Янги латта блан боғлай бошлайди.)

Треплев. Уша маҳалда биз турган ҳовлида иккита раққоса ҳам яшар эди... Кофе ичиш учун уйимизга келишарди...

Аркадина. Буниси эсимда...

Треплев. Улар жуда художўй эдилар.

Пауза.

Сўнги вақтларда мана шу кунларда мен сени худди болалик чоғимдагидек зўр меҳр блан, жони-дилимдан севаман. Сендан бўлак, менинг ҳечкимим қолмади. Фақат сен нима учун, нима сабабдан бу одамнинг таъсирига берилиб кетгансан?

Аркадина. Сен уни билмайсан, Константин. У жуда олижаноб одам...

Треплев. Броқ, унга менинг дуэльга чақирмоқчи бўлганимни айтганларида, қўрқоқлик қилишга олижаноблиги ҳалал бермади. Жўнаб кетмоқчи. Шармандаларча қочиб қолаяпти!

Аркадина. Бўлмаган гап! Унинг буердан кетишини мен ўзим сўрадим.

Треплев. Олижаноб одам! Мана, биз сен блан уни деб жанжаллашиб ўтирибмиз, у бўлса-чи, у ҳозир бирор ерда, меҳмонхонада ё боғчада бизнинг устимиздан кулаётган бўлса керак... Нинага ақл ўргатиб, ўзининг генийлигига уни қатъий ишонтирмоқчи бўлса керак.

Аркадина. Менга озор беручи сўзларни айтишдан роҳатланасан. Мен у одамни ҳурмат қиламан, сендан илтимос қиламанки, менинг ҳузуримда у киши тўғрисида ёмон гап гапирма.

Треплев. Мен эса ҳурмат қилмайман. Сен истайсанки, мен ҳам уни гений деб ҳисоблай, аммо, кечирасан, мен ёлғон гапиролмайман, унинг асарларини ўқисам кўнглим айнийди.

Аркадина. Бу ҳасад. Қобилиятсиз, аммо да'вогар кишиларга ҳақиқий талантларни камситишдан бўлак ҳечнарсаси қолмайди. Нима ҳам деб бўлади, яхши тасалли!

Треплев (*киноя блан*). Ҳақиқий талаётлар! (*Ғазаб блан.*) Агар гап қобилият устида кетадиган бўлса, мен ҳаммаларингиздан кўра қобилиятлироқман! (*Бошидаги латгаларини юлиб ташлайди.*) Сизлар эскилик тарафдорисизлар, сан'атда биринчиликни эгаллаб олгансиз-да, қонуний ва ҳақиқий сан'ат деб фақат ўзларингиз яратган сан'атнигина ҳисоблайсиз, бошқаларни эса қувгин остига оласиз ва бўғасиз. Мен сизларни тан олмайман. Сени ҳам, уни ҳам тан олмайман!

Аркадина. Декадент!

Треплев. Ўзингнинг яхши театринга бор-да, уерда бема'ни ва бир пулга қиммат бўлган пьесаларда ўйнай-бер!

Аркадина. Мен ҳечқачон унақанги пьесаларда ўйнаган эмасман. Тинч қўй мени! Қўлингдан бемаза бир водевиль ёзиш ҳам келмайди. Киевли мешчан! Текинтомоқ!

Треплев. Қурумсоқ!

Аркадина. Яланг оёқ!

Треплев ўтиради ва секин йиғлайди.

Аркадина. Нодонлик! (*Ҳаяжон блан уёқдан буёққа юради.*) Йиғлама. Йиғлаш керак эмас... (*Ўзи ҳам йиғлайди.*) Қўй... (*Пешонасидан, юзидан ва бошидан ўпади.*) Азиз фарзандим, кечир мени... Гуноҳкор онангни кечир. Кечир, мен бахти қарони.

Треплев (*уни қучоқлайди*). Билсанг, энди ойижон! Мен ҳамма нарсадан маҳрум бўлдим. У мени севмайди, мен энди ортиқ ёзолмайман... Бутун орзу-умидларим кўкка суворилди...

Аркадина. Ноумид бўлма... Ҳаммаси ўз жойига тушади. У ҳозир жўнаб кетади, қиз эса яна сени севади. (*Унинг ёшини артади.*) Етар. Биз энди ярашдик.

Треплев (*унинг қўлларини ўпиб*). Шундай, онажон.

Аркадина (*мулоим*). У блан ҳам ярашгир. Дуэль керак эмас... Шундай эмасми?

Треплев. Яхши... Фақат, онажон, рухсат эт, мен у блан учрашмай. Бу менга жуда оғир... Иложим йўқ... (*Тригорин киради.*)

Мана... мен чиқиб кетдим... (*Дориларни дарров шкафга солиб қўяди.*) Бошимни энди доктор боғлаб қўяр...

**Тригорин** (*китобни очиб, ахтаради*). 121 саҳифа... 11 ва 12 сатрлар... Мана... (*Уқийди*) «Қачон бўлмасин менинг ҳаётим сенга керак бўлса, келу уни ол».

**Треплев** ердан латталарни йиғиштириб олиб, чиқиб кетади.

**Аркадина** (*соатига қараб*). Тез орада отларни келтиришади.

**Тригорин** (*ўзига-ўзи*). Қачон бўлмасин менинг ҳаётим сенга керак бўлса, келу уни ол.

**Аркадина**. Уйлайманки, сенинг ҳаманарсанг жойлангандир?

**Тригорин** (*бегоқат*). Ҳа, ҳа... (*Уйчан*) Нима сабабдан мусаффо дилнинг бу чақириғида, менга қайғу садолари эшитилди ва менинг қалбим бунчалик азоб блан сиқилди?.. Қачон бўлмасин менинг ҳаётим сенга керак бўлса, келу уни ол. (*Аркадинага*) Яна бир кунга қолайлик!

Аркадина «йўқ» деб бош чайқайди.

**Тригорин**. Қолайлик!

**Аркадина**. Азизим, буерда сени нима ушлаб қолаётгани мен биламан. Лекин ўзингни қўлга ол. Сен бироз сарҳуш бўлиб қолгансан, ўзинга кел.

**Тригорин**. Сен ҳам хуш'ёр бўл, ақллик, мулоҳазалик бўл, ёлбораман, буларнинг ҳаммасига чинакам дўст назари блан қара... (*Унинг қўлини қисади*) Сен яхшилик қилишга қодирсан... Дўстлик қил-у, менга жавоб бер...

**Аркадина** (*қаттиқ ҳаяжонда*). Сен шу қадар мафтун бўлиб қолдингми?

**Тригорин**. У мени ўзига жалб этмоқда! Эҳтимол мен излаган, менга керак нарса худди шудир.

**Аркадина**. Қишлоқи қизнинг севгисими? О, сен ўзингни нақадар оз биласан?

**Тригорин**. Ба'зи одамлар юриб кетаётиб ухлайверади. Худди шунга ўхшаб, мен ҳам сен блан сўзлашиб туримбан-у, лекин ўзим гўё уйқудаман ва тушимда уни кўраётиман... Ширин ва ажойиб хаёллар мени чулғаб олган... Мени ўз ихтиёримга қўй...

**Аркадина** (*қалтираб*). Йўқ, йўқ... Мен оддий хотинман, мен блан бу йўсинда гаплашиш мумкин эмас... Мени қийнама, Борис... Мени ваҳима босаётипти.

**Тригорин**. Агар истасанг, сен, фавқулудда аёл бўлаоласан. Ёш, гўзал, шоирона, тотли ҳаётлар дунёсига



етақлаб кетучи муҳаббатгина — оламда ёлғиз угина бахт бераолади! Мен ҳали бундай муҳаббатни бошимдан кечирган эмасман... Ёшлик чоғимда вақт йўқ эди, у паллада мен редакцияларга қатнаб, муҳтожлик блан олишар эдим... Мана энди ниҳоят у муҳаббат келди, у, ўзига чорламоқда... Энди ундан қочишда нима ма'но бор?

**Аркадина** (*ғазабли*). Сен тентак бўлибсан!

**Тригорин**. Майли.

**Аркадина**. Бугун мени қийнаш учун ҳаммаларингиз тил бириктирибсиз. (*Йиғлайди.*)

**Тригорин** (*бошини уйлайди*). Англамади! Англашгани истамайди ҳам!

**Аркадина**. Наҳотки мен шу қадар қариб, хунук бўлиб кетганманки, уялмай-нетмай менинг олдимда бошқа хотинлар тўғрисида гаплашиши мумкин бўлсин? (*Уни қучоқлаб, ўпади.*) О, сен телба бўлибсан! Севгилим, азизим... Сен — ҳаёт китобимнинг энг сўнгги варағисан! (*Унинг олдида тиз чўқади.*) Менинг қувончим, менинг ғурурим; менинг роҳатим сенсан... (*Унинг тиззаларини қучоқлайди.*) Агар сен мени ақалли бир соатга ташлаб кетсанг ҳам мен бунга чидолмайман, жинни бўлиб қоламан, менинг дилбарим, менинг шириним, менинг султоним...

**Тригорин**. Буёққа кириб қолишлари мумкин. (*Турмоқ учун унга ёрдамлашади.*)

**Аркадина**. Майли, мен сенга бўлган муҳаббатимдан уялмайман. (*Унинг қўлларини ўпади.*) Менинг қимматлигим, жонингдан кечиб телба бўлмоқчисан, мен истамайман, бунга йўл қўймайман... (*Кулади.*) Сен меникисан... Сен меники... Бу манглай ҳам меники, бу кўзлар ҳам меники, бу чиройлик ипак сочлар ҳам меники. Сен бутун борлигинг блан меникисан. Сен шу қадар исте'додли ва ақллисанки, ҳозирги ёзучилар ичида ҳаммасидан ҳам яхшисан, сен Россиянинг ягона умидисан... Сенда қанча софдиллик, соддалик, самимийлик, соғлом ҳажв бор. Сен кишиларга ёки манзараларга хос бўлган асосий хислатларни битта чизиқ бланоқ ифодалаб бераоласан, сенинг асарларингдаги кишилар худди тирикка ўхшайди. О, сенинг асарларингни завқланмай ўқиб бўлмайди! Сен буни мақтов деб ўйлайсанми? Мен тилёғламачилик қилишни билармидим! Қани, кўзларимга қарачи... Қарагин... Мен ёлгончига ўхшайманми? Мана кўрдингми, ёлғиз мен сенинг қадрингга етаман. Ёлғиз менгина сенга

ҳақиқатни гапираман, азизим, жоним... Бирга кетасанми? А? Мени ташламайсанми?..

Т р и г о р и н... Менинг ўз иродам йўқ... Ҳечқачон менда ўз иродам бўлган эмас. Бўш, ланж, ҳамиша бўйсинучи одамман — наҳотки бу хислатлар хотинларга теъса? Мана мени ол, ўзинг блан олиб кет, фақат ёнингдан бир қадам ҳам жилдирма...

А р к а д и н а (*ўзича*). Энди у меники. (*Гўё ҳечнарсаяуз бермагандек, бетакаллуф.*) Яна ўз ихтиёринг, истасанг қолақол. Мен ўзим кетабераман, сен кейин борасан, бир ҳафтадан кейин, дарҳақиқат қаёққа ҳам шошиласан?

Т р и г о р и н. Йўқ, энди бирга кетамиз.

А р к а д и н а. Ихтиёр ўзингда. Бирга десанг бирга кетамиз.

Пауза. Т р и г о р и н китобига ёзади.

А р к а д и н а. Нима ёзаётибсан?

Т р и г о р и н. Эрталаб яхши бир ибора эшитдим: «Девичий бор»... Керак бўлиб қолар. (*Керишади.*) Демак, кетамиз? Яна вагонлар, станциялар, буфетлар, отбивной котлетлар, суҳбатлар...

Ш а м р а е в (*киради*). Қайғу блан ма'лум қилиш шарафига сазоворманки, отлар келтирилди. Муҳтарам зотлар, станцияга жўнаш вақти бўлди; соат иккию беш минутда поезд келади. Айтгандек, Ирина Николаевна, марҳамат қилиб, актёр Суздальцевнинг қаерда эканини суриштириб кўришни эсингиздан чиқарманг. Ўзи тирикмикан? Саломатми? Бир вақтлар бирга ичишардик. У «Ўғирланган почта» пьесасида тақлид қилиб бўлмас даражада ажойиб ўйнарди... Ўша вақтларда Елисаветградда, ҳали ҳам ёдимда, фожиали рольларни ўйновчи Измайлов у блан бирга хизмат қиларди, у ҳам ажойиб шахс эди... Шошилманг, муҳтарам зотлар, яна беш минутча ўтириш мумкин. Бир кун улар бир мелодраммада суйиқасдчилар ролини ўйнашди ва бирдан қўлга тушганларида «Биз тузоққа тушдик» дейишлари керак эди. Измайлов бўлса, «Биз бузоққа тушдик» деб юборди... (*Кулади.*) Бузоққа!

У гапириб бўлгунча Яков чемоданларни кўздан кечириб чиқади, хизматкор аёл Аркадинанинг шляпасини, мантосини, зонтигини ва қўлқопини келтириб беради. Ҳамма Аркадинанинг

кийинишига ёрдам беради. Чап эшикдан ошпаз мўралаб қарайди, бироздан сўнг у тортиниброқ киради. Полина Андреевна, сўнгра Сорин ва Медведенколар киришади.

Полина Андреевна (*саватча кўтарган*). Мана сизга йўлга олхўри... Жуда ширин. Балки, йўлда егингиз келиб қолар...

Аркадина. Сиз жуда ҳимматлисиз. Полина, Андреевна.

Полина Андреевна. Яхши боринг, азизим! Агар яхши кутолмаган бўлсак, кечирасиз. (*Йиғлайди.*)

Аркадина (*уни қучоқлаб*). Ҳаммаси жойида бўлди, ҳаммаси кўнгилдагидек. Фақат йиғлаш керак эмас.

Полина Андреевна. Умримиз ўтиб кетаётипти!

Аркадина. Нима ҳам қиламиз!

Сорин (*каттакон қайтарма ёқслик пальто ва шляпа кийган, қўлида таёқ чап томондаги эшикдан киради; уйдан ўтиб кетаётиб*). Синглим, вақт бўлди, кечикиб қолмасак яхши эди. Мен аравага ўтиргани кетдим. (*Чиқиб кетади.*)

Медведенко. Мен станцияга пиёда бораман... кузатиш учун. Мен ҳозир... (*Кетади.*)

Аркадина. Хайр, азизлар, яхши қолинглар... Агар эсон-омон бўлсак, ёзда яна дийдор кўришамиз...

Хизматчи аёл, Яков ва ошпаз унинг қўлини ўпади.

Мени унутманглар. (*Ошпазга бир сўм беради.*) Мана уччалангизга бир сўм.

Ошпаз. Жуда ҳам миннатдормиз, бекам. Оқ йўл! Сиздан беҳад хурсандмиз!

Яков. Худо умрингизни зиёда қилсин!

Шамраев. Хат блан бизни бахтиёр қилиб турсинлар!.. Хайр, Борис Алексеевич!

Аркадина. Константин қани? Унга, мени кетаётипти деб айтинглар. Хайрлашиш керак. Яхши қолинглар. Бирор ёмон сўз айтган бўлсам, узр... (*Яковга.*) Мен ошпазга бир сўм бердим. Уччалангизга...

Ҳамма ўнг томонга чиқиб кетади. Саҳна бўш қолади. Саҳна сўрақидан кузатган вақтда юз берадиган ғала-ғовур эшитилади. Хизматчи аёл столдаги олхўри солинган саватчани олгани киради ва олиб чиқиб кетади.

Тригорин (*қайтиб киради*). Мен ҳассамни унутибман. У, айвонда қолган бўлса керак. (*Уша томонга юра-*

ди ва чап эшик ёнида ичкарига кириб келган Нина блай тўқнашади.) Сизмисиз? Биз жўнаб кетаяпмиз...

Н и н а. Яна учрашишимизни сезган эдим. (Ҳаяжонда.) Борис Алексеевич, мен қат'ий қарор қилдим, мен саҳнага чиқадиган бўлдим, эртагаёқ буерда бўлмайман, отам уйдан кетаман, ҳамма нарсани тарк этаман, янги ҳаёт бошлайман... Мен ҳам сизга ўхшаб... Москвага кетаман. Биз уерда кўришамиз.

Т р и г о р и н (атрофга қараб). «Славян бозори» меҳмонхонасига тушинг... Менга дарҳол хабар бердиринг... Молчановка, Грахольскийлар уйи... Мен шошиляяпман...

Пауза.

Н и н а. Яна бир минут...

Т р и г о р и н (паст овоз блан). Сиз ниҳоятда гўзалсиз... О, тез орада яна учрашамиз, деб ўйлаш нақадар бахт!

Н и н а унинг кўксига бош қўяди.

Мен бу гўзал кўзларни, бу ажойиб, жўзибадор, мулойим табассумни, фаришта софлиги акс этган бу ма'сум чеҳрани яна кўраман... Менинг гўзалим! (Узоқ ўпишади.)

ПАРДА

Учинчи блан тўртинчи парда орасида икки йил ўтади.

#### ТҮРТИНЧИ ПАРДА

Сорицлар уйида Константин Треплев иш кабинетига айлантирган меҳмонхоналардан бири. Унга ва чапда ички хоналарга қарилдиган эшиклар. Тўғрида айвонга чиқадиган ойнавонли эшик. Одатда меҳмонхоналарда бўладиган мебельлардан бўлак, тўғридаги бурчакка ёзув столи, чап эшик ёнига турк дивани қўйилган. Китоб солинган шкаф, дераза тоқчасида, стулларда ҳам китоблар. — Кеч кирган. Қалпоқлик лампа ёниб туради. Хона ичи нимхира, дарахтларнинг шувуллаши ва шамолнинг трубага урилиб гувиллаши эшитилади. Қоровул шақилдоғининг овози келиб туради. Медведенко, Маша киради.

М а ш а (чақиради). Константин Гаврилович! Константин Гаврилович! (Атрофига қараб.) Ҳечким йўқ. Чол ҳар дақиқада Костя қани, Костя қани деб сўрайди... Усиз-яшайолмайди...

М е д в е д е н к о. Ёлғизликдан кўрқади! (Қулоқ солиб.) Ҳавонинг бемазалигини қара. Икки суткадан бери шу аҳвол.

М а ш а (лампаинг пилигини баландроқ чиқаради).  
Кўл тўлқинланмоқда. Тўлқини қаттиқ.

М е д в е н к о. Бир қара, боғ қопқоронғу. Айтиш керак  
эди, ундаги театрни бузиб ташласинлар. Худди склетга  
ўхшаб хунук ва ялонғоч бўлиб турипти. Пардаси ҳам ша-  
молдан лопиллайди. Кеча кечқурун унинг ёнидан ўтиб  
кетаётганимда, ичида худди биров йиғлаб ётганга ўхшаб  
туйилди.

М а ш а. Ана холос...

Пауза.

М е д в е д е н к о. Маша, уйга кетайлик!

М а ш а (йўқ деб бош чайқайди). Мен шу ерда ётиб  
қоламан.

М е д в е д е н к о (ёлвориб). Маша, кетайлик! Хойна-  
хой боламиз оч қолгандир.

М а ш а. Ташвишланма. Унга Матрёна овқат беради.

Пауза.

М е д в е д е н к о. Кишининг раҳми келади. Бола ахир,  
уч кечадан буён онасиз.

М а ш а. Жуда ҳам кишини зерктирадиган бўлиб ке-  
тилсан. Илгарилари ба'зан фалсафа сотардинг, энди бўл-  
са нуқул бола, уйга юр, бола, уйга юр дейсан — бундан  
бўлак сендан ҳечнарсга эшитиб бўлмайди.

М е д в е д е н к о. Кетайлик, Маша!

М а ш а. Ўзинг кетавер.

М е д в е д е н к о. Отанг менга от бермайди.

М а ш а. Беради, сен сўра, у беради.

М е д в е д е н к о. Майли, бориб сўраб кўраман. Де-  
мак сен эртага борасанми?

М а ш а (тамаки ҳидлайди). Ҳа, эртага дедим-ку. Мун-  
ча жонга тегасан...

Треплев ва Полина Андреевна киради; Треплев  
ёстиқ блан кўрпа кўтарган, Полина Андреевна эса чойшаблар кел-  
тиради; уларни турк диванига қўйишади, кейин Треплев бориб ўз  
столига ўтиради.

М а ш а. Буни нима қиласиз, ойи?

П о л и н а А н д р е е в н а. Петр Николаевич Костя-  
нинг ёнида ётмоқчи.

М а ш а. Жойни мен солақолай... (Жой солабош-  
лиди.)

Полина Андреевна (*хўрсинади*). Кекса одам бола блан баравар... (*Ёзув столи ёнига келади, кафтига таяниб, қўлёмаларга қарайди.*)

Пауза.

Медведевко. Хўп бўлмаса, мен кетдим, Маша, хайр. (*Хотинининг қўлини ўпади.*) Хайр, онажон. (*Қайнарасининг қўлини ўпмоқчи бўлади.*)

Полина Андреевна (*жаҳли чиқиб*). Хўп энди! Борақол, худо хайрингни берсин.

Медведевко. Хайр, Константин Гаврилович.

Треплев индамай қўлини беради, Медведевко чиқиб кетади.

Полина Андреевна (*қўлёмаларга қараб*). Костя, сиздан ҳақиқий ёзучи чиқади, деб ҳечким ўйламаган ва билмаган эди. Мана худога шукур, сизга журналлардан пул ҳам юборабошлашди. (*Унинг сочларини силайди.*) Жуда чиройли бўлиб кетдингиз... Костя, азизим, қизим Маша блан хушмомала бўлинг!..

Маша (*жой солатуриб*). Ойижон, уни тинч қўйинг.

Полина Андреевна (*Треплевга*). У жуда ёқимтой.

Пауза.

Костя, хотин кишига хушмуомаладан бўлак ҳечнарс керак эмас. Мен ўзимдан қиёс қиламан.

Треплев ўрнидан туриб, индамай чиқиб кетади.

Маша. Ана, жаҳли чиқди. Нима қилардинг жонига тегиб!

Полина Андреевна. Машенька, мен сенга ачинаман.

Маша. Ҳожати йўқ!

Полина Андреевна. Сенга жоним ачишади ахир. Мен ҳаммасини билиб юрибман, ҳаммасига тушунаман.

Маша. Ҳаммаси ҳам аҳмоқона гап. Умидсиз севги фақат романлардагина бўлади. Бекорчи нарс. Фақат бўшашмаслик, доимо йўқ нарсани кутиш, олма пиш, оғзимга туш деб ўтириш керак эмас. Модомики юракда ишқ пайдо бўлган экан, уни юлиб ташламоқ керак. Мана эримни бошқа уездга кўчиришга вада беришди. Уерга

кўчиб бордимми, бўлди, ҳаммасини унутаман... Таг-томири блан юрагимдан суғуриб ташлайман...

Икки хона наридан гамгин вальс оҳанги эшитилади.

Полина Андреевна. Костя чалаётипти. Демак, зерикади.

Маша (*индамай вальсга икки-уч айланади*). Энг муҳими, онажон, уни кўз олдимда кўрмасам бўлгани. Иш қилиб Семёнимни бошқа ерга кўчирсалар бас, уерда, ишонаверинг, бир ойнинг ичидаёқ унутаман. Буларнинг ҳаммаси аҳамиятсиз гаплар.

Чап қўлдаги эшик очилади. Дорн блан Медведенко, Соринни креслога ўтқазиб гилдиратиб киришади.

Медведенко. Энди уйимда олти жон бўлди. Бир пул ун бўлса етмиш тийин.

Дорн. Ана шу ҳолда, бир амаллаб яша.

Медведенко. Ҳа, сиз кулаверасиз. Сизнинг пулингиз кўп, пул демаган ачиб ётипти.

Дорн. Пулми? Дўстим, ўттиз йиллик серташвиш иш натижасида, кечани кеча демай, кундузни кундуз демай аранг икки минг сўм орттирган эдим. Уни ҳам яқинда четёлга бориб, адойи тамом қилиб келдим. Ҳозир бир пақирим йўқ.

Маша (*эрига*). Сен кетганинг йўқми?

Медведенко (*айбдорларча*). Нима қилай? От беришмаса!

Маша (*алам блан овозини пасайтириб*). Кўзларим сени кўрмаса яхши эди.

Кресло уйнинг чап томонида тўхтади; Полина Андреевна, Маша ва Дорнлар Сориннинг ёнига ўтирадилар. Медведенко хафа бўлиб, бир чеккага чиқиб кетади.

Дорн. Уйларингизда ўзгариш катта-ку! Меҳмонхона-ни кабинет қилиб юборибсизлар.

Маша. Буерда Қонстантин Гаврилович учун ишлаш қулайроқ. У истаган вақтда боғчага чиқиб, ўйлаши мумкин.

Қоровулнинг шақилдоғи эшитилади.

Сорин. Синглим қани?

Дорн. Тригоринни кутиб олгани станцияга чиқиб кетди. Ҳозир келиб қолади.

С о р и н. Модомики, синглимни буерга чақириб келтиришни лозим топган экансизлар, демак менинг касалим хавфли. (*Бироз жим қолиб.*) Ана холос, мен хавфли касалман, ҳолбуки менга ҳечқандай дори бермайдилар.

Д о р н. Қанақа дори истайсиз? Валерианками? Содами? Хинми?

С о р и н. Ана, яна фалсафа бошланди. О, бу қандай жазо! (*Диванга имо қилиб.*) Бу ўрин мен учун солиб қўйилганми?

Полина Андреевна. Сизга, Петр Николаевич.

С о р и н. Миннатдорман.

Д о р н (*хиргойи қилиб*). «Тунги кўкда ой сузар аста»...

С о р и н. Мен, Костяга қисса ёзмоқ учун бир сюжет бермоқчиман. У: «Истакли одам», «L'homme qui avoua» деб аталиши керак. Мен ёшлигимда, бир вақтлар ёзучи бўлишни орзу қилгандим — бўлолмадим; чиройли сўзлашишни истар эдим; — аммо ғоят хунук гапирардим (*ўзини-ўзи мазах қилади*): «Аммо, лекин шунинг билан ва ҳоказо унақа, бунақа...» Ба'зан гапнинг хулласига етолмай чўзганим-чўзган, охири терлаб кетардим; уйланишни истадим, аммо уйлангим йўқ; ҳамавақт шаҳарда яшашни хоҳлардим — лекин мана умримнинг охирини қишлоқда ўтказаяпман, вассалом.

Д о р н. Ҳақиқий статский советник бўлишни истардингиз, мана бўлдингиз.

С о р и н (*кулади*). Мен бунга интилмаган эдим. Ўз-ўзидан шундай бўлиб чиқди.

Д о р н. Олтмиш икки ёшга кирган чоқда, турмушдан нолиш, ўзингиз ҳам хўп денг, — олижаноблик эмас.

С о р и н. Бу қандай ўжар одам. Ахир тушунсангизчи, яшашни истайман!

Д о р н. Бу енгилтаклик. Табиат қонунига кўра ҳарбир умрнинг охири бўлиши керак.

С о р и н. Сиз худди тўқ одамга ўхшаб мулоҳаза қиласиз. Сиз тўқсиз, шунинг учун ҳам турмушга бепарво қарайсиз, сизга барибир. Лекин, ўлиш сиз учун ҳам даҳшатли бўлади.

Д о р н. Улим қўрқинчли — ҳайвоний бир қўрқинч... Уни эзиб ташламоқ керак. Онгли равишда ўлимдан қўрқучилар, фақат ҳаётнинг абадийлигига э'tиқод қилучилар ва ўз гуноҳларидан қўрқучилардир. Сиз бўлсангиз биринчидан, э'tиқод қилмайдиганлардан, иккинчидан, сиз-



нинг қанақа гуноҳингиз бор? Сиз суд маҳкамаларида йиғирма беш йил хизмат қилдингиз, шугина холос.

С о р и н (*кулади*). 28...

Т р е п л е в к и р и б, Сориннинг оёқ томонига ўтиради. Маша ундан сра кўз узмайди.

Д о р н. Биз, Константин Гавриловичнинг ишлашига халал бераяпмиз.

Т р е п л е в. Йўқ, зарарсиз.

Пауза.

М е д в е д е н к о. Рухсат этинг, доктор, сиздан сўрашга, четэллардаги қайси шаҳар сизга кўпроқ ёқди?

Д о р н. Генуя.

Т р е п л е в. Нега энди Генуя?

Д о р н. Уер кўчаларининг говжумлиги яхши. Кечқурун меҳмонхонадан чиққан вақтингизда кўчалар халқ блан тўла бўлади. Киши ҳам оломонга қўшилиб ҳечқандай мақсадсиз, эгри-бугри йўл ясаб, уёқдан-буёққа юради, у блан бирга яшайди, унга томон юради ва унга қўшилиб кетади ва қачонлардир, Нина Заречная сизнинг пьеса-нингизда ўйнаган ягона дун'ёвий руҳ сингари, яккаю-ягона дун'ёвий руҳнинг ҳақиқатан ҳам бўлиши мумкинлигига ишонабошлайди. Айтгандёк, Заречная ҳозир қаерда? Қаерда ва қай аҳволда?

Т р е п л е в. Саломат бўлса керак.

Д о р н. Менга унинг қандайдир бошқача бир ҳаёт бошлаганини айтдилар. Нима гап ўзи?

Т р е п л е в. Доктор, бу жуда узоқ хангома.

Д о р н. Сиз қисқароқ қилиб айтиб беринг.

Пауза.

Т р е п л е в. У уйдан қочиб бориб, Тригоринга тегиб олди. Бу сизга ма'лумми?

Д о р н. Эшитувдим.

Т р е п л е в. Боласи бор эди. Боласи ўлди. Тригорин ундан совуди ва ўзининг эски жазманларига қайтди, шундай бўлиши турган гап эди. Умуман, у ҳечқачон аввалги жазманларини ташлаган эмас, балки ўзининг бебурдлиги блан уёқни ҳам, буёқни ҳам алдаб келди. Менга ма'лум бўлган нарсалардан шуни англадимки, Нинанинг шахсий ҳаёти тамом муваффақиятсиз бўлиб чиқди.

Д о р н. Хўш, артистлик-чи?

Т р е п л е в. Афтидан, бу ундан ҳам баттарроқ. У бир-неча вақт Москва яқинидаги театрда ўйнади, кейин провинцияга кетди. Уша маҳалда мен уни кузатиб юрдим, бирқанча вақт у қаёққа борса, мен ҳам ўша ёққа бордим. У ҳамавақт катта рольларни олар эди, аммо, кўпол, хунук оқ тортиб, кескин ҳаракат блан ўйнарди. Ба'зи пайтларда у усталик блан қичқирар ва моҳирлик блан ўйнар эди. Лекин бу ҳол айрим пайтлардагина юз берар эди.

Д о р н. Демак, ҳарҳолда исте'доди бор экан-да?

Т р е п л е в. Тушуниш қийин. Афтидан, бўлса керак. Мен уни кўрдим, аммо у мени кўришни истамади, хизматкорлари мени унинг ёнига, номерга киришга қўйишмасди. Мен унинг аҳволи руҳиясини тушунар эдим. Шунинг учун ҳам кўришишга ортиқча уринганим йўқ.

Пауза.

Яна нимани айтиб берсам экан сизга? Кейин уйга қайтиб келгач, ундан мактублар олдим. Улар ма'нодор, ҳароратлик, қизиқ мактублар эди: у ҳатто шикоят қилмасди, лекин мен унинг ғоят бахтсиз эканини сездим: ҳарбир сатрдан ғам, асабият сезилиб турарди. Хаёллари ҳам бироз паришон кўринди. У хатга Чайка деб имзо қўйганди. «Русалка» операсида тегирмончи, мен қузғунман дерди, шунга ўхшаб у ҳам, ҳамма хатларида ўзини Чайкаман, деб такрорлайди. Ҳозир у шу ерда.

Д о р н. Шу ерда деганингиз нимаси?

Т р е п л е в. Шаҳарда, карвон саройида. Беш кунча бўлиб қолди, ўша ерда номерда яшайди. Мен унинг олди-га бормоқчи эдим, лекин мана Марья Ильинична бориб келди, у ҳечкимни қабул қилмас эмиш. Семён Семёнович уни кеча кечга яқин бундан икки чақиримча нарида, далада кўрган эмиш.

М е д в е д е н к о. Ҳа мен кўрдим. Уша томонга, шаҳарга қараб кетаётган эди. Мен унга салом бердим ва нима учун бизникига меҳмон бўлиб келмаслигини сўрадим. У келаман, деди.

Т р е п л е в. Келмайди.

Пауза.

Отаси блан ўгай онасининг уни кўргани кўзлари йўқ. Ҳатто кўрғонга уни яқин йўлатмаслик учун ҳамма ерга қоровулар қўйишган. (Доктор блан ёзув столи ёнига-

*боради.*) Доктор, қоғозда файласуф бўлиш нақадар осон, амалда эса ғоят қийин!

С о р и н. Жуда латофатли қиз эди.

Д о р н. Нима дедингиз?

С о р и н. Жуда латофатли қиз эди, деяпман. Ҳатто ҳақиқий статский советник Сорин бирмунча вақтгача унга ошиқ бўлиб юрган эди.

Д о р н. Эски хуштор!

Шамраевнинг кулгани эшитилди.

П о л и н а А н д р е е в н а. Бизникилар станциядан келганга ўхшайди...

Т р е п л е в. Ҳа, онамнинг товуши келаяпти.

Аркадина, Тригорин, уларнинг орқасидан Шамраев киради.

Ш а м р а е в (*кираётиб*). Биз стихия та'сири остида қариб, чириб кетаётимиз, сиз бўлсангизчи, муҳтарам хоним, ҳамон гулдекисиз... Ажойиб кофточка, тетиклик... Назокат...

А р к а д и н а. Сиз менга яна кўз тегизиб қўясиз, дилозор киши!

Т р и г о р и н (*Соринга*). Салом, Петр Николаевич! Нима, ҳали ҳам касалмисиз? Яхши эмас! (*Машани кўриб, севиниб.*) Марья Ильинична!

М а ш а. Танидингизми? (*Унинг қўлини қисади.*)

Т р и г о р и н. Турмушга чиқдингизми?

М а ш а. Аллақачонлар.

Т р и г о р и н. Бахтиёрмисиз? (*Дорн ва Медведевлар блан саломлашади, сўнге қат'иятсизлик блан Треплевнинг олдига боради.*) Ирина Николаевна, эски гиналарни унутганингизни ва мендан хафа эмаслигингизни айтдилар.

Треплев унга қўл узатади.

А р к а д и н а (*ўғлига*). Мана, Борис Алексеевич, сенинг ҳикоянг босилган журнални олиб келди.

Т р е п л е в (*журнални олиб, Тригоринга*). Ташаккур. Сиз ғоят марҳаматлисиз. (*Ўтирадилар.*)

Т р и г о р и н. Муҳлисларингиз сизга салом юборишди... Петербургда ва Москвада умуман сизга қизиқадилар ва ҳамавақт мендан сизнинг тўғрингизда сўрайдилар. Қанақа одам, ёши нечада, қора одамми, сариқ одамми, деб савол берадилар. Нима учундир ҳаммалари сизни

ёши улгайиб қолган киши деб ўйлайдилар. Сиз асарларингизни тахаллус блан бостираётганингиз учун ҳечким сизнинг ҳақиқий фамилиянгизни билмайди. Сиз худди Темир Ниқоб сингари сирлисиз.

Т р е п л е в. Бизникида узоқ бўласизми?

Т р и г о р и н. Йўқ, эртагаёқ Москвага жўнасам керак. Бориш лозим. Қиссамни тезроқ тугатишим керак, кейин тўплам учун ба'зи нарсалар ва'да қилган эдим. Қисқасини айтганда — ўша эски ҳангома-да.

Улар гап блан машғул эдилар, Аркадина блан Полина Андреевна уйнинг ўртасига, устига мовут қопланган қарта ўйнайдиган столни келтириб қўядилар ва қанотини очадилар; Шамраев шамларни ёқиб стулларни келтириб қўяди. Шкафдан лото олишади.

Т р и г о р и н. Мен бузуқ ҳавога тўгри келиб қолдим. Шамол қаттиқ эсмоқда. Эртага эрталаб, агар шамол бўлмаса, кўлга балиқ тутгани бораман. Дарвоқи' боғни ва сизнинг пьесангиз ўйналган ерни — эсингиздами, бориб кўриш керак. Менинг миямда бир мавзу' пишиб тайёр бўлиб қолди. Фақат воқиа ўрнини қайтадан аниқлаб олсам бас.

М а ш а (отасига). Отажон, эримга битта от беришин. У уйга жўнаши керак.

Ш а м р а е в (калака қилиб). От... уйга... (Жиддий.) Ўзинг кўриб турибсан-ку: ҳозир станцияга бориб келди. Дарров миниб кетиб бўлмайди.

М а ш а. Ахир бошқа отлар ҳам бор-ку... (Отасининг индамаганини кўриб, қўл силтайди.) Сизга ишим тушмай ўлсин...

М е д в е д е н к о. Маша, мен яёв кетавераман, рост...

П о л и н а А н д р е е в н а (хўрсиниб). Яёв, мана шундай ёмон ҳавода-я... (Уйин столи ёнига ўтиради.) Марҳамат қилинглар, афандилар.

М е д в е д е н к о. Атиги олти чақирим келадиган йўл, холос... Хайр... (Хотинининг қўлини ўпади.) Онажон, хайр.

Қайнанаси истар-истамас унга ўпиш учун қўлини узатади.

Мен ҳечкимни безовта қилиб юрмас эдим-у, аммо, ёш бола бор... (Ҳаммага та'зим қилади.) Хайр... (Гуноҳкордек қадам босиб чиқиб кетади.)

Ш а м р а е в. Зарарсиз, етиб олади. Генерал эмас-ку, ахир.

Полина Андреевна (столни тақиллатиб). Марҳамаг қилинглар, афандилар. Беқорга вақт ўтказмайлик, ҳали замоноқ кечки овқатга чақириб қоладилар.

Шамраев, Маша ва Дорнлар стол ёнига ўтирадилар.

Аркадина (Тригоринга). Узоқ куз кечалари бошланганда, бу жойда лото ўйнайдилар. Мана қаранг; қадимий лото, бу лотода, биз ёш бола вақтимизда раҳматлик онамиз биз блан ўйнар эди. Кечки овқатга қадар биз блан бир партия ўйнашни истайсизми? (Тригорин блан стол ёнига ўтирадилар.) Ўзи сал зериктирадиган ўйин, аммо ўрганиб қолсангиз, чакки эмас. (Ҳаммага учтадан карта улашади.)

Треплев (журнални варақлаб кўриб). Ўзининг қиссасини ўқипти-ю, меникини очиб ҳам кўрмапти. (Журнални ёзув столига қўяди, сўнг чап эшикка қараб кетади, ўтиб кетаётиб онасининг бошидан ўпади.)

Аркадина. Костя, сен ўйнамайсанми?

Треплев. Кечир, негадир ўйнагим келмаяпти. Мен бир айланиб келай. (Чиқиб кетади.)

Аркадина. Ярим тангадан тикамиз. Доктор, менинг учун ҳам қўйинг.

Дорн. Хўп бўлади.

Маша. Ҳамма қўйиб бўлдимми? Бошлайман... Йигирма икки...

Аркадина. Бор.

Маша. Уч.

Дорн. Хўш...

Маша. Учни ёпдиларингми? Саккиз! Саксон бир! Ун!

Шамраев. Шошилма-да.

Аркадина. Харьковда мени шундай яхши қабул қилишдики, вой-бўй, ҳалигача ошим айланади-я!

Маша. Ўттиз тўрт!

Саҳна орқасидан ғамгин вальс садоси эшитилади.

Аркадина. Студентлар роса қарсақ чалишди... Уч сават гул, икки гулчамбар беришди, сўнг мана бу... (Кўригидан тўғноғич олиб стол устига ташлайди.)

Шамраев. Ҳа, бу тузук буюм.

Маша. Эллик!

Дорн. Роса элликми?

Аркадина. Үзим ҳам антиқа қилиб кийинган эдим... Бошқа нарсани билмадим, лекин кийинишга келганда суягим йўқ...

Полина Андреевна. Костя чалаётипти. Бечора изтироб чекади.

Шамраев. Газеталарда уни жуда ёмонлаб ёзишмоқда.

Маша. Етмиш етти!

Аркадина. У, бунга э'tибор қилмаса ҳам бўлади.

Тригорин. Унинг сра иши юришмаяпти. Ҳамон ўзининг ҳақиқий йўлини топиб олган эмас, қандайдир ғалати, мавҳум, ба'зан ҳатто аллаҳлашга ўхшаган гаплар. Асариди битта ҳам тирик сдам йўқ.

Маша. Ун бир!

Аркадина (*Соринга қараб*). Петруша, зерикаётганинг йўқми?

Пауза.

Ухлаб қолипти.

Дорн. Ҳақиқий статский советник ухламоқдалар.

Маша. Етти! Тўқсон!

Тригорин. Агар мен бунақанги жойда, кўл бўйида яшасам, ёзиш блан машғул бўлиб ўтирармидим? Мен ўзимдаги бу эҳтиросни енгиб, нуқул балиқ овлардим.

Маша. Йигирма саккиз!

Тригорин. Ёрш ёки олабуга балиғини тутиб олиш қандай завқли-а!

Дорн. Мен Константин Гавриловичга ишонаман. Унда нимадир бор! Унинг нимасидир бор! У образлар орқали фикр юритади, ҳикоялари рангбаранг, ёрқин бўладию, мен уларни жуда яхши сезаман. Афсуски, фақат у ма'лум бир мақсадга эга эмас. Та'сир кўргазади холос, бошқа ҳечнарсаси йўқ, ҳолбуки фақат та'сир блан бир гап чиқариб бўлмайди. Ирина Николаевна, сиз ўғлингиз ёзучи бўлгани учун хурсандмисиз?

Аркадина. Буни қаранг-а, ҳалигача мен унинг асарларини ўқиган эмасман. Вақт йўқ.

Маша. Йигирма олти!

Треплев секин кириб келиб, ўз столи ёнига боради.

Шамраев (*Тригоринга*). Айтгандек, Борис Алексеевич, сизнинг бир нарсангиз қолган эди.

Тригорин. Нима экан у?

Шамраев. Бир вақтлар Константин Гаврилович битта чайкани отиб келган эди, сиз менга уни қотириб қўйдиришни буюрган эдингиз.

Тригорин. Эсимда йўқ. *(Уйланиб.)* Эсимда йўқ!

Маша. Олтмиш олти! Бир!

Треплев *(деразани очиб қулоқ солади)*. Мунча қоронги! Нима учун мен бу қадар безовта бўлаётиман, хайронман!

Аркадина. Костя, деразани бекит, совуқ кираётипти.

Треплев деразани ёпади.

Маша. Саксон саккиз.

Тригорин. Мен тугатдим, афандилар.

Аркадина *(хурсанд)*. Балли! Офарин!

Шамраев. Баракалла!

Аркадина Бу кишининг ҳамавақт ва ҳар ерда иши йирик. *(Туради.)* Энди юринглар, бирор нарса еб олайлик. Бизнинг донгдор адибимиз ҳали овқат еганлари йўқ. Овқатдан сўнг ўйинни давом этдирамиз. *(Ўғлига.)* Костя, қўлёмаларингни қўй, юр, овқат еймиз.

Треплев. Истамайман, ойижон, қорним тўқ.

Аркадина. Ихтиёринг. *(Соринни уйғотади.)* Петруша, овқатга юр! *(Шамраевни қўлтиқлаб олади.)* Мени Харьковда қандай яхши кутиб олишганини сизга айтиб бераман...

Полина Андреевна, стол устидаги шамни ўчиради, кейин у блан Дорн креслони ғилдиради, олиб кетадилар. Ҳамма чапдаги эшикка қараб кетади; саҳнада, ёзув столи ёнида ўтирган Треплевгина қолади.

Треплев *(ёзмоқчи бўлади; ёзганларини кўздан кечириб чиқади)*. Мен янги шакл тўғрисида жуда кўп гапирган эдим, энди бўлса ўзимнинг ҳам секин-аста ўша эски йўлга тушиб кетаётганимни сезаётиман *(Ўқийди.)* «Девордаги афишалар, хабар берарди... қопқора сочлар блан ўралган, қонсиз юз» ...Хабар берарди. Ўралган... Бемаза гаплар. *(Ўчиради.)* Қаҳрамонимни ёмғирнинг шовқуни уйғотиб юборганидан бошлайман, бошқа гапларнинг ҳаммасини ўчириб ташлаш керак, ойдин кечаларнинг тасвири чўзиқ ҳамда чучмал. Тригорин ўзига хос услуб ишлаб олган, унга ссон... Унинг тасвирича: тўғон устида синган шишанинг бўйни ялтирайди, тегирмон пар-

рагининг сояси қорайиб кўринади — мана, ойдин кеча тасвири тайёр, меникида эса титроқ нур, юлдузларнинг оҳишта жимирлаши, узоқдан келаётган рояль товушининг сокин, муаттар ҳавога сингиб кетиши... Булар жуда жонга тегадиган гаплар.

Пауза.

Ҳа, мен борган сари шундай қарорга келаяпманки, гап эски ёки янги шаклда ҳам эмас, гап шундаки, киши ҳеч қанақа шаклни ўйламай ёзади, чунки, унинг фикр-ҳисла-ри юрагидан эркин равишда қўйилаберилади.

Кимдир столга яқин бўлган деразани тақиллатади.

Нима гап? (*Деразага қарайди.*) Ҳечнарсга кўришмайди... (*Ойнавонли эшикни очиб, боққа қарайди.*) Кимдир зина-поядан пастга қараб чопиб кетди. (*Овозини чиқариб сўрайди.*) Ким у? (*Чиқиб кетади; унинг айвондан тез ўтгани эшитилади: ярим минутдан сўнг Нина Заречная блан бирга қайтиб киради.*) Нина! Нина!

Нина унинг кўксига бошини қўйиб, оҳишта, товушсиз йиғлайди.

Треплев (*ҳаяжонда*). Нина! Нина! Сизми, сизми-сиз... Мен худди олдиндан бир нарсани сезгандай бўлудим. Қун бўйи юрагим қаттиқ сиқилди. (*Нинанинг шляпасини ва тальмасини ечиб олади.*) О, менинг азизим, менинг қувончим, мана у келди! Йиғламанг, қўйинг йигини.

Нина. Буерда кимдир бор шекилли.

Треплев. Ҳечким йўқ.

Нина. Эшикни қулфлаб қўйинг, битта-яримта кириб қолмасин.

Треплев. Ҳечким кирмайди.

Нина. Мен биламан, Ирина Николаевна шу ерда. Эшикни бекитинг.

Треплев (*ўнг қўлдаги эшикни қулфлайди, чап эшик ёнига келиб*). Бу эшикнинг қулф-калиди йўқ. Кресло блан тўсиб қўяман. (*Эшикка креслони суриб қўяди.*) Қўрқманг, ҳечким кирмайди.

Нина (*унинг юзларига тикилиб*). Келинг, юзларингизга қараб олай. (*Атрофга боқиб.*) Иссиқ, яхши... Илгари буер меҳмонхона эди. Мен жуда ўзгариб кетибманми?



Т р е п л е в. Ҳа... Озибсиз, кўзларингиз ҳам каттайиб кетипти. Нина, сизни кўриб турганим — қандайдир тааж-жуб. Нима учун сиз мени ёнингизга киргизмадингиз? Нима сабабдан шу маҳалгача буерга бир келмадингиз? Мен биламан, сизнинг буерда эканлигингизга бир ҳафтача бўлиб қолди... Мен ҳар куни неча марта олдингизга бордим ва худди гадодек деразангиз тагида турдим.

Н и н а. Сиз мендан нафратланасиз, деб кўрққан эдим. Ҳар куни сизни тушимда кўрардим, менга қарардингиз-у, аммо танимасдингиз. Оҳ, билсангиз эди! Келган кунимдан бери ҳар куни шу ерда... Кўл атрофида юраман. Уйингиз ёнида кўп марта бўлдим, аммо киришга жур'ат этмадим. Келинг, ўтирайлик. (*Ўтирадилар.*) Утирайлигу, хўб суҳбатлашайлик. Буер яхши, иссиқ, шинам... Шамол гувиллаяпти, эшитаяпсизми? Тургеневда шундай бир жой бор: «Бундай кечалар иссиқ уйдан чиқмай ўтирган ва бошпанаси борлар учунгина яхши»! Мен эса чайкаман... Йўқ, мен бошқа гапни айтаяпман. (*Пешонасини ишқалайди.*) Нима тўғрисида гапирмоқчи эдим? Ҳа... Тургенев... «Танграм барча бошпанасиз дарбадарларни ўз паҳолида асрасин»... Майли... (*Йиғлайди.*)

Т р е п л е в. Нина, сиз яна... Нина!

Н и н а. Ҳечқиси йўқ, йиғласам енгил тортаман... Икки йилдан бери йиғлаганим йўқ эди. Кеча кечқурун, театримиз бутун туриптими деб, уни кўргани боққа борувдим. У ҳамон ўшандай турипти. Икки йилдан кейин шу ерда биринчи марта йиғлаб юбордим. Қайгим бироз тарқалди, кўнглим пича ёзилди. Мана кўраётибсизми, йиғидан тўхтадим. (*Треплевнинг кўлидан ушлайди.*) Шундай қилиб сиз ҳам ёзучи бўлиб қолдингиз... Сиз энди ёзучисиз, мен актрисаман... Мана иккимиз ҳам ҳаёт гирдобига тушдик... Мен шод, болаларча яшардим, эрталаб уйғонаманда ашула бошлардим; сизни севардим, шуҳратни орзу қилардим, энди-чи? Эртага эрталаб учинчи классда мужиклар орасида Елецга жўнашим керак, Елецда эса ўқимишли савдогарлар илтифот кўрсатиб, шилқимлик қиладилар, қандай дағал ҳаёт!

Т р е п л е в. Елецга нима учун борасиз?

Н и н а. Бутун қиш театрда ўйнайман деб шартнома тузгандим. Жўнаш фурсати ҳам келди.

<sup>1</sup> И. Тургеневнинг «Рудин» романидан.

Треплев. Нина, мен сизни ла'натладим, ёмон кўрдим, хатларингизни ва суратларингизни йиртиб ташладим, аммо қалбимнинг сизга абадий боғлиқ эканини ҳар он англай эдим. Сизга бўлган севгимни маҳв этиш қўлимдан келмади, Нина. Сизни йўқотганимдан ва асарларимни бостира бошлаганимдан буён, ҳаёт менинг учун чидаб бўлмас азоб-уқубатга айланди — мен изтироб чекмоқдаман... — Ёшлигим бирдан узилгандай бўлди ва мен ўзимни гўё дун'ёда тўқсан йил умр кўргандек ҳис қилдим. Мен сизни чақираман, қадамларингиз теккан тупроқни ўпаман; мен қаёққа назар ташламайин ҳамаёқда сизнинг чеҳрангиз, ҳаётимнинг энг яхши йилларида менга нур сочган, мана шу мулойим табассумингиз намоеён бўлади...  
Нина (*ўзини йўқотиб*). Нега бундай деяпти, нега бундай?

Треплев. Мен ёлғизман, менга ҳечкимнинг севгиси ҳарорат берган эмас, мен худди ертўлада қолган кишидек, совуқдан дилдирайман ва нима ёзмайин, ҳаммаси ширасиз, қуруқ, кўнгилсиз бўлиб чиқади. Шу ерда қолинг, Нина, сиздан ўтинаман, ё рухсат беринг, сиз блан бирга кетай.

Нина тезда тальмаси блан шляпасини киябошлайди.

Треплев. Нина. Нима учун? Нина, худо ҳақи... (*Унинг кийинишига қараб туради; пауза.*)

Нина. Отларим эшик олдида турипти. Кузатиб ҳам ўтирманг, ўзим кетаман... (*Йиғи аралаш.*) Сув беринг...

Треплев (*сув беради*). Ҳозир қаёққа борасиз?

Нина. Шаҳарга. (*Пауза.*) Ирина Николаевна шу ердами?

Треплев. Ҳа... Пайшанба кuni тоғамнинг ҳоли оғирлашган эди, биз уни телеграмма бериб, чақиртириб олдик.

Нина. Нимага сиз, қадамларингиз теккан тупроқни ўпдим, дедингиз? Мени ўлдириш керак. (*Столга энгашади.*) Мен шу қадар чарчаганманки! Дам олсам эди... ором олсам! (*Бошини кўтаради.*) Мен чайкаман... Йўқ, мен бошқа гапни айтаяпман. Мен — актрисаман... Ҳа, шундай! (*Аркадина блан Тригориннинг кулгисини эшитиб, қулоқ солади, кейин чап қўлдаги эшик ёнига югуриб бориб калид соладиган тешикдан мўралайди.*) У ҳам шу ерда... (*Треплевнинг ёнига қайтиб келади.*) Ҳа, шундай... Майли... Ҳа... театрға ишонмас эди, ҳамиша менинг орзуларимдан куларди, мен ҳам аста-секин ишонмайдиган

бўлиб қолдим, руҳим тушиб кетди... Бирёқдан севги ташвишлари, рашк ҳамда гўдак туфайли доим таҳликага тушиш... Мен майда гап, ожиз бир кишига айланиб қолдим, ўйинларим бема'ни бўлди... Қўлимни қаерга қўйишни, ўзимни саҳнада қандай тутишни билмадим, овозим ҳам бўйсунмасди. Ёмон ўйнаётганингни ўзинг сезган вақтда юз берадиган ҳолатни сиз англамайсиз. Мен чайкаман. Йўқ, мен бошқа гапни айтаяпман... Эсингизда борми, сиз чайка отиб келган эдингиз? Бир одам тасодифан келдию, уни кўрди ва беқордан-бекорга ҳалок қилди... Кичкина бир ҳикоя учун сюжет... йўқ, мен бошқа гапни айтаяпман... (*Пешонасини ишқайди.*) Нима тўғрисида гапираётган эдим?.. Ҳа, мен саҳна тўғрисида сўзлаётган эдим. Мен ҳозир унақа эмасман... Энди ҳақиқий актриса бўлиб кетганман. Саҳнада завқ блан ўйнайман, мароқланаман, ўзимни ғоят тетик ва яхши ҳис этаман. Ҳозирча буерда яшар эканман, доим яёв юраман, юриб ўйлайман, ўйлайман-да, кун сайин ўзимнинг руҳий кучим нақадар ўсаётганини сезиб бораман... Костя, мен энди англадимки, бизнинг ишимизда — саҳнада ўйнаймизми ёки ёзамизми барибир, асосий нарса шуҳрат эмас, донг ёхуд мен орзу қилган нарсалар эмас, балки тоқат қилаолиш экан. Мен буни билиб олдим. Ўз э'тиқодингни қўлдан қўйма-ю, ишон... Менинг э'тиқодим бор, шунинг учун ҳам менга унча оғир эмас, мен ўз исте'додим ҳақида ўйлар эканман, ҳаётдан қўрқмайман.

Т р е п л е в (*Ғамгин*). Сиз ўз йўлингизни топиб олибсиз, қаёққа қараб бораётганингизни ҳам биласиз, аммо мен бўлсам, ҳамон нима учун ва ким учун керак эканимни билмаганим ҳолда, ширин хаёллар ва образлар оламида дайдиб юрибман. Менинг э'тиқодим йўқ, вазифам нимадан иборат эканини билмайман.

Н и н а (*қулоқ солиб*). Тсс... Мен кетай. Хайр. Мен машҳур актриса бўлиб кетганимда, кўргани келинг. Ва'да берасизми? Энди хайр... (*Қўлини қисади.*) Кеч бўлиб қолди. Мен зўрға тикка турибман... Жуда ҳолдан кетганман, овқат егим келаяпти.

Т р е п л е в. Қолинг, овқат келтираман...

Н и н а. Йўқ, йўқ... Кузатманг мени, ўзим етиб оламан... Отларим яқинда туришипти... Демак, Ирина Николаевна уни ўзи блан бирга олиб келипти-да? Майли, барибир, Тригоринни кўрганингизда унга ҳечнарса деманг... Мен уни севаман. Мен уни ҳатто илгаригидан ҳам қат-

тикроқ севаман. Кичкина бир ҳикоя учун сюжет... Севаман, қаттиқ ва эҳтирос блан севаман. Илгари яхши эди, Костя! Хотиранингиздами? Қандай равшан, илиқ, хушчақчоқ, нозик гулларга ўхшаган ҳислар... Ёдингиздами?.. (Ўқийди.) Одамлар, арслонлар, бургутлар ва какликлар, шохлик буғилар, ғозлар, ўргумчаклар, сувда яшовчи индамас балиқлар, денгиз юлдузлари ва у, кўзга кўринмайдиган махлуқлар ҳам — қисқаси, бутун махлуқлар, бутун махлуқлар ҳамгин бир доира чизарак сўндилар... Ер кўксиди битта ҳам жон эгаси қолмаганига минг асрлар бўлиб кетди ва бу бечора ой ўз фанорини беҳуда ёқмоқда. Энди ўтлоқларда чуввос солиб турналар уйғонмайди ва арғувонзорларда тиллақўнғизлар парвози эшитилмайди...

Треплевни қаттиқ қучоқлайди ва ойнавонли эшикдан тез чиқиб кетади.

Треплев (*паузадан кейин*). Агар уни битта-яримта боғда кўриб қолиб, кейин ойимга айтса яхши бўлмайди. Бу нарса ойимни хафа қилиши мумкин. (*Икки минут давомиди индамай туриб, бутун қўлёмаларини йиртиб, стол остига ташлайди, сўнг ўнг томондаги эшикни очиб, чиқиб кетади.*)

Дорн (*чап томондаги эшикни очибга ҳаракат қилиб.*) Таажжуб. Назаримда эшик қулфланиб қўйилганга ўхшайди... (*Қиради ва креслони ўз ўрнига суриб қўяди.*) Худди гов орқали сакрашга ўхшайди.

Аркадина, Полина Андреевна, уларнинг орқасидан бутилка кўтариб Яков ва Маша, сўнгра Тригорин ва Шамраевлар киради.

Аркадина. Қизил винони ва пивони Борис Алексеевич учун мана буерга, спол устига қўйинглар. Биз ичиб ўтириб, ўйнайверамиз. Қани, афандилар, ўтиринглар.

Полина Андреевна (*Яковга*). Дарров чойни ҳам келтир. (*Шамни ёқади ва ўйин столи олдига ўтиради.*)

Шамраев (*Тригоринни шкаф ёнига олиб келади*). Боя айтган нарсам мана бу... (*Шкафдан қотириб қўйилган чайкани олади.*) Сизнинг буюртмангиз.

Тригорин (*чайкага кўз солиб*). Хотирамда йўқ! (*Ўйланиб.*) Ёдимда йўқ!

Саҳна орқасиди, ўнг томондан ўқ товуши эшитилади, ҳамма чўчиб тушади.

Аркадина (қўрқиб). Нима гап ўзи?

Дорн. Ҳечнарс. Назаримда менинг йўл аптекамда бирор нарса ёрилиб кетганга ўхшайди. Ташвиш тортманг. (Унг қўлдаги эшикдан чиқиб кетади ва ярим минутдан сўнг қайтиб келади.) Худди ўзим айтгандек. Эфир солинган шиша идиш ёрилиб кетипти. (Фингиллаб ашула айтади.) «Қаршингда турибман мафтун бўлиб...»

Аркадина (стол ёнига ўтириб). Уф, жудаям қўрқиб кетдим-а. Мен ўйлабманки, ҳо бирдагидек... (Қўллари блан юзини бекитади). Ҳатто, кўз олдим қоронғулашиб кетди...

Дорн (журнални варақлаб, Тригоринга дейди). Бу журналда икки ой бундан муқаддам бир мақола босилган эди... Америкадан хат, мен сиздан шу ҳақда сўрамоқчи эдим... (Тригориннинг биқинидан ушлаб лампага яқин олиб келади.) ... Чунки, мен бу масалага жуда ҳам қизиқаман... (Овозини пасайтириб секин). Ирина Николаевнаи буердан бошқа бирор ёққа олиб кетинг. Гап бундай. Константин Гаврилович ўзини-ўзи отиб қўйди...

ПАРДА

1896

## ИЛТИМОС

*Бир пардали ҳазил*

ИШТИРОК ЭТУЧИЛАР:

Степан Степанович Чубуков, помешчик.

Наталья Степановна, унинг қизи, 25 ёшларда.

Иван Васильевич Ломов, Чубуковнинг қўшниси, бақувват, семиздан келган, лекин жуда бадгумон, ваҳимачи, васвас помешчик.

Воқиа Чубуков қўрғонида бўлади.

Чубуковнинг меҳмонхонаси.

### I

Чубуков ва Ломов (*фрак кийган, қўлларида оппоқ қўлқоп*).

Чубуков (*уни кутиб олгани бораркан*). Азизим, Иван Васильевич! Қандай шамол учирди! Бениҳоя хурсандман! (*Унинг қўлини қисади.*) Худди шундай, жуда хурсанд қилдингиз, гавҳарим... Аҳволингиз қалай?

Ломов. Раҳмат. Узларининг аҳволлари қалай?

Чубуков. Сояий давлатингизда яшаб турибмиз. илтифот ва марҳаматингиздан баҳрамандмиз ва ҳоказо. Қани, марҳамат қилиб ўтирсинлар... Шундай, гавҳарим, қўшнилари унутиб юбориш яхши эмас. Азизим, нега бундай расмий равишда? Фрак, қўлқоп ва ҳоказолар кийибсиз? Қадрдоним, ёки бирор ёққа кетаяпсизми?

Ломов. Йўқ, мен ҳузурингизга келдим, ҳурматли Степан Степанович.

Чубуков. Ундай бўлса фракнинг нима ҳожати бор, сухсурим? Худди янги йилни кутгани келган меҳмонга ўхшайсиз!

Ломов. Биласизми, гап нимада? *(Уни қўлтиқлаб олади.)* Мен сизнинг хузурингизга, ҳурматли Степан Степанич, бир илтимос блан келгандим. Сиздан кўп марта ёрдам сўраш шарафига сазовор бўлганман, сиз ҳамиша, дейлик... ҳалиги, мени кечиринг, жуда ҳаяжонланиб кетаяпман. Мен озгина сув ичиб олай, бўлмаса, ҳурматли Степан Степанович. *(Сув қуйиб ичади.)*

Чубуков *(бир четга қараб)*. Пул сўрагани келган! Бермайман! *(Унга.)* Хўш, нима хизмат, сухсурим?

Ломов. Мен сизга айтсам, Ҳурмат Степанич... Кечирасиз, Степан Ҳурматович... мана, ўзингиз ҳам кўриб турибсизки, жуда ҳаяжонланаяпман... Гапнинг лўндасини айтсам, ёлғиз сизгина менга ёрдам бераоласиз, турган гап, мен бунга арзигудай ҳечнима қилганим йўқ... шунинг учун ёрдамингизга умидвор ҳам бўлолмайман...

Чубуков. Вой бўў, чўзиб нима қиласиз, гавҳарим! Бор гапни айтинг қўйинг! Хўш?

Ломов. Ҳозир... Бир дақиқа. Гап шундаки, қизингиз Наталья Степановнани менга раво кўрармикансиз деб келгандим.

Чубуков *(қувониб)*. Олтиним! Иван Васильевич! Яна бир такрорланг, — мен яхши эшитолмадим!

Ломов. Мен шу нарсани айтиш шарафига...

Чубуков *(унинг сўзини бўлиб)*. Азизим... Мен шундай хурсандманки ва ҳоказо... Худди шундай ва шунга ўхшашлар. *(Уни қучоқлаб, ўпади.)* Мен буни кўпдан истардим. Бу менинг доимий орзуйим эди. *(Кўзларидан ёш чиқариб.)* Шундай, фарништам, мени сизни ҳамиша худди ўз ўғлимдек яхши кўрардим. Илоҳим қўша-қаринглар, тотув яшанглар ва ҳоказо, бу менинг дилимдаги гап бўлди-да... Мени қаранг, нега худди ёғочдек қаққайиб турибман? Севинганимдан эсим оғиб, довдираб қолибман! Уҳ, чин қалбимдан... Бориб Наташани чақириб келаман ва бошқалар.

Ломов *(ҳаяжонланиб)*. Ҳурматли Степан Степанич, сизнинг фикрингизча қандай, у кишининг розилигидан умидвор бўлаоламанми?

Чубуков. Шундай, худди шундай, гўзалга-я... рози бўлмай қолармикини? Ўзиям ошиқи шайдо бўлиб юргандир, ва ҳоказо... Ҳозир! *(Чиқиб кетади.)*

## II

### Ломов (ёлғиз).

Ломов. Совуқ.. Мен худди имтиҳондан ўтай деб тургандек титраб кетаяпман. Энг асосий нарса — шартта ҳал этмоқ. Агар узоқ ўйласанг, иккилансанг, кўп гапириб идеални ёки чин муҳаббатни кутиб юрсанг, ҳечқачон ўйланмайсан... Ҳу-у!.. Совуқ! Наталья Степановна жуда яхши хозияка, келишган, ма'лумотли... Менга бундан ортиқ яна нима керак? Лекин, ҳаяжонланишдан қулоғим шангиллаб кетаяпти. (*Сув ичади.*) Уйланмасдан иложим йўқ... Биринчидан, мана 35 га кириб қолдим,— бу эса ёши ўтиб қолди деган сўз. Иккинчидан менга тўғри, бир ме'ёрдаги ҳаёт керак... Юрак касалим бор, ҳамиша юрагим ўйнайди, бунинг устига тажангман, жуда ҳаяжонланаман... Мана, ҳозир ҳам лабларим титраб, ўнг қовоғим учиб турипти... Лекин энг ёмон касалим уйқусизлик. Энди ўринга ётдим дегунча, кўзим илинар-илинмас, бирдан чап биқиним санчиб кетади! Кейин елкамга ва бошимга ўтади... Худди ақлдан озган одамдек ўрнимдан сапчиб тураман-у, уёқдан-буёққа юрабошлайман, сўнг яна ўринга чўзиламан, тагин кўзим илинар-илинмас, биқиним яна санчиб қолади! Йигирма мартача шу гап...

## III

### Наталья Степановна ва Ломов

Наталья Степановна (*киради*). Ана холос! Сиз экансиз-у, дадамлар: уёққа кир, савдогар молга келиб, кутиб ўтирипти, дедилар. Салом, Иван Васильевич!

Ломов. Салом, ҳурматли Наталья Степановна!

Наталья Степановна. Мени кечиринг, устимда фартук, айб бўлади демай кириб келаверибман... Биз қуриггани нўхат тозалаётган эдик. Нега анча вақтдан бери бизникига кирмайсиз? Утиринг... (*Утирадилар.*) Понушта қилишни истайсизми?

Ломов. Йўқ, раҳмат, мен понушта қилдим.

Наталья Степановна. Бўлмаса чекинг... мана гугурт... Оби-ҳаво қандай яхши-я, кеча шундай ёмғир қуйган эдики, ишчилар кун бўйи ишламади. Сиз қанча гарам ўриб олдингиз! Мен бўлсам, буни қаранг-а, хасислик қилиб, бутун яйловимни ўрдириб қўйибман, мана эн-



ди ўзим ҳам хафаман, ҳамма пичанларим чириб кетмаса яхши эди, деб хавотирдаман. Яхшиси, озгина кутсам бўларкан. И-я, бу қанақа гап? Фрак кийиб келибсизми! Манови янгиликни қаранг! Балга бораяпсизми? Дарвоқи, ҳуснингизга ҳусн қўшилипти... Ростдан, нега мунча олифта бўлиб қопсиз?

Ломов (ҳаяжонланиб). Биласизми, ҳурматли Наталья Степановна... Гап шундаки, қулоқ солсангиз, илтимос қилишга жур'ат этмоқчиман... Албатта, сиз ҳайрон бўларсиз, ҳатто жаҳлингиз чиқар, лекин мен... (Четга қараб.) Жуда совуғ-а!

Наталья Степановна. Нима гап экан? (Пауза.) Хўш!

Ломов. Бўлмаса гапнинг лўндасини айтаман қўяман. Ўзингизга ҳам ма'лумки, ҳурматли Наталья Степановна, оилангизни кўпдан бери, болалигимданоқ билиш шарафига сазоворман. Менинг марҳума аммам ва у кишининг эрлари, ўзингиз ҳам биласиз, ер менга ўшалардан меросга қолган, сизнинг дадангизни ва марҳума онангизни ҳаммавақт чуқур ва самимий ҳурмат қилиб келардилар. Ломовлар авлоди блан Чубуковлар авлоди ҳаминша яқин ва дўстона муносабатда, ҳатто уёғини сўрасангиз қариндошлик муносабатида бўлиб келганлар. Бунинг устига, ўзингизга ҳам ма'лумки, менинг ерим сизнинг ерингизга келиб тақалади. Хотирангизда бўлса керак, менинг Воловья Лужки ерим сизнинг қайинзорингиз блан чегарадош.

Наталья Степановна. Кечирасиз, мен сўзингизни бўламан. Сиз «Менинг Воловья Лужки ерим» дедингиз. Нима, у ер сизникими?

Ломов. Меники...

Наталья Степановна. Ана холэс! Воловья Лужки сизники эмас, бизники бўлади!

Ломов. Йўқ, меники, ҳурматли Наталья Степановна.

Наталья Степановна. Бу менинг учун янгилик. Қаердан у ер сизники бўлиб қолди?

Ломов. Қаердан дейсизми? Мен сизнинг қайинзорингиз блан Куйган ботқоқ ўртасига бир чеккаси кириб турган Воловья Лужки тўғрисида гапираётиман.

Наталья Степановна. Хўш, ҳа, ҳа. Ўша бизники-да...

Ломов. Йўқ, сиз хато қилаяпсиз, ҳурматли Наталья Степановна, у жой меники.

Наталья Степановна. Эсингизни йигинг, Иван Васильевич! Ахир у ер қачондан бери сизники бўлиб қолди?

Ломов. Қачондан бери? Эсимни танибманки, у ер ҳамавақт бизники бўлиб келган.

Наталья Степановна. Э, кечирасиз, бу, қаёқдаги гап!

Ломов. Қоғозларидан ҳам аниқ кўриниб турипти-ку, ҳурматли Наталья Степановна. Воловьи Лужки бир вақтлари баҳсли масала бўлган; бу — рост гап; лекин ҳозир унинг меникилиги ҳаммага маълум ва равшан. Ҳатто, буерда баҳсга ҳам ҳожат йўқ. Ўзингиз ўйлаб кўринг, амманинг бувиси ана шу Воловьи Лужкининг муддатсиз ва бепул фойдаланиш учун сизнинг дадангиз бувасининг деҳқонларига берган, улар эса бунинг бадалига менинг аммамга гишт пишириб беришган. Дадангиз бувасининг деҳқонлари бўлса ана шу Лужкидан қирқ йил мобайнида текинга фойдаланиб келдилар ва ўзлариники деб ҳисоблашга ўрганиб кетганлар. Кейинчалик, низом чиққанда...

Наталья Степановна. Сра бунақа эмас, сиз айтгандек ҳам бўлмаган! Менинг бувам ҳам, бувамнинг буваси ҳам ўз ерларининг Куйган ботқоққа келиб тақалган деб ҳисоблаганлар, — демак шундан маълумки, Воловьи Лужки бизники эди. Буерда нимани баҳслашиб ўтирибсиз, ҳайронман? Сра ақлим етмайди!

Ломов. Наталья Степановна, мен сизга қоғозини кўрсатай бўлмасам.

Наталья Степановна. Йўқ, сиз мен блан ҳазиллашаяпсиз, ёки мазах қилиб, кулаяпсиз... Топган гапингизни қаранг-а! Уч юз йилдан буён ўша ернинг эгасимиз-у, бугун келиб, ер сизники эмас, деб айтишса! Иван Васильевич, кечирасиз, мен ҳатто ўз қулоқларимга ишонмай қолдим... Бу Лужкининг менга бир пақирлик қиммати йўқ. Йиғиштириб келганда у жой беш десятина чиқар, баҳоси ҳам арзимаган уч юз сўмдан ошмайди, аммо, мени адолатсизлик хафа қилаяпти. Нима десангиз денг, лекин адолатсизликка асло тоқат қилолмайман.

Ломов. Утиниб сўрайман сиздан, сўзларимга қулоқ беринг! Дадангиз бувасининг деҳқонлари, боя айтиш шарафига сазовор бўлганимдек, менинг аммамнинг бувиси учун гишт пишириб беришган. Аммамнинг бувиси уларга яхшилик қиламан деб...

Наталья Степановна. Бува, буви, амма... мен ҳечнарсa тушунолмаймам! Лужки бизники, вассалом.

Ломов. Меники.

Наталья Степановна. Бизники! Менга деса икки кун исботланг, истасангиз ўн бешта фрак кийиб келинг, барибир Лужки бизники, бизники дедим бизники!.. Сизникини олишни, ўзимникини йўқотишни истамайман... Қўлингиздан нима келса шуни қилинг!

Ломов. Наталья Степановна, менга ҳечқанақа Лужкининг кераги йўқ, аммо мен учун принцип қиммат. Агар истасангиз, марҳамат қилинг, мен сизга уни ҳад'я этаман.

Наталья Степановна. Менинг ўзим сизга уни тақдим қилишим мумкин, у меники!... Бу гапларингиз жуда галати-я, Иван Васильевич! Шу маҳалгача сизни энг яхши қўшнимиз, дўстимиз деб ҳисоблардик, ўтган йили молотилкамизни бериб турдик, шунинг оқибатида ўзимизнинг донимиз қарийб ноябрьга бориб янчиб бўлинди. Сиз эса, биз блан худди лўлилар блан муомала қилгандек гаплашаётибсиз. Менга ўз еримни тақдим қилмоқчисиз! Кечирасиз, бу қўшнилари ўртасида бўладиган муомала эмас! Менимча, уёғини сўрасангиз, бу сурбетлик...

Ломов. Бундан чиқдики, сизча мен зўравон эканман-да? Хоним, мен ҳечқачон бировларнинг ерини зўрлик блан тортиб олган эмасман ва менга бундай айб тўнқашга ҳечкимга йўл бермайман... (*Тез юриб графин олдига бориб, сув қуйиб ичади.*) Воловьи Лужки меники!

Наталья Степановна. Бекор айтибсиз, бизники!

Ломов. Меники!

Наталья Степановна. Потўгри! Мен сизга исботлаб бераман! Шу бугуноқ ўроқчиларимни ўша Лужкига чиқариб юбораман!

Ломов. Нима дейсиз?

Наталья Степановна. Менинг ўроқчиларим шу бугуноқ ўша ерда бўлишади!

Ломов. Мен уларнинг елкасига муштлаб, қуваман!

Наталья Степановна. Ҳақингиз йўқ.

Ломов (*юрагини чангаллаб*). Воловьи Лужки меники! Билдингизми? Меники!

Наталья Степановна. Марҳамат қилиб, бақирманг! Жаҳлингиз чиқаётган бўлса, уйингизга бориб,

хирилланг, бақиринг, буерда ўзингизни одоб доирасида тутишингизни сўрайман!

Ломов. Агар, ҳоним, манави даҳшатли, мени азоблаётган юрак уйноғи бўлмаганда, чакка томирларим лорсиллаб уриб турмаганда мен сиз блан бошқача гаплашиб қўярдим! (Бақиради.) Воловья Лужки меники!

Наталья Степановна. Бизники!

Ломов. Меники!

Наталья Степановна. Бизники!

Ломов. Меники!

#### IV

#### Ушалар ва Чубуков

Чубуков (киради). Нима гап? Нима тўғрида бақиришяпсизлар?

Наталья Степановна. Дадажон, марҳамат қилиб, манави жанобга тушунтириб бергин, Воловья Лужки кимнинг ери: униками ё бизникими?

Чубуков (Ломовга). Қарағим, Лужки бизники!

Ломов. Худо хайрингизни берсин, Степан Степанич, айтинг, қаёқдан у сизники бўлиб қолди? Ҳеч бўлмаса, сиз гапга тушунинг. Менинг аммамнинг бувиси бу Лужкини бувангизнинг деҳқонларига омонат, бепул фойдаланиш учун берган эдилар. Деҳқонлар бўлса ана шу мазкур ердан қирқ йил мобайнида фойдаланиб келдилар ва уни ўзлариники деб ҳисоблашга ўрганиб кетдилар, кейинчалик низом чиққанда...

Чубуков. Менга қаранг, азизим... Сиз шуну унутаяпсизки, худди деҳқонлар сизнинг бувингизга ҳечнима тўлаган эмаслар, ва шунга ўхшашлар, чунки ўша маҳалда, Лужкининг ўзи ҳал этилмаган масала эди, ҳоказо... Мана энди ит ҳам биладикки, худди, Лужки бизники бўлади. Бундан чиқди, сиз ҳали планни кўрмаган экансиз-да!

Ломов. У меники, сизга буни исбот қилиб бераман!

Чубуков. Севгилим, исботлаб беролмайсиз.

Ломов. Албатта, исботлаб бераман!

Чубуков. Гавҳарим, бундай бақирининг нима кераги бор? Бақирини блан, худди шундай, ҳеч нарсаини исботлаб беролмайсиз. Мен сизникини истамайман, ўзиникини ҳам бировга бермайман. Нима сабабдан берай? Агар гап шунда бўладиган бўлса, азизим, сиз Лужкини талашадиган бўлсангиз ва ҳоказо, мен уни сизга берган-

дан кўра, яхшиси мужикларга ҳад'я қилиб юбораман. Гап шу!

Ломов. Тушунаолмадим! Бировнинг ерини ҳад'я қилишга қандай ҳақингиз бор?

Чубуков. Ҳақим борми, йўқми, бу менинг ишим. Худди шундай, йигитча, мен блан кишиларнинг ана шундай гаплашишга сра ўрганган эмасман ва ҳоказо. Мен, йигитча, сиздан икки баравар каттаман, шу туфайли мен блан қизишмай сўзлашишингизни сўрайман ва шунга ўхшашлар.

Ломов. Йўқ, сиз мени тентак деб ўйлаяпсиз, мазах қилиб кулаяпсиз! Бунинг устига еримни ўзингизники қилиб олиб, хотиржам ўтиришимни, сиз блан бамайлихотир гаплашишимни истайсиз! Яхши кўшнилар бундай қилмайди, Степан Степанич! Сиз кўшни эмас, зўравонсиз!

Чубуков. Нима дедингиз? Қани қайтаринг-чи?

Наталья Степановна. Дада, Лужкига ҳозироқ ўроқчиларни жўнат!

Чубуков (Ломовга). Нима деб айтдингиз, ҳурматли жаноб?

Наталья Степановна. Воловьи Лужки бизники, мен уни ҳечкимга бермайман, бермайман дедим бермайман!

Ломов. Кўрамиз ҳали! Мен сизларга суд орқали ўзимники эканини исботлаб бераман.

Чубуков. Суд орқали? Судга ҳам беришингиз мумкин, ҳурматли жаноб ва шунга ўхшашлар! Бераверинг! Мен сизни яхши биламан, сиз шунақа, бирор ҳодиса бўлса-ю, судлашсам деб кутиб юрадиган одамсиз ва ҳоказо... Турган-битганингиз фиқу фасод! Бутун аждодингиз судбозликни яхши кўрарди! Ҳаммаси шунақа эди!

Ломов. Менинг аждодимни ҳақорат қилмаслигингизни сўрайман? Ломовлар аждодининг ҳаммаси софли одамлар эди, улар ичида биронта ҳам худди сизнинг амакингизга ўхшаб, растрат қилиб, судга тушганлар йўқ ва бунақаси чиқмаган!

Чубуков. Сизнинг бутун Ломовлар аждодингиз ақдан озганлар эди!

Наталья Степановна. Ҳаммаси, ҳаммаси, ҳаммаси!

Чубуков. Сизнинг бувангиз ўлардай ичарди, кичик аммангизчи, Настасья Михайловна, худди шундай, архитектор блан қочиб кетган ва ҳоказо...

Ломов. Сизнинг онангиз букир эди. (Юрагини чангаллиб олади.) Биқиним санчиб кетди. Бошим айланади... Э, худойим!.. Сув беринглар!

Чубуков. Дадангиз-чи, картабоз ҳамда мечкай эди.

Наталья Степановна. Аммасини айтмайсизми, шундай чақимчи эдики, сра нарёғи йўқ!

Ломов. Чап оёғим қотиб қолди... Сиз маккор фитначисиз... Вой юрагим... Сизнинг сайлов олдидан ҳалиги... қилганингиз ҳечкимга сир эмас... Кўзларимдан ўт чиқиб кетаяпти... Шляпам қанийкин?

Наталья Степановна. Тубанлик бу! Муттаҳамлик! Разиллик!

Чубуков. Сиз маккор, иккиюзлама, ифвогар одам-сиз! Худди шундай! Ҳа!

Ломов. Мана-ку, шляпам... Юрагим... Қаёққа юрай? Эшик қаерда? Оҳ!.. Назаримда жоним чиқай деяпти... Оёқларим судралади... (Эшик томон юради.)

Чубуков (унинг орқасидан). Менинг уйимга иккинчи қадам босманг!

Наталья Степановна. Судга бераверинг! Кўрамиз!

Ломов гандираклаб чиқиб кетади.

## V

Чубуков ва Наталья Степановна.

Чубуков. Э, қораси ўчсин! (Ҳаяжон блан юрабошлайди.)

Наталья Степановна. Қандай ярамас одам-а? Мана шундан кейин ҳам яхши қўшниларга ишониб кўр!

Чубуков. Аблаҳ! Полизга қўйилган қўриқчи!

Наталья Степановна. Бесўнақай нусха! Бировнинг ерини ўзиники қилиб олиб, яна уялмай-нетмай жанжаллашишига бало борми!

Чубуков. Ана шу ажина, худди шу, шунақа, итнинг кейинги оёғи, менинг ёнимга илтимос блан келишга ботинипти ва ҳоказо! Ҳа? Илтимос блан-а!

Наталья Степановна. Қандай илтимос блан?

Чубуков. Қандай бўларди. Атайлаб кепти. Сени беришимни илтимос қилиб келипти.

Наталья Степановна. Атайлаб кепти! Мени деб-а? Нимага менга аввалроқ айтмадинг?

Чубуков. Шунинг учун франк кийипти-да! Хўппа семиз, галамис!

Наталья Степановна. Мени деб? Атайлаб таклиф блан? Оҳ! (*Креслога ўзини ташлаб, инграйди.*) Қайтаринг! Қайтаринг! Оҳ! Қайтаринглар!

Чубуков. Ким қайтарилсин?

Наталья Степановна. Тезроқ, тез! Беҳуд бўлиб кетаяпман! Қайтарилсин (*Жазаваси тугади.*)

Чубуков. Тинчликми ўзи? Нима керак сенга? (*Бошини чангаалаб.*) Мен дун'ёда энг бахтсиз одамман! Ўзимни-ўзим отиб ташлайман! Осиб ўлдираман! Жонимга тегдиларинг!

Наталья Степановна. Улай деяпман! Қайтарилсин!

Чубуков. Тфу! Ҳозир! Бўкирма! (*Югуриб чиқиб кетади.*)

Наталья Степановна (*ёлғиз, инграйди*). Нима қилиб қўйдик-а? Қайтаринглар! Қайтаринглар!

Чубуков (*чоғиб киради*). Ҳозир келади ва ҳоказо, э, жин урсин уни! Уф! Энди у блан ўзинг сўзлаш, мен, худди шундай, гаплашишни истамайман...

Наталья Степановна (*инграйди*). Қайтаринглар!

Чубуков (*қиққиради*). Қайтиб келаяпти, деб айта-япман-ку. О, худойим, бўйи етган қизнинг отаси бўлиш қандай кўргулик-а! Ўзимни-ўзим сўйиб ташлайман! Албатта, ўзимни сўяман! Қишини бекордан-бекорга сўкиб, шарманда қилиб, кейин ҳайдаб чиқариб, яна буларнинг ҳаммасини сен қилдинг... сен!

Наталья Степановна. Йўқ, сен!

Чубуков. Мен айблорман, худди шу! (*Остонада Ломов кўринади.*) У блан ўзинг гаплашавер! (*Чиқиб кетади.*)

## VI

Наталья Степановна ва Ломов.

Ломов (*киради, жуда ҳолдан тойган*). Даҳшатли юрак ўйноғи... Оёқларим қотиб қолди... Биқиним санча-япти...

Наталья Степановна. Иван Васильевич, кечиринг, биз сал қизишиб кетдик... Менинг эсимга тушди: чиндан ҳам Воловья Лужки сизники эди.

Ломов. Юрагим қинидан чиқиб кетай деяпти... Лужки меники... Иккала кўзим ҳам тиниб кетди...

Наталья Степановна. Сизники, Лужки сизники... Утиринг... (*Утирадилар.*) Биз ноҳақ эканмиз.

Ломов. Мен принцип юзасидан шундай қилдим... Менга ер эмас принцип қиммат...

Наталья Степановна. Худди принцип керак... Келинг, энди бошқа нарса тўғрисида сўзлашайлик.

Ломов. Ахир, бунга менда далил бор. Менинг аммамнинг бувиси сизнинг дадангизнинг буваси деҳқонларига ана шу...

Наталья Степановна. Бўлди, бўлди, энди бу ҳақда гапирмайлик. (*Четга.*) Ҳайронман, гапни нимадан бошласам экан... (*Унга.*) Овга қачон чиқмоқчисиз?

Ломов. Ҳурматли Наталья Степановна, қур овига ўрим-йирғимни тамомлагандан сўнг чиқсак деб турибман. Эҳ, сиз эшитдингизми? Мен қандай бахтсизликка учрадим. Кўз олдингизга келтиринг-а! Менинг Угадайим, ўзингиз ҳам кўргансиз, оқсаб қолди.

Наталья Степановна. Эсизгина-я! Нима қилди?

Ломов. Билолмадим... Эҳтимол оёғи чиққан, ёки бошқа итлар тишлаб олгандир... (*Уҳ торгади.*) Пули-ку майли-я, гапирмай кўяқолай, ўзи жуда яхши ит эди! Ахир мен Мироновдан 125 сўмга олгандим.

Наталья Степановна. Иван Васильевич, ортиқ тўлаб юборгансиз.

Ломов. Назаримда жудаям арзонга тушириб олганман. Бундан яхши ит бўлмайди ўзи.

Наталья Степановна. Дадам ўзларининг Откатайлари учун 85 сўм тўладилар, Откатайнинг сизнинг Угадайингиздан ўлса ўлиги ортиқ!

Ломов. Угадайдан Откатай яхши дейсизми? Э, сизни қаранг-у! (*Қулади.*) Откатай Угадайдан яхши эмиш!

Наталья Степановна. Албатта, яхши-да! Тўғри, Откатай ҳали ёшроқ, тўла етилгани йўқ, лекин шунга қарамай, эпчилликда ҳам, олғирликда ҳам унга тенг келадиган ит йўқ. Бунақаси ҳатто Волчанецскийда ҳам топилмайди.

Ломов. Шошманг, ҳурматли Наталья Степановна, сиз унинг пастки жағи устки жағидан калтароқ эканини



унутиб қўйибсиз, бундай итлар одатда олгир, овни яхши оладиган бўлмайди!

Наталья Степановна. Бу нима деганингиз? Биринчи марта эшитишим!

Ломов. Ишонтириб айтаманки, итингизининг пастки жағи устки жағига нисбатан калта.

Наталья Степановна. Сиз уни ўлчаб кўрдингизми?

Ломов. Ўлчаб кўрдим. Қувишда-ку, пича тузук-а, лекин ушлаб олишга келганда, бир нарса дейиш қийин...

Наталья Степановна. Шунга айтайки, бизнинг Откатай зотдор, юнглари қалин, у Запрягай блан Стамез-кадан туғилган, сизнинг олабўжи-сариқ маймунингиз зотини билиб ҳам бўлмайди... Бунинг устига ўлардай қари ҳамда кўтир отдек нимжон...

Ломов. Кексайиб қолган, лекин Откатайингиз каби итларнинг бештасига бермайман... Тавба, шу ҳам гапми? Угадай — асл ит, Откатайингиз бўлса... Ҳатто у ҳақда баҳслашиб ўтириш кулгили нарса... Сизнинг Откатайингиз каби итлар този сақлайдиган ҳарқандай овчида ачиб-бижиб ётипти. Баҳоси ҳам жуда ошириб юборганда йигирма беш сўмга етиб бормайди.

Наталья Степановна. Иван Васильевич, бугун сиз блан сра гаплашиб бўлмайди, аллақандай қайсарлик шайтони елкангизга миниб олипти. Боягина Лужки меники деб оёқ тираб олган эдингиз, энди бўлса Откатайдан Угадай яхши деган гап чиқардингиз. Кўнгилдаги буёқда қолиб, бошқа нарса гапирган кишини жиним севмайди. Ахир, ўзингиз ҳам жуда яхши биласизки, Откатай сизнинг анави бемаза Угадайингиздан юз марта яхши. Тескарисини айтишнинг нима кераги бор.

Ломов. Наталья Степановна, сиз мени ё кўр, ёки тентак деб ҳисоблаётганингиз аниқ кўришиб турипти. Тушунсангиз-чи, ахир Откатайингизининг пастки жағи устки жағига қараганда анча калта!

Наталья Степановна. Нотўғри.

Ломов. Худди шундай.

Наталья Степановна (бақиради). Тўғримас!

Ломов. Нимага бақирасиз, хоним?

Наталья Степановна. Бўлмаса нега йўқ ерданга гапни айтасиз? Бунга чидаб бўладими! Сизнинг Угадайингизни аллақачон отиб ташлаш фурсати етган, сиз бўлсангиз уни Откатайга тенглаштириб ўтирибсиз!

Л о м о в. Кечирасиз, мен бу баҳсни давом этдиrol-майман. Менинг юрак ўйноғим яна бошланди.

Н а т а л ь я С т е п а н о в н а. Мен шу нарсани яхши сезиб олдимки, ҳеч балони билмайдиган овчилар ҳаммадан кўра кўпроқ баҳслашар эканлар.

Л о м о в. Хоним, ўтинаман сиздан, бас қилинг... Юрагим қинидан чиқиб кетай деяпти... (*Бақиради.*) Бас дейман.

Н а т а л ь я С т е п а н о в н а. Бизнинг Откатайимизни сизнинг Угадайингиздан юз марта яхши демагунингизча мен жим бўлмайман!

Л о м о в. Юз мартаба ёмон! Улиб кетсин ўша Откатайингиз! Чаккам... кўзим... елкам...

Н а т а л ь я С т е п а н о в н а. Сизнинг расво Угадайингизнинг бўлса, ҳатто ўладиган турқи ҳам қолмаган; аллақачон ўлакса бўлиб қолган.

Л о м о в (*йиғлайди*). Бас дейман! Ҳозир юрагим ёрилиб кетади!!

Н а т а л ь я С т е п а н о в н а. Жим бўлмайман!

## VII

### Ушалар ва Чубуков

Ч у б у к о в (*киради*). Яна нима жанжал?

Н а т а л ь я С т е п а н о в н а. Дадажон, виждонан, ростини айт: кимнинг ити яхши — бизнинг Откатайми, ёки унинг Угадайими?

Л о м о в. Степан Степанович, ўтинаман сиздан, ёлғиз биргина сўз денг: сизнинг Откатайингизнинг пастки жағи устки жағига қараганда калтами ё йўқми? Айтинг, ҳа ё йўқ?

Ч у б у к о в. Хўш, шундай бўлса нима қипти? Гап бунда эмас-ку! Уёғини сўрасангиз, бундан яхши итни бутун уездимиздан тополмайсиз ва ҳоказо.

Л о м о в. Ахир менинг Угадайим ундан яхши эмасми? Виждонан гапиринг!

Ч у б у к о в. Ўзингизни босиб олинг, азизим... Менга қаранг... Сизнинг Угадайингиз, худди шу, чиндан ҳам бирмунча яхши сифатларга эга... У зотдор, оёқлари, сони бақувват, мақтагудек ва ҳозако. Лекин билишни истангиз айтай, бу итда, гўзалим, иккита асосий камчилик бор: қариб қолган ҳамда тумшуғи калта.

Л о м о в. Кечирасиз, юрагим ўйнаб кетаяпти... Қани бўлмаса, фактларга мурожаат қилайлик... Хотирангизда бордир, Маруськинлар майсазориди менинг Угадайим графнинг Размахайи блан қулоғи қулоғи блан баравар ёнма-ён борган эди, сизнинг Откатайингиз бўлса қарийб бир чақирим орқада қолиб кетганди.

Ч у б у к о в. Орқада қолди, чунки уни графнинг ит боқучилари бошлиғи қамчи блан урганди.

Л о м о в. Бекорга урмаган, албатта. Ҳамма итлар тулки кетидан кетганда сизнинг Откатайингиз қўйига ёпишиб қолган эди!

Ч у б у к о в. Ундаймас!.. Қўзим, мен жаҳли тез одамман, худди шу, илтимос қиламан, баҳсни тўхтатайлик. У шунинг учун урдик, бировнинг итига ҳамманинг ҳаваси келади... Ҳа-ҳа! Ҳаммаси ҳасадчи! Сиз ҳам жаноб, бундан мустасно эмассиз! Дарров, худди шу, бировнинг ити салгина сизнинг Угадайингиздан дурустроқ чиқиб қолганини сезсангиз, шу заҳоти ҳалиги... шунга ўхшашлар.. Ахир ҳаммаси менинг эсимда!

Л о м о в. Менинг ҳам эсимда!

Ч у б у к о в (масхара қилиб). Менинг ҳам эсимда... Хўш, нима сизнинг эсингизда?

Л о м о в. Юрак ўйноғи... Оёғим қотиб қолди... Мажолим йўқ.

Н а т а л ь я С т е п а н о в н а (масхара қилиб). Юрак ўйноғи... Сиз ҳам овчими-а? Сизга тулки овлашдан кўра ошхонага кириб, печь устида сувараклар ўлдириб ётиш керак! Юрак ўйноғи...

Ч у б у к о в. Ростдан ҳам, сиздан овчи чиқадими? Сизга, худди шу, юрак ўйноғи бўлганингиз учун эгарда эмас, уйда ўтиришингиз керак. Тузуккина ов қилсангиз ҳам майли эди-я, сиз фақат баҳслашгани ва бошқаларнинг итларига халақит бергани борасиз ва ҳоказо. Мен жаҳли тез одамман, келинг, бу ҳақда гапни тўхтатайлик. Умуман сиз, худди шу, овчи эмассиз!

Л о м о в. Сиз-чи, сиз овчими? Сиз овга фақат графга хушомадгўйлик қилгани ва фитна тўқигани борасиз... Юрагим!.. Фитначисиз!

Ч у б у к о в. Нима? Мен фитначими? (Бақиради.) Овозингни ўчир!

Л о м о в. Фитначи!

Ч у б у к о в. Гўдак! Итвачча!

Л о м о в. Қари каламуш! Мунофиқ!

Чубуков. Оғзингни юм, йўқса ёмон милтиқ блан худди какликдек отиб ташлайман! Мақтанчоқ!

Ломов. Ҳаммага ҳам ма'лумки, ҳалиги, оҳ юрагим!— Марҳума хотинингиз сизни тутиб олиб урарди... Оёғим... чаккам... учқунлар... йиқилиб тушай деяпман, йиқилиб кетаман!..

Чубуков. Сен эса хизматкоринг исканжасидан чиқмайсан!

Ломов. Мана, мана, мана... Юрагим ёрилди! Елкамдан жон чиқди... Елкам қани? Улаяпман! (*Креслога йиқилади.*) Докторни чақиринглар! (*Ҳушидан кетади.*)

Чубуков. Гўдак! Сутдан чиқмаган! Мақтанчоқ! Бошим айланади! (*Сув ичади.*) Мазам қочди!

Наталья Степановна. Сиз ҳам овчиман деб юрибсиз-да? Ахир отга минишни билмайсиз-ку! (*Дада-сига*). Дада, унга нима қилди! Дада! Қара, дада! (*Чи-йиллайди.*) Иван Васильевич! Улиб қоптию!

Чубуков. Мазам қочди! Нафасим сиқилиб кетаяпти!.. Ҳаво керак!

Наталья Степановна. Улиб қопти! (*Ломовнинг энгидан тортади.*) Иван Васильевич! Иван Васильевич! Нима қилиб қўйдик биз! Улди! (*Креслога ўзини ташлайди.*) Доктор чақирин керак, докторни! (*Жазаваси тутади.*)

Чубуков. Оҳ... Нима бўлди? Сен нима дейсан?

Наталья Степановна (*инграйди*). У ўлди!.. Улди!

Чубуков. Ким ўлди? (*Ломовга қарайди.*) Чиндан ҳам ўлиб қопти-ку! Вой худойим! Доктор чақирилсин! (*Ломов лабига сувли стакан тутади.*) Ичинг!.. Йўқ, ичмайди ҳам... Демак ўлипти ва шунга ўхшаш... Қандай бахтсиз одамман-а! Нега ўзимни-ўзим пешонамдан отиб ташламайман? Нима сабабдан шу маҳалгача ўзимни сўймадим? Нимани кутиб ўтирибман? Менга пичоқ беринглар! Пистолет беринглар! (*Ломов қимирлайди.*) Тирилаяпти шекилли... Сувни ичинг... Ҳа, дуруст.

Ломов. Учқунлар... туман... Қаердаман ўзим?

Чубуков. Тезроқ уйланинг қўйинг, э жип урсин сизларни! Қизим рози! (*Ломов блан қизининг қўлини бирлаштиради.*) У рози ва шунга ўхшашлар. Қўшақаринглар ва ҳоказо. Фақат мени тиш қўйинглар!

Ломов. А? Нима? (*Ўрнидан туради.*) Кимга?

Чубуков. Қизим рози деяпман! Қани ўпишинглар ва... жин урсин сизларни!

Наталья Степановна (*инграйди*). У тирик...  
Ҳа, ҳа, мен розиман...

Чубуков. Упишинглар!

Ломов. А? Ким блан? (*Наталья Степановна блан ўпишади.*) Жуда соз... Менга қаранг, нима гап ўзи? Аҳ, ҳа, энди тушундим... Юрагим... учқунлар... Наталья Степановна мен бахтиёрман... (*Унинг қўлини ўпади.*) Оёқларим қотиб қолди...

Наталья Степановна. Мен... мен ҳам бахтиёрман...

Чубуков. Уф! Устимдан тоғ тушгандай бўлди...

Наталья Степановна. Лекин... энди иқрор бўлинг: Угадайингиз Откатайдан ёмон.

Ломов. Яхши!

Наталья Степановна. Ёмон!

Чубуков. Мана оилавий бахтиёр ҳаёт бошланди!  
Шампанское келтиринг!

Ломов. Яхши.

Наталья Степановна. Ёмон! Ёмон! Ёмон!

Чубуков (*иккаласининг ҳам овозини босишга тиришиб*). Шампанское дейман! Шампанское!

(ПАРДА)

1888 - 1889

В. Ермилов

## АНТОН ПАВЛОВИЧ ЧЕХОВ

Антон Павлович Чехов халқимизнинг ва бутун илғор инсониятнинг жуда севикли ёзучиларидан бирidir.

Чехов 1860 йилда Таганрогда туғилди. Унинг отаси баққол бўлиб, савдо-сотиқ ишларида ношудлиги туфайли синиб, фақирликда қолган эди. Туппа-тузук кун кечириб келган каттагина Чеховлар оиласи қашшоқликка тушиб қолгач, ўн олти яшар Антоша ўзини боқишга, ўқиш учун гимназия пулини тўлашга ва оилага ҳам қарашиб туришга мажбур бўлди. Чеховлар оиласи Москвага кўчиб келиб, Антон Павлович медицина факультетига киргач, оилани боқиш унинг гарданига тушди. У ҳажвий журналларга майда ҳикоялар ёзиб турди.

Ёзучини тарбиялаб етиштирган 80-нчи йиллар Россия тарихида «мусибатли», реакциянинг дағал ва беҳаё тантанаси даври ҳисобланади. У давр — ўтиш даври бўлиб, народниклик тамомила ҳалокатга учраган, марксизм ва ишчилар синфининг революцион ҳаракати эса етилиб келаётган, буюк тарихий жангларга тайёрланаётган эди.

Народникларнинг деҳқонларни ўзларига эргаштириб бориш йўлидаги уринишларидан ҳечқандай натижа чиқмади, чунки улар реал ҳаётни, деҳқонларнинг эҳтиёж ва талабларини яхши билмас ва тушунмас эдилар. Народникларнинг халқ ёрдамидан ташқари, ёлғиз ўз кучлари билан самодержавиега қарши курашишга уринишлари ҳам муваффақиятсизликка маҳкум эди. 1881 йилнинг 1 мартда «Народная воля» номли махфий жамият қатнашчилари Александр II ни ўлдирди ва шу билан революцион народниклик ҳаракати тугади. Бундан кейин народниклик разолат йўлига кирди, мавжуд қабих воқеликка мослашиш зарурлигини тарғиб қилучи либерал-кулаklar партиясига айланабordi. Реакция подшонинг ўлдирилиши муносабати билан мамлакатда террор режимини ўрнатди.

Шу даврнинг манзарасини тасвир қилиб, Ленин бундай деган эди: «... революционерлар 1-нчи мартдан нарига ўтаолмадилар, ишчилар синфи орасида на кенг бир ҳаракат ва на муस्ताҳкам бир ташкилот бор эди, либераллар жамоатининг бу гал ҳам сиёсий жиҳатдан шу қадар ҳом эканликлари маълум бўлдики, улар Александр II ўлдирилгандан кейин ҳам фақат илтимос қилиш билан кифояландилар»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> В. И. Ленин, Асарлар, 5 том, 46 бет, Ўздавнашр.

одамлар бўлади». Ҳикоянинг яна қандай шўх, завқли мотив блан туғашини айтмайсизми!

Узоқ айрилиқдан сўнг Надя бирнеча кунга ўзи туғилиб ўсган шаҳарга келади. У «боғ оралаб, кўчалар бўйлаб юрди, уйларга, нурсиз деворларга боқди, шунда назарида, шаҳарда ҳамма нарса кексайиб қолган, пугурдан кетган ва ҳамма нарса фақат новқирон, янги бир нарсанинг охириними, бошланишиними кутаётгандай бўлиб туйилди. О, қани энди ана шу янги, порлоқ ҳаёт тезроқ бўлақолса, шунда киши ўз тақдирига тик ва дадил қарай оларди, ўзини ҳақ деб таний оларди, хушчақчақ, озод бўларди! Эртами-кеч шундай ҳаёт бўлади!.. Шу пайт унинг қаршисида янги, кенг, эркин ҳаёт манзараси гавдаланди ва ҳали ноаниқ, тамомила сирли бу ҳаёт уни жалб этиб, ошифта қилди.

Ёзучининг цензурә шароитига кўра, Аня блан Надянинг ватан озодлиги ва бахт-саодати учун революцион курашга йўл олганликларини айтаолмаганлиги китобхон блан тамошабинга тамомила равшан эди. В. В. Вересаев Горький ҳузурида «Қайлиқ» ҳикояси ўқилган вақтда ҳатто кичкина мунозара бўлиб ўтганини хотирлайди: Вересаевнинг «қизлар революцияга бу тариқа бормайдилар» деб қилган танқидига, Чехов: «Унга олиб борадиган йўллар турлича бўлади»<sup>1</sup> деб жавоб берган.

Китобхон унинг қаршисида, ҳаётни буриб юбориш учун, бутун ватанин боғи-бўстонга айлантириш учун кураш йўлига кирган рус қизининг ажойиб образи гавдаланганлигини тушунамаслиги мумкин эмас эди. «Энг муҳими — ҳаётни буриб юборишдир, бошқа ҳеч нарсанинг ҳожати йўқ», дейди Саша.

Унинг қаҳрамонлари қаторида Чеховнинг ўзига ҳам «ҳамма нарса кексайиб қолган, пугурдан кетган» ва ҳамма нарса фақат «новқирон, янги бир нарсанинг бошланишини» кутаётгандай бўлиб туйилди. Шунинг учун у ўтмиш блан ёшларга хос жўшқин қувончга тўлиб хайрлашди. «Олчазор»нинг охирида ёш Анянинг, новқирон Россиянинг, Чеховнинг: «Хайр, эски турмуш!» деган овози жаранглаб эшитилади.

Аня блан Надянинг образлари новқирон ватаниннинг жозибадор образига қўшилишиб кетади. «Салом, янги турмуш!» — «Олчазор»да янграган бу сўзлар Чеховнинг Пушкинча айтилган, ватаниннинг эртанги кунига — унинг озодлик, шон-шавкат ва бахтга сазовор бўладиган кунига қаратилган охириги сўзлари — қувончли саломи эди.

Чехов ана шу қувончли кунгача яшай олмади. 1904 йил 15(2) июльда у вафот қилди.

Унинг ижодиёти янги, бахтли ҳаёт учун курашда халққа ёрдам берди; шунинг учун ҳам гўзал коммунистик жамият қуручилари унинг ижодини қизгин севадилар.

---

<sup>1</sup> В. Вересаев. Воспоминания, стр. 501. М.—Л., Гослитиздат. 1946.